

Шарқ юлдузи

Адабий-бадний, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Сирожиддин Саййид
Муҳаммад Али
Кенгесбой Каримов
Иқбол Мирзо
Қаҳрамон Куронбоев
Минҳожиддин Мирзо
Жумакул Курбонов
Фармон Тошев
Исажон Султон

Хайриддин Султонов
Маҳмуд Тоир
Гулистон Матёкубова
Шерзод Ирзоев
Нурбой Жабборов
Тоштемир Турдиев
Шухрат Маткаримов
Адҳамбек Алимбеков
Жамолиддин Муслим

Бош муҳаррир – Сирожиддин Рауф

Бош муҳаррир ўринбосари – Азиз Саид

Масъул котиб – Дилором Муротова

Назм бўлими мудири – Икром Отамурод

Наср бўлими мудири – Саид Анвар

Адабиётшунослик бўлими мудири – Ориф Ҳожи



УШБУ СОНДА:

НАЗМ

Гавҳар ИБОДУЛЛАЕВА

Тожмаҳал




Ўтди неча замон, неча бир фасл,
Қутлуғ бир сабоқни сўйлаб турар у.
Ишқи йўқлар учун бир нафас тинмай
Мангу муҳаббатдан куйлаб турар у.

Тожмаҳал – дилларнинг пок саждагоҳи,
Қаршингда тиз чўқар ўзин билган зот.
Тожмаҳал – заминга қўмилган орзу,
Тожмаҳал – осмонга санчилган фарёд!

ШАФАҚҚУР ШОМСИЛАРИ

Тўлқин МУҲИДДИН



*Ҳулиқ уфқи лабзи ҳалол инсонлардагина
унади*

* Нигоҳингизни бугунга эмас эртага қаратинг, бугун ўтиб бўлаяпти, эрта эса энди келяпти.

* Маънавият осмонидаги ҳар бир ёруғ юлдуз жамият устунини бақувват, умрбоқий қилади.

* Мевали дарахтга отилган тош сингари кўнгли очик одамлар ҳам кўп озор чекишади. Барибир уларнинг умри мазмунли ва ибратлидир.

* Ғирром одамнинг умри ғафлатда ўтади.

НАСР

Исҳоқ ИСМОИЛОВ

ЎМФИРИИ ҚУН

Ҳикоя



Шундай ўйлар оғушида йўлнинг ярмини ортда қолдирди. Тонг аста ёришиб, уфқ томондаги қирларнинг елкалари тобора яққолроқ кўрина бошлади. Илонжарга яқинлашиб қолди. Бозор йўли шу жарнинг ёқасидан тушган. Энди, бу ерда оз-моз сергак бўлиш керак. Йўрға бўлганда-ку... Оёғини узангидан олди. Беш-олти мўйсафидлар билан шу сўқмоқнинг ҳам гапи бўлганди. Йўлни олисроқ бўлсаям тепанинг нариги томонидан солиш керак, дейилган. Жар йилдан-йилга емирилиб боряпти.

Ашурали ЖЎРАЕВ

*ЮРАГИМДА БИР ҚУШ ИЙЛАЙДИ**ҳикоя*

Тилини тийиб олмаган бу айёр қуш баъзан сувга тушган тошдай жимжит бўлиб кетади. Индамайди, гўё тилдан қолган кар-соқов. Бир сўз демай юрагимни қон қилади. Шундай кезларда юрагим қафасига сиғмай, тарс ёрилиб кетай, дейди. Ахир мен унинг овозига, пайдарпай берадиган саволларига ўрганиб қолганман-да. У мени жимжитлик билан қийнайди. Мен эса қушнинг сукунатидан эзиламан, унга қўшилиб йиғлагим келади. Лекин кўзларимдан ёш чикмайди. Йиғлайвериб дийдам қотиб кетган. Ундан кўра тош юмшоқ...

*ШАРВ ЮЛДУЗИ ЖУРНАЛИНИНГ 90 МИЛЛИҒИ ОЛДИДАН*

Норқобил ЖАЛИЛ

МИЛЛАТ ОИНАСИ БУ!

Шу журналда оқ йўл тиланиб, тетапоя бўлган неча юзлаб қаламкашлар бугун ўзбек адабиётида ўз сўзини айтаяпти. Қай бирини санаб берайин. Ҳар доим фахрга тўлиб, “Шарқ юлдузи” деб ном берган инсонларни дуо қиламан. Бўлмаса, Ўзбекистонда адабий-бадиий нашрлар кўп. Қайси бир гўшага борсам, турли ёшдаги юртдошларимнинг савол-жавобларининг аксари журнал билан боғлиқ бўлади. Шундай лаҳзаларда бу ажойиб жамоанинг ҳар бир аъзосини, у оддий ходимми, мусахҳих ё бўлим мудирими, миннатдор бўлиб эслайман...



Дилором ЭРГАШЕВА

*БУ БЎСҲОН САҲНИДА**МАНИ МОЛ ҚИЛИ*
ХАТТ ЎЗРА САБОҒИНИ

Чидолмасдан кўзингни наргисига,
Қилурман арз биридан наргисига.

Гаҳи ойга, куёшга дўндир ўйинг,
Агар кирсам чаманга, гул тусига.

Сабо бирланму келди, ёр, саломинг
Димоғим тўлдирур гул баргисига.





ЭЛБЕК

...Қайғу юрагимга тўладур

Тилак йўлида

Зўр муҳитнинг денгизида мен бу кун
Ҳеч тўхтамай олға қараб бораман.
Денгиз тубсиз, қора, қўрқинч бўлсада,
Тилак учун уни қўрқмай кечаман.
Минган кемам зўр денгизга нисбатан,
Жуда кичик, жуда кучсиз кемадир.
Шундайсада, кучли муҳит денгизин
Ёриб тинмай илгарига борадир.
Мана ҳозир мен шу қўрқинч денгизнинг
Энг қутурган бир ўрнида тураман.
Менда бир вақт кўп ёзиқсиз бошларнинг
Унга чўкиб ўлганини сезаман.
Бирок, булар мени ҳеч бир қўрқитмас,
Юрган йўлдан мени ортга қайтармас.
Чунки, мендан кўп кишилар бу йўлга
Бошларини бериб қўрқмай кирганлар
Ана улар ҳозир бир-бир отлашиб,
Шу денгизни кечиб, ўтиб келарлар.
Мен ботгудай бўлсам агар шул ерда
Улар мени тезда келиб қутқарар.
Менинг бормоқ истаган ул еримга
Кўмаклашиб қўлларимдан етаклар.
Шунинг учун мен қўрқмайин кетаман,
Кўнглимдаги тилагимга етаман.

ЭЛБЕК (Машриқ Юнусов) – (1898–1939). Авлониининг “усули савтия” мактабида ўқиган.
Ижодкорнинг “Армуғон”, “Ёлқинлар”, “Кўзгу”, “Сезгилар”, “Ғунчалар”, “Шеърлар”
сингари тўпламлари нашр этилган.

Тутқун қушча

Олтиндан тўқилғон тор бир қафасда
Ётарди бир қушча доим қайғуда.
Ул ҳар кун шу ҳолда ётқоч қамалиб,
Йиғларди кўп вақт тинмай ўкуниб.
Бунинг қайғусидан хабарсиз инсон
Гўёки, бўлиб ул бунга меҳрибон,
Қафаснинг олдидан узмайин ўзин
Қушчанинг сайрашин кутиб турарди.
Қушчанинг у мунгли – ҳазин ноласи
Тутқунлик қийноғин айтиб йиғлаши
Унга кўп ёқарди, лаззат берарди,
Кувончдан ўйнаб ул тинмай куларди.
Шул чокда, бу ҳолни узоқдан бир қуш,
Кўрдида, қушчага деди: “Бойоқуш,
Сени бу тутқунга солғон сайрашинг,
Эсиздир, оқизма энди кўз ёшинг.
Бу олтин қафаслар ёлғиз сен учун,
Сенинг шул инграган бир товушинг учун,
Сенинг бу инграшинг инсонлар учун.
Кенг, тотли, ёқимли турмуш бағишлар,
Сенинг фойдангдан кўзларин юмиб,
Қачон инсофсизлар кўйиб юборар?
Қутулмоқ истасанг, сен ҳеч йиғлама,
Уларга ялинма, сира индама.
Куч тўпла, куч билан қафасни бузгил,
Қуллиқнинг олтинли бўғовин узгил!”

Йўловчига

Иссиқ, совуқ, узоқ, кўрқинч демасдан,
Очлик, сувсизликни кўзга илмасдан,
Ният билан белни қаттиқ боғлаган,
Буюк умид учун ўзни чоғлаган,
Эй йўловчи, эй эзгулик тиловчи.
Сен бос одим, отлан олға, қайғурма,
Йўл узоқ деб, умидингни ҳеч узма.
Йўл узоқдир, бироқ, умид ундадир,
Қайтмоқ эса бўшдир, қайтмай юравер.

Кўмак эт

Эй!
Нозли чечагим
Кел!
Келда, шу кўксимдаги тўлқинларни кўр,
Бок!
Эй шошқун-шошқун уриб турғон томирларимго,

Нечун ул мундай?
 Кел!
 Бир озда кулоқ сол, кўкракка бошингни қўй!
 Эшитдингми?
 Ул товуш қандай товушдур?
 Билмас эсанг, мен сенга айтай...
 У товуш –
 Севги ўтида ёнган юрагимнинг оҳ-фарёдидур.
 Ул ёнадур,
 Оловдан ўзин қутқармоқ истайдур.
 Бироқ бу мумкинми?
 Бу мумкин бўлмайтурғон нарсадир.
 Ул чиқолмайдур.
 Чикса уни четга чикормайдур.
 Бутун оғирлик гавдага юклатилмишдир.
 Шунинг учун
 Келда
 Кўмак эт!
 Кўмагинг:
 Шул қийнолғон гавдам ичида
 Ёнғон ўт тўлкунун
 Ўзингга олмоқ билан бўладур...

Соғинган чоқларда

Кўзларимдан ёшлар тўкиб телмуриб,
 Ҳам тўхтамай кеча-кундуз, оҳ, уриб:
 Ўйлайдурман малак тусли ёримни,
 Ул қорақўз жондан ортиқ жонимни.
 Ўйлоғон чоқ кўз олдимдан ўтгандек
 Бўлур унинг шамшод тусли суврати,
 Қарайдурман, суврат сари кўз очиб,
 Севинчимдан кўзларимдан ёш сочиб.
 Бироқ, унинг ул ерда йўқ эканин,
 Кўрунган ул суврат хаёл бўлганин
 Билгач, қайғу юрагимга тўладур,
 Ғам ўтидан юракларим куядур.
 Юрагимда ётган ўтқо чидолмай,
 Оҳ, урарман, бир ўрундан кўзғолмай.
 Шу ҳолимни кўруб турғон телбалар
 Куладурлар ҳолимни ҳеч онгламай.
 Майли, кулса-кулаверсин ўзгалар,
 Улар менинг қайғумни ҳеч билмаслар.
 Бордир менинг қайғумни бир билгувчи,
 Қайғум билиб, ўртоқлардан кулгувчи...

Кўзгу

Боққач, ялтироғон тиниқ кўзгуга
Тортдинг мени шул чокдаёқ ўзингга.

Кўргач сенда кўзим билан ўзимни,
Айтолмай қолдим айтар сўзимни.

Бўлмасайди агар сенинг юзинг бир,
Соқланмасди сенда бундай ҳикмат – сир.

Тонгги уйғоқлик

Билмадим, нечун менинг бу кунги кечам,
Одатдаги кечалардан ўзгарди?
Тонг отгонин билмас, юмук кўзларим,
Бу кун энди тонг олдидан очилди.
Кўрдим, боқдим, теграмдаги нарсалар
Уйкудалар ёхуд мудраб ётарлар.
Умидсизнинг кўзи каби телмурган,
Кучсиз кўнгил ўти каби милтираган,
Кўкнинг нурли юлдузлари бирма-бир
Хираланиб, сўниб-сўниб борарлар.
Қайсилари умидсизлик ҳолларин
Сездирмаслик учун бир оз илжайиб,
Менга қараб: “Улуғ қуёш сизга ҳам
Ёғдусини сочқуси!” деб айтарлар.
Буларнинг шул ярим умидли бўлиб,
Менга айтган тотли, гўзал сўзлари,
Қулоғимда кўк қалдиروғи каби
Бир оз вақт қалдиради, тўхтади.
Узун туннинг қўрқинч уйқуларидан
Эндигина қутулғон бу кўзларим.
Севинчидан ёшин каби бир яшнаб,
Сира тинмай ёш ёғдира бошлади.
Сўнгра, боқдим менга ўғит қилғонга,
Эсиз, ҳозир ул ҳам бутун сўнибдир.
Ёлғиз унинг ўрнига ҳеч учмасга,
Ваъда билан порлоқ қуёш чиқибдир.



**Ашурали
ЖЎРАЕВ**

ЮРАГИМДА БИР ҚУШ ЙИҒЛАЙДИ

хикоя



“Қуш излаган қафас менман”
Франц КАФКА

Юрагимда бир куш йиғлайди. Йиғлаб-йиғлаб бўзлайди. Бу бетоқат ва маҳмадона кушнинг юрагимда мустаҳкам ин қуриб олганига кўп йиллар бўлди. Гўё катта холасининг уйида яшаётгандай бемалол ялпайиб олган. Лекин юрагимни қачон макон этганини билмайман.

У гоҳ тўлиб-тўлиб, тошиб-тошиб, гоҳ эзилиб-эзилиб, энтикиб-энтикиб, хўнграб-хўнграб йиғлайди. Қани энди юрагимнинг рўмолчаси бўлса-ю, унинг майда ёмғир каби тўкилаётган эзгин кўзёшларини артиб олса? Бунинг иложи йўқ. Баъзан жаҳл қилиб, ўзича норози бўлиб, юрагимдан чиқиб кетишга уринади. Бозорчи хотинларга ўхшаб, астойдил шаллақилик қилади: “Нима деб ўйлайсан, фақат сани юрагингда жой борми? Бунинг устига юрагинг тор ва касал бўлса? Нимангга шунча катта кетасан? Юрагида касали борларнинг ҳолига вой! Кетаман, тамом кетаман. Мени истаган юрак қабул қилади”. “Даф бўл! Тезроқ чиқиб кетгин. Сенсиз ҳам юрагим дуруст. Кет!” демоқчи бўламану, тилимни тияман. Тўғриси, раҳмим келади, бечора қушга. Унга ўрганиб, очиғи суяниб қолганман. Қаранг, ўзи не аҳволда-ю, тили бир қарич. Шоир огоҳлантирганидек: “Ҳар нарса келса бошингга тилингдан келар”. Мен ҳам яқинда ён дафтарчамга шундай иборани ёзиб қўйган эдим: “Эрк берилган тилининг номи охир-оқибат мәрмартосиға ёзилади”.

Тилини тийиб олмаган бу айёр қуш баъзан сувга тушган тошдай жимжит бўлиб кетади. Индамайди, гўё тилдан қолган кар-соқов. Бир сўз демай юрагимни қон қилади. Шундай кезларда юрагим қафасига сиғмай, тарс ёрилиб кетай, дейди. Ахир мен унинг овозига, пайдар-пай берадиган саволларига ўрганиб қолганман-да. У мени жимжитлик билан қийнайди. Мен эса қушнинг сукунатидан эзиламан, унга қўшилиб йиғлагим келади. Лекин кўзларимдан ёш чиқмайди. Йиғлайвериби дийдам қотиб кетган. Ундан кўра тош юмшоқ...

Бу кўнгли сумалак қуш эса, йиғисини асло қанда қилмайди. Хаста юрагим кўзёшига бағамом ғарқ бўлади. Дарё-дарё бўлиб оқади, бу оғир ғам, чексиз изтироб кўзёшлари. Шундоқ ҳам дард тўла юрагимни азобли оғриқлар гирдобиди

Ашурали ЖЎРАЕВ – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист. 1956 йилда туғилган. Тошкент давлат маданият институтини (ҳозирги ЎЗДСМИ) тамомлаган. “Юрак бўронлари”, “Сенга кўнғил берсам”, “Дил гавҳари”, “Саҳифага сизмаган сатрлар”, “Майсалар уйғонган тонг” каби китоблари нашр этилган.

қолдиради, уюм-уюм ғамни хирмонга айлантиради. Нафаси сиқилган шўрлик юрак ана шу хирмон остида қолиб кетади. Айби нима?..

Зўрға ўзига келган, ҳолсиз юрак аста-секин тилга киради:

– Ҳой, бераҳм қуш! Етар, кўзёши тўкишни бас қил, ҳаддингдан ошма, золим. Қон тўла шўрлик юракни баттар қон қилдинг-ку! Бунчалар нола қиласан, фарёд чекасан. Дардингни бунчалар дастурхон этасан? Бу оғир савдолар, ечимсиз муаммолар фақат сенинг бошингда борми?

Билиб қўй; бу қадим ҳаётнинг азал-абад қўшиғи шу – тирик жон борки, қувонч ва ғам шаробини ичади, дард кемасида сузмай иложи йўқ. Ташвиш соябони остида умргузаронлик қилади. Инсон умри моҳиятига кўра, кўпроқ ғам-ташвиш занжиридан иборат. Шунга чидасанг яшайсан. Одам боласи нега бу дунёга келгани-ю нега азоб-уқубатлар ичида яшаётгани, бунга кимлар ва нималар сабабчи эканлиги ҳақида чуқур ва теран ўйлаб ўтирмайди. Балиққа ўхшаб уларнинг нафси қонса бўлди. Қорни тўйган кун улар учун байрам. Нафс илинжида оч бўрини ҳам ҳайратда қолдиради. Очкўзлик йўлида ҳайвон-ку ҳайвон бир-бирини ҳам ейди, еб ҳузур қилади. Кўролмаслик, бир-бирига чоҳ қазиш, бадном қилиш фақат одам зотиға хос бўлган “хусн”. Шу боис унинг умри ҳасад, ғийбат, тухмат билан ҳамоҳанг кечади. Инсонни қанчалар мадҳ этмайлик, улугламайлик у ҳали-ҳануз қора ният билан боғлиқ қусурлардан ва ёвузликлардан холи бўлгани йўқ. Шоир хитоб қилганидек: “қай бир зот ўз умри қолиб, менинг қадамимни пойлаб юрибди”. Пойлоқчилик билан ўтган умрга ҳайф!

Шу нарсани билиб қўйки, одам умри фақат ғам-ташвиш, ёмонлик, ёвузликлардан иборат эмас. Унинг юрагида қувончу шодликлар, тўй-тантаналар ҳам меҳмон бўлиб туради. Бундай нурли лаҳзалар инсон ҳаётини безайди, умригаумр қўшади. Улар биздан узилиб кетолмайдиган ошно туйғулардир. Ғам ва шодлик эгизак.

Сен юрагимни ижарага олдингми, энди мен билан ҳам ҳисоблашасан. Неки гап-сўзинг, дард-ҳасратинг бўлса баҳам кўрамиз, кушгинам. Энди биз, бир тану бир жонмиз. Ҳамма-ҳаммасига чидаймиз. Оҳ-воҳ қилишдан, кўзёш тўкишдан асло фойда йўқ. Мени қийнама. Шундоқ ҳам юрагим бойўғлининг ҳовлисига ўхшайди.

– Сен ҳам мени тушун. Кўнглим бўш бўлса нима қилай? Йиғласам, енгил тортаман, юрагим бироз таскин топади. Гўё дардлардан фориг бўламан. Яхшиси менга кўзёш тўкмасдан яшашни ўргат. Йиғламасликдан сабоқ бер! – деб илтижо қилди қуш.

– Тўғри айтдинг, кўзёшидан фақат йиғлаган одамгина таскин топади. Лекин кўзёши тўккан билан камбағал бой бўлиб қолмайди, бой раҳмдилга айланмайди. Бемор эса соғайиб кетмайди. Кўзёши оғриққа малҳам бўлмайди. Кўзёши юракнинг ғуборларини ювади, далда беради.

Сенинг кўзёшларингни кўрсам, раҳматли Онажоним ёдимга тушаверади. Биз анчайин камбағал оила эдик. Раҳматли отам ёлғиз фарзанд бўлган. Онам ҳам оддий оиланинг фарзанди эди. Икки камбағалдан биз – ўн нафар бола дунёга келганмиз. Беш ёғил, беш қиз. Оллоҳ ҳар биримизнинг ризқ-насибамизни берган бўлса керак, бир-биримизга суяниб, туртиниб-суртиниб, бир-биримизнинг этагимиздан ушлаб вояга етганмиз. Тўкин-сочин дастурхонни орзу қилиб, ўнта сабр унга термилиб ўтирардик. Ўн нафар ўзи очу кўзи тўқ мусича...

Гапнинг очиги, ўша даврларда, ундан кейин ҳам ака-укалар, ака-сингилларнинг бир-биримизга меҳр-муҳаббатимиз анча баланд эди. Камбағалчилик давридаги меҳримизнинг илдизлари жуда мустаҳкам эди. Бир-биримизни кўрмасак, дарҳол излаб қолардик. Бугун эса, ўша меҳрни қўмсаймиз, соғинамиз. Қани ўша даврлардаги бебаҳо ва беғубор меҳр-оқибатлар? Одамлар, айникса, туғишганлар ўртасидаги нондай азиз инсоний меҳр-муҳаббат қаёққа кетди? Нега кетди?! Ҳамма ўзи билан ўзи овора. Энди дастурхонларимиз бўлак. Ҳар кимнинг эҳтиёжига қараб,

ўз дастурхони бор. Афсуски, бебаҳо ушоқлари билан бизни тўйдирган, вояга етказган онамнинг сабр тўла тўкин дастурхони энди йўқ...

Онажоним фарзандларим оч қолмасин, юпун юрмасин, бировнинг қўлига қарамасин деб, отам билан ёнма-ён ишларди. Бўш вақтларида тирикчиликнинг айби йўқ, деб бозорга чиқардилар. Томорқадан чиққан экин-текинни бозорда сотиб, рўзгорнинг кемтигига ямарди. Ота-онамизнинг елиб-югуришлари, заҳматли меҳнатлари туфайли, гоҳ очин, гоҳ тўкин, лекин бировлардан кам бўлмай вояга етдик.

Отам ҳаммамиздан тўғри сўзлашни, нима керак бўлса тўғри айтишимизни талаб қиларди. Ҳеч қачон бир-биримизнинг ҳаққимизга хиёнат қилмаганмиз. Ўшанда ўзимиз билмай, нафси жиловлаш ва сабрдан илк сабоқларни олиб қўйганимизни энди англаб етдик. Уйимизда кичик сандиқча бўларди. Сандиқча ичида сурп халтачада оқ қанд турарди. Сандиқчанинг қулфи номигагина илиб қўйилган эди. Лекин сўрамасдан ҳеч биримиз қанд олмасдик. Сандиқчадаги сурп халтада – нафс, қулф ичида сабр борлигини билмаганмиз. Баъзан ахлатхоналарда катта-кичик бўлақлардан ташқари бутун-бутун нонларни кўриб, юрагим ачийди. Бу тўқликка шўхликим ёки замонавий “янги ўзбек”ларнинг ҳаддидан ошганими? Бунинг уволи тутмасмикин?.. Эҳ, ҳозир кўпчилик увол нималигини билармикин?!

Бебаҳо миллий қадриятлар, аجدодларимиздан келаётган ибратли анъаналар нега оёқ ости бўлиб, йўқолиб бораётир? Ота-она билан бола, ака билан сингил, опа билан ука хуллас, жигарчилик нега завоқ топаётир? Дардимиз, ташвишимиз нафс бўлиб қолди, бойлик ҳамма нарсадан устун, ҳаммадан юксак мақомга эга бўлиб бораётир. Инсонийлик, меҳр-оқибат, яхшилик, саховат – ҳаммаси бойлик олдида тиз чўкаётир. Бойлик юҳо сингари барча фазилатларни ютиб юбормоқда. Оллоҳим ўзинг сабр бер, ўзинг инсоф ато эт!

*Азобларда қолди, қийналиблар кетди, юрагим,
Ҳақиқатни излаб-излаб қонлар ютди, юрагим.
Тўғрилиқ деб, тўғрисўз деб, адо бўлди, юрагим,
Ҳақ йўлида Мажнун мисол гадо бўлди, юрагим.*

Яна қушнинг тили танглайига ёпишди, яна тош ютди. Бу гал ҳам у қандай қушлигини айтмади. Ё айтгиси келмади...

Эҳтимол, нозик нола қилишидан, меҳр билан кўзёши тўкишидан булбул ёки қумридир. Эҳтимол, жуфтини йўқотган беозор мусичадир, “чирқ-чирқ” қилиб, ризқ излаб юрган чумчуқдир. Эҳтимол, оёғининг оғирлигидан қарғадир. Гўё уч юз йил юрагимда яшамоқчи бўлиб, бемалол ҳайҳотдай ин қуриб олгандир. Ишқилиб “сити” бўлмасин-да!

Эҳтимол, бу қуш шиддаткор ва кўзлари ўткир бургутдир, эҳтимол, тирноқлари бақувват лочиндир. Эҳтимол, беозор, саҳий кабутар ёки бетоқат қирғийдир. Ёки қафасдан тезроқ қутулиш илинжида жонсарақ питирлаётган тутқиндаги какликдир. Ёки бидир-бидир қилиб, нукул савол бераётган маҳмадона тўтидир. Ёки умрбод қафасни макон этган конорейкадир? Жонимга тегди, бу қуш!

Топдим-топдим, бу Худо суйган қуш – қалдирғоч. Ҳа, қалдирғоч! Ривоятларда айтилишича, қалдирғоч Искандар Зулқарнайни яқинлашиб келаётган хавфдан огоҳлантирган. Машҳур файласуф Демокритнинг ёзишича одамзод уй қуришни қалдирғочдан ўрганган экан. Айрим халқлар қалдирғочни инсон тақдирига алоқадор, деб ҳисоблаб уни жонли тумор, деб улуғлашаркан. Яна эшитганманки, қалдирғоч ҳақиқатан ҳам илоҳий қуш. Унга ҳатто ўқ ҳам тегмас экан. Ушбуларни эслаб, юрагимда қалдирғоч борлигидан бениҳоя хурсанд бўлдим. Лекин хурсандчилигим узокқа чўзилмади. Яна ўқиганим бор эдики, қалдирғочлар ўрта ҳисобда тўрт йил умр кўришар экан. Менинг юрагимдаги қушнинг ёши аллақачон

нафақага яқинлашиб қолган. Бундан ҳафсалам пир бўлди. Умидларим пучга чиқди... Биласизми, юрагимдаги қушнинг қалдирғоч бўлишини шу қадар истаган эдимки, юрагим қувончдан ёрилиб кетай деди. Афсус...

Агар бу қуш ҳақиқатан қалдирғоч бўлганида эди, у билан бир умр яшашга рози бўлардим. Ҳаётим, умримни унга батамом бағишлар эдим. Надоматлар бўлсинки, юрагимда бахт қуши – қалдирғоч ин қуриши ёзилмаган экан. Яратган шу бахтни ҳам мен шўрликдан қисган экан... Не илож?! Ўйлайман юрагида қалдирғоч ин қурганлар бормикин? Улар кўпмикин?

* * *

Чилилик машҳур ёзувчи Алекхандро Ходаровскидан ўқиган ушбу сатрлар ёдимга келди: “Қафас ичида дунёга келган қушлар учини жиноят, деб биладилар”. Улар ҳам қафасдай тор жойларда, тор муҳитларда яшаб келаётган одамлар сингари кенгликдан, озодликдан кўрксалар керак. Энг ёмон иллат – кўрқоқлик. Кўрқоқликдан соткинлик, мутелик келиб чиқади. Муте одам кун кўриш учун ҳамма нарсага рози бўлади. Хушомадгўй, маддохлик ва куллуқ қилиб яшашни ўрганади. Кўрқоқнинг юраги мўрт бўлади. Бундай юракларнинг бир умр кўркиб, таҳликада яшаб келишини қуш жонивор билармикин? Ботир, жасур, кўркмас юракларнинг сафлари аста-секин камайиб бораётгани, албатта ташвишлидир. Орамизда куёнюраклар, “пир этса, юраги шир этадиган” чумчуқ юраклардан Худо асрасин! Биз эса, асосан шерюраклар, бургутюраклар кўпроқ бўлишини орзу қиламиз. Афсуслар бўлсинки, аллақачон шернинг юраги мушукмижоз, бургутнинг юраги мусича мижоз бўлиб бораётир. Бундай юраклар нимага ярайди?! Улуғ шоиримиз Эркин Воҳидов топиб ёзганидек:

*Кўрқувнинг кўзи катта
Юраги кичик бўлур,
Кўрқув зўр келган жойда
Арслонлар кучук бўлур.*

Кўрқув одамни батамом абгор қилади. Юрак жонсарақ бўлиб қолади. Тўғрилиқ, ҳалоллик, инсоф йўллари қолиб, ёлғон, алдов кўчасига беихтиёр кириб кетади. Такаббурлик, хушомадгўйлик ва муттаҳамгарчиликни ўзига касб ёки қалқон қилиб олади. Кўрқув қамраб олган юрак куз япроғига ўхшаб титраб туради. Қачон, қай вақтда узилиб кетишини билмайди.

Кўрқув исканжасида қолган юрак юрагидан жароҳат олган ботирга ўхшайди. Кўрқувнинг болтаси, асосан зиёлининг бошини нишонга олади.

Кўрқув ёвуз калхат каби Абдулла Қодирийнинг бошида даҳшат солиб айланмадими, юрагига гўлгула оловини ташламадими? Чўлпонни, Фитратни, Беҳбудийни кўрқув қафасига тикишга уринмадиларми?.. Бу миллат фидойилари эса кўрқувни юракларига яқин йўлатмадилар, кўрқувдан ҳазар қилдилар. Улар асрлар давомида миллатни пароканда қилиб, таҳликада ушлаб келаётган кўрқувнинг кўзларига тик қарадилар. Кўрқувнинг юрагини нишонга олдилар. Бундан кўрқувнинг ўзи титроққа тушди, қалтиради. Кўрқувнинг тиззалари титради...

Кўрқув жамиятга, ҳаётга ўзининг раҳнамоси билан кириб келади. Кўрқув салтанати тепасида ҳамиша ўзини “даҳо” деб эълон қилган диктатор савлат тўкиб ўтиради. У тахтни эгаллагунча камтарин, камсукум бўлиб кўринади. Тахтга ўтирволгач, ёвузга айланади. Ўзидан бошқани тан олмайди. Эл севган машҳур зотларни лойга чаплайди, бадном қилади. Хуфиячиларига дастак бериб, халқни қатағон элагидан ўтказди. Ҳатто кўрпасининг остига “қўнғиз” қўйиб, кўрган тушини ҳам ёзиб олади. Шўро тарихда бунга мисоллар жуда кўп...

Хой куш, сен ҳам шуни англаб етки, кўрққан одамнинг юрагида фақат кўркув хукмрон бўлади. Кўрқитилган одам яхши нарсаларни орзу қилмайди, ҳамма нарсага лоқайд бўлиб қолади, бесабр кимсага айланади, эзгуликдан, самимиятдан йироқлашади, имон-эътиқоди сустлашади. Аста-секин манқуртга айланади.

Сен ҳам юрагимга асло кўркув солма, маҳмаднона куш. Юрагим кўркувлардан зада бўлиб кетган. Билсанг, умрим кўркувлар исканжасида ўтаётир. Кўркув билан ётиб, кўркув билан уйғонаман...

Юрагимда бир куш йиғлайди.

Афсуски, бу йиғлоқи кушнинг қандай қилиб, қачон юрагимга жойлашиб олганини ҳануз билмайман. Билолмай гарангман. Ўзинг бунга шохидсан, Художон! Ўзинг айт, ахир бу тиниб-тинчимас, жонсарақ куш юрагимда нима қилиб юрибди? Гўё юрагимни батамом эгаллаб олиб, бемалол ялпайиб, макон қилиб олган. Онт ичиб айтаманки, бу кушнинг қандайлигини, қачон юрагимга ин қурганлигини билмайман...

Баъзан шундай хаёлларга бораман: бу менинг армон қушим, дардимга дармон қушим, орзуга макон қушим, ғаму ташвишга уммон қушим.

Ай қушим-ай, хой қушим-ай, нега бунча бўзлайсан, қалбим этдинг қон, қушим-ай. Оҳ қушим-ай, воҳ қушим-ай, юрагимни хароб қилдинг, жон қушим-ай!

*Тўхтат энди нолангни,
Эшитмайлик волангни.
Ҳасратингни бас қилгин,
Кўрсатмагин қорангни.*

Қанчалар жаврамай, ҳаммаси бефойда. Бу айёр куш хурпайиб олиб, менинг ҳамма гапларимни ҳайкалдай қотиб эшитаяпти. Ҳозир индамайди такаббур. Кечкурун холи-жонимга қўймай, саволлар гирдобига кўмиб ташлайди. У терговчига ўхшаб сўроқ қилишдан ҳам тоймайди. Мени ёш боладай тергайди. Ҳар бир саволига аниқ жавоб олмагунча тинчимайди!

Унинг баъзи хатти-ҳаракатлари ҳазрат Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” асаридаги Худхудга ўхшаб кетади. Баъзан унга “мен куш эмасман” демоқчи бўламан. Лекин бу қайсар куш ушбу китобдан айрим савол-жавобларни ўқиб беришимни истайди. Китобни жавондан олиб, аста варақлайман:

“Яна бир кушнинг Худхудга саволи:

– Эй пок сайр этувчи, кишида инсоф бор бўлса, бунинг эҳсони нимадан иборат бўлади? Ҳақ менга инсофли бўлишни қисмат этиб, жонимга ана шундай неъматни озуқа қилди. Агар кишида шу хил сифат бўлса, у Тангри ҳузурига етиша оладими?

Худхуднинг жавоби:

– Бу яхши гап. Бу одат ҳамма кишилар олдида эъозланади. Одам учун яхши сифатлар кўп, аммо улар ичида энг шарафлиси инсофдир. Кимнингки инсофи йўқ экан, у инсон саналмайди. Кишининг феъл-атворида инсофсизликдан ортик нуқсон бўлмайди. Бу сифат ҳақиқий мардларнинг ишидир; ҳар қандай киши ҳам унга етавермайди. Ноинсоф киши одам эмас. Одам инсоф истамайди, аммо беради. Ҳақиқат аҳли кишилардан инсоф талаб қилмайди, чунки уларнинг ўзи инсоф эгасидир. Агар кимки ўзи инсофли бўлмасдан, ўзгadan инсоф талаб қилса, у ҳақиқий ноинсофнинг ўзгинасидир”.

Китобдаги ҳар бир ҳикоят, савол-жавоб, муножот, тамсил, завқ-шавқ билан ўқиладиган яхлит асардир. Худхуддай доно, билимдон, инсофли, диёнатли, покдамон, ҳақиқатгўй куш жасорати одам боласида топилмайди. Ҳар бир саволга юксак ақл билан жавоб беришни ҳеч ким Худхудчалик удалолмайди. Бу куш доноларнинг доноси даражасига етган...

Ўйлаб қоламан, Худхуд Навоий эмасмикан?..

Мен ҳам умрим бўйи жавобсиз саволлар гирдобиди яшайман. Ҳар қадамда, ҳар нафас тизгинсиз саволлар. Бир-биридан оғир, залворли, мураккаб ва тоғдай-тоғдай салобатли саволлар. Уларга жавоб топгунча умринг ўтиб кетади. Умр саволларга ўралашиб юриш учун берилмаган-ку! Энг ёмони саволларга жавоб топаман, деб юрагимни қийнайман, баъзан қиймалайман. Кўриб туриб, англаган ҳолда юракни азоблайман, қийноқларга соламан. Ахир, камина доно Худҳуд эмаски, саволларга шартта-шартта жўяли жавобларни берсам.

Тўғриси, мен бунга қодир эмасман. Ўзини ўзи зўрға эплаб юрган оддий одамман. Ҳамон ўз йўлини тополмаган оддий дарвешман. Умуман, аввал бу дунёга келиб, сўнг ижодкорлик йўлини танлаб тўғри қилдимми, деб кўп ўйлайман, изтиробларга тушаман.

Буюк ва мукаддас адабиётнинг ҳаваскорлик кўчаларидан ўтиб бўлдимми? Ёки ҳамон ҳаваскорманми, билмайман?!. Айрим ҳакасбларимга ўхшаб, баъзан ўткинчи шон-шухратга интиламан, баъзан бирор-бир мансаб илинжида юрагимни азобларга қўяман. Лекин буларнинг ҳаммаси ўткинчи, бевафо эканлигини яхши биламан. Мана шу хой-ю ҳавасларга эришмоқ учун пасткаш, нотавон одамларга ялинганимда ўз-ўзимдан жирканаман, хафа бўлиб кетаман. Сенга шу керакми, эй ожиз банда? Ҳақдингни билсанг-чи? Қадр-қимматингни оёқ ости қилмасанг-чи? Ор-номусинг борми? Фуруринг қани сени? Ўзи қолганми, бу ноёб туйғулар? Уятинг қаерда қолди?!

Шу нарсани яхши ва аниқ билдимки, адабиёт шон-шухратни ҳам, мансабу мартабани ҳам, бойлигу дабдабани ҳам ёқтирмайди, ёмон кўради. Адабиёт биллурдан ҳам тоза, сутдан ҳам ҳалол, олтиндан ҳам бебаҳо, имондек мусаффо. Афсуски, адабиётни бозор иктисодиёти тизими юҳодай ютиб юбораётир. Гуруҳбозлик, маҳаллийчилик адабиётни пароканда аҳволга солаётгани жуда ташвишли. Лекин адабиёт ҳар галгидай бу синовлардан муносиб ўтишига ишонаман...

Агар адашиб юрган бўлсам, мени кечир, гуноҳларимни афв эт, Адабиёт!..

Ҳой, юрагимни макон этган олифта қуш, сен ҳам тавба қил. Бодичаликни йиғиштир. Сен ҳам асл ҳолингга қайт. Ҳозир фикр айтадиган замон эмас. Не-не фикрлилар қурбон бўлди. Не-не фикрларнинг эгалари бадном бўлди. Зўр-зўр фикрларнинг жойи қафас бўлди. Айтилмаган фикрлар бўғизларда сўнгги нафас бўлди.

Қуш фикрлаётган бўлса керак, яна жим бўлиб қолди. Ҳатто унинг нафас олиши ҳам эшитилмайди. Юқоридаги гапларим билан уни ҳуркитиб юбордим. Назаримда, у фикрларини ҳадиксираб қанотлари остига бекитаётган эди.

Кутилмаганда қуш тилга кириб, босиқ ва майин овозда сўради:

– Сен билан дўстлашмоқчиман. Кел, беғараз дўст бўлайлик. Ё сен дўстликка ишонмайсанми?

– Таклифингни ўйлаб кўрса бўлади, – дедим унга ва бироз сукут сақлаб давом этдим. – Беғараз, самимий дўст топиш бахт. Бу миллионларнинг орзуси. Энди дўстга ишониш ва ишонмаслик ҳақида аниқ бир нарса дея олмайман. Тўғрисини айтиб қўяй, камина дўстдан ҳўб куйган ва тўйган одамман. Дўст сўзини эшитишим билан юрагимга оғриқ киради. Бир дўстим сотқин ва ашаддий ёлғончи чиқди, бир дўстим ҳасадгўй ва ғийбатчи экан. Бир дўстимни сафарда синадим: ҳасис ва ўғри. Бу замонда чин дўст топиш қийин савдо. Ахир сенинг қайси қушлигингни билмайман-ку! Қандай дўст бўламиз? Танимаган, билмаган билан дўст бўлиш қандай оқибатларга олиб келиши азалдан маълум. Ҳозирча сенинг таклифингни қабул қилолмайман. Мен дўстдан куйган одамман.

Чунки, ҳозир дўстдан кўра сотқин кўп. Сотқин дўст бўлолмайди. Ҳар қадам айғокчи, ҳар даврада кулоқ диккайиб туради. Қандай қилиб дўст танлайсан, қушгинам?! Бу жуда хавфли.

Сени танидим, сен тўтисан! Шундайми? Ҳар куни қуллук қилиб, қайта-қайта

салом берасан. Хушомад қилиб шеър тўқийсан, шу шеърингни уялмай кўшиқ қиласан. Ярамас маддох. Ахир номига кулсам, йўталсам тамом, сен уни “кулгингиз олийжаноб”, “йўталингиз жозибатор”, деб ёзасан ёки телевизорда чиқиб обдон маддохлик қиласан. Лекин айтолмайман. Ўлгур мақтов кимга ёқмайди дейсан. Эҳ-хе, хушомад, мақтов, мадҳиябозлик туфайли қанча-қанча лаганбардорлар мукофоту мансабларга сазовор бўлиб келаётир. Яна қанча-қанчаси хушомаднинг қурбонига айландилар. Баъзиларини ёлғон мақтов, айримларни қуруқ мадҳия ўлдирди.

Кечир, тўти! Сен билан дўст бўлолмайман. Ҳали яшамокчиман. Юраклар хушомаддан, маддохликдан тўйиб кетди. Бу мавзунини бас қил.

– Гапларинг тўғри-ю, лекин сен ўйлагандек тўти эмасман, – деди куш зарда билан.

– Ҳа, топдим-топдим, – деб ҳовлиқиб кетдим. Нафас ростлаб пастроқ тушиб, узр сўраб, давом этдим. – Сен жигилдони ўпқон майнасан ёки очкўз олашақшақсан. Сенларнинг дастингдан қурт-қумурска озор чеккани етмаганидек, ширин-шакар мевалар, ҳосили пишган экинларга ҳам аёвсиз қирон келтирасан. Меваларни чўқийвериб жароҳатлайсан. Деҳқон билан боғбоннинг шўрини қуритасан. Бу – ҳосилни тупроққа қориш билан баробар. Шундай ярамас, очкўз тоифа билан дўст бўлишдан Оллоҳим асрасин. Сен билан дўст бўлган фақат лаънатга қолади.

– Яна тополмадинг. Мен на майна, на олашақшақ, на чуғурчуқ эмасман. Ҳатто ушокхўр чумчуқ деб ўйласанг хато қиласан. Мени чуғурчик, зарғалдоқ, бўлдуруқ, суқсур ёки оккув, тувалоқ, деб асло ўйлама. Уларнинг биронтаси ҳам эмасман. Дароз лайлак ёки қирғовул деб хаёлингга ҳам келтирма. Кўп уринма, барибир тополмайсан. Яхшиси шаҳар бер?

– Қанақа шаҳар?

– Топишмоқ ўйинида шундай қоида бор-ку! Тополмаса шаҳар беради. Менга шаҳар керакмас. Яхшиси, ўзимнинг қишлоғимни берсанг бўлди.

– Қишлоғинг қаерда ўзи? Нима деб аталади қишлоғинг?

– Қишлоғимнинг бир томони тоғ, бир томони дашт. Бир қисми боғ, бир қисми чўл. Номини эсимда йўғу, кекса ҳамқишлоқларимизнинг айтишларича, отамиз уйшук, онамиз кидан уруғидан экан. Ўзим қарлуқлардан бўламан.

Куш оғзининг қулфи очилиб кетиб, қарлуқ уруғидан чиққан Амал Мансабович туфайли қишлоғининг ярми катта шаҳарга кўчиб келгани ва бир-бирларини қўллаб-қувватлашлари туфайли катта-кичик лавозимларни эгаллаб олганлари ҳақида мароқ билан сўзлади. Бир қишлоқдан бир юз ўн иккита ревизор, биров таниб, биров танимайдиган саксон учта шоир ва қирқта ёзувчи, қанча-қанча олим, қурувчи-ю бозорчиларнинг сон-саноғи йўқ экан. Яшасин маҳаллийчилик! Ўзбекнинг илдизини мўрт қиладиган, уни катта миллат бўлишига тўсиқ бўлиб келаётган иллатлар – уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчилик барҳам топмас экан, машҳур шоирнинг машҳур сатрини: “Қачон халқ бўласан, эй сен оломон”, деб бир-биримизга айтиб-айтиб юраверамиз. Қачонгача?..

Мен ўйинга, асосан қушга қишлоғини бердим, деб айтганим билан у қайтиб кетармикин? Йўқ, энди кетмайди. Майли кетмасин. Лекин коронавирусни ёдга соладиган маҳаллийчилик пандемиясидан тезроқ қутулиш керак. Бу ҳақда қуш билан гаплашишнинг фойдаси йўқ. Қушда нима айб?.. Ё қушларнинг ҳам маҳаллийчиси бормикин?

Қуш билан гужуримиз чиқишолмади. Гапнинг очиги, у билан дардлашишдан роса чарчадим. Ҳасратим айтган билан адо бўлмайди. Узоқ йиллик ҳасрат, узоқ йиллик шодлик. Барчасини эслаш юракка оғирлик қилади.

Майли, қуш шўрлик йиғласа йиғлайверсин, бўзласа бўзлайверсин. Кулса, бемалол кулсин. Ихтиёр унда.

Мен беором қушни андак тинчителиш учун шоирнинг “Бир қушча” шеърини ушбу сатрларни ўқиб бераман. Зора, кўнгли кўтарилса, қовоғини очса, йиғлашини бас қилса, қуш!

*Бир қушча деразам ёнида,
Ўтирар паришон ва ғариб.
Йиғлайди, кўзлари ёнади,
Кўзлари иккита марварид.*

*Мен унга қарайман оҳиста,
Мен қушча ҳолига йиғлайман.
Ва лекин билмайман, не истар,
Билмайман, ҳеч қачон билмайман.*

(Рауф Парфи)

Шоир ҳам мен каби қушчанинг ҳолини билмайди, билолмайди. Унинг ҳолига йиғлагиси келади. Йиғи дардлардан озгина бўлса-да, юракни фориг этади, роҳат-фароғат бағишлайди. Лекин йиғлаётган қушчанинг ёнаётган иккита марварид кўзлари унга тинчлик бермайди...

Ёки шоир Рустам Мусурмон “Қуш” шеърини шундай яқунлайди:

*Кўнглим зада бўлди, дилим хун,
Қушга бунча дард бердинг, ҳаёт?!
Уша қушдек юрагим бир кун
Учиб кетар чиқариб қанот.*

Қушнинг беҳисоб дарду ташвишларидан менинг ҳам юрагим зада бўлиб кетди, қонлар ютдим. Лекин юрагимнинг тақдири нима бўлади. Буни ёлғиз Яратган билади.

Бесабр қуш туфайли тинка мадорим қуриди. Охир-оқибат у юрагимни адо қилди. Шўрлик юрак дилозор қушнинг инжиқлигига, замзамасига чидай олмади. Кундалик ташвишлар, азоблар, атрофдаги зуғумлар, қушнинг оҳу нолалари, ҳадсиз йиғлашлари – ҳаммаси бир бўлиб, ҳолдан тойган юракни жарроҳлик столига ётқизишди. Аввало, Оллоҳим, сўнгра билимдон жарроҳлар сабаб, бу гал ҳам юрагим омон қолди. Омон қолганига шукур, ҳамон уриб турганига шукур. Ҳар кун, ҳар нафас, ҳар лаҳзада нафас олаётганимга шукур...

Кутилмаганда қуш ўткир тумшуғи билан юрагим эшигини тақиллата бошлади. Билдим, унинг яна суҳбатлашгиси келяпти.

Унга шундай савол бердим:

– Сен қушнинг орзуинг, армонинг борми? Нимани орзу қиласан, айт?

– Орзу-армонларим беҳисоб. Асосий орзуим парвоз қилиш, озод қанот қоқиб олис-олисларга учиш. Армоним, ўз осмоним бўлса-ю, унда сузиб юрган оппоқ булутлар бағрига бериб эркалансам, хузур қилсам. Булутлар мени онамдай бағрига олса, эркаласа. Озод қуш бўлганимни ҳис қилсам, шундан ортиқ бахт йўқ... Асрлар давомида ҳукм суриб келаётган мутелик қафасларининг бузулишини истайман. Қуш учиш учун яралган. Бу озодлик қонунига асло зид эмас...

Қушнинг бу чакмоқдай сўзлари яна юрагимга тошдай оғир ботди. Унга саволлар берганимга минг пушаймонлар едим. У гап орасида: “Менга озодликдан сабоқ бер?” деб ёлворди, илтижо қилди. “Ўзим мададга зорман-ку, болам”, деб шоирнинг мисраси билан жавоб бердим. Чакаги ўчди қушнинг. Яна сукутга ботди.

Ўйлаб кўрсам, юрагимни мустаҳкам макон этган бу қушнинг ҳали мен билан узо-ооққ йиллар баҳс-мунозара қиладиган шашти бор. Бу ўзига пишиқ-пухта айёр қуш юрагимни сахна деб билади. Бу очиқ сахнада найрангбоз қушнинг ҳали турфа спектакллар қўйишига ишонаман. Мен эса ҳаммасига сабр билан чидашим

керек. Чунки юрагимдаги кушнинг қандай кушлигини билмайман-ку! У такаббур ҳам қайси кушлигини айтмайди. Лекин сени ишонтириб айтаманки, қандай кушлигингни, албатта билиб оламан. Румий ҳазратлари айтмиш:

*Қушки учгай пар-қанотсиз, ул ҳамон
Оч мушукка ўлжа бўлгай бегумон.
Пар қаноти чиқса қушнинг бўлди, бас,
Ул учар, ҳеч кимга парво айламас.*

Мен ҳам сенинг эркин ва озод қанот қоқиб учишингни истайман. Бу ёруғ оламда озодликдан, эркинликдан, хурликдан ортиқ бахт йўқ! Озодликсиз ҳеч бир нарса татимайди. Сен юрагимни тарк этган лаҳзадаёқ озодлик таъмини татийсан. Озодлик билан парвоз қиласан! Шунда менинг озод ва хур қушим бўласан!.. Эркин куш бўлиш қандай бахт! Шунда юрак ҳам озодлик қўшиғини баралла қуйлайди...

Яна “Лисонут-тайр”ни меҳр билан, соғинч билан варақлайман. Доно Худхуднинг жавобларидан қалбим куёшдай ёришади, тафаккуримда янги теран учкунлар пайдо бўлади. Бу бебаҳо кушнинг донолигига, топқирлигига, бағрикенглиги ва сабрига, кўнгил калитини топа билишига, дилпарварлигига, ҳақгўйлигига, меҳру саховатига қойил қолмай иложимиз йўқ.

“Бу ўттизта қуш” чеккан азоб-уқубатлари, ранж-аламлари, қийинчиликлари эвазига олий фанога етиб келганларида “улар қаёққа қарасалар... Семурғни орзу қилган ўттизта қуш ўзларини ўша Семурғ (ўттизта қуш) сифатида кўрдилар!”

Алишер Навоий ҳазратлари ёзадилар: “Эй кўнгул! Бу нозик маъноли сўзлар қушлар тилидир, балки рамзу имо мулкидан хабардор бўлган кишилар тилидир. Гарчи бу сўзларни тушуниш қийин бўлиб, муаммоли бўлса-да, у риёзат чекиш билан равшанланади. Чунки риёзат инсондаги ҳайвоний сифатларни йўқ қилади. Киши шу хилда ўз нафсониятини инкор эта олса, унда руҳий покликдан бошқа ҳеч нарса қолмайди...”

Эй, шох! Мен бу сўзларни айтиб, сенга тавба қиламан. Айтиб бўлмас сўзлар учун сенинг ўзингдан паноҳ истайман...”

*Юрагимда бир қуш йиғлайди...
Ўқсиб-ўқсиб, энтикиб-энтикиб йиғлайди.
Дард билан, қайғу-алам билан йиғлайди.
Истиғфор айтиб, тавба-тазарру қилиб йиғлайди.
Еру осмонни титратиб, бўзлаб-бўзлаб йиғлайди.
Ўқиниб-ўқиниб уввос солиб йиғлайди.
Бекиниб-бекиниб гавго қилиб йиғлайди.
Фарёд этиб, гамга ботиб йиғлайди.
Тўхтаб-тўхтаб нафас ростлаб йиғлайди.
Қимлигини билмай, номини айтмай йиғлайди.
Юрагимни чўқиб-чўқиб, азоблаб йиғлайди.
Индамай, жимгина, сас бермай йиғлайди.*

Эй, ожиз қуш, ҳазрат Румий айтганларидек:

*Дардинг ортганди, Худо деб бўзлагил,
Ҳар не изларсан, Худодан излагил...*

Залворли юкдайн беради садо



Ўткир РАҲМАТ

* * *

Сабо, боғимдасан бегубор нафас,
Кўксимни эркалаб тутасан роҳат.
Ям-яшил бу маъво кўзида ҳавас,
Руҳим топингани тенгсиз фароғат.

Кучоғинг беминнат эрта-кеч ахир,
Тутар борлиғини кўтариб азот.
Биласан, сенданам ўзим бесабр,
Шунчалик яшашга, қўймас бу ҳаёт.

Сендами бордайн, қандайдир таскин,
Айланиб ипакдек хаёл улайсан.
Бу манзил бағри кенг, тортинмай эсгин,
Умидбахш тонглари олиб келгайсан.

Қувонган кунларга ўзингсан гувоҳ,
Ғурур, сурурларим шундан топанман.
Кипригим намланса гоҳида ногоҳ,
Ортингдан умидвор кўзим тикканман.

Йиллар тутқич бермай кетмоқда ўтиб,
Шиддати учқурдир биласан, сабо.
Эртаги кунлардан нимадир кутиб,
Дилимга тукканман эзгу муддао.

Ўткир РАҲМАТ – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист. 1948 йилда туғилган. Самарқанд давлат университети, Тошкент давлат юридик институтини битирган. Ижодкорнинг “Соғинч”, “Жилга”, “Райҳон ҳиди”, “Шукрона”, “Кўзим қорачиғи”, “Ой ёғдуси”, “Хаёл ифори” “Юракдаги қуш”, “Ўтли руҳ”, “Таскин”, “Йиллар оралаб” каби ўндан ортиқ китоблари, икки жилдлик “Дилчироқ”, “Оҳанглар ранги” танланган асарлари, чоп этилган.

Нурли ниятларга тушмаган ғубор,
Майин қанотларинг ҳузурбахш, фахр.
Бу Ватан – боғимдан бошқаси бекор,
Усиз яшамоқлик бемаъно, ахир.

Хайрият ҳар куни келасан қайтиб,
Тонглардан шомларга етказиб хабар.
Бегона юртларда юрардим дайдиб,
Бу боғим дилкушо бўлмаса агар.

Тикону гуллари жон қадар азиз,
Ҳумо қанотида ўзлик парвози.
Бағридан жой олган: қуёш, ой, юлдуз,
Кузида саховат, орзулар ёзи.

Етказгин соғинган жўраларимга:
Саломим, қувончим, шукронам қат-қат.
Бу бахтни бермайман билсин ҳеч кимга,
Итоат шу Ватан, унга садоқат.

* * *

Япроқлар шивирлар баҳона шамол,
Пойида гул-чечак ёйилган бахмал.
Ариқлар елкалаб сув ташир – ҳаммол,
Тинчимас эрта-кеч, вақти бемаҳал.

Ювилган кўйлақдай майса оҳорли,
Кўзини узолмай яйрар эрталаб.
Ғунчага ошёни қилади торлик,
Юзидан пардани очар битталаб.

Гўёки, гардсиз оқ либосда малак –
Капалак оғушлар баҳорий айём.
Уни ҳам эркалар ҳаёт чархпалак,
Мавжудот кўйнида яшашдан пайғом.

Сигмайди ўзига ям-яшил оҳанг,
Сочилиб ловуллар лолақизғалдоқ.
Гўёки тақдирлар кўклаб ранг-баранг,
Беадад кип-қизил фаввора булоқ.

* * *

Чашмадай тиниқ оқшом,
Оппоққина юзли ой.
Гўёки, келин салом,
Ҳарир либосда чирой.

Шивирлашга йўқ ҳожат,
Япроқларнинг тили лол.
Ўртада беҳижолат,
Ел судралар бемалол.

Оқаётган сув эмас,
Оппоқ ойдин жарангги.
Ундан чиққиси келмас,
Ой рақси гўзал,
Тунги...

Сеҳрига олди кеча,
Ойбадан узмасди кўз.
Йўқ бундай чирой ҳечам,
Титроғим тинмас ҳануз.

* * *

Уйғондингми тонг опичида,
Сездингми гул-чечак шивирин?
Нелар топдинг олам ичида,
Бу ҳаётдан юз бора ширин.

Шудринглари – мунчоқ кўзлари
Ёдга солар тун қиссасини.
Қизғалдоқлар – олов сўзлари,
Укмоқ қийин ҳар биттасини.

Тингламоққа эндингми сен ҳам,
Не гапи бор унинг дилида.
Сен – капалак, мен эса одам,
Сўзлашамиз ернинг тилида.

Ҳар гул барги гўё соябон,
Ўзин ташлаб нур тегизган лаб.
Ўрмалайди бунда ҳаяжон,
Олинмаган ҳали йўргаклаб.

* * *

Ҳадемай булутлар йиғлаб юборар,
Қорайиб, кўпириб кетмоқда тани.
Шамол ҳам тўполон қилиб бош урар,
Шошилар бугун чанг-тўзон ютгани.

Тортилган торлардай кўк юзи таранг,
Сигмайди боғларни оралаб шиддат.
Ким билан ким бунда қилар экан жанг,
Бу қандай тўкнашув, бу қандай қудрат.

Сабрнинг косаси боради тўлиб,
Не экан қийноқдан, ахир, муддао.
Ҳатто қил бу лаҳза ботмондай бўлиб,
Залворли юкдаин беради садо.

Ногаҳон ҳавога тўлган шардаин,
Ёрилиб чақнайди чақинли наъра.
Шовуллаб сочилар сочлардай майин,
Уни эпполмайди: дала, қир, дара.

Шамолнинг попути пасайди чоғи,
Сўнг, булут тарқалиб самони очди.
Қуёш тўлдирдику осмон қучоғин,
Заррин нурларини ҳовучлаб сочди.

Қизғаниш, ҳасадми ё кўролмаслик,
Не эди фалакнинг ҳолин этган танг?
Ёки юз бердими бунда пасткашлик,
Солмоқчи бўлдим қай бир нокас чанг?

Ҳаммаси ўтдику
Тинчланди олам,
Яна қуш чуғури айлади макон.
Япроқлар шивирлар,
Боғлар хотиржам,
Дала- дашт қўйнида ҳаёт соғ-омон.

* * *

Офтоб урган кийимларини
Алмаштирар ниҳоллар, ҳатто.
Дилдаги ғам уюмларини,
Ташласа дил, бўлмайди адо.

Томган шабнам осуда туннинг,
Қувончидан сизган ёшидай.
Ё бирорта жигари хуннинг
Тун қаърига тўккан ёшидай,

Кипригимга териб бирма-бир,
Шамолларга совурсам дардни.
Ҳовучлаган юрагим дилгир,
Унутарди баттол номардни.

Фаришта деб, сени ўйладим,
Тонгдай нурли нигоҳинг аро.
Гард-губорлар тил тишлаган жим,
Такдир забун, якуни қаро.

Куёшдайн қайноқ бу дам тафт,
Тулпор миниб учади еллар.
Менинг эса кўзим сен тараф,
Тўйиб-тўйиб бокқиси келар.

Ўтли қараш сачраб чақмоғи,
Севинчлари учар ҳалинчак.
Бўй кўрсатар, шунда хуш чоғим,
Қалбим ҳамон ўша ялинчак.

Илтижоси бирам беозор,
Дийдорингга фақат тўймоқлик.
Қанот қоқиб меҳрим интизор,
Умрим бўйи сени суймоқлик.

Гуллар кулиб этсайди асир,
Қизғалдоқлар ёнса ҳаёдан.
Шаффофликка кўмилсам охир,
Нега рози бўлмай дунёдан?

Қор остида баҳорни мудом,
Сақлаб яшар бойчечак ёдда.
Энди ўзинг тугамас илҳом –
Кўксимга бош қўйган шаббода.

* * *

Деразамга юз босади нур,
Кўзларимдан уйқу қочади.
Вужудимда ўрмалаб хузур,
Кун жилмайиб эшик очади.

Ичкарига ташлайман қадам,
Ўша оҳанг – дунё куйлайди.
Кўринмайди кеча келган ғам,
Йўлларимни ташвиш пойлайди.

Ахир мен ҳам битта садоман,
Муסיқага сиғмаган нола.
Она юртсиз абгор-адоман,
Бор йўғим у,
Ундан зуволам.

Елкам қоқиб қўяди офтоб,
Хаёлимга ўралар еллар.
Яна йўлга тушаман шу тоб,
Изимдан гул эргашиб келар.

* * *

Кетаверсанг, кетаверсанг, кетаверсанг,
Бирор кимса бузолмаса хаёлингни.
Тоза ҳаво симиргандан тўяверсанг,
Излаб-излаб чарчамасанг иқболингни.

Парво қилмай дарахтларга, шамолларга,
Япроқларнинг бўялгани шоштирмаса.
Мулки борлиқ ичра чўккан хаёлларга,
Жавоб излаб бошингни қотирмаса.

Сукунатни ичга ютиб одимласанг,
Шовқинларни, тўлқинларни четга суриб.
Узун-қиска кунлар бўйи қадамласанг,
Юрак ўйнаб гупилласа чаппар уриб.

Кузатганлар, пойлаганлар бўлсин сўқир,
Тилин тишлаб гунгу, лолу тилдан қолсин.
Дунёю дун қадим-қадим мен бир фақир,
Кимда нағма, ким фирибгар кўздан қолсин.

Киприк қоқиб кетаётган лаҳзаларни,
Гоҳи қаттиқ, гоҳи юмшоқ қўлин тутсам.
Кеча ёниб ўчаётган лағчаларни,
Гулхан каби ловуллашин яна кутсам.

Интизору интиқликда тинмаса жон,
Шивирласа орзу-умид берса қанот.
Кетаверсанг, кетаверсанг соғу омон,
Хайрихоҳу ҳамроҳ бўлса фақат ҳаёт!

Баргларга мунчоқдай ёғар фароғат



Гулноз
МЎМИНОВА

Сунбула

Шафақ фонуслари қизғиш, оловли,
Каштага тикилган гуллардай алвон –
Шуълалар рақсига тўлганда ҳовли,
Бир четда ўксиниб ётади нарвон.
Сўзсиз кузатасан боғдан нарини –
Шом ичра сирғалар арикдаги сув.
Қўшни боғнинг холдор олмаларини
Шошганча қайгадир элтиб борар у.
Қизғиш сояларни йиғиб олар тун,
Янада сулувроқ кўринар моҳтоб.
Қалбингни – ғалаён, дунёни – сукун
Эгаллаб олгандек туюлар шу тоб.
Осмон – юлдуз оққан тим қора дарё,
Бундай гўзалликдан дилда ғулғула.
Бағрингни каттароқ очиб қўй дунё,
Унга қадам қўяр сўлим сунбула.

Ишқ ваҳийси

Қалб – бир соҳибжамол.
Ўлтирар қирқ қават
Парда ичинда.

Дейдиларки,
Ҳақнинг изнисиз
Жамолини кўрмагай биров.

Қалб соҳиби эса ҳамиша
Ваҳий каби
Кўкдан тушади.

Гулноз МЎМИНОВА – 1978 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Шоиранинг “Фасллар шивири”, “Дил синиқлари”, “Сайёҳ қушлар”, “Чиганоқ”, “Комета” номли шеърый китоблари чоп этилган.

Рўё

Туннинг ёруғ чегарасида
табассуминг боғлайди қанот.

Ой нурлари кумушлаб ўтар
унинг ҳарир қанотларини.

Энди у кирмоғи мумкин
исталган парининг тушига.

Хризантема

Пайдар-пай сўнади
Оқшом нурлари,
Чўккалайсан эрки
Унутган қулдай.
Куйдириб дунёнинг
Жами гулларин,
Тун очилабошлар
Қоп-қора гулдай.
Ифори сезилар
Ойна ортидан,
Шакли сал танишдир,
Айт, исми нима?
Соялар қувлашган
Девор ортида
Очилар баҳайбат
Хризантема.

Автопортрет

Илғаб қолдим, руҳи бўлинган:
Гоҳ зардали, гоҳо ҳимоли.
Тўсаман деб, уни замондан
Ярим йўлда қолмиш рўмоли.

Сочларининг фарқидан кириб
Ғойиб бўлмиш митти оқилон.
Қошларининг қоқ ўртасидан
Қалам тортмиш мусаввир, чунон.

Сийраклашган киприкларининг
Ўқ бўлмоққа йўқдир даъвоси.
Рангпар юзи, рангсиз ёноғи
Билмам, балки, Мажнун мероси.

Чизаяпман уни борича,
Яширмасдан ҳеч каму кўстин.
Меъёрдан сал каттароқ бурун,
Сукулмагай умрингга, дўстим.

Оз сўзлаб, оз кулади оғзи,
Лек, қалбига яширмиш яғмо.
Мийиғида қолган табассум
Мазахларга этмағай парво.

Йиғлатажак уни қисматнинг:
Гоҳо гули, гоҳи тошлари.
Сочларини излаб юришар
Оқилоннинг қариндошлари.

Кўзларингга ишонгин мени

Юрагингга ишонма мени,
Шавқатлидир юрагинг мудом.
Ташлаб кетмоқ истасам сени,
Мени қўйиб юборар осон.

Нафратингга ишонма мени,
Макрдандир маним бунёдим.
Уни ишққа айлантирмоққа
Кифоядир битта фарёдим.

Хаётингга ишонма мени,
Мени унга ишонма сира.
Тўзғиб кетар куриган гулдай
Мендан қолган ҳамма хотира.

Кўзларингга ишонгин фақат,
Нигоҳингга дуч келсам бирдан,
Кишанига қўниккан қулдай
Оёқларим узилмас ердан.

Кўзларингга ишонгин мени...

Вақт ва мен

Атлант қадамила кетиб борар вақт,
Ортида баҳайбат оёқ излари.
Чопаман ортидан, чопаман фақат,
Қадамларин санаб толар кўзларим.

У юксак тоғлардан ошади осон,
Бир ҳатлаб ўтади дарё устидан.
Унга ўтлоқ бўлиб туюлар ўрмон,
Дарахтлар майсадир унинг дастидан.

Ўтар қасрлардан, мағоралардан,
Гил изин ёпади, ювиб кетар сув.
Қулоғин беркитиб олар дафъатан
Урушлари тинмас манзилларда у.

Ҳайбатидан қўркмас бирорта одам:
Кўзлари қалбини этиб қўяр фош.
Софдил паҳлавонни қувватлаб ҳар дам
Ой йўлин ёритар, нур сочар қуёш.

Атлант қадамила елиб борар вақт,
Мен унинг олдида, гарчи, йўқдайман.
Издан қолмасман, билдирманг фақат,
Ортига қараса – мен ҳам тўхтайман.

Этюд

Оқшом кўйлагининг баридан тутиб,
Дарахтнинг қўллари совқотди пича.
Қуёш ботганини тамом унутиб
Бўғотда қунишди икки мусича.

Сўнгги япроқлардан либос кийди сой,
Сув қизи беади дурлари билан.
Янги афсонани бошлаб берди ой –
Шу дурларга тушган нурлари билан.

Юлдузлар – абадий порлоқ хаёллар
Каби жилваланди олис осмонда.
Шафаққа эргашган ошиқ шамоллар
Узоқ қолиб кетди Мағриб томонда.

Кейин қиш ҳукмига бўйсуниб, алҳол,
Тиндилар кўнглимда оққан баҳрлар.
Рассом бўёқ тортган манзара мисол
Қабариб келарди тунги шакллар.

Қишлоқ тонги

Соялар ўзини сойларга ташлар,
Дарахтлар кўксида ҳаёт ёрлиғи.
Рўё пардасини тортқилай бошлар
Қушларнинг сабуҳий бахтиёрлиғи.

Тункезар руҳларни элитар уйқу,
Баргларга мунчоқдай ёғар фароғат.
Офтоба тубида қолиб кетган сув
Бомдод намозидан ичар ҳаловат.

Уйлар сурур ила қуёшга тутар
Қарлуғоч уй солган пешайвонини.
Онам лойсупада хушҳол силкитар
Чумоли ризки бор дастурхонини.

ВАҚТ ТУЙНУГИ

Икки ҳикоя



**Исҳок
ИСМОИЛОВ**

Ахир... Бу ўзи туғилиб ўсган гўша-ку. Қузғунли деб номланувчи тоғ ёнбағри, атроф тош-харсанг, олис-олисларда зангори туман қоплаган пасттекисликлар. Тоғнинг бошқа томонида, икки чақиримча нарида, майсазор қирлар ортида киндик қони тўкилган она қишлоғи бор. Йигирмага тўлиб-тўлмай шу ердан ўзга масканларга, йўл – сўқмоқлари чуваланг катта ҳаётга равона бўлганди.

Авжи найсон. Қария бетимсол манзарадан нашъа қилди, тоза ҳаводан мириқиб симирди. Ёнидаги ғадир-будир, рангдор тошхинали харсанга таяниб ортига ўгирилди-ю, бояги шаффоф пардали гардишнинг ҳавода муаллақ осилиб турганини кўрди. Ортимга қайтишим керакмikan, деб ўйлади. “Йўқ, яна бироз турай, кейин қайтсам қайтарман”.

Кўнглига мунгли, маъюс, шу билан бирга она алласи монанд сеҳрли, эркалаб-юпатувчи бир наво сизиб киргандай бўлди. Аллақаердаги сархуш каклик нағмаси, ён-верида сўфитўрғайларнинг сайроғи қулоғида, ерда ўсган пакана кийикўтга эгилди, қўли билан уни сийпалаб, димоғига кафтини олиб борди. Бўйи бунчалар ўткир... Ширачлар қийғос гуллабди, харчалар ям-яшил тусда, барра ўт-ўланлар оёқни кўмади. Ана, алвон лолалар. Болалигида манави шох отган контепар ўсимлигининг қанчасини ковлаб белоғриқ бобосига олиб бориб берган, шу ерларда қўй-эчки боққан, пода қувган, доривор гиёҳлар, тезак тергани чиққан. Теварак-атрофни, қир-адирлар оралиқлари, пасту баланди, ҳар бир пучмок, йўлу сўқмоқларини беш қўлдек билади.

Сойдаги сув ўзанида тўлиб, шарқираб оқмоқда. Қария ҳайрон. Бу сув ўсмирлик чоғларидаёқ кескин камая бошлаган, балоғатга етар йилларида деярли қуриб-битганди. Илк болалик даврларида шундай тўлиб оққани ёдида.

Ортига қайтиши керакми? Қария тараддудланган чоғда ўн-ўн беш қадамча пастдан, асосий сўқмоқдан бир болакай ўтиб бораётганини кўрди. Кўрди-ю, кўзини узолмай қолди: “Ким бўлди бу? Кўзимга иссиқ кўринаяпти”. Ногаҳонда болани таниб қолди. Ахир бу ўша – ўзининг йўқолган болалиги эмасми?

– Ҳой бола! – деб уни тўхтатди қария.

Исҳок ИСМОИЛОВ – 1960 йилда туғилган. Тошкент гидрометеорология техникумини тамомлаган. Ҳикоя, қисса ва ҳажвиялари республика матбуотида эълон қилинган. “Жайдари ковбой” номли китоби нашр этилган.

Бола тепаликка, чол томонга ўгирилди.

– Ассолом алайкум.

– Ваалайкум. Отинг Ботир эмасми?

– Ҳа, Ботир. Мени танийсизми?

Ажаб... Кичкиналигида овози шунақамиди? Ингичка, чийилдок... Дарвоке, шунақа эди.

Қарияни чуқур ҳаяжон босди. Оёқ-қўли, лаб-лунжи, бутун вужудини титрок эгаллади. Узоқ муддатли соғинч, қўмсов ортидан келган ногаҳоний дийдор бирдан хўрлигини келтирди. Энди ўзини қўлга олмаса бўлмайди. Йўкса, болалигини чўчитиб юборади. Ажаб, тезда у билан сўзлашиш йўлини топақолгани-чи:

– Сен Шоди аканинг неварасимисан?

– Ҳа.

– Сени бобонга ўхшатдим-да. Бобонг ошнам бўлади. Ботир деган неварам бор деганди. Тўхтагин, ёнинга тушай.

Қария қўлигида елим халта тўла дориси, дўнгликдан қоқила-сурила пастга тушиб болалиги қаршисига пешвоз чиқди. Унга қўлини узатиб кўришди. Болакайнинг кичкина қўлидан қария вужудига катта ҳарорат, росмана дармон сизиб кирди. Бундан унинг оёқ оғриғи, кўзларининг муттасил ачишиши пасайгандек, кигиздек белига жон иниб, нафас олиши енгиллашгандек туюлди. Ўзини бардам сезди. Болакай бу ғалати чол бармоқларини маҳкам тутиб қўйиб юбормаётганидан чўчиб қўлини суғуриб олди, қарияга кўз уриштирди. Бу чакноқ қароқларнинг ҳадикли нигоҳи чолни яна хушёр торттирди.

– Қаёққа бораёпсан, Ботир?

– Сигирга чиқдим. Кеча келмади, – деди болакай шошилиб. – Сиз кимсиз?

– Мен ҳам сигир излаб чиқдим. Қўшни қишлоқдан, анави Канопчиданман. Юр, бирга излаймиз, – деди қария ҳам яйраб.

Бу тарафларда подачи йўқ. Қорамол эрталаб кирга ҳайдаб юборилади, кечкурун ўзи қайтади. Айрим эринчоқ, дангаса моллар уйга қайтмай, бузоғини соғинтириб, гўдакларнинг сутдан ризқини қийиб, то эгаси олдига солиб ҳайдаб кетмагунча ўтлоқларда дайдиб, пана-пана сойликларда тунаб юраверишади.

Болакай сўқмоқдан ликонглаганча олдинда бормоқда. Катта, тақир бошида кўҳна дўппи, бўйни ингичка, гавдаси озғин. Қария болалигининг эғнидаги хийла кенг, оч яшил тусдаги олачипор костюмчасига сер солди. Эслолмади, шунақа кийим кийганмиди? Бироқ бутидаги қора лас шалварни эслади. Уни онаси сершовқин, тўкилай-тўкилай деб қолган “Зингер” тикув машинасида тикиб берганди. Ўша кезларда бу шалвар анча расм бўлганди. Липа, пойчаси резинкалик, орқа томонида битта катта киссаси бор. Болакайлар ўша киссага қўлини солиб талтайиб юришарди.

Қария тезда ҳориб қолди. Бу қайсар, ўзбилармон оёқ айтганини қилса-чи. Нафаси бўғзига тикилди. Ноилож, тепаликда болалигини тўхтатди. “Бироз тин олайлик”, деди. Бу ердан кўринадиган қир ораликларида қорамол йўқ. Чол бир ясси тошга оғир чўкиш қилди.

Болакай шошиларди. У чарчашни билармиди. Атрофга аланглаб, жойида тайсоллаб турарди. Бу тирранчани алдаб, чалғитиб турмаса бўлмайди. Қария ички чўнтагидан кубикни чиқариб болалигига узатди.

– Манавини кўр-чи.

– Нима бу? – деб антиқа матоҳни қўлига олди болалиги.

– Кубик деган нарсаси. Каллани чархлайди. Мана қара, бундай-бундай ағдариб ҳар бир рангни томонларга алоҳида-алоҳида йиғасан.

Бола машғулотга киришди, алахсиди, шўлк-шўлк бурнини тортди.

– Неччинчида ўқийсан, Ботир?

– Тўртинчида.

– Муаллимнинг Манзура опангми?

– Ҳа. Танийсизми?

Қария умрининг олис, туманли хотиралари ичра қолган болалигида сигирга чиққан шу кунни эслашга уринди. Бефойда. Уйдагилари нима қилишаётган эди ҳозир? Қадрдонлари... Ҳаммаси ҳаёт, ёш, навқирон.

Боя уни ютган шаффоф гардиш нима эди? Вақт туйнугими? Болалиги билан учрашишини олдиндан билганида у билан қандай гаплашишни, берадиган саволларини ўйлаб қўйган бўлармиди, бафуржа тайёргарлик кўриб қўярмиди... Болалигига асли кимлигини таништиришнинг ҳечам иложи йўқ ҳозир. Нима, мен сенинг кексалик чоғингман, дейдими? Соғлиги чатоқлигидан шикоят қилиб бугун касалхонага борганини айтадими? Доктор унга бир талай дори ёзиб берди. У ердан чиқиб аввалига невараси учун кубик сотиб олди. Эртага туғилган куни-ку. Кейин кўча четида қатор жойлашган дорихоналардан бирига кирди. Дорихоначи қоғозда ёзилган рецепт бўйича дори тахлади: “Мана бу икки хили бизда йўқ”, деди. Қария ташқари чиқиб бошқа дорихона томон йўналди. Ичкарига кирмоқчи бўлаётганида очик эшикка “тутилган” гардишсимон шаффоф, гўё елда тўлқинланиб, мавжланиб турган ҳарир “матох”га кўзи тушди. “Тавба, эшикка нималарни осишмайди-я”, деган гап кўнглидан кечди. Ҳалигига қўлини тикиб очган бўлди-ю, ичкарига интилди. Бир ғалати, туянинг ўкиришига ўхшаган товуш эшитилгандай бўлди, қандайдир куч уни нариги томонга қаттиқ силтов билан тортиб олди. Қария кутилмаган тафт, ёруғликдан кўзларини чирт юмди. Димоғига унга таниш соф тоғ ҳавоси гупуриб урилди. Кўзларини очганида ўзини дорихонада эмас, бетакрор, сўлим табиат қўйнида кўрди.

Йўқ, буларни болалигига айтиб бўлмайди. Шаҳардаги бетонли тўрт девор ичида димикиб, майда-чуйда ташвишларга кўмилиб яшаши, соғлигига жиддий путур етгани, яқинда кампирининг йилини ўтказгани... Ҳеч бирини айтиб бўлмайди.

Булутлар мавжланиб турган осмонда ғаддор калхат овоз берди. Болакай унга қарайман деб кун оғаётгани эсига тушди.

– Йиғиш қийин экан, – деб кубикни қарияга узатди у. – Сигирга боришим керак, кеч бўп бораяпти.

– Шу сенга, олақол, – деди қария. – Мендан совға. Сен кубик йиғишни дарров уқиб оласан, зеҳнинг тез, биламан.

Йўлда давом этишди. Болалиги яна илгарилаб кетди. Унга етишиб юриш осон иш эмас.

Чиндан, болаликка етишиб бўлармиди. Ўтмиш хотиралари бир қадар жонланди. Ўша кезларда болалиги ўзининг шу илдамлигига қаноат қилмасди. “Ўзиюрар велосипедим... йўқ, ўргатилган бургутим, қузғуним ёки калхатим бўлса... – деб ҳаёл қиларди. – Уни миниб баланд осмонга учиб чиқардим. Сигирни бирпасда топиб олардим. Агар учар гиламим бўлганида...”

“Болакай, – деб пичирлади қария, – ҳаммасидан зўри ўзингсан. Оёқларинг ўзиюрар велосипеддан кўра илдамроқ, қанотларинг бургутникидан, қузғун, калхатникидан бақувват, ҳаёлларинг учар гиламдан-да учқур. Шу ёшга кирганимда мен бунга англаб етдим”.

– Ҳой Ботир, тўхта! Бирпас дам олволайлик.

– Кеч бўп бораяпти.

– Майли, қоронғи тушади деб кўркма, мен ҳам сен билан қишлоққа бораман. Бирга кетамиз.

– Мен кўрқаётганим йўқ.

– Биламан, сен ботир боласан. Исминг жисминга мос. Дам олволайлик дейман-да.

Хайрият, бола тўхтади. Қўлидаги кубикни тагин ағдаришга тушди. Қария унинг ёнига келиб ўтирди. Пешонасидан кўзларига сизиб тушган терни энги билан

сидириб артди, энтикиб-энтикиб нафас олди.

– Ботир, – деди у болалигига юзланиб, – бобонг нима қилаяпти?

– Бобомми, мен сигирга чиқаётганимда кели ўяётувди.

Қариянинг кўнгли бўшаб бир зумда кўздан ёш қалқиб чиқди: “Бобожоним... Тол-терақдан нималар ясамасдингиз-а.”

– Бувинг-чи, бувинг нима қилаётувди?

– Билмасам, уйда ўтирувди.

– Энди... Отанг нима қилаяпти, Ботир?

– Отам ишда.

Қария ортиқ ўзини босолмади. Хўнграб йиглаб юборди. Бола чўчиб кетига тисарилди.

– Сен қўркма, – деди қария, – оёғим зирқираяпти-да. Мана, доримдан ичволай, оғримай қўяди.

У қўлтигидан салафон халтани чиқарди. Ичидан дори олиб танглайига ташлади.

– Дорингиз бунча қўп, бова?

– Сен буни қўй, Ботир. Онанг нима қилаяпти, онанг?

– Онам...

Хали болакай жавоб айтиб улгурмай қариянинг ич-ичидан “ўх-х-х” деган ўкинчли бир нидо отилиб чиқди: “Онажоним... Онам-ей..!” деб юборди баралла.

Болалиги энди чиндан қўрқиб кетди. Четга бир-икки кадам тисарилиб, кейин йўлига қайрилди, қариядан узоқлашди.

– Болажон, тўхта! – дея қария хаста овозда ўзича ҳайқирди. – Мендан қочма! Мен сенга бегона эмасман!

Болакай сўқмоқда ногоҳ қоқилиб, қўлидан кубиги отилиб кетди. Ботир уни олишга жаҳд қилмади. Қария зўр-базўр ўрнидан туриб болалиги ортидан эргашди, чиранди. Тушиб қолган кубикни қўлига олди. Орқасига ўгирила-ўгирила қирдан ошиб бораётган ўжар, кескир болалигини кузатиб турар экан, ундан хафа бўлди, паст овозда гап қотди: “Мени ташлаб кетдинг-а. Майли, ўзим борақоламан қишлоққа. Йўлни билмайманми. Кўчамизга қираман-да, ҳеч кимга билдирмасдан, дарвозамиз тирқишидан ҳовлимизга аста мўралайман. Ёшлари нечада эди-я, демак, Ботир – болалигим ҳозир ўн ёшда бўлса... Ўттиз ёшли онажоним, ўттиз етти ёшли отагинам, олтмиш саккиз ёшли бувижоним, қадрдоним, етмиш беш ёшли бобожонимни... Айтгандай, вафот этиб кетган сингилжонимни бир-бир кўрсам бўлди. Сўнг ҳалиги, вақт туйнугига қайтақоламан, майли”.

Қария шахд билан олдинга интилган дам кутилмаганда... Қаршисида анави шаффоф гардиш пайдо бўлди. У ўзини тўхтатиб қолишга улгуролмади. Кубик тутган қўли мавжланиб турган тўлқинсимон ҳарир пардага ботди-ю, кейин бор бўйича гардишга ютилди.

Ўзини шахарнинг машина-ю одамларга тўла серқатнов, сершовқин кўчасида, хали кирмоқчи бўлган дорихона эшиги ташқарисида кўрди. Нима бўлганини дарров тушунди, эшик томон қайрилди. Қайтиб гардишга ютилмаса бўлмайди, ахир қадрдонларини кўрмасдан... Болалиги билан хайрлашмасдан...

Эшикдан ичкарига ўзини урди. Бироқ ҳеч нарсага ютилмади, на туя ўкиригига ўхшаш овозни эшитди, на қаттиқ силтов, ғайритабиий бир ҳисни туйди. Сўлим табиат, салқин эпкин, бетакрор ўтмиш ўрнига ўтқир, бадбўй ҳид анқиб турган ярим қоронғи дорихона ичига кириб борди. Кўзлари ола-кула, ҳаяжонда ҳансираб ўнг-сўлига кўз югуртирди.

– Тузукмисиз, отахон? – деб сўради дорихоначи қиз хавотирда.

Қария ниҳоят тақдирга тан бериб чуқур хўрсинди.

– Тузукман, қизим, тузук.

– Дори керакми, отахон? Нима берай?

Қария салафон халтасига етишмаётган икки хил дорини солиб ташқари чиқди.

Судралиб бекат томон йўналди. Йўл-йўлакай неварасига олган кубикни енги билан артиб ғубордан тозалади. Кубик болакай кўлидан учиб тушган чоғда бир чети озгина сидирилибди. Чағот тошга урилган-да. Аттанг, буни эсдалик учун болалигида қолдиролмади. Неварасига бошқасини оларди-ку.

Уни бир савол қийнар, эслашга уринди. Болалигида, ўн ёшида, айна баҳор чоғи, бир гал тоққа сигир излаб чиққан куни овлоқда ўзгача либос кийган соқолсиз, заъфарон юзли заиф-нотавон қарияни учратганмиди? Телбанамо, йиғлоқи ўша чол уни биров чўчитганмиди?

ЁМҒИРЛИ КУН

Эгам оқсоқ билан Шоқосим ўзаро келишмай қолди.

Жўра тутинишди, девор-дармиён кўшни бўлишди, мана, орадан қирқ йилча вақт ўтиб ҳозирда қарилик гаштини суриб юришибди. Бироқ ҳалигача уларнинг сен-менга боришганини биров кўрмаган, эшитмаган эди.

Эгам оқсоқ ҳовлида бозордан сотиб олиб келадиган кўзиларга жой ҳозирлаётганида Шоқосим ҳовлисида туриб:

– Ҳой, Эгам! – деди.

Оқсоқ ари чаққандек чўчиб тушди, кўлидаги тешани ерга ташлади-да, йўнаётган қозигига тираниб ўрнидан турди, дўстига юзланди.

– Одам деганда лафз бўлса яхши, – деди кўзини чақчайтириб Шоқосим.

– Мен нима қилай? – деб Эгам оқсоқ бечораҳол елкасини қисди.

– Э-э, – деб дўсти кўлини силкиди-да, шартга бурилиб нари кетди.

Ана шундай келишмай қолишди улар...

Кечагина бўлгандек. Ҳамсоялар Шоқосимнинг ҳовлисида чойлашиб ўтиришганди. Шоқосимнинг ўғилчиси Эгам оқсоқнинг қизчаси билан ўйнаб юришувди. Бир маҳал эркаклар эътибор қилишса, ҳамсоя аёллар болаларни кўрсатиб ўзаро пичир-пичир гап қилишяпти.

– Нима гап, энаси? – деб сўради Шоқосим Улбўсиндан.

– Ҳа, ҳалиги, манов болаларга қараб... Лайлони айтаман, кундан-кунга ойдек қиз бўп борапти.

– Ойдек қиз бўп бораётган бўлса ўзимиз келин қиламиз-да, энаси, – деди Шоқосим жиддий. Кейин Эгам оқсоққа юзланиб:

– Шу қизингни ўзим келин қиламан, нима дейсан? – деди.

– Энди сендан ўтиб... Каттаверишсин-чи...

Кулги-кулги билан суҳбатнинг охири жиддийлашиб кетди. Кечқурун ош бўлди. Ўша кундан бошлаб то ҳозиргача бир-бирларига гап орасида “куда” деб ҳам мурожаат қилиб келишарди.

Айниқса Эгам оқсоқ ҳайрон. Қизик, олайлик, анов томорқадаги кўчат росмана дарахтга айланиб ёнғоқ солгунича ўтган етти йил унга етмиш йилдек туюлибди-ю, қизининг йигирмага киргани йигирма кун-ча ҳам бўлмабди-я. Энди қараса дўсти боласини шунга кўндириб, қулоғига қуйиб ваъдасининг устидан чиқибди, у бўлса кўндириш у ёқда турсин, ҳатто қизининг бетига қараб тик гапиролмас ҳам экан. Хотинининг уринишлари зое кетибди. Лайло ўқишга борди-ю, ўша ёқдан...

Мана, кеча совчи келди. Шуларга бўламан деб қизи туриб олди.

Эгам ҳовлида эгар-жабдуқларни тузатиб эшагини бозорга ҳозирлаётган эди, уни чўчитиб юборишдан кўрққандек оёқ учида олди Муяссар яқинлашяпти.

– Кўриб турувдим, жўрангиз боя сизга нима деди? – деб сўради хотини.

Эгам қайрилиб хотинига ўқрайди:

– Одам эмас экансан, деди.

– Сиз-чи, нима дедингиз?

– Ҳеч нима.

– Худога шукур, – деб Муяссар енгил тин олди. – Индамай яхши қилибсиз. Улбўсин икковимиз тоза кўрқиб ўтирувдик. Минг йиллик жўрасизлар энди, ярашиб олинглар. Сиз паст келаверинг, майли, ўзи айб биздан ўтди.

Эгам ишида давом этар экан, ўйларди: “Лайлонинг қилиб юрган ишидан Шоқосим иккаламиз кечагина аллақасқдан совчилар келгач огоҳ бўлдик. Хотинлар эсам илгаридан билишар экан-да, тагин ярашиб олишгаям улгуришибди. Энди бизниям ногорасига ўйнатишмоқчи. Сиз паст келинг, эмиш”.

– Бекор айтибсан, – деди у асабий. – Айтиб қўй, ўша ўғлига берадиган қизим йўқ. Ҳозир замон бошқа, қизим хоҳлагани билан уй қилади. Ҳаммаси замондан орқада қопти. Бориб айтавер, ўтказиб қўйган жойи бордайн менга ундай кўзини чақчайтирмасин...

Муяссар ерга қараб жимгина тинглаб турди-ю, индамади.

Шундан то эри ҳамма ишларини сарамжонлагач, кечқурун қаергадир бориб келиб кўрпачага тиззаси теккандан кейингина гапирди.

– Боя бирдан жўрангиз Келитошга отланиб қолса бўладими.

– Нима қилай шунга, кечқурун Келитошда пишириб қўйибдими?

– Ўн-ўн беш қақирим йўл чўт эмас, кун ойдин, оқшом қайтиб келаман дебди. Ўйлаб-ўйлаб шуни топибди. Бўласининг қизига оғиз солиб кўрармиш.

– Билганини қилмайдими, – деб Эгам ўйланиб қолди.

Жўраси аччиғи чикса ёмон ўзи. Уни билади. Энди ўчакишиб қилаётган иши маъкулми-номаъкулми, охиригача етказмай қўймайди, нима қилиб бўлсаям тортишиб қолган орқа томирини ёзиб олади, кейин ҳузур қилади.

Хотини гапида давом этди:

– Бир палла анов ўлимса эшагини эгарлаяпти. Ҳавонинг авзойи бузуқ, ёмғир ёғиб қолса оқшом нимжон эшакда судралиб юрмасин деб Улбўсин икковимиз сизникини олиб ўтиб бердик. Минмайман деб тоза хархаша қилди. Бир илож қилиб кўндирдик. Минг қилсаям йўрға...

– Ия, нега берасан, нега минади? – деб аччиқланди Эгам. Кейин бунгаям ўзича маъно берди; ўзи шу йўргани ўша Шоқосим топиб берган. Оқсайсан, сенга зўрроқ эшак даркор, деган. Топиб берганини пеш қилибди. Бўлмаса, бундайин юз кўрмас бўлиб турган кунларда менинг молимга қўлини теккизмасди. У хотинларнинг қистовига кўнадиган одам эмас.

– Илдам эшак, тезаги қуввармиди, оқшом олиб келиб қўяди. Бозорга боришингизни Улбўсинга айтганман. Жўрангизнинг ўзиям билади, – деди хотини.

– Э-э, жўра-жўра дейвермасанг-чи, жўрачилик қолдими энди.

Муяссарнинг елкаси учиб, лаби қимтина бошлади. Бу унинг зардаси кўзигани, эрининг жонини кадига қамамоқчи бўлгани. Онда-сонда рўй берадиган бундай пайтларда Эгам оқсоқдек бир нотавон рақиб унинг қаршисида мум тишлаб туриши ёки ҳеч бўлмаганда секингина ўзини назар тушмайдиган жойга олиши лозим.

Хотинининг лаблари орасидан энди сўзлар отилиб чиқа бошлади:

– Етимга жир битиб энди кўзи қисилиб қопти-да. Ўша жўрангизсиз сиз ким? Тоғангиз ўлиб уйига сиғмай қолганингизда кунингизга яраган шу ўртоғингиз эмасми? Энди қариган чоғингизда уришиб элга шарманда бўлмоқчимисиз? Уришинг, майли кўрай, кейин қайси уруғ сизни ўзига қўшар экан кишлоқда. Кўзингизни очинг! Уялинг!..

Эгам бузоқдек бошини ҳам қилиб турди: “Илингани бир қопиб олади. На эркагига сўзинг ўтади, на ургочисига...”

Муяссар “валий” чиқди. Тунда ёмғир чирт-чирт эткизиб дераза ойнасини чертаяпти.

Ярим тундан озроқ ўтиб уйғонишди, бўлмаса бозорга кечикади. Эгам оқсоқ оғилга борса эшак йўқ. Қайтиб келиб хотинига:

– Шоқосим Келитошда тунаб қолган кўринади, – деди.

– Ёмғир тинганми?

– Тинган. Ҳамма ёқ шилта.

Муяссар чой дамлади. Дастурхон ёзиб унга нон, майиз, новвот қўйди. Кечани деярли бедор ўтказгани ҳаракатларидан билиниб турарди. Ўйланиб чиққан.

– Кейинроқ дамлайвермайсанми, барибир бозордан қолдим-ку.

Муяссар, “Мошинда бораверинг”, дерди-ю, бефойда. Эрининг одати аён. Шопирнинг кош-қовоғига термилиб ўтиришни жини суймайди. Қолаверса, мошин йўли олис. Унга эшак маъкул. Ота-бовосидан қолган улов эмиш. Уни миниб кир орқали яқин йўлдан шип этиб ўтади қўяди. Тушида эшак минган муродига етармиш, деган гапни кўп такрорлайди. Тушида эшак минадими, йўқми, ноаён, бироқ ўнгиди ҳам уни қўлдан қўйгиси келмайди. Шунинг учун ҳам калласига келганини айтди қўйди:

– Жўрангизникини миниб кетаверинг. Ярим соат олдин бўлмаса ярим соат кейин етарсиз.

Эгам оқсоқнинг эса калласига бир талай аччиқ-тизиқ гаплар келиб уларни тўкиб-солишга оғиз жуфтлади-ю, бутунлай бошқа нарсани айтди:

– Бозор тарқаб кетади.

Шу пайт ховлидан эшакнинг хира товушда ханграгани эшитилди. Эгам ташқарига чиқиб, салқинда жунжикиб турган Улбўсиннинг қорасини кўрди. Улбўсин айбдорларча юзини тескари буриб:

– Жўрангиз келмади, – деди. – Бизникини миниб борақолинг. Сиз ҳам бозордан қолманг энди. Наридан-бери эгарладим, ўзингиз тузатиб...

Ўйлаб ўтиришга фурсат, саҳарлаб ади-бади айтишишга хоҳиш-хафсала қайда. Эгам оқсоқ “ўлимса” эшакни миниб йўлга тушди.

Ҳали қоронғи. Бозоргача сўқмоқдан олти-етти чақиримча йўл. Ёмғир қўп ёғибди. Қирлар ҳўл, сўқмоқ лой. Булут тарқаб осмонда юлдузлар кўрина бошлади. Ой ботган. Эгам оқсоқ оёқлари билан эшакнинг биқинига тинмай ниқтаб борарди.... Шоқосимнинг, “Э-э”, деб қўлини силтаб кетгани кўз олдидан сира нари ўтмасди. Яна, лафзсизсан, деб айтди. Ҳаммасига тупурди. Шунча йиллик жўрачиликкаям, бирга ўтказган яхши-ёмон кунларнинг хотирасигаям, ҳаммасига. Ахир у нима қилсин? Ҳозир қиз болага ҳукм ўтказса бўладиган даврми? Ота-энанинг хоҳиши уларга бир чақа. Аччиғини чиқарсанг ўзини бир бало қилиб қўядими деб қўрқаркансан одам. Қўлимдан келгани шу-да. Майли, деди, ирим-сириминиям қилди. Қариндош бўлишни у истамасмиди? Қолаверса, ўғлиям қип-қизил латта экан. Лайлонинг кўнглини оли-иб юрмайдими.

Шундай ўйлар оғушида йўлнинг ярмини ортда қолдирди. Тонг аста ёришиб, уфқ томондаги қирларнинг елкалари тобора яққолроқ кўрина бошлади. Илонжарга яқинлашиб қолди. Бозор йўли шу жарнинг ёқасидан тушган. Энди, бу ерда оз-моз сергак бўлиш керак. Йўрға бўлганда-ку... Оёғини узангидан олди. Беш-олти мўйсафидлар билан шу сўқмоқнинг ҳам гапи бўлганди. Йўлни олисроқ бўлсаям тепанинг нариги томонидан солиш керак, дейилган. Жар йилдан-йилга емирилиб боряпти.

Эгам гафлатда қолди. Эшак сўқмоқнинг деярли жарликка қўшилиб кетган жойига етганида пастдан қандайдир итнинг қаттиқ ҳуриб юборгани эшитилди. Узунқулоқ бирдан чўчиб тушди. Орқага тисланди. Керилган орқа оёқлари сўқмоқдан чиқиб нураб турган қияликка ботди. Куч билан олдинга интилди-ю, нимжонлиги панд берди. Юк босиб жойида ётиб қолди. Эгам яқинроқдаги шувоқдан ушлаб ўзини эгардан олди. Эшак юкдан халос бўлганини туйиб яна жойида бир-икки силтанди, бироқ оёқлари сирғалиб гавдаси тобора жарликка оғиб борарди. Ҳалокат жонига ваҳима солиб дағ-дағ титрар, хансирар эди. Эгам оқсоқ арқондан ушлаб ўзига тортиди, кучи етмади. Эшак яна бир силтанди-ю, пастқамликка қулади.

Эгам оқсоқ туби тонг ёруғида элас-элас кўзга ташланаётган жарликка бақрайиб

қолди, кейин нигоҳини ҳозиргина қулаб тушган эшакка қадади. Топди. Жасад қимирлаётгандек туюларди. Ўн қулочча келадиган баландликдан йиқилган жониворнинг соғ-омон қолиши гумон бўлса-да, унинг юрагида бир умид учқуни пайдо бўлди. Тагин мўъжиза юз бериб... Жарлик ёқалаб пастга лўкиллади. Қаердадир ит ириллади. Ана, баҳорги селнинг кир-адирлардан оқизиб келиб Илонжарга тўшаб ўтган тош-шағаллари устида жони узилаётган узунқулоқ ётибди. Оёқлари узалган, бўйни тагида...

Эшак минган муродига етармиш... Эгам оқсоқ томоғига бир нарса тикилганини ҳис қилди. Кўз олдига Шоқосимнинг меҳр билан боқиб турган чехраси, бир туп ёнғоқ ва яна тераклар соясидаги тоғасининг дўмпайиб турган қабри келди. Чиндан ҳам мўъжиза юз берди. Эгам тўғирлаб қўйиб деб эшакнинг тагидан бошини чиқармоқчи бўлди-ю, эгилаётиб ҳайратдан жойида тек қотди, не кўз билан кўрсинки, оёқлари тагида ҳали Шоқосим миниб кетган ўзининг йўрғаси ётарди. Тонг анча ёришиб қолган бўлса-да, буни олдиндан илғабди. Ахир икковининг ҳам эшаги малла. Сонидан ит ғажий бошлабди. Ўлганига анча бўлган. Бояги қўққисдан ҳуриб юборган ит ҳов ана, харсанг ёнида ҳурпайиб турибди. Иккита экан. Бири иккинчисидан қизганиб ҳурган. Сўнг Эгам оқсоқнинг эти жимирлашиб кетди. Наҳотки жўраси ҳам... Наҳотки жўраси шу ерда. Оёқлари бўшашиб у ўтириб қолди. Вужудини ваҳима ва ўқинч эгаллади. Шоқосимнинг кеча нимага келмагани энди аёнлашмоқда эди. Ахир Келитошгаям шу жар сўқмоғидан ўтиб кейин чапга бурилиб кетилади-ку. Кечаси қайтиб келаётганида ёмғир қуйиб қолган. Анов жойда эшак сирғалиб кетиб пастга қулаб тушган. Ўзи-ку тасодифан омон қолди.

Эгам ўрнидан турди. Афтига аянчли бир тус эниб аламдан ингранганича теварак-атрофдан кидира кетди. Жўраси... Жўрасининг жасадини излади. Шоқосимнинг эшаги беш-олти қадам нарига, қалин ўсган буғдойзор орасига йиқилиб тушган экан. Жони узилибди. Кейин яна жўрасини кидирди. Ҳеч қаерда йўқ. Яратганга шукр. Демак, гап бошқа ёқда: Келитошдаги бўласи бир ваҳми дастак қилиб Шоқосимга рад жавобини берган. Қайтиб келаётганида Шоқосимга тоза алам қилган. Бўласиниям сўккан. Эгамнинг ҳам гўрига ғишт қалаган. Шу жарга етганида аламдан йўрғани пастга думалатган, кейин бу ёқдагиларга нима дейишини билмай уйига боролмаган. Ёки бўлмасам Келитошга бораётганидаёқ эшакни итариб юборгану, у ёғига яёв кетиб бўласиникида ётиб қолган.

Ишқилиб шундай бўлсин-да. Эгам бошини сарак-сарак қилиб турди-турди, сўнг бир ўй ўйлади.

Бозорга кириб борганида мол бозори тарқай деб қолган экан. Лекин Эгам оқсоқнинг иши юришди. Иккита кўзига мўлжаллаб тутиб келган пулига отдек оқ эшак сотиб олди. Минди-ю, қишлоққа қайтди. Яна бир қор-қол юз бериб юрмасин деб йўлни Илонжардаги тепаликнинг орқасидан солди. Кўп нарсалар хаёлидан кечди. Эшак сотиб олиб яхши қилди. Энди Шоқосим мениям эшагимдан айириб қасдини олибди, деб ўйламайди. Яна хотинининг унга етимлигини эсга солганини ёдга олди. Ростданам Шоқосим билан қиёматли жўра киришганидан кейин унинг уруғига қўшилиб, элнинг бир қаватига айланиб етимлигини унутаёзибди. Кўзини шира босибди. Одамгарчиликдан чиқса яккамоҳов бўлиб қолиши осонлигини ўйламабди. Кўз олдидан ўтмиш лавҳалари липиллаб ўтаверди:

...Шоқосим, Эгам ва Норқўзи ҳарбийдан қайтишяпти. Эгам оз-моз оқсаб боради...

...Қучоқлашиб хайрлашишяпти. Бориш-келиш қилишга ваъдалашиб учқови битта тоғнинг уч томонида жойлашган қишлоқларига тарқалишди...

...Ўн икки оиладан иборат қишлоқда таъзия. Ҳам ота, ҳам эна ўрнини босиб ёлғиз жиянини ўстирган, жияни ҳарбийдан қайтган ўз қўли билан уйлантирган ёлғиз тоға энди баҳузур оёғини чўзган. Эгам тераклар соясидаги дўппайган янги қабр тепасида мунғайиб ўтирибди. Ёнида Шоқосим...

...Тоғ ёнбағирлаб чўзилиб кетган қўшсўқмоқда иккита от арава. Шоқосим Эгамни қишлоғига кўчириб олиб кетяпти...

“Майли, мен паст келаман, – деб қорор қилди Эгам. – Обдан узр сўрайман. Кечир, дейман. Шунча йил бир-биримизга қаттиқ гап айтмай қаридик, жўрачилик ҳурмати, мендан юз ўгирма, гўрнинг оғзига ўнг бўлиб турганимизда эл олдида шармандамиз чиқмасин, дейман. Кўнар, эшакни бўлса... Буниям иложи бор. Ўтирик айтаман. Бундай дейман: “Саҳар сени эшагингни миниб кетаётсам Илонжарда иккита ит ўлимтик талашяпти. Тушиб кўрдим. Қизикдим-да. Бизнинг йўрға экан. Э-э, жарнинг йўли бузук, йиқилибди, ишқилиб Шоқосимнинг ўзига зиён етмасин-да, деб ўйладим. Хайрият, ўзинг кўринмадинг. Бозорга борувдим, Норқўзи юрибди. Кўришиб қолдик-ку. Чойхонада ўтириб чойлашдик. Юр қишлоққа, дегандим, бир куни ўзим бошқача қилиб бораман, деди. Кичкинагина, қоп-қора бовой бўлибди. Тагин катта оқ эшак миниб чиқибди. Ҳазиллашиб, кел эшакларимизни алишамиз, дегандим, майли, деди. Ўғлимнинг янги мошини бор, эшак ўзи керак эмас, ўзим ҳам ем, емиш тополмай гарангман, зўр эшак, уволидан кўрқиб юрардим, дейди. Алишдик. Яхши бўлди-да. Йўрға энди йўқ, икки ҳовлига битта нимжон эшак қолди. Уям қари. Бизга зўрроғи дуруст”. Не кунларга қолдим-а, бир умр мисқоллаб йиққан обрўйингдан бир сонияда қилган хатонг оғир келади. Бу дунёси ўзи бир меҳмонхона деганлари рост. Одамзод туғилганида пок бўлади, аммо гуноҳни катта қилиб ўтиши мумкин, шундан сақласин...”

Уйга тушга яқин етиб келди. Ичкарига кирди-ю, Шоқосимнинг ҳовлисига кўз югуртирди. Ҳеч зог кўринмасди. Аста эшакни оғилхонага олиб кириб бойлаб чиқди. Уйга кирса, хотини супра ямаб ўтирган экан. Димоғи чоғ.

– Эрталаб жўрангиз сизни сўраб келди, – деди у Эгам оқсоқ кўрпачага чўкка тушгач. – Гинасидан кечибди. Оқшом Келитошга бораётиб бирдан ўйлабди, шу ишим нотўғри-ёв, дебди. Ёшлар ўз билганича иш қиладиган бўлиб кетишган, жўрада айб йўқ, бекорга хафа қилибман, дейди. Кейин Келитошга боришдан айниб, йўлни Норқўзи ошналарингизни қишлоғига солибди. Кўргим келди, ҳарбийда бир каталақдан ёвғон ичганмиз ахир, дейди. Бориб меҳмон бўлибди. Ўша жўрасининг ҳам бир йўргаси бор экан. Иккалови алишиб олишибди, кейин азонлаб уйга қайтибди. Отдек йўрға эшак, ҳов анов қирга арқонлаб келди. Жўраники қариб қолганди, кўрмайдими, оғзида иккита сап-сарик тишидан бўлаги тўкилиб кетган, дейди. Буниси ҳали ёш эмиш. “Жўра бозордан келса ўзим яхшилаб тушунтираман”, деди. Сиз ҳам энди яхши гаплашинг, яна ади-бадилашиб қолманглар, майлими?

Эгамнинг кўзларидан ғилт этиб ёш отилиб чиқди, томоғига ичдан бир нарса келиб тикилди, юзини чекага буриб уни хотинидан яширди.

Ташқарида итнинг эркаланиб ғингшигани эшитилди. Шоқосим келяпти. Ит Шоқосимга эркаланади.

Муяссар эрининг чехрасида кўпроқ табассумга ўхшаб кетадиган бир ифода пайдо бўлганини кўрди. У кулмоқчими, ё бошқами, тушунолмади. Эгам оқсоқнинг ўзи ҳам буни яхши билмасди-ю, лекин калласига зўр бериб ўй ўйларди. Жўрасига оқ эшакнинг таърифини қандай келиштириб айтишни билолмай гаранг эди.

Фурсат эса жуда оз. Ана, Шоқосим ҳовлида бир-икки ясама йўтал қилиб, уйга яқинлашмоқда. Даҳлизгаям кирди. Маҳсисини ғичирлатиб, калишини ечяпти. Яна бир қисқа йўтал қилди. Ҳозир эшик ҳам очилади...

Бир уюм булут орасидан мўралаган куёш нурлари ичкарига ёғилди.



**Гавҳар
ИБОДУЛЛАЕВА**

Бодраб ётар кўксимда соғинч

* * *

Сиз ёқларга кетиб қолади кўнглим,
Кўнглимнинг изидан эргашаман жим.
Йўлларга сочилиб бўлмасдан умрим,
Сизнинг умрингизга келар тўкилгим.

Нечук толедир бу, нечук синоат,
Меҳристон унмоқда қарокларимда.
Кўнглим ўсиб борар дарахт мисоли,
Соғинч кафт ёзади япроқларимда.

Кўнглим кўтарилар, кўнглим кўкланар,
Фарқин туймай қўйдим тушим-ўнгимнинг.
Насибамда турган дийдорни ўйлаб
Ёрилиб кетади юраги кўнглимнинг.

Пойимда жон берар умидвор ғамлар,
Ноумид қувончлар санчилар кўксимга.
Жонимни, сизга деб асраётирман,
Ташриф қилармисиз севгимга?

Йўл

Йўлга ўхшатарлар, асли, ҳаётни,
Майсалар – юпанчик.
Тиканлар – озор.
Инсон одимларкан қисмати бўйлаб:
Гоҳида омадсиз, гоҳо омад бор.
Майли, йўлларимда ётсин чигаллар,
Майли, йўлларимга тўлсин хору хас.
Барибир, етарман, эй нурли мақсад,
Фақат сен қаршимда чорлаб турсанг, бас!

Гавҳар ИБОДУЛЛАЕВА – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан тақдирланган. 1961 йилда туғилган. Хоразм давлат педагогика институтининг(ҳозирги УрДУ) филология факультетини тамомлаган. Унинг “Қутлуг сўзлар”, “Бир вужуд соғинч”, “Юрагимда яшайтган сир” номли китоблари чоп этилган.

* * *

Соғинч карвонларим жўнатдим сизга,
Бўйнида ҳадикнинг қўнғироқлари.
Зим-зиё ҳажр туни йиқилар тизга,
Кўринмас толенинг шамчиноқлари.

Йўл олис.
Олисда дийдор – чўнг довон,
Увиллар шубҳанинг қашқирлари оч.
Кўксини ёқади соғинчим – сарбон,
Ортада қолар рўё – алвасти ҳаллож.

Ногаҳон, чақнайди жафо қиличи,
Йўл тўсар хийлағар қароқчи – ситам.
Икки ёқ бошланар бардош хуружи,
Шодлик талош бўлар, қолдиғи – алам.

Кийиб этактошли рўдапо кўйлак
Издан таъкиб этар ялмоғиз – кулфат.
Қўл келар шу асно ирода – ойнак,
Ишончларим дарё ясар окибат.

Сабрнинг косаси тўлиб боради
Икки чашм – икки уммон қасдида.
Илинжлар қисматнинг кўксин ёради,
Тин олар хотира – чинор остида.

Йўл юрса, мўл юриб, қаранг, ниҳоят,
Карвоним етибди қошонангизга.
Донг қотиб қолибди (толибди ғоят)
Сарбоним бош қўйиб остонангизга.

Тобора яқинлар висол – субҳидам,
Битиб борар фироқ – дилнинг чандиғи.
Чўккан нортудир одош бўлган ғам,
Устида ёлғиз юк – вафо сандиғи.

Бу сандиқ ичида бир қиз ухлайди,
Жангу талошлардан омон қолган – ишқ.
Лаблари бир катра дилсув тилайди,
Сочлари таратар анбарину мушк.

Дунё – севгимизга зор турган жуфт кўз –
Бир бор экан унда, бир йўқ экан бахт!
Бегим, лабингиздан учсин бир қуш – сўз,
Фақат шунга боғлиқ муроду мақсад!

Тожмаҳал

Тожмаҳал – ишқ қасри, севги қалъаси,
Қўнгил туйғусига қўйилган ҳайкал.
Шоҳжаҳон қалбидан сизган изтироб,
Ошиқ армонидан яралган сайқал.

Тожмаҳал – дилларини лол этган хилқат,
Ҳайратда Ҳиндистон, ҳайратда дунё.
Мумтозмаҳалбегим – ул офтобталъат
Чиндан ҳам чинмикан ё эртақ, рӯё?

Асрлар шамоли ўчирабилмас,
Бу ранглар устанинг қоними ёху?
Тожмаҳал – юракдан отилган қувонч,
Тожмаҳал – бағирга босилган қайғу.

Ўтди неча замон, неча бир фасл,
Қутлуг бир сабоқни сўйлаб турар у.
Ишқи йўқлар учун бир нафас тинмай
Мангу муҳаббатдан куйлаб турар у.

Тожмаҳал – дилларнинг пок саждагоҳи,
Қаршингда тиз чўқар ўзин билган зот.
Тожмаҳал – заминга қўмилган орзу,
Тожмаҳал – осмонга санчилган фарёд!

Фироқ алёри

Қўй, аврама, илинж, сен – лўли,
Осмонингда етмайди қўлим.
Узун-узун ҳижроннинг йўли,
Висол, сенга етар кун қачон,
Дилдан доғлар кетар кун қачон?

Сизни демоқ, қалбга минг малол,
Умидларим топмоқда завол,
Ойим, куним, ҳар оним – савол,
Висол, сенга етар кун қачон,
Ишқ ели рақс этар кун қачон?

Кўнглим менинг айрилиқзада,
Қайда юпанч, қайда бир далда,
Тўлиб борар юракка зарда,
Висол, сенга етар кун қачон,
Ўкинч, зорлар битар кун қачон?

Қалб эшигин қоққан ул ким-ким,
Ким экан деб, дил ғижим-ғижим,
Умрим бўйи такрорлайман жим,
Висол, сенга етар кун қачон,
Армон умри битар кун қачон?

Тониб борар осмондан-осмон,
Ранглардан-ранг, дармондан-дармон,
Севдим демоқ, осондан-осон,
Висол, сенга етар кун қачон,
Висол, сенга етар кун қачон?

* * *

Сочкилардек сочилиб хушҳол
Чўқкиларни оқартирган қор.
Уруғларга бахш этганча жон
Эгатларда жилдираши бор.

Бахтданмикан ранглари зарҳал,
Биласизми хазоннинг сирин?
Унда, баҳор нафаслари жо,
Куртакларнинг умри яширин.

* * *

Қучиб шудринг-шудринг кўз ёшим,
Йиғлаб ётар кўксимда бир боғ.
Бир қараш эт, олис қуёшим,
Бир назар қил, қўлим етмас моҳ.

Ҳажр хазони эзар муттасил,
Васлидамдан йўқ иштибоҳлар.
Келсанг, энар бошқача фасл,
Унабошлар меҳригиёҳлар.

Қақраб ётар бағримда-бағрим,
Бормоқдаман баттар бойланиб.
Чехранг кўриб эрийди ғамим,
Армонларим оқар сойланиб.

Дийдорингдан бенасиб кунлар –
Вужудимни ямлар ёсуман.
Қадамларинг теккан заҳоти,
Очилгайдир минг битта чаман.

Наргизланиб, нилуфарланиб,
Бодраб ётар кўксимда соғинч.
Оёқларинг қучиб йиқилгай
Неча фарёд, неча минг нолинч.


Райҳонланиб, атиргулланиб,
Тўлиб турар дилимнинг зори.
Кезар бўлсанг бу ошиёни,
Тутиб кетгай бахтнинг ифори.

Қай ерларга қўярман, билмам,
Ўкинчлардан фориг бу лошим.
Тоғдай ўсар оёғим таги –
Осмонларга етгайдир бошим.

Лолаланиб, қизғалдоқланиб
Йўлингга кўз тутаман, эй ёр!
Қўлинг тегса – тўкилар жоним,
Сени шундай кутаман, эй ёр!

* * *

Қалбингни ҳилоли менмасмидим, айт,
Кўзларинг зилоли менмасмидим, айт?
Наҳот, бу жойларга ғуборлар қўнди,
Энг тоза хаёлинг менмасмидим, айт?



**Тўлқин
МУҲИДДИН**

Адашмай десанг — кўп тингла

**Яхшиликнинг шамчироғи — ёмонликнинг чароғон
нуридан кўра афзал**

- * Ақл-заковату камолотга эга кишининг сўзига ишонинг, у ёлғон сўзламас.
- * Раҳм-шавкатли кишиларга эргашинг, уларда адолат бор, қаҳр-ғазаб эгаларида эса зулм, улардан қочинг.
- * Бошқаларга ёмонлик қилиб, яхшилик кутманг. Ёмонлик ёмонлик билан, яхшилик яхшилик билан доим бирга юради.
- * Ҳақиқий дўст дўстингизга ҳам содиқ дўст, душманингизга душмандир. Икки томонга ҳам хайрихоҳ бўлган кимсалар душманингиздан ҳам ёмонроқдир.
- * Бошқаларга ёмонлик ва ўлим тилаганингиздан кўра, ўзингизга ва яқинларингизга умр ва бахт тиланг.
- * Гапнинг ўзидан кўра айтилиш оҳангига эътибор қилинглари, хулосада янглишмайсизлар.

**Иймонли бўлиш — инсоний бурчни тўла-тўқис
бажариш демак**

- * Иймоли инсонлар тафаккурида дуо бирламчи, иймонсизларда эса қарғиш.
- * Иймонига содиқ инсонларнинг бу дунёси сингари у дунёси ҳам чароғондир.
- * Иймонли одамлар этагини тутинг, ҳаётда адашмайсизлар.
- * Дилингиз ғофил бўлса, билинг, борар жойингиз дўзахдир.
- * Иймонли одамларда шарм-ҳаё, мунофиқларда эса беҳаёлик устун бўлади.
- * Одамлар ҳақини ноҳақ ейишдан қўрқмасангиз, қўл остингиздагиларни ноҳақ ранжитсангиз билинг: ҳаётингиз сўнгисидан сизни хор-зорлик кутади.
- * Ғийбат ва бўҳтонга ружу қўйган кимсалар бахт ва тахтдан, бойликка урғу берган эса дўсту ёридан узоқлаша беради.

Тўлқин МУҲИДДИН — 1940 йилда туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетини битирган. Унинг “Икки ўт орасида”, “Номарддан мард ясаган устоз”, “Қалбим кўзи билан кўраман сени” каби ўнлаб китоблари нашр этилган.

**Орзу хаёл эмас, эришиш мумкин бўлган
яқинликдир**

- * Меҳр-мурувватли бўлганингиз сари, бойиб бораверасиз.
- * Фазилати кўп инсонларнинг сармояси кўп бўлади.
- * Пул кетидан қувган эмас, пулнинг олдида юрган кимсалар бахт топишади.
- * Маънавий бой одам ҳамма замонлар ҳам моддий бой одамдан устун бўлган.
- * Кеча ва бугундан тўғри хулоса чиқариб, индинни ўйлаб иш юритадиган одамни тадбиркор дейишади.
- * Одоб мезонини пул деб ўйлаган кимса ишбилармонман деса ишонманг, у энг камида ёлғончидир.
- * Қайтар дунё дейишганига ишонинг. Вақти келиб отган маломат тошларингиз ўзингизга отилади, қилган мурувватингиз ўзингизга қайтади.

**Тўғри ўсган теракка чиқиш қийин,
тушиш бир лаҳзадир**

- * Шижоатли бўлолсангиз бахт эшигининг бири албатта очилажак.
- * Дунёда нимани бепардоз кўрсангиз ҳам чирой бериб тураверади? Бу саволга битта тўғри жавоб бор. Бу – ҳақиқат!
- * Қуёш ўз нурини барчага тенг сочади. Аммо “ер чизиб” юрадиган кимсалар ундан баҳра ололмайдилар.
- * Осмон қуёшу ойсиз ва юлдузсиз, ер одамсиз, сувсиз ва ўсимликсиз бўлганидами, эҳтимол ҳаёт ҳам умуман бўлмасди.
- * Узоқ “яшаш”ни истасангиз муҳит билан тенг юринг, орқада ҳам қолманг, олдинга ҳам ўтиб кетманг.
- * Ҳар бир нарсанинг қарама-қаршиси бор. Шуни доим эсда тутинг.
- * Тунни кўрмай туриб ёруғлик кадрига баҳо бериб бўлмайди.

**Улуғлик уруғи лабзи ҳалол инсонлардагина
унади**

- * Нигоҳингизни бугунга эмас эртага қаратинг, бугун ўтиб бўлаяпти, эрта эса энди келяпти.
- * Маънавият осмонидаги ҳар бир ёруғ юлдуз жамият устунини бақувват, умрбоқий қилади.
- * Мевали дарахтга отилган тош сингари кўнгли очиқ одамлар ҳам кўп озор чекишади. Барибир уларнинг умри мазмунли ва ибратлидир.
- * Бардошли одамлар камол топишади, камолотли-одобли бўлишади, ва бундайлар олижаноб ҳам камтариндилар.
- * Ҳаётда кам адашишни истасангиз кўп тингланг.
- * Феъли кенгнинг уйи кичик бўлса ҳам бағри кенг, сиғиб кетасиз, феъли торникига борманг, уйи кенг бўлса ҳам тезда қисилиб қоласиз.

Самимий одамнинг умри узок бўлади

- * Айёр одам билан саломлашингизу тезроқ қочинг, акс ҳолда тузоғига илинаси.
- * Гирром одамнинг умри ғафлатда ўтади.
- * Дарахт учи қимирлаши учун шамол керак бўлганидек, яхши одам бўлишинг учун сизга донолар турткиси керак.
- * Миллатларни айирманг, улар гулзордаги гуллар мисол, бири қизил, бири сарғиш, аммо барининг ўз файзи, ўз қадри, ўз ўрни бор.
- * Бахт деган сўзнинг асл маъноси ҳалол меҳнат ва сабр деганидир.

Қафасда яшашга ўрганманг, акс ҳолда сизда на эътиқод, на ғурур қолади

- * Лоқайд кишиларда меҳр чўғи бўлса ҳам, ҳеч қачон у аланга олмайди.
- * Таъмагирдан қочинг, у фақат ўз фойдаси учун сиз билан "дўст"лашган.
- * Ўта мулойим бўлиб кўрунувчи, катта лавозимдагилар олдида жилпанглаб турувчи кимсалардан кўркинг. Улар олдингизда тиржайиб туриб, орқангиздан тош отувчилардир.

Тукқан она иккита бўлмаганидек, Она-Ватан ҳам битта бўлади

- * Ҳеч нарса фақат яхши, ҳеч нарса фақат ёмон бўлолмайди.
- * Куш деган жонзот ҳеч қачон бир қанот билан учолмаган ва учолмайди ҳам.
- * Бирон-бир мавжудот йўқки, у икки марта туғилиб, икки марта ўлган бўлсин.
- * Қарға қўнган ерга ҳеч қачон булбул қўнмайди.
- * Ғайрат қилганга тоғ ҳам бардош беролмайди.
- * Дарахтлар ҳам ўз кучини мевасига беради, она мисол.

Дастурхон ҳеч қачон нонсиз ёзилмасин

- * Қўшнингиз билан иноқ яшашни истасангиз ўртадаги деворни баландроқ қулинг.
- * Бошлигингизга ҳадеб куллуқ қилаверманг, шунга ўрганиб, кейин сизни менсимайдиган бўлиб қолади.
- * Амал доирасида сизга бўйсунадиганларнинг билими сизникидан камроқ бўлса ҳам фаросати ортиқроқ бўлиши мумкин. Буни унутманг!
- * Илм ва тарбия берувчи даргоҳда ходимлар бир-бировига “сен” дея мурожаат қилиши одобдан эмаслигини эсдан чиқарманг!
- * Ҳатто талабаларга ҳам сенлаб мурожаат қилувчи домлаларда ақл, билим бору, фаросат йўқ ёки уччаласи ҳам ўлда-жўлда.
- * Кўп илмни эгаллаган домла унинг қанчасини талаба онгига сингдиришига қараб, унга саҳий ёки ҳасис деган унвон берилади.

**Бахтга эришаман дедингми – ҳалол ҳаракатдан
тўхтама**

* Бу дунёнинг иззату ҳурматиға, охиратнинг раҳматиға сазовор солиқ банда бўлишға аҳд қилдингизми, ҳидоят йўлидан юринг, азиз биродар!

* Хайрон бўлманг азизлар, шундай вақт келадики, сизни олқишлаб, қарсак чалганға ҳам, саломингизға алик олганға ҳам пул тўлашингиз керак бўлади, акс ҳолда бу мурувватлардан ажрайсиз.

* Ҳақиқатни сўзланг, ҳатто ҳеч ким эшитмаса ҳам. Инсонлигингиз шаҳодатномаси бу.

* Тепаға чиқишингиз учун сизға нарвон керак. У пулға сотилишини билиб қўйганингиз яхши-да, биродар!

* Соат капгири ҳам олдиға, ҳам орқаға юради дейишса ишонинг, акс ҳолда феодализмдан социализмға, социализмдан капитализмға ўтилармиди?! Яхшики бу давр ортда қолди.

**Меҳр оламан десанг, аввал меҳр бер:
меҳрдан меҳр туғилади-да!**

* Ваъдасиға вафосиз бошлиқ, баъмисоли фоҳиша. Айбға буюрманг, бундан юмшоқроқ сўз тополмадим.

* Халқимизда йўғон чўзилмайди, ингичка узилмайди, деган нақл бор. Бугун у ўзгарди: йўғон чўзилмай, йўғонлашди, ингичка узилмай чўзилди.

* Пьесани аввал режиссёр баҳолайди, спектаклни эса халқ. Драматург иккисига қуллук қилмоғи керак. Ҳозир шунақа удум даври.

* Совуқ темирни чўзиб кўрингчи-чи, чўзолмайсиз. Демак ўзингиз “совуқ” бўлсангиз буюкликка даъво не даркор.

* Сизни доно деб кўз ўнгингизда бошқаларға мақтаган кимсадан кўрқинг. У ё лаганбардорлик ёки худбинлик ариғидан сув ичган кимсадир.

* Ақлинг кўп бўлса, давлатинг кўпаяди. Лекин давлатинг кўплиги ҳали ақлингнинг кўплиги эмаслигини унутманг!

Лоқайд одамда виждон кемтик бўлади

* Соат мили тўхтаб турганда ҳам вақт ўтаверишини ёдингизда тутинг, акс ҳолда ҳаётдан орқада қолиб кетасиз, биродар!

* Бир кафанға ҳеч қачон икки кишини ўрамайдилар. Бир гўрға бир вақтда икки кишини қўймаганларидек.

* Лоқайд кишиларда меҳр чўғи ҳали ўчмаган бўлса ҳам барибир, ҳеч қачон у аланға олмайди, ололмайди.

* Бошқаларнинг бахтини яратаолган инсонгина ўзини бахтлиман дейишға ҳақли.

* Ақлсизни ақл денгизида чўмилтирсангиз ҳам фойда бермайди.

* Келинлик давридаги ташқи чирой йиллар ўтиши билан ички гўзалликка айлансагина бу оилани бахтли дейиш мумкин.

* Амалиға зеб берганларнинг умри бошида фаровонликда, охири ночорликда ўтади.



Анор муаллим

**Адхамбек
АЛИМБЕКОВ**

XX аср иккинчи XXI асрнинг биринчи ярмидаги Озарбайжон адабиётидаги энг ёрқин сиймоларидан бири Ризоев Анор Расул ўғлидир. Озарбайжонда устозларни ҳурматлаб муаллим дея мурожаат қилиш одати бор. Анор муаллим ана шундай устоз ижодкорлардан. Адабиётда Анор номи (тахаллуси) билан танилган адиб 1938 йилнинг 14 мартда Боку шаҳрида, таникли ижодкорлар оиласида дунёга келди. Унинг отаси халқ шоири Расул Ризо ва онаси Нигор Рафибейлилар Озарбайжонда ном қозонган ижодкорлар эди. Мана шундай оилавий муҳитда улғайган Анорга табиат ҳам катта исътедод бахш этганди. У қаерда, қандай лавозимда ишламасин ҳамيشа ҳаётни ўрганиш, билим олишдан чарчамади. У филологик фанларни ўзлаштириш билан чекланмасдан, санъатнинг бошқа турлари билан ҳам қизиқади. Бу борада билимини ошириш учун Москвадаги сценаристлар Олий курсида ва Олий режиссёрлик курсида ўқиб, муваффақиятли тугатади. 1968–1987 йилларда “Қўбистон” санъат даврий мажмуасининг бош муҳаррири сифатида Озарбайжон адабий ҳаётига янги ҳаво олиб киришга интилган бўлса, 1987 йилдан ҳозирга қадар Озарбайжон Ёзувчилар бирлигининг раиси сифатида озар адабиётининг ривожини учун бор куч ғайратини сарф қилиб келмоқда.

Анорнинг илк ҳикоялари – “Ўтган йилнинг сўнгги кечаси” ва “Байрам ҳасратида” 1960 йили “Озарбайжон” журналининг декабрь сонидида чоп этилган. Шу ҳикояларидаёқ Анор ўқувчилар эътиборига тушади. 1963 йили нашр қилинган биринчи китобининг номи ҳам “Байрам ҳасратида” бўлди. Кейинчалик нашр қилинган “Ёғиш тинди”, “Оқ кўрфаз”, “Мулла Насриддин-66”, “Мажол”, “Одамнинг одами”, “Ичаришаҳар”, “Беш қаватли уйнинг олтинчи қавати”, “Дада Қўрқут”, “Сизни деб келганман”, “Дунё бир деразадир”, “Сиз-сиз”, “Шаҳарнинг ёз кунлари”, “Шаҳидлар доғи”, “Отел хонаси” “Оқ қўчқор, қора қўчқор” каби китоблари ва икки жилтли “Танланган асарлари” нашр этил-

Адхамбек АЛИМБЕКОВ – филология фанлари номзоди, доцент. 1954 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Унинг “Юлдузнинг беш қирраси”, “Латиф шеърят” монографиялари, “Турк адабиёти тарихи хрестоматияси”, “Турк адабиёти тарихи” ўқув қўлланмаси, “Ишқ асири бўлган жон”, “Сўз айтсанг билиб айт”, “Эзгуликка эш кўнгил” “Чингиз Айтматов дилдошимиз” рисоалари нашр қилинган. Икки юздан ортиқ илмий мақолалар муаллифи.

ган. Анорнинг асарлари дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган, жумладан ўзбек тилида Анорнинг тўртта китоби чоп этилди. “Беш қаватли уйнинг олтинчи қавати” (“Жаҳон адабиёти” журнали. 2001.№ 11–12), “Қизил лимузин” (Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи. 2012). “Мен, Сен, У ва телефон” (“Давр пресс”. Тошкент–2016), “Кўзмунчоқ” (“Замин нашриёти”. Тошкент–2018). Адибнинг асарлари асосида радиоинцендировкалар тайёрланиб мухлисларга эшиттирилмоқда, асарлари қайта-қайта нашр қилинаётир. Анор асарларини ўзбек китобхонларига танитувда таржимонлар – Усмон Қўчқор, Бобохон Муҳаммад Шариф, Маматкул Ҳазраткулов, Файзи Шохисмоил, Рустам Жабборов, Эркин Усмоновларнинг хизматлари катта.

Анор ҳикояларидаги ўзига хосликдан бири, унинг мажозларга алоҳида эътибор қилишидир. Ихчамгина “Гардеробчи аёл ҳикояси”да пальтолар орқали қаҳрамонлари характери, тақдирини кўрсатади. Бир-икки деталда (чизги) инсонларнинг бир-бирига бўлган муносабатини яққол очиб беради. “Тап-сўзсиз қизнинг сариқ пальтосини унга узатдим. Олди, тикилганча тикилди... Сўнгра қайтариб берди. Чикди-кетди. Уни бошқа кўрмадим” (Анор. “Мен, Сен, У ва телефон”. 83-бет). Бир ошиқ қалбнинг бир умрлик хайрлашув ҳолати.

“Мен, Сен, У ва телефон” ҳикоясида янги йил арафасида телефон орқали тасодифан танишиб қолган икки ёшнинг руҳий тўлғамлари моҳирона тасвирланган.

Анорнинг асарларида фантастик ва мистик унсурлардан унимли фойдаланишни ҳам кўрамиз. “Қизил лимузин” ҳикоясидаги қаҳрамон қаерга борса, бўм-бўш қизил лимузин машинасининг пайдо бўлиши ҳаётда бўлиши мумкин эмас. Аммо ёзувчи шу деталь орқали инсон қисматдан қочиб қутула олмаслигини таъсирли ифодалайди. Анорнинг ўзи: “Одамнинг ҳаёлига қандай фикрлар келмайди, дейсиз! Тахайюл! Ҳолбуки, энг буюк тахайюл ҳам аниқ воқелиқдир” (Анор. “Мен, Сен, У ва телефон”. 291-бет). Мана шундай қарашлари “Қизил лимузин” каби асарларида акс этган. Озарбайжонлик адабиётшунослар Анор ижодидаги модернизмга мойиллик ҳақида ёзганларида, унинг ҳикояларидаги юқорида мисол келтирганимиздек унсурларни эътиборга олган бўлсалар керак. Самир Аббосов Анор ижоди ҳақидаги “Серқирра ижодкор” мақоласида шундай ёзади: “Анор ижодида Озарбайжон мумтоз ва замонавий маданияти, хусусан, адабиёти ўз шахсиятлари, кадриятлари, муаммолари, йўналишлари билан яхлит ҳолда у ёки бу шаклда ўз аксини топгандир” (Анор. “Мен, Сен, У ва телефон”. 8-бет).

Анор ижодида тарихий асарларни замонавий руҳ билан акс эттириш маҳоратини ҳам кўрамиз. “Дада Қўрқут” қиссасида қадимги ўғуз достони “Дада Қўрқут китоби” асосида ажойиб асар яратади. Бунда шахс қаҳрамонлигидан тортиб, миллият масаласигача қаламга олинади. Қиссанинг моҳиятига ватансеварлик руҳи сингдирилган.

“Дада Қўрқут Озарга қараб бир сўз сўзлади, кўрайликчи не деди экан:

– Ўғлим Озар, шуни билки, тупроқнинг юрт, ватан бўлиши учун икки шарт лозимдир. Биринчи шарт шулким, бу тупроқни экомгоинг, парвариш қилмоғинг керак. Иккинчи шарт шулким, уни душманлардан кўримоғинг керак. Кўрий олмаган тупроғинг экиб-ундиришга арзимади, экиб-ундирмаган тупроғинг кўришга арзимади” (Анор. “Мен, Сен, У ва телефон”. 289-бет). Бу сўзлар аж-

додларнинг авлодларга васиятидек янграйди.

Озар сўзининг этимологиясини, халқининг шаклланиш жараёнини ўзича талқин қилади. Қиссада озарбайжонликларнинг қадимий маданий илдизлари бадий ифодасини топган. Анорнинг услубий жиҳатдан ўзига хослиги воқеаларни раво ҳикоя қилиш билан бирга, адабий қаҳрамонларининг эса қоларли даражада тасвирлашидир.

Анорнинг номини дунёга машҳур қилган асарларидан бири “Беш қаватли уйнинг олтинчи қавати” романи. Соф муҳаббат куйланган бу асар тилининг ширалиги, инсон туйғуларининг сержилолиги моҳирона тасвирланганлиги билан ажралиб туради. Ёзувчи асарда сентименталликка эътибор кучайтиргандек кўринса-да, ҳаётий воқеаларни ҳаққоний тасвирлайди. Швейцарияда чиқадиган “Нойс Цюрихер цайтунг” газетаси романининг немисча нашри муносабати билан шундай ёзганди: “Унинг “Беш қаватли уйнинг олтинчи қавати” номли аччиқ муҳаббат тарихи немис тилида таржима қилинган пайтлар ушбу ҳодисалар рўй берган ҳудуд жаҳон газеталарининг биринчи саҳифаларидан жой олди... Анорнинг романи ҳар ҳолда муҳаббат романидир – шундан на оз на ортик. Абадий бир мавзуда – муҳаббат мавзусида ёзмоқ эса ҳар бир ёзувчи ҳаётининг чўққиси ҳисобланади. Бу асарда ҳақиқий ҳисларнинг, эмоционал кескинликнинг тасвири жуда муваффақиятли чиққан” (Анор. “Мен, Сен, У ва телефон”. 300-бет). Дарҳақиқат, бу романда Анор муаллимнинг ижодкорга хос лиризми яққол сезилиб туради.

Анор муаллимни сарказмга уста, ҳажв йўли билан ҳақиқатни айтадиган ёзувчи дейишимиз мумкин. “Яхши подшоҳ ҳақида эртақ” ёзувчи иқтидорининг ана шундай, яна бир қиррасини кўрсатадиган асар. Маликанинг тасвири: “Ёноқлари ёқутдай кип-қизил, қошлари-эгилган ёй, киприклари ёйга солинган ўқ каби шунчалик узун эдики, юзига соя солиб турарди; сочлари эса – шалола эди. Бели шу қадар нозик эдики, гилос ютса, ҳомиладор экан деб ўйларди киши”. Ёки мана бу аччиқ кесатик тасвирга эътибор қилинг: “Янги подшоҳ берган вадасига хиёнат қилмади – хотинининг хуррагини магнитофонга ёздирди-да, бу хурракни мамлакатнинг мадҳияси деб эълон қилди” (Анор. “Мен, Сен, У ва телефон”. 152-бет). Подшоҳ ҳақида қандай фикрга келиш китобхонга ҳавола. Муҳими ёзувчи уни кимлигини ҳаракатида кўрсата олган. Подшонинг фуқароларни туш кўришини тақиклаши, туш кўрганлар туши ҳақида ҳисобот ёзиши, буни комиссия кўриб чиқиши каби ҳолатларда ёзувчи сатирасининг кучи кўринади. Ҳаёлига келган фикрни фармон билан эълон қилиш, қонунга айлантириш, фуқарони онгини ўғирлашдек мудҳиш оқибатларга олиб келиши эртақда ишоралар билан берилади. Фольклор унсурлари замонавийлик билан омукта қилиб яратилган бу ҳикоя коса тагида нимкосаси бор асарлиги билан ҳам аҳамиятли.

“Туржича фамилия”да Ўқтой билан Асмарнинг – дарди ичида кетган икки қалбнинг туйғулари ифодаланган бўлса, “Дантенинг юбилейи” қиссаси бир умр актёрлик қилиб сахнада бўлсада муваффақиятга эришолмаган актёр фожиаси ҳақида. Одам қобилятига мос иш тополмаса, ёки ўз вақтида қўлидан нима келишини билиб, қўлидан келган ишни қилса кулгили ҳолга қолмаслигини уқтирмоқчи бўлади муаллиф. Асар Кабирлинский таҳаллусини олган актёр Файзулланинг ижросидан режиссёрнинг норозилигини тасвирлаш ҳолатидан бошланади ва мана шу норозилик руҳи бутун қисса давомида узилмайди. Фай-

зулланинг ношудлигидан хотини жаврагани-жавраган, унинг бўшанглигидан, лаллайганлигидан ўғли Элдор одамлар олдида уялади. Бир сўз билан айтганда ҳаётга омади юришмаган одамдек кўринади Файзулла. Аммо, унинг ўз ички олами бор. Ишини жонидан ортиқ кўради, отасининг норозилигига қамай артист бўлиш учун уйдан қочиб кетган. Унда санъатга фидойилик бор, ич-ичидан санъатга боғланган. Санъатга тама билан эмас, фидойилик билан кириб келгани учун ҳам, Файзулла “тамагир” актёрлардан устунроқдир.

Асарнинг улуг италян шоир Дантега ҳеч қандай алоқаси йўқ. Асар сўнггида ўша кесатикчи Мажиднинг Файзуллага устидан кулиш учун Дантенинг ўтиб кетган юбилейига таклифнома бериши, бунга ишонган Файзулла ясан-тусан қилиб хотини билан юбилейга бориши, охирида кулги бўлганини сезсада, лекин мана шу сохта таклифнома эр-хотин муносабатларини яхши томонга ўзгартиргани кўрсатади муаллиф.

Бу қиссада Анорнинг ёзувчи сифатида адабий портрет чизишга усталиги ҳам кўринади. “Баланд бўйли, ёш бир йигит ичкари кириб келди. Жаводнинг сочлари, туташ қошлари ва нафис мўйлови коп-қора, кўзларининг эса оқи оқ, қораси қора эди. Бу зиддият унинг хушбичим суратига ғаройиб бир ифода бахш этган эди – бир қадар такаббуруна, бир қадар содда, бир қадар донишмандона, бир қадар маъсум бир ифода. Кийим-боши башанг: қизғиш духоба камзулининг остида қордек оппоқ кўйлак, бўйнида йўл-йўл қизил галстук. Сочларини доимгидек мойлаб ҳафсала билан ортга тараган. Бармоғида йирик кўзли узук порларди”. (Анор. “Мен, Сен, У ва телефон” 23-бет). Бу тасвири ўқиган закий китобхон Жаводнинг кимлигини дарров илғайди. Ёзувчи омади чошиб турган артист қиёфасини шундоқ ўқувчи кўз олдида гавдалантира олган. Адабий портрет қаҳрамонни характериға мос бўлиши керак. Улкан ёзувчилар инсон руҳиятини яхши билган руҳшунос ҳам бўлганлар. Инсоннинг сажияси унинг кўринишида озми-кўпми акс топганини яхши биламиз. Ёзувчининг адабий портрет чизишдан мақсади, китобхон асар қаҳрамонларини кўз ўнгида гавдалантиришига имкон яратиб, персонажнинг ички дунёси билан ташқи кўринишини уйғунликда тасвирлашдир. Шу нарса Анор асарларида кўринади. Яна бир мисол келтирсак, шу қиссада писмиқ, одамларга доимо истеҳзо қилиб юрадиган, киноячи Мажиднинг тасвири: “Мажиднинг малла сочлари, қошлари, киприксиз кўзлари, кўсанамо лўппи башарасидаги яккам-дуккам сап-сарик туклар ҳам малла ранг эди... Гапирганда, тиржайганда ялтираб кетадиган олдинги учта тилла тиши осилган бағбақаси, бир нуқтада қарор топмайдиган, ҳамиша олма-кесак терадиган кўзлари, шалпанг қулоқлари, йўғон, калта бармоқли дўмбоқ қўллари, оқ кўйлагининг кир ёқалари” (Анор. “Мен, Сен, У ва телефон”. 31-бет). Мана шу портретдан ўқувчи Мажиднинг қандай инсонлигини ҳеч қанда тавсифсиз ҳам билиб олиши мумкин. Икки қаҳрамон – Жавод билан Мажиднинг адабий портретлари қиёсланса Анорнинг ёзувчи сифатидаги маҳоратини яна бир бор кўрамиз. Қиссада ёзувчининг диалог устаси эканлиги Файзулланинг хотини Хожар билан ғижиллашиб қолгандаги тасвирида жуда яққол кўринади.

Ёзувчи асарларида жуда топиб айтилган, қаҳрамон ҳолатини, воқеа жараёнини тўлақонли ҳис қилишга ёрдам берадиган гўзал ибораларни топади. “Кетма қошимдан, кетаман ҳушимдан”, “Хотинини ҳатто хўроздан ҳам қизғанар эди”, “Иккита эшакка арпа бўлиб беришни билмайди”, “Бўйи теракдай, ақли

кўрақдай”, “Қурсорғининг қуртини ўлдирди”, “Бугдой еб жаннатдан чиққан одам бўлсанг”, “Бошига тушган бошмоқчи бўлади”, “Бедапояда юрган беданадек майин юрмасанг”, “Кўрмаган кўсангга фол очма”, “Қанча ичсам ҳам тишламаяпти”, “Кўзларида шайтон жилваланди”, рашкчи аёл ҳасрати “Умримни дўзахга айлантирган бунақанги кўркем эрни нима қиламан”. Эри чиройли бўлгандан кўра хунук бўлсину уники бўлсин. “Ўзинг биттасан-да! Иккита бўлганингда аравага қўшардик”. Анор муаллимнинг мана шундай маталнамо фикрларни ўринли қўллаши тасвирланаётган қаҳрамонларининг бир-бирига муносабатини, кимлигини ортиқча тафсилотларсиз, изоҳларсиз бера олишига мисоллардир.

Анор ижодкор ўлароқ инсон руҳиятини яхши билишини ҳикматларида ҳам кўришимиз мумкин. “Бахтиёрлик ёки бахтсизлик инсоннинг ўз ичидадир, уларни худди юк каби ташиб юрасан, қаерга борсанг боравер, хоҳласанг дунёнинг нариги чеккасига, лекин уларни ҳам олиб борасан: бу жуда нуфузли юк – қаерга борсанг боравер, у на ёнади, на чўкади, на камаяди, на кўпаяди...” (Анор. “Мен, Сен, У ва телефон”. 291-бет). Анор муаллим ёзувчи, олим сифатида жаҳонда кечаётган глобаллашув жараёнида адабиётнинг ўрни муҳимлигига алоҳида эътибор қилади. “Китоб дунёси” (2019. 9 октябрь) газетасига берган интервьюсида адабий алоқалар ҳақида шундай деганди: “Менинг назаримда, фақат адабиётгина, худди санъат сингари, халқларни бирлаштириши, улар бир-бирини яхшироқ тушунишига хизмат қилади. Айни замонда “адабиёт дўстлиги” ҳар қачонгидан ҳам долзарб. Бугун адабиёт мисли қўрилмаган даражада халқларни бир-бирига яқинлаштириши мумкин. Ҳозирда бу жараён зарурроқ, узвийроқ, табиийроқ ва самимийроқ тус олиши даркор”.

Ёзувчи Анор ижоди ҳақида жаҳонга машҳур ижодкорлар – Чингиз Айтматов, Расул Ҳамзатов, Давид Куғилтинов, Мурот Шаханов Юрий. Бондарев, Валентин Распутинлар илиқ фикрлар билдирган. Ироқлик олим Жавдод Билол Исмоил шундай ёзади: “Адабиёт осмонида Анорнинг юлдузи жуда тез порлаб намоён бўлди. Қисқа бир муддат мобайнида ҳақиқий истеъдоди билан ўзига йўл очган Анорнинг ҳикоя ва мақолалари энг нуфузли газета ва журналларда рус тилида чоп этила бошланди. Ҳикоячилик ва танқидчиликдаги муваффақиятлари билан бир қаторда у истеъдодли сценарийчи ҳамдир. Анорнинг ўз овози ва ифодавийлиги билан ажралиб турадиган ўзига хос услуби бор” (“Мен, Сен, У ва телефон” 301-бет). Шунингдек эронлик, ироқлик, туркиялик ҳамкасбларнинг Анор ижоди ҳақида битганлари, унинг ижодини дунё миқёсида тан олинганидан далолат.

Озарбайжонда хизмат кўрсатган санъат ходими Анор жамоат ишида ҳам фаол. Осиё ва Африка мамлакатлари билан Озарбайжон Бирдамлик қўмитасининг раиси, Озарбайжон – Туркия Дўстлик жамиятининг раиси, Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлисининг депутати сифатида олиб борган фаолияти унинг йирик жамоат арбоби эканлигидан далолатдир.

Замин узра айланар фалак



Манзар
АБДУЛХАЙР

* * *

Чексиз самоларга кўз тиксам ҳар он,
Яна қайта номинг дилимда шоён.
Моҳим, биз кузатган ёвқур турналар –
Энди, биз томонга боқишмас бир он.

Ва, келмас абадулабад биз сари,
Қайтгуси баҳорлар, қайтмас муҳаббат.
Изимиз яшириб гуллар сараси –
Сўқмоқларда сайқал топажак, албат.

* * *

Бир кун кўриб қолдим сени кўчада,
Қотмишсан гўёки номаълум ҳайкал.
Дасхатлар гезарар бошқа йўсинда,
Бари ўзгачадир сенда, бекамол.

Бунчалар унутдинг сўзни бешарар,
Унутдинг, шунчаки, беишқ бир малак,
Бунда, бари менга ғамсиз кўринар,
Ҳарорат бошқадир кўнгил бир ҳалак.

Исмсиз кўчада турибман ҳайрон,
Ҳаттоки, номингда ўзга оҳангда.
Жаранги кўнгилни қилади вайрон,
Юрагим тўхтовсиз ун чекар унда.

Манзар АБДУЛХАЙР – филология фанлари доктори. 1964 йилда туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) битирган. Ижодкорнинг “Соҳил оҳанглари”, “Мовий уфқ”, “Сўз руҳи”, “Тааммул” шеърӣ китоблари ҳамда “Навоӣ асарларининг изоҳли лугати” илмӣ-адабий монографияси нашр этилган.

Юракка чўккандир тошдек зўр алам,
Тумандир ҳар тараф, ҳаттоки ҳар жой,
Кор қилмас, наҳотки, қибланома ҳам,
Йўлсиз йўловчидек юарсан бежой?

Бир йўл бор: ё ўлим, ёки яшамоқ,
Ягона йўлми бу – ягона чора?
Тинимсиз тентирар шамоллар барҳақ,
Бепоен кўринмас энди зора.

Кўнгилсиз ҳолатдир бахтсизлик, албат,
Кўнгил очлигидай йўқдир мусибат,
Ҳатто, теваракда ҳайқирар ўлим,
Бир зум ҳаловатсиз ўтмагай ғоят.

Бетоқат кўнгилки, тортар ситамлар,
Қораяр самонинг чодири шунда.
Кўнгилни эзувчи қора булутлар,
Сенсизлик азобин тўқади унда.

* * *

Тонг юлдузи – Чўлпон юлдузи,
Шу юлдузга менгзаш умр ҳам.
Чўлпонларни қилган маҳлиё,
Сонияда минглаб чақирим –
Кезар само, лаҳза боқарам.

Кун ботади, қош ҳам қораяр,
Юрагимда наво яралар.
Умр ўтар, соч ҳам оқарар,
Секин-аста қош ҳам оқарар,
Юракни бир наво яралар.

Тун қўйнида юраман ёлғиз,
Қандай ажиб гуллар очилмиш.
Тун гуллари руҳим этар ёз,
Сачратқилар қалбим этар соз,
Шу гулларга ўхшар қисматим.

* * *

Дарё мавжларига бўлиб ҳамоҳанг,
Кўнгилда авж урар кўҳна андуҳлар.

Исмсиз дардларга бўлиб жўр оҳанг,
Унда жилоланар мангу ҳасратлар.

Тўлқинлар мавжланар, қуриган тоқат,
Сабр косаси ҳам қумга тўлмоқда.
Қачонлар мавж урган тошлоқ бетоқат,
Бугун гуллағайму ёки эртага?

Орзулар ушалмас – туйғу омонат,
Нураб борар ҳиддат – қайғу азалий.
Сени тинч қўймагай инсоний фитрат,
Музликлар тафтида исин абадий!

Исинма оловга! Уйқу – хиёнат –
Унда мудрар мудом ғафлат алафи.

* * *

Йиллар ўтса ҳамки нигоҳинг ўша,
Беғубор чехрадир сенга муштарақ,
Нигоҳинг кўринар, бегард ҳамиша,
Балки, кечмишдасан, балки, келажак.

Мен эса ўшаман, савдойи саркаш, Бир сўзим бўғзимда
йилларки, эй дил,
Тупроқдан отилган бир гарду дардқаш,
Юрагим балогар зилдайин замбил.

* * *

Ойдин кеча тим қаро зулфинг,
Етаклайди ой сари шаштим.
Бирам маъюс кўзлари туннинг,
Тунамоқчи, балки, бу бастим.

Юракдачи ўша сир туғён,
Сирдош бўлган ғамгин туйғу боқ.
Наҳот, яна соғиндинг бирён.
Соғинчларга тўлдириб ғамнок?

Наҳот, ёлғиз эмасмиз, ҳайҳот,
Гўё кўнглим сенла бир гарддир.
Танҳо руҳим, ичрасан баёт,
Руҳимизда, тунла шоёндир.

Дилу жоним ўртар муҳаббат,
Сехру, жоду қилиб руҳ доғим.
Синграр бу руҳ – қалб ичра ҳиддат,
Ойдинликдир бир лаҳза чоғим.

Ўрмалайди авроқчи хонқиз,
Юракни бир тимдалар жосус.
Сиримизни сочар, бу шонсиз,
Милт-милт этар ғариб бу фонус.

* * *

Асрий тоғлар қошимда,
Сулув сойлар эланар.
Хумо тожи бошимда,
Рухим нурга беланар.

Сочим сийпалар еллар,
Алқаб арғимчоғида.
Мангу яшагим келар,
Қирларнинг кучоғида.

Қирларнинг завқли васли,
Сирли тушга ўхшайди,
Чексиз қирларни, асли,
Рухим қўмсаб яшайди.

* * *

Тун сирлари аён-ноаён,
Тангри учун кундек намоён.
Шунда ҳамки, гоҳи-гоҳида
Шотирларин йўллар ногаҳон.

Замин узра айланар фалак,
Тун қўйнида сайр этар малак.
Дил либосин ўқийди ҳалак,
Соҳибига етказар дарак.

* * *

Қалбим мудом ишққа орзуманд,
Орзум ишқсиз сароб бегумон.
Муҳаббатим, васлга зўрманд,
Ишқ дафтарим поёни аён.

Юрагимда тенгсиз ҳаяжон,
Наҳот, ҳали қалб узра бир қўр?
Наҳот, ишқнинг йўли бепоён,
Балки, менга шундай қўринур?

Кавокиблар тинглар ҳасратим,
Қўзларимда мудафвар ашқлар.
Ярим кеча, қўнглим ҳам ярим,
Тун сочини руҳим сийпалар.

Олисдан соғиниб исмингиз айтдим



Шоди ОТАМУРОД

Халқим

Халқим, бардам бўлгин, ёнингда борман,
Бежиз чорламайсан, кўнглингда борман.
Йилларингда борман, кунингда борман,
Ойларингда борман, сийратингдаман.

Кўнглинг фарзандларда, қўлларинг ишда,
Элга хизмат дейсан: ёздами, қишда,
Сен ҳормай ишлаган далаю даштда,
Сойларингда борман, ғайратингдаман.

Халқим, дардинг олай кўксимни очиб,
Елкамни тутайин меҳримни сочиб,
Борсам, уйларингда дарвозанг очик,
Чойларингда борман, суҳбатингдаман.

Тинмайсан меҳмонга ҳиммат кўрсатиб,
Кўнгилга етганда фурсат-фурсати,
Пойгакда ўтириб, қурбим-қурбати,
Уйларингда борман, иззатингдаман.

Халқим, қуллуқ қилсам, қуллуғим арзир,
Қадр ғурурида узилмас қарзим,
Сен айтган тилакда, сен қилган орзу –
Ўйларингда борман, иззатингдаман.

Шоди ОТАМУРОД – 1978 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Ижодкорнинг “Соғинч ранглари”, “Мулойим мушук” шеърӣй тўпламлари нашр этилган.

Теракларинг аскар қаторасига,
Ўғлонларинг ўхшар тоғ қоясига,
Отамерос юртнинг ҳимоясига,
Шайларингда борман, қувватингдаман.

Халқим, эрк кўнглингга бахш этди олов,
Дилда дардинг бўлса, билмасин биров.
Икки оғиз тилак, бир ошам палов –
Тўйларингда борман, хизматингдаман.

Халқим, гуллаб-яшна, сен улкан дарахт,
Узилиб тушмасин сендаги бир банд,
Ўзбекистон дегич – жаннатга монанд,
Жойларингда борман, давлатингдаман.

* * *

Бормоқдаман, ботмоқда қуёш,
Сен ҳам уфққа қўядирсан бош,
Тўлсин деб шу изтироб, кўзёш –
Кипригимга маҳкам осганман.

Бормоқдаман, борлигим йўқдир,
Қадамларим йўлга ҳам юқдир,
Товонларим ости қуюқдир –
Севги деган чўғни босганман.

Бормоқдаман, борим таваккал,
Бу дунёда сен менга якка,
Тилларингдан юқтириб шаккар –
Ёзсам фақат, оҳ, деб ёзганман.

Бормоқдаман, титроғим баланд,
Бандимдаги япроғим билан,
Кафтимдаги туфроғим билан –
Сочилганман, йўлда тўзганман.

* * *

Олис оқшом
Юрагимни
Олиб келдим
Олдинга.
Ол рангидан
Ол юзингга
Сурмоқ учун
Олдинга.

Олгин, майли,
Ол рангидан
Олма дебон
Айтмасман.

Олмасанг гар
Ол рангидан,
Олдингдан, мен,
Қайтмасман.

Олис оқшом
Юрагимнинг
Ол рангидан
Олиб тур.
Ол рангидан
Байроқ қилсанг,
Менинг кўнглим
Ғолибдур.

* * *

Кўнглингизни овласин нетиб,
Нима қилсин, энди, бу дунё?
Кўлингизга хўрозқанд тутиб,
Бошингизни силасинми ё?

Нолисангиз, гар, муҳаббатдан,
Севсангизу севмаса у ёр,
Нима қилсин, уям ҳар битта
Оҳингизга турсинми тайёр?

Нима қилсин ёп-ёруғ тонглар,
Қичқирмасдан турсинми хўроз.
Ҳатто, вақт ҳам дардингиз англар,
Сизни кутиб турсинми бироз.

Ишларингиз ўнгидан келмоқ –
Учун яна нималар керак.
Чап томондан ўнг кўксингизга
Ўтволсинми, энди, бу юрак?

* * *

Атиргул эмишсиз, гулшоҳингиздан
Йиқилдим, оғриниб, исмингиз айтдим.
Сиз – дарё эмишсиз, қирғоғингиздан
Мадорсиз қайтдим.

Энди, бу кўнглимга турфа ўй келмиш,
Олисдан соғиниб исмингиз айтдим.
Тўртта томонингиз тўрт фасл эмиш,
Баҳорсиз қайтдим...

Сочингиз ўрими – ҳижрон ўрами,
Сочингиз учида сўнгги чорами,
Мени қора кўрган кўзлар қорами,
Мени билар дебман, мени билмабсиз.

Дунёга боғланган кўнглим риштасин,
Узиб ташладингиз, билмам, нечтасин,
Ўтди кўп давронлар, ўтди йил, аср,
Мени билар дебман, мени билмабсиз.

Мени гуллар билди, билди хазонлар,
Рухимга неча бор кирди тўзонлар,
Наҳот, кузак билди, билди найсонлар,
Мени билар дебман, мени билмабсиз.

Саратонга ошно юрагим куйган,
Қаҳратонга ошно қалбингиз суйган,
Ахир, ўзгаларку ниқобни кийган,
Мени билар дебман, мени билмабсиз.

Соатлар ўтмоғи жуда осондир,
Ҳар битта дақиқа битта маржондир,
Вақтики келади, гулим қачондир,
Мени билар дебман, мени билмабсиз.

Мени қора кўрган кўзлар қорами,
Мижгонлар ўқидан бағрим ярами,
Сочингиз учида сўнгги чорами,
Мени билар дебман, мени билмабсиз.

Ҳол

Вожаб, кўнглимдан оҳлар ўтгайдир,
Шу оҳлар меники зорлари билан.

Яна гуноҳ қилсам, Худо кечиргин,
Шу жазо меники дорлари билан.

Тоғлар қизғанмайди мендан ўзини,
Шу тоғлар меники қорлари билан.

Мен ҳам турибманку қаторингизда,
Шу қатор меники норлари билан.

Ўзи эслатгайдир инсонлигимни,
Шу ғурур меники орлари билан.

**Фано ва бақо
орасидаги дор
ёхуд биз Румий денгизининг
ғаввосларимиз**



**Муяссар
ИБРОҲИМОВА**

Орадан саккиз аср ўтган бўлса-да, Мавлоно Жалолиддин Румий битиклари ақл ва туйғуларни жаранглатмоқда, ҳар бир замоннинг туйғу “кўз”ларини қамаштирмоқда. Худди деворда осифлик соат кафгири неча асрлардан буён Румий замонини ва Румий юрагини кўрсатиб келаётгандай. Ёхуд дунё кечагина яралгану ҳали ҳеч нарса ўзгариб улгурмаган. Ҳаммаси ўша-ўша азалдагидек – хатоларимиз, гуноҳу савобларимиз, тушуниксиз дардларимиз... Ҳанузгача Одам Ато авлодлари ўзини, ўз қалбини тафтиш қиляпти. Ҳазрат Румий: “Замонамиз олимлари ҳам қилни қирқ ёрадилар, ўзларига боғлиқ бўлмаган нарсаларни жуда яхши биладилар, аммо ўта муҳим ўзлари учун қолган барча нарсалардан янада яқин бўлганни, яъни ўзларини билмайдилар. Ҳамма нарсалар яқин бўлган борлиқ бу – уларнинг менлиги”, дейди. Ҳар биримизда Ҳақнинг шуъласи акс этар, борлиқнинг бир бўлаги эканмиз ҳақиқатга етишнинг бундан ўзга йўли бўлмас. Ахир бошимизга тушаётганларнинг, кўрган-кечираётганларимизнинг манбаси, изтиробларимизнинг илдизи – юрагимизда. Шу сабабдан ҳам у ҳис-туйғуларимизни тинглашга, ўз-ўзимизнинг дилшуносимиз бўлишимизга ундайди.

“Инсон Тангрининг устурлабидир (телескопидир – тарж.) – дейди ҳазрат Румий. – Фақат бу устурлабни биладиган мунажжим лозим. Дехқон ёки баққолнинг устурлаби бўлгани билан уни ишлатолмагандан кейин нима фойдаси бор? Улар устурлабда кўринган фалаклар аҳволдан, ҳаракатларидан, буржларнинг ўзгаришлари-ю, таъсирларидан нимани ҳам тушунардилар? Кўринадики, устурлаб мунажжим учун фойдалидир. Чунки “Ўзини билган Худосини ҳам билади” (Ҳадис). Шу нуқтаи назардан, устурлаб фалакнинг қандай кўзгуси бўлса, инсон вужуди ҳам Оллоҳнинг шундай устурлабидир. Чунки Қуръонда инсон тўғрисида: “Биз Одам ўғилларини азиз қилдик”, дея буюрилган.

Улуғ Оллоҳ инсонни билимли, илмли ва олим қилиб яратгани учун инсон ўз борлигининг устурлабида вақти-вақти билан Оллоҳ тажаллисини ва беназир гўзаллигини порлоқ бир ҳолда кўради. Бу Жамол мазкур кўзгуни ҳеч қачон тарк этмайди”.

Мусулмон, насроний, яҳудийни-ю буддавийни ё динсизларни ҳам бирдек ўзига

Муяссар ИБРОҲИМОВА – 1994 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини тамомлаган.

тортадиган хилқат – Румийнинг жозибаси нимада? Қайсидир маънода унутилган ва сиқик руҳимиз унинг ярқироқ, ўйноқи ҳикматларидан озикланади. Баъзан қалбимиз ҳаловат топиши учун, баъзан эса оғир бўлса-да, ўз аксимизни кўриш, тан олиш учун Румий оламига ташриф буюрамиз. Эътиқоди ва мазҳабидан қатъи назар қалбни тозартирар даражада пок ишқи ва ошиқлиги сабаб бутун дунё унга талпинса, ажаб эмас. Яшаш тарзи, турмуши-ю кимлигидан қатъи назар, умр йўлининг сўнгги, қисмат ва охира тurlича эмас. Эрамиздан аввалги даврлардан буён бутун дунё шарқ маданияти, фалсафасига интилади, ўрганишга ҳаракат қилади. Сўнгги асрларда Европада француз маданияти етакчи бўлиб, ҳатто, руслар ҳам французларга тақлид қилган. Гап орасида французча сўзлар ишлатиш сўзловчининг зодагонлардан эканлигини билдирган. Фарзандларига таълим бериш учун француз муаллимларини ёллашган. Чунки французлар шарқона илмларни чуқур билган. Ғарбликларнинг машхур, ҳар бири ёстикдай-ёстикдай келадиган, алламбало измларда ёзилган асарларини муталаа қилиб англайдиганимиз бир жумла хулоса бўлса, Румий каби буюк валийлар ҳикматининг маъзини чақсақ бир сўзнинг маъносини бутун бошли китобга жойлай олмаимиз. Ҳеч бир ўлчов бирлигига сиғмайдиган руҳий қувват оламиз, таскин топамиз, исёнларимиз ўрнини умидга бўшатади. Тўсиқлар фақат аклимизда, моддиятимизда бор. Руҳимиз ва қалбимизга тил, миллат, дин, макон ва замон каби тушунчалар чегара қўёлмайди.

Барча замонларнинг энг оғриқли ҳодисаларидан бўлган мазҳабпарастлик, эътиқодлар ва динлар ўртасидаги зиддиятлар хусусида Жалолиддин Румий ўзига хос фикрларни билдиради: “Йўллар турли-туман бўлса ҳам ғоя бирдир. Ахир кўрмайпасанми, Каъбага элтувчи қанча йўллар бор. Ким Румдан, ким Шомдан, ким Ажамдан, ким Чиндан ва яна кимдир Ҳинду Ямандан йўлга чиқади. Агар йўлларга боқадиган бўлсак, буюк фарқлар бор. Мақсадга, ғояга назар солсак-чи, уларнинг ҳаммаси бир – Каъбага йўналгандир. Бу ердаги ишқ жуда улғўдир. Чунки бунда ҳеч қандай тушунмаслик, бошбошдоқлик йўқдир. Каъбага келинганда, йўллардаги ғавғолар, уришиб-сўқишлар барҳам топади. Чунки йўлда бир-бирларига “Кофирсан, фалонсан-пистонсан” деганлар Каъбага келишлари билан мақсадлари бир эканини тушунадилар”.

Мавлоно бу дунёдаги инсонларнинг эътиқодий мақсадлари ва интилишлари ҳақида фикрини давом эттириб, мақсад сари элтувчи йўллар кўп, аммо уларнинг борар жойи бир эканлигини таъкидлаб зиддиятларни инкор этади. Диний ихтилофлар йўлларнинг хилма-хиллигидадир, яъни шаклдадир. Йўлларнинг туташган жойи Каъбага келинганда барчанинг мақсади аён бўлиб, моҳият равшанлашади, моҳиятни англаганлар орасида эса низолар барҳам топади. Барча динларнинг, дунёга келишимиз, ҳаёт кечиришимизнинг асоси битта. Румий айтганидек, шакллар турфа, моҳият бир хилдир.

Румий фалсафаси қанчалар чуқур бўлмасин, идрок этишда муаммо туғилмайди. фикрларини куруқ сўзлар орқали ифодалаш ёки баёнчилик билан чегараланмайди. Ҳар биримизга таниш ҳаётий мисоллар ёрдамида тушунтиради, далиллайди. У тўғридан-тўғри идрокимизга таъсир қилиб, туйғуларимизни фано ва бақо орасидаги дор янглиғ силкита, саланглата бошлайди. Ҳа, бизни ўша дордан ўз оламига гоҳ ҳаққалаб, гоҳ сакратиб, гоҳ югуртириб олиб ўтади. Фақат бу дордан оҳиста ўтиб бўлмайди. Қуйидаги ҳикоя ҳам юқоридаги фикрларни тўлдиради, моҳият нақадар муҳимлигини таъкидлайди.

Арабча гаплашадиган шоир бир турк подшоҳи ҳузурига келди. Ҳукмдор форс тилини ҳам билмасди. Шоир унинг шаънига жуда гўзал бир шеър ёзиб келтирганди. Шоҳ тахтда, қолган амиру вазирлар ўз ўринларида ўтирар эдилар. Шоир кўзгалди ва

шеърини ўқиб берди. Шунда ҳукмдор шеър мазмунига уйғун равишда ҳаракатлар қилиб турди. У ердагилар “Шоҳимиз шунча йилдир, биздан арабча билганини яширган экан, агар ўтган давр мобайнида оғзимиздан арабча ёмон гап чиққан бўлса, ҳолимизга вой!” дедилар. Кейин ҳукмдорнинг хос қулларидан бирига “Шоҳ арабча биладими, йўқми? Билмаса, нечун муносиб бўлган ўринларда мувофиқ ҳаракатлар қилди? Бизга хабарини бер” – деб, унга қимматли нарсалардан бердилар.

Кунлардан бир кун хос қул бу масалани ечиш фурсатини топди. Ов пайтида шоҳ жуда мамнун эди. Шундан фойдаланиб, ҳукмдордан ётиғи билан сўраган эди, подшоҳ шундай деди: “Худо ҳақи, мен арабча билмайман. Аммо унинг бу шеърни ёзиш мақсадини билганим, яъни шоир мени мақтамоқчи бўлганини, шеър бир восита эканини англаганим учун илтифот кўрсатдим. Мақсад бўлмаганда шеър ҳам ёзилмасди”.

Мутафаккир инсонни энг олий мавжудот, дея васф этаркан: “Ўзингни арзонга сотма, чунки қийматинг юксакдир”, дейди. Одам ўзидаги қобилиятни, иқтидорни, инсонийлик жавҳарини бўлмағур нарсаларга сарф этиб, ўз қадрини туширмаслиги кераклигини бот-бот такрорлайди. “Сен шоҳлар хазиналарида бўладиган қимматбаҳо пўлатдан тайёрланган ҳинд қиличини “Мен бу қилични бекор ётмаслиги учун турли ишларда ишлатаман”, дея келтириб, ош пичоғи ўрнида гўшт тўғрасанг ёхуд олтин идишда шолғом пиширсанг, ё жавҳар билан безатилган пичокни мих ўрнида қоқиб, унга ошқовоқ оссанг... увол бўлмасми, одамлар қулмасми? Қолбуки, қовоқнинг иши бир пулли тахта ёки темир, бир мих билан ҳам битади. Шунга юз динорлик пичокни ишлатиш ақл иши эмаску! Улуғ Оллоҳ сенга жуда улкан қиймат бергандир”.

Румийнинг тафаккур уммони шу қадар чексизки, неча марта шўнғисангиз ҳам қуруқ қўл билан қайтмайсиз. Румий денгизининг тубларидан дуру гавҳарлар йиғиш учун ҳар биримиз ғаввосга айланамиз. Ҳар сафар хазина билан қайтамыз. Томирларимизда ишқ деган жунун дарёнинг кўпириб-тўлғониб оқаётганига қулоқ тутамиз. Чиғаноклар шиғирлаши эшитилиб турган ушбу йўлда Румий бизни ягона йўлга олиб чиқади. Бироқ ушбу йўлга чиққунча ақл ва тафаккур чангалзорларида бетиним чарчатади, яйратади.

Мутафаккир инсоннинг бу дунёдаги аҳволи, руҳияти хусусида тўхталиб шундай фикрларни билдиради: “Инсонда шу қадар улкан ишқ, ҳирс, орзу ва дард бордирки, юз мингларча олам ўзиники бўлса ҳам, кўнгли тинчимади. У ишда, санъатда, илму нужумда, ҳақимликда машғул. Бироқ буларнинг ҳеч биридан ҳузур тополмайди. Чунки истаган нарсасини қўлга киритолмаган. Ёр дилором, яъни кўнгилни тинчлантирувчи демакдир. Шундай экан, кўнгил бошқа нима билан қандай хотиржам бўлсин? Завқ ва орзулар зинапоёга ўхшайди. Зинапоёлар ўтириб дам олишга мослашмаган, аксинча усти босиб ўтилади, холос. Умрни шу зиналарда беҳуда ўтказмаслик учун ғофилликдан тез уйғонган ва аҳволнинг моҳиятини англаб етган зот қандай бахтли”.

Румийнинг барча асарлари, ҳикматлари асосида унинг авлиё шахсияти, ошиқ қалби балқиб туради. У Буюк ишқ билан нафас олади. Эҳтимол, бу ишқ турли ўлчамларда таҳлил қилинар. Аслида ишқ тушунилмайди, ҳис қилинади, унга етгунча бўлган йўлнинг таъми туйилади. Шу боисдан ҳам бутун борлиқни, ер юзидаги жамики инсонлардан тортиб кўзга кўринмас зарраларгача севади. Румий фалсафаси чексиз-чегарасиз, ҳадсиз ва ҳудудсиздир. Унинг ҳар бир сўзи ирки-ю мазҳабидан қатъи назар барчанинг томирларига осилган кўнғироқдир. У кўнғироқ жаранглаб турибди, биз уни эшитсак, эшита олсак, бас!



**Гулноз
ЭРНАЗАРОВА**

Медитатив лирика ва “ҳол”

Инсониятни ҳамиша ғайритабiiй, ноанъанавiiй ва сирли ҳодисалар кизиқтириб келган. Шунга кўра дунё адабиётшунослигида медитация ҳодисаси турли жиҳатдан ўрганилади. Михаил Эпштейн “Табиат, дунё, коинотнинг сир-асрори” (“Природа, мир, тайник вселенной...”) китобининг махсус бир бўлимини “Медитации” (медитациялар) деб номлаган; унда рус поэзиясидаги инсон ҳаёти ва табиат ҳақидаги шеърларни талқин қилар экан: “Гўзаллик ва хунуклик, жонли ва жонсиз табиат, унинг донолиги ва бемаънилиги, очиқлик ва мавҳумлик, инсонга нисбатан меҳрибонлик ва лоқайдлик, тараққиётга нисбатан хайрихоҳлик ва душманлик, Яратганга итоат ва шайтоний васваса – бу мавзуларнинг барчасини ҳар бир шоир ўзича тушунтиради ва уларнинг ҳар бири алоҳида тадқиқ объекти бўлишга муносибдир”, деб ёзади. Медитатив лириканинг бундай турларини этик, гносеологик, экологик ва ҳатто теологик нуқтаи назаридан ўрганиш ҳам мумкин эканига урғу беради. Олимнинг ўзи эса китобда табиат гўзаллиги ҳамда табиат фалсафасига доир шеърларни таҳлил қилади¹. Адабиётшунос “тирик Инжил” (живая Библия), меҳроб (алтарь), руҳоний (пастырь), ибодатхона (храм) каби қатор образ ва тушунчалар диний-медитатив шеърлар табиатига мослигини таъкидлайди. Шунга биноан XX аср ва бугунги ўзбек шеъриятидаги ислом дини ҳамда айрим тасаввуфiiй мазмунли шеърларни, улардаги айрим образларни медитативликка хос назарий тушунчалар асосида изоҳлаш зарур бўлади. Кенг маънода илмда “медитация” тушунчаси турли фан ва ижтимоий соҳаларига тааллуқли эканига доир қарашлар мавжуд. Инсоннинг ўз жисми ва руҳиятини (масалан ҳиндлардаги йогалар) камолга етказиш йўлидаги турли машқлари ҳам шу истилоҳ асосида тушунтирилади. Руҳ ва жисмнинг бир-биридан қувват олиши, комил инсон орзуси ёки Оллоҳга етишиш йўлидаги

1 М. Эпштейн “Природа, мир, тайник вселенной...” . Москва. Высшая школа. 1990. С.12–33.

Гулноза ЭРНАЗАРОВА – 1969 йилда тугилган. 1991 йил Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) ўзбек филологияси факультетини тугатган. “Тийрамох тушлари” номли қисса ва ҳикоялар тўплами нашр этилган.

меҳнат-машаққатлар, турли мақомларни босиб ўтиш каби ҳолатлар мумтоз шарқ адабиётидаги диний-тасаввуфий адабиёт ва уларнинг намояндалари ҳаёти билан чамбарчас боғланиб кетади. Сўфийларнинг комиллик мақомига эришиш йўлидаги риёзатлари асосида ҳам “медитация” тушунчаси ётади. Зеро, тасаввуф аҳлида жазба, ҳол каби айрим вазиятлардаги ҳолатлар медитациянинг бир кўриниши сифатида изоҳланади. Бу руҳий ҳолатнинг шеърӣ ифодаси бор. Унда ишқ, ошиқ ва маъшуқа образлари етакчилик қилади. “Сўфийлар поэзиясида сўз муҳаббат тўғрисида бўлади; унда ишқ воситасида ошиқ ва маъшуканинг сирини очади. Сўфиларнинг борлиқ тўғрисидаги фалсафаси билан бирга шартлилик ва метафора билан йўғрилган нафис ва мураккаб поэзияси мавжуд. Ҳофиз, Румий, Жомий ва бошқа сўфи шоирлар ишқ истилоҳи воситасида инсоннинг ички олами ва ташқи борлиқ моҳиятини ифодалаганлар”².

Дарҳақиқат, шарқ поэзияси тарихида бевосита инсон руҳий ҳолатини, комиллик, ишқ, Оллоҳга эришиш йўлидаги ҳолатлари хусусидаги манбалар кузатиладиган бўлса, замонавий адабий назарияларнинг генезиси, албатта, ғарб ва шарқ фалсафасига, адабиёти ва маданияти тарихига бориб тақалади. Зеро, тасаввуфӣ тариқат йўлига кирган инсоннинг жазба-экстази махсус “ҳол” атамаси билан номланади. “Ҳол (кўплиги аҳвол) – ўзига хос қисқа муддатли кайфият, қалбнинг порлаши, чақмоқ чақилгандай ярқираган чароғон нурни туйиш лаззати. У бир лаҳзада пайдо бўлиб, яна ғойиб бўлиши мумкин. Ҳол – илоҳий раҳмат ва баракотнинг нозил бўлиши, куйилишидир. Саййид Жаъфар Сажжодийнинг “Фарҳанги мусталаҳоти урафо” (“Орифлар истилоҳлари луғати”) номли китобда “ҳол” тушунчасига куйидагича таъриф берилади: “Ҳақ тарафидан солиқнинг пок дилига нозил бўладиган ва унинг руҳини такомилга олиб борадиган файзнинг даражаси ҳол дейилади. Ҳол бир лаҳзалик, ўткинчи ва доимий бўлиши мумкин. Доимий ҳол ҳолнинг юксак даражасидир” (“Фарҳанги мусталаҳоти урафо” Техрон. 1941. 79-бет). Ҳол ўзи билан қувонч, сурур, завқ ёки аксинча, маҳзунлик, толиқиш, соғинч кайфиятини юзага келтиради”³. Виссарион Григорьевич Белинский ёзади: “Шоир руҳининг они, бир лаҳзалик кайфиятнинг меваси бўлган лирик асар, шоир руҳи билан бошқа кайфиятга бўйинсунмасдан илгари қоғозга кўчмаса, у йўқолади, яна қайтмайди”. Айнан медитатив шеърӣят тўғрисидаги ғарб ва шарқ олимлари фикрларида лаҳза, ҳол, жазба – экстаз ва бошқа шу каби нуқтаи назарларда муштараклик мавжуд. Зеро, инсон табиати бир-биридан узоқ эмас. Сўфӣй шоирларга бир лаҳзалик “ҳол” илҳом беради; Ҳақ васлига етишмоқ орзуси ёки ҳижрон баёни учун хизмат қилади. “Ҳол” мураккаб психологик ҳодиса, унинг моҳиятини англаш осон эмас. Тўғриси, “Ҳол тасаввуфдаги шундай бир ғаройиб ҳолат ва хилма-хил маънавий, руҳӣй-психологик ҳодисаки, унинг барча шакл ва кўринишларини номлаш ёки таърифлашга имкон бўлмаган”⁴. Айни дамда, бир лаҳзалик кайфият ўткинчи ҳам бўлади. Камолотга

2 “Формы и методы медитации. Интернет манбаси. www.amazon.com;

3 Н.Комилов. Тасаввуф / Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар (мақолалар тўплами). Тошкент. “Ўзбекистон” нашриёти. 1994.28-бет.

4 Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфӣй ҳаёт. Тошкент. “Мовароуннаҳр” нашриёти. 2004 йил. 261-бет.

етиши учун солик Оллоҳ йўлидан юриши, покиза сафарга чиқиши керак. Энг асосийси, медитатив шеърятдаги йўл хотиралари, саёҳат хотиралари сифатида ёзилган реалистик асарларда ифодаланган йўлнинг поэтик мазмун-моҳиятини маънавий йўлларга боғлаш ҳам ўринли бўлади. Ҳаққа етказувчи йўллар Шайх Нажмиддин Кубронинг “Усули ашара” асарида уч гуруҳга бўлиб кўрсатилади: “1. Тариқи ахёр: ибодат ва солиҳ амали соҳибларининг йўли. Бу йўлга кирувчи соликлар рўза, намоз, Қуръон қироати, ҳаж қилиш ва шунга ўхшаш зоҳирий ибодатлар билан кўпроқ машғул бўладилар. 2. Тариқи аброр: мужоҳада ва риёзат соҳибларининг йўли. Бу йўл соликлари эса гўзал феъл-атворга эга бўлиш, кўнгилни тазкия, қалбни тасфия, яъни кўнгилни мусаффолаштириш ва ботинини обод қилиш, маъмур этиш учун ғайрат кўрсатувчи кишилардир. 3. Тариқи шуттор: бу ишқ, жазба ва муҳаббат соҳибларининг йўли. Ва у улуғ Мавлога сайру саёҳат қилувчиларнинг тариқатидир”⁵. Оллоҳга муҳаббатли тариқат аҳлининг орзу-нияти, албатта, висолдир. Шарқда тасаввуфий шеърят шу висол орзуси, ҳижрон изтиробининг изҳори сифатида майдонга келди. Бу тоифа шоирлар ижодида тасаввуф фалсафаси етакчилик қилади. “Худога муҳаббат, охирги нафасгача шу севги ғами билан кун кечириш, тавба-ю тазарру, сабру тоқат ва маънавий шижоат, ёлғизликдаги ҳаёл ва тасаввур камолоти, тўғрилиқ ва самимият, нафсдан ғолиблиқ, факру фано – булар тасаввуфдаги бош масала ҳамда талаблардир”⁶. Тасаввуфий шеърятда ушбу масала ва мавзулар бадий талқин этилади. Тасаввуфий шоирлар ижодидаги медитативлик деганда уларнинг ҳақиқий илҳом онларини, қалбнинг уйғоқ лаҳзаларини, ўзидан кетиши ёки “ҳол” жараёнларини бошидан кечиришини ва шу фурсатда ёзилган шеърларини тушуниш ўринли бўлади. Хорун ар-Рашидга замондош бўлган Бишр ибн Муътамир “Синоъат ул-иншоъ” (“Ёзувчилик сирлари”) асарида тавсия берадики: “Агар сен вазият тақозоси билан мавзун, равон шеър ёзишга мажбур бўлсанг, табиат, ҳолат сенга бу ишда қаршилиқ қилаётган бўлса, фикрларингни йиғиб, жон-жаҳдинг билан уринсанг ҳам равонликка эришмаётган бўлсанг, яхшиси, ўзингни мажбур қилма, асабийлашма. Бу ишни бошқа ёруғ кунларга ёхуд бошқа қаронғи кечаларга қолдир. Руҳинг уйғоқ, фикр-ўйларинг эмин-эркин бўладиган ҳолатларни кутгил”⁷. Ҳақиқатан шеър учун шоирнинг руҳий уйғоқлиги муҳим; бунда инсон бедор, кўнгил кўзи очиқ бўлади. Шу билан бирга лаҳзани пойлаётган ижодкор учун “фикр-ўйлар”нинг тиниқ ва аниқлиги муҳим саналади. Бундай лаҳзаларда ёзилган шеърлар лирикада юксак поэтик рутбада туради; уларда фикр бирёқлама бўлмайди; ўткинчи ҳо-ю ҳаваслар тараннум этилмайди. Шунинг учун ҳам медитатив шеърларнинг бундай юксак намуналарида умуминсоний мавзулар муҳокама этилади, бетакрор бадий ғоялар илгари сурилади. Шу ўринда эслаш ўринлики, Алишер Навоий ўз даври шоирларига баҳо берар экан, баъзан уларнинг “ҳоли”га эътибор қаратади ва,

5 Шайх Нажмиддин Кубро. Усули ашара / Ислом тасаввуфи манбалари (Илмий мажмуа. Тузувчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Болтабоев). Тошкент. “Ўқитувчи” нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2005 йил. 134 – 136-бетлар.

6 И.Ҳаққул. Тасаввуф ва шеърят. Тошкент. Фафур Фулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси. 1991 йил, 37-бет.

7 Мумтоз шарқ поэтикаси. (Ҳамидулла Болтабоев талқинида). Тошкент. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. 2008 йил, 326-бет.

масалан, Сайид Муслимий тўғрисида “абдолваш йигит эрди” деса, шу саҳифада Мавлоно Ёрий исмли замондоши ҳақида “дарвеш ва озода эрди” деган таърифни ёзади⁸. Асли Алишер Навоийнинг ўзи ҳам ижодга муносабатида шоирларнинг ички руҳий ҳолатига жиддий эътибор бериш билан бирга ўз кайфияти баёнида дарду дунёсини фақатгина шу тоифага мансуб кишилар воқиф бўлишидан сўзлайди:

*Эй Навоий, дардлг назмингни дард аҳли билур,
Дардсиз доғи бўлур они ўқугоч дардлг,*

мисраларини таҳлил қилган навоийшунос Абдуқодир Ҳайитметов шундай ёзади: “Навоий лирикасидаги чуқур гуманистик кайфиятларини ифодалаган бу байтда ёвузликка асосланган даврда ҳурриятни куйлаган ва ўз лираси билан ўқувчилар оммаси қалбида “яхши ҳислар” туғдирган улуғ рус шоири Александр Пушкиннинг “Ҳайкал” шеъридаги баъзи фикрлар, хусусан,

*Ўз шеърим, ўз овозим билан:
Тушқунларга ачинмоққа чақирдим... –*

деган сўзлари билан ғоявий жиҳатдан, гуманистик моҳият жиҳатидан маълум яқинликборлигини кўрмаслик ва эсламаслик мумкин эмас”⁹. Аслида Пушкиннинг “Ҳайкал” шеъри ҳам медитатив лириканинг яхши намунаси саналади. Умуман шарқ ва ғарб назарий поэтикасидаги лирик асарга муносабатда бундай муштаракликлар шеър таҳлилида жуда муҳим аҳамиятга эга. Яна бир қўшимча. Ўзбек шеърининг тарихида Машраб ёзган ғазаллар умуммоҳият эътиборидан шоирнинг маълум бир “ҳол”даги ижод намуналари сифатида қадрлидир. Уларни аҳли тариқат бўлмаган оддий одамлар ёза олмайди. Шарқ шоирлари табиатидаги экспромт – савқи табиий равишда шеър айтиш ҳолатлари – булар ҳам медитативликни, ўша шоирлар тушган ҳолатни изоҳлашга ёрдам беради. Мумтоз ўзбек шоирлари ижодида турли жанрларда ёзилган бундай шеърларнинг намуналари етарлича топилади. Шу билан бирга XX аср ва замонавий ўзбек адабиётида ҳам тасаввуфий оҳанглардаги шеърлар ва исломий тушунчаларни шеърга солиш ҳодисаси борки, уларни ҳам келгусида махсус ўрганиш лозим бўлади. Зеро, инсонни ўйлашга, мушоҳадага чорлайдиган, бу дунё лаззатлари, сафар хотиралари, қиёмат аломатлари, охират кунидаги савол-жавоб, жаннат орзуси мотивида ёзилган асарлар ва бошқа шу каби ўнлаб масалалар бадий адабиётнинг доимий муҳокама майдонидан жой олади.

8 Алишер Навоий. МАТ. Йигирма томлик. 13-том. Мажолис ун-нафоис. Тошкент. “Фан” нашриёти. 1997 йил. 56-бет.

9 Абдуқодир Ҳайитметов. “Навоий лирикаси”. Тошкент. “Ўзбекистон” нашриёти. 2015 йил, 33-бет.



**Дилором
ЭРГАШЕВА**

Санга ҳар лаҳза кўз нам бўлса ҳам оз

* * *

Қачон тушмиш эдиким жона ишқинг,
Ёмон куйдирди, ёр, пинҳона ишқинг?

Дема, гурбатда жони қолди ёлғиз,
Ғаму ҳасрат яна ҳамхона ишқинг.

Не ғам, этса мани тарк ошнолар,
Куюк жонимғадур парвона ишқинг.

Қилар тобора ақлимни паришон,
Кўзимни маҳзуну гирёна ишқинг.

Муҳаббат сиррини этмасдим ошкор,
Кўзимдан окди дона-дона ишқинг.

Нечун, Мажнуннинг ишқидан этай баҳс,
Агар Дилда эмас афсона ишқинг?

* * *

Не ёруғлик бор хаёлинг сингари,
Не қаролик дона холинг сингари.

Қайда қомат рост бўлди, кўрмадим,
Беназиру безаволинг сингари.

Дилором ЭРГАШЕВА – 1967 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетини тамомлаган. Ижодкорнинг “Ойнинг ўн беши”, “Муҳаббат”, “Ҳеч нима дийдорга етмайди”, “Ошиқ ўлсанг”, “Асрор” каби китоб ва девонлари нашр этилган.

Ой уза ой, нур ўлур нур устига,
Юз уза икки ҳилолинг сингари.

Борми мандек икки шўхни истаган
Ҳам бало лўли бололинг сингари?

Борми дунёда лабингдек тотлулук
Ҳам ширинлик қилу қолинг сингари?

“Жонни, – дерсанки, – нисор этгаймисан?”
Дилга бахт йўқ бу саволинг сингари.

* * *

Санга ҳар лаҳза кўз нам бўлса ҳам оз,
Қадим долу бошим ҳам бўлса ҳам оз.

Агар дерсан: “Мани севганга ғам кўп”,
Манга сандин неча ғам бўлса ҳам оз.

Агар ҳажринг мазаллатдир, алишмам,
Жаҳон лаззатлари жам бўлса ҳам оз.

Солиб асрори ишқинг Дилга, дебсан:
“Тилига қанча маҳкам бўлса ҳам оз”.

* * *

Айлади ўзни юзинг ҳар неки бор – пок бирла тенг,
Қилди ҳажринг бизни дам хор, дам-бадам хок бирла тенг.

Иштиёқи ишқ ила, чекмакла ҳажринг доғини
Бўлди осон жонни ёқмоқ, эрди хошок бирла тенг.

“Бир назарла!” деб туну кун қилдиму зорлар, вале
Бир назарла ол юзимни қилдинг оҳок бирла тенг.

Гоҳи зардоб, гоҳи қон тўкмак била дардингда кўз,
Дам кесик томир била, гоҳо кесик ток бирла тенг.

Тенг бўлолмас юз Юсуф келса жаҳонга сен билан,
Юз Зулайҳо Дил каби бир телба ғамнок бирла тенг.

* * *

Ишқи жонда ёйилур юз ёкка,
Гул томир ёйган каби тупроққа.

Мушт тугар гулшанда ҳар гул ғунча, юз
Очса гуллар шохи мен муштоққа.

Тикдиму жонимни, қандай яхши иш
Бўлди журъат топганим бормоққа.

Этгали шох қўлларим ё қулни шох,
Қўл узатсам, кўчди гул бармоққа.

Тўти, қумри жон чекармишлар, не тонг,
Айлағаймиш лутф маҳзунроққа.

“Андалиб” деб, гулшани ишқ ичраким,
Дил, отингни ёздилар пештоққа.

* * *

Нигорон кўзларим дилбарга тушди,
Анга тушди ҳамон йиғларга тушди.

Балодай бокди ё кўрди балодай,
Ўзи йиғлатдию алдарга тушди.

Деманг шабнам, саҳар кўзимни ёши
Фиғон айларди ул гулбарга тушди.

Мани боғларга тушди атри гулнинг,
Дедилар: “Мақдами боғларга тушди”.

Сиримни билмак истар дўсту душман,
Отин айтгунча жоним тарга тушди.

У киргандан Дилимга кирмағай кир,
Не бахт, кўнглим кўнгилпарварга тушди.

* * *

Аё, бошимнинг орзуси аёғинг,
Бошимга келмағай икки саёғинг.

Кўзим орзуси кўзингдир ҳамиша,
Қара, бахтим қаро, бахтим – қароғинг.

Тиниб улгурмадим йиғлаб кўзинг деб,
Яна кўнглимни бузгай ол яноғинг.

Қабoқ – қошдек яқин дерлар ўлимни,
Нечун мандан йироқ қошу қабоғинг?

Сочингнинг бўйига етмайди ҳаддим,
Мани рашк ўтида ўртар тароғинг.

Кўзим боқса, ёшим гул-гул тўкилгай,
Лабинг – гул, гул – юзунг, гул – ҳаммаёғинг.

Ўчирдинг нукта бирла нуктадонни,
Мани лол қилди хат узра сабоғинг.

Қоронғидир Дилим дўсту ғанимга,
Уни равшан қилар ҳусни чароғинг.

* * *

На фиғондурким, гулимға етмаса,
На висолдурким, ўлимға етмаса?

Ул на ойдур, васлидин бермас закот,
Ул на эҳсондур, қўлимға етмаса?

Тонгла юз очса гулим, ваҳ, бир калом,
Кўр қиёматни, тилимға етмаса?

Ул на ишқ, оҳим фалакка чирмашиб,
Оташим ўнгу сўлимға етмаса?

Дилрабо, кўнглимни ғамдин тоза қил,
Деб: “На раҳматдур, қулимға етмаса?”

Эй, Дилором, ул на дилким, дарди йўқ,
Ҳам на дарддурким, дилимға етмаса?

* * *

Қайси кўнгил ичра отинг йўқ сенинг,
Қайси бир гул ичра тотинг йўқ сенинг?

Тинмайин васлинг дедим: “Хай-хай, – дединг, –
Журъатинг кўпдир, уётинг йўқ сенинг?”

Таърифингни битдилар, битмас хануз,
Қай гўзалликда сифотинг йўқ сенинг?

Қоматинг ўйлаб “Алиф”дан ўтмадим,
Эл деди: “Эй, дил, саводинг йўқ сенинг?”

Дилмисан Дил, гар мудом ҳамду сано
Ҳам дуруд бирла салотинг йўқ сенинг?

* * *

“Нечун хорсан?” деб, ағёр, қилма ханда,
Демак, кўнглим манинг ул гулбаданда.

Агар юз очса гул, зоғларга ер йўқ,
Нечоғлиқ гул чаманда бўлса, манда.

Қўлим бўйнигаю бошим кўйига,
Тилим лутфига, кўз-кўзига банда.

Не ғамдирким, агар ғам етса ёрдин,
Жароҳат етса, роҳат ўлди танда.

Фироғи васлидин келгай ширинроқ,
Яна ёнимдадир, бўлса Яманда.

Ажаб йўқ ёрда Дил, ёр Дилда бўлса,
Тикан гулда каби ё гул тиканда.

* * *

Йўлимдан ул санам соллона чиқди,
Юзидан нур сочиб юз ёна чиқди.

Изига тушдиму оташга тушдим,
Оёғимдан илашди, жона чиқди.

Чиқар оҳим билан руҳим фалакка,
Манга ойу қуёш ҳамхона чиқди.

Бориб йўқланг мани бир йўқлаганни,
Уйимга соғ кириб, девона чиқди.

Тилимни очдию қилди мукаррам,
Деди: “Шул ошиғим бир дона чикди”.

Кўзим қони билан васфини ёздим,
Дилором, ҳар сўзим дурдона чикди.

* * *

Ҳажринг туни битмайдир, ёр, тонга етарманми,
Бир сас, биримо ё бир шарпангга етарманми?

Жон куш каби талпингай, кўксимда патирлайди,
Эй гул, очилур чоғинг гулшанга етарманми?

Кўз абрини ҳар ерда, ҳар кимга тўкар нодон,
Денгизга тўкилмоқчун найсонга етарманми?

Раҳм айла Дилоромга, ҳар иш ўзинга осон, –
Сан манга етарсан, лек, ман санга етарманми?

* * *

Чидолмасдан кўзингни наргисига,
Қилурман арз биридан наргисига.

Гаҳи ойга, куёшга дўндир ўйинг,
Агар кирсам чаманга, гул тусига.

Сабо бирланму келди, ёр, саломинг
Димоғим тўлдирур гул баргисига.

Юзунг, кўзунг, лабинг – орзум, наҳотки,
Ўлиб етсам тирикнинг мажлисига?!

Кетар гар, Дил демай, дардини ошкор,
Муҳаббат деб, ёзинглар ташхисига.

Хуршид
ДУЎСТМУҲАММАД

ЎЙИН
(Роман)¹

ЗЕРИКИШ

6.1

– Попук, ҳаммага попук опчикдим! – деди кўчани бошига кўтариб Фазли. – Ҳаммага етади. Ке, Бақо! Тез ке!

Болалар Фазлини қуршаб олишди.

– Тоғам-чи, далада, Калас дарёси яқинида яшайдилар, Фатҳи деган ўғлилари уйланаётган экан, би-ир халта конфет опкелишди!

Фазли қувончдан терисига сиғмай, чангалидаги қоғозқандларни улаша кетди.

– Халтаси билан опчикмабсан-да! – дея гап ташлади Яҳё. Фазли унга эътибор бермади. У ўзида йўқ хурсанд эди. Чангалидаги ширинликларни битта-битталаб улашиш билан овора эди. Кафтида қолган икки дона попукнинг бирини Бақога тутқазди-да, жим туриб қолди ва бирдан ёдига тушиб, Ҳасан бобойнинг олдига югурди. Конфетни узатди. Бобой ёш болалардай севиниб Фазли узатган попукни тушириб юбормаслик дардида, икки қўллаб тутганича, хира кўзларига яқин келтириб томоша қила бошлади. Барча болалар қўлига тушган ширинликни оғзига солиб улгурганди, Бақо ҳозиргина олган улушини Фазлига қайтарди.

– Ўзингга қолмади-ку, жўра, ма, ол.

– Йўқ, – деди Фазли астойдил, – мен уйда еб чикдим. Иккита едим. Роса ширин экан. Тўйга аталган ширинликни таллашиб олиш керак. Конфетни еганда, мени ҳам шундай тўйларга етказсин деб дуо қилиш керак.

– Э, ҳа-а, биз қачо-он уйланамиз, қизиқсан, Фазле.

– Фазле жўранг яқинда уйланар эмиш, эшитмадингми? – деди Лутфулла тиржайиб.

Болалар бараварига кулиб юборишди.

Фазли Лутфулланинг пичингига жавоб қайтармади.

– Тош ташлашда ким ютди? – деб сўради у болаларга қараб.

– Ўзинг ўйинни буздинг-ку! Ана, осмондан тушгандай Бақо...

– Тушса тушаверсин, – деди пинагини бузмай Мираҳмад, ҳозиргина Тош кўча томондан келган Бақога қараб қўйиб.

– Бери ке, Бақо ука, – деди Лутфулла ичидаги норозилигини сездирмасликка уриниб, бироқ унинг ҳаракатлари асл кайфиятини фош қилаётганига эътибор бермай. – Эрталаб башарангни ювганмисан, ўзи? Ҳеч кимникида йўқ сув силарникида мўл деб эшитаман.

– Қандайига мўл бўлсин? Сув йўқ, кичкинагина ҳовли эмас – чўл, – куруққина жавоб қайтарди Бақо.

– Менга қара, бери ке, – деди Лутфулла шипшиб. – Бир гап сўрасам айтасанми?

– Нимани?

– Кулоғингга айтаман, ҳеч ким эшитмайди.

¹Давоми. Бошланиши ўтган сонда.

– Айтавер, – деди Бақо истар-истамас. – Эшитса эшитар.

Лутфулла шивирлади:

– Болохонада ўрдак боқасизларми?

Бақо сесканиб орқага тисарилди.

– Қандай ўрдак?! – деди у афтини бужмайтириб. – Ичишга сув йўқ ховлида ўрдак боқадиларми?!

Лутфулла кулмади, аксинча афтига жиддий тус берди. Уни кўриб бошқа болалар ҳам жиддийлашди. Лутфулла яна нима ўйлаб чиқаради деган ўйда унинг оғзини пойлашди. Лутфулла айтди:

– Нега унда сендан ўрдакни ҳиди келади?

Тор кўчани болаларнинг жўр бўлиб кулгани тутди. Бақо ўзини қаерга қўйишни билмай қолди. Лутфулланинг тили аччиқ эди, у Бақони очикдан-очик мазах қилаётган, Бақо буни яққол тушуниб турганди, шу боис у чимирилиб нигоҳини Лутфулладан узмай тинглади унинг гапларини. Бундай пайтларда доим Фазли ўртага тушар, у ёлғизланиб қолаётган Бақонинг ёнини олишга уринарди. Лутфулла муштидаги тошчаларни Бақонинг бетига отмоққа хезлангандек қўлини дағдага билан боши узра кўтарди.

– Бетингни ювган бўлсанг, чап кўзингни юмгин-да, ўнг кўзинг билан яқинроқдан Мирраҳни бетига синчикла-аб қара. Остки лабига қара, ука.

Лутфулла атайин Мираҳмаднинг исмидаги “р”ни иккилантириб, Бақо талаффуз қиладиган алфозда айтди. “Ука” деб ўзини катта олиб айтди.

– Биттасини эмас, иккаласини юмсин! – деди Хўжа баттар кесатиб. – Уни яна битта кўзи бор. Ман биламан!

– Билсанг, айт! Қани ўша яна битта кўзи? Даҳанидами, пешонасидами? Бурни-ни учидами?

– Учинчи кўз пешонада бўлади...

Ибоднинг хотиржам ва осийишта айтган гапи ҳаммани жим қилиб қўйди. Болаларнинг қайси бирлари очик-ойдин тиккасига, қай бирлари ер остидан Бақонинг афтига разм сола бошлашди. Ҳатто Бақонинг ўзи шошганидан юз-бетини кафтлари билан ишқаб-ишқаб ташлади.

– Айтдим-ку, учук йўқ, – сўзидан қайтмай зарда қилди Бақо. У қандай бўлмасин болаларнинг диққатини ўзидан узиб ташламоқчи эди. Лекин у хайрон ҳам бўлди. Ибод писмиқ қаердан эшитган? Наҳотки акалари унга нимадир деган бўлсалар? Йўлакдан ўтишда қоронғилик қаъридан кимдир гўдайиб турганга ўхшайверар, акалари, синглиси, ҳатто аяси ҳар сафар йўлакдан юрак ховучлаб ўтишар, ва қарийб ҳар сафар қоронғилик қаъридан кимдир қараб тургандек бўлар, болохонада яшайдиганлар бундай хавотирга кўника бошлаган ҳам эдилар. “Бақо кўркмайди, ҳамманг кўрқоқсанлар!” деб койигани-койиган Каромат ая. “Бақони яна битта кўзи бор-да! Кўркмайди!” деди ўшанда Сино акаси.

– Дамингни чиқарма! – деб сапчиб тушди Каромат ая. – Қайтиб оғзингга ола кўрма, бу сўзни!

– Кўзи учта, кулоғи тўртта! – баттар мазах қилди Сино, топган сўзи ўзига хуш ёқиб.

– Сенга дедим, Сино! Эсингни ема, бачам!

Сино кулди, унга Хумо қўшилди, Шабнам баттар кўрққанидан аясининг пинжига урди ўзини.

– Намунча, ая? – деди ҳамон ўзини кулгидан тўхтатолмай Сино. – Жа шу ўғлингизга меҳрингиз бўлак-да, шундайми?

Бақо бу гапни эшитган заҳоти аяси билан акасига бир йўла ўқрайди. У ана шу саволга аясининг муносабатини билиб олишни жуда-жуда истарди.

– Мени адо қиласанлар, Сино... – деди ҳолсизланиб Каромат ая. – Бас қилинглар, дедим, ўғлим!..

Бако Лутфуллага чимирилиб тинглади унинг гапларини. Лутфулла муштидаги тошчаларни Баконинг бетига отмоққа хезлангандек қўлини дағдаға билан боши узра кўтарди.

– Учук чиққан-чиқмаганини маши аниқлаб берадими энди?! Ўзимиззи ақлимиз етмайдими? Кўзимиз кўрми, Лути?!

Бу гапи билан Яҳё ҳам Лутфулланинг устомонлигини пучга чиқарди, ҳам Баконинг ҳамиятига тегиб ўтди. Ва ўша заҳоти фикридан қайтиб Фазлига қаради: – Сан нима дейсан, Фазли, Мовни лабига учук чиққан-чиқмаганини аниқлаштиришга ўзимиззи ақлимиз етсаям, маши қишлоқи ўртоғинг айтса-айтақолсин.

Тор кўчани чангитиб бирга-бирга улғаяётган кўни-кўшни болалар худди аввалдан тил бириктириб олишгандек, айна қизиган ўйинни унутиб, Бакони калака қилишга киришиб кетишгани сезилиб қолди. Яҳёнинг кейинги гапи буни очиқ-ойдин сездириб қўйди.

– Истасанг, – деди у мийиғида кулимсираб, – чап кўзинг билан қара, истасанг, ўнги билан, яна истасанг, учаласи билан қара!

Болалар бараварига кулгига зўр беришди. Тошкурси томондан кулоққа чалинган беўхшов кулги уларга жўр бўлди.

Бако борлиғига заҳардек оғир ботаётган аламини ичига ютди, афти бужмайиб, туси гезарса-да, тилини тийди. Ҳеч қандай низоли ҳолат юз бермагандай Лутфуллага қандай қараган бўлса, Яҳёга ҳам ўшандай чимирилди.

– Қайси кўзим билан қарашимнинг нима аҳамияти бор? Учта эмас, ўнта кўзим билан қараганимда ҳам учук йўқ, сезилмаёпти.

– Сезилаёпти! – унинг оғзига урди ўчакашиб Лутфулла, сўнг ўртоқлари орасида ундан билағони йўқлигини исботлаб, тасдиқлаб қўймоқчидек узил-кесил хулоса ясади: – Учук деганлари аввалига билдирмасда-ан, пуси-иб чиқади, болалайди, кейин бўртади. Лекин қўркма, Мираҳ, уч-тўрт кунда тузалиб кетади.

– Мираҳни лабидаги учукни уйнинг бузилишига нима даҳли бор, Лути, – сўради Хўжа ўсмоқчилаб. – Мираҳларни ҳовлиси энигаям-бўйигаям ўн қадам, бузилса алам қилмайди. Миржалол отани ҳовлисини кўрганмисанлар, узу-ун!.. Ичи тўла узумзор ишком! Миржалол ота йиғлаб юборибди ҳовлиси бузилишини эшитиб.

Лутфулла билан Яҳё билағонликда кимўзар ўйнагани-ўйнаган. Лекин бу сафар Хўжа улардан ўзиб кетгандек кўриниб қолган эдики, Фазли гап қўшди:

– Миржалол ота фронтовик, шунинг учун унинг ҳовлисини бузишмайди. Миржалол ота яхши одам...

Фазлидаги хомушлик ўртоқларига юқди – ҳамма жим бўлиб қолди. Уларнинг ҳаммалари Миржалол отани яхши билишар, иккала қўлини урушда йўқотиб қайтган отанинг букик қадди, қирғий бурни, айникса сўнук-нурсиз боқишлари уларнинг ҳаммаларига яхши таниш эди. Миржалол ота кўринган заҳоти ҳамма – катта-ю кичик ўзини четга олар, жиддий тортар, отага йўл бўшатар, икки қўлини кўксига қўйиб ҳурмат бажо айларди. Фақат... “Икки қўли йўғу... ўғил-қизлари кўп”, деган ўй ўтди Фазлининг дилидан, лекин буни у тилига кўчирмади. Яҳёнинг маҳмаданалиги ўйга толган болаларни мавзуга қайтарди.

6.2

Зерикиш ҳам одатми? Ҳамон шундай экан, Фазли қачондан ва қай зайлда ўзида зерикиш одати пайдо бўлганини сезмай қолди. Ўз-ўзидан юраги сиқилар, ҳеч

нимадан кўнгли тўлмас, уйда бўлса – уйдаги, кўчага чикса – кўчадаги гап-сўзлар, мулоқотлар жинига ўтиришмас, шундай дамларда ҳатто жонажон ўртоқларига қўшилишиб ўйнагиси ҳам келмай қолар, қўшилган тақдирда эса ҳаёли бошқа жойларда изғиётганини сезиб-билиб турарди. Шу боисдан билиб-билмай китоб ўқишга қизиқяптими ёхуд китоб мутолаасига бўлган ҳавас чўғлангани сайин кўпроқ зерикаш ҳуруж қияптими, ўзига қоронғи эди. Аввалига сербезак, расмли китобларни варақлаб чалгиган бўлса, аста-секин уларни ўқишга тутинди. Том Соьер исмли болакай ҳақидаги китоб муқовасидаги расмлар роса ёқди унга. Шу китобни кўлидан қўймади. Томнинг шумлиги-шўхликлари тасвирланган лавҳаларни қайта-қайта ўқиди. Ўзи ва ўртоқлари билан Томнинг ҳаётини, кундалик саргузаштларини қиёслар, ҳаёлга чўмарди. Томнинг ота-онаси, холаси, дўсти Гек билан кўчиб келишса, Фазлиларнинг кўчасида яшасалар, бу ердаги ўйинларни Томга тушунтирса, ўргатса... Балки бирга бир синфда ўқисалар, бутун мактаб ўқувчилари, маҳалла болалари уни ўраб олишса, ким бу, ким бу деб сўрасалар, Фазли, “Америкадан келган ўртоғим!” деб мактанса, эҳ-хе-е! Фақат улар кўчиб келишгунга қадар маҳалладаги уй-жойлар бузилиб кетмасайди!..

Шу сингари ҳаёлларга ғарқ бўлиб юрган кунлари шекилли Иззат акаси “Шум бола” деган китоб келтирди. Ундаги Қоровой Том Соьер билан яқин ўртоқми? Талай қилиқлари ўхшар экан. У ҳам уйидан қочиб кетган. Сағбон кўчасидан ўтиб бораётганида Ачаободда лўли болалар кўлига тушган. Лўли бачалар уни ўртага олиб, майна-калака қилиб, орқасига тепа-тепа... Отаси Ачаободдан хийла наридаги Дурдона шаҳарчасидан ер олиш ҳаракатига тушган, ҳар сафар Фазли ўша томонларга бораётиб отаси ёки онаси, ёки акаларига қапишиб олар, лўлиларнинг пастак-пастқам турар-жойлари, эшак-аравалар, қора-кура одамлар, болалар ёнидан аллақандай ҳавотирда юрак ҳовучлаб ўтар, Ачаободдан у ёғига эса ҳеч нарсадан кўркмай-нетмай бораверарди.

Робинзон Крузони ўқиди-ю, тамомила ўзга оламга кириб қолди: уйидан бош олиб кетган Робинзон кема ҳалокатга учрагач, кимсасиз оролда яшади-ку, ёлғиз! Ачаободдан кўркмай, юрак ҳовучламай ўтолмаган одам Робинзон бориб қолган оролда ёппа-ёлғиз яшай оладими?! Қизиғи, Том уйидан қочди, Қоровой қочди, Робинзон эса ота-онасидан изн олиш у ёқда турсин, уларни лоақал бир оғиз огоҳлантирмай-нетмай кетворди. Ким билсин, Бахти ака ҳам ўқигандир Томни, Қоровойни, Робинзонни?! Кимсасиз оролни излаб юргандир аллақайси юртларда? Ҳеч ким шу ҳақда ўйлаб кўрдимикан?..

– Йўқолган...

– Қочиб кетган...

– Ўғриларга қўшилиб кетган!..

Қаёққа йўқолади, қаёққа қочади? Нега қочган? Ким кўрибди, ўғриларга қўшилганини?.. Фазли ҳам ўйлаб кўрди, узок ўйлади ва Бахти ака ҳеч қачон Зухри амакининг “Зим”ини ҳайдолмаслигига, унинг қизи Ирка-Ирода ҳаётда унга қайрилиб қарамаслигига кўзи етгач, шу тупроқ кўчаларда юришдан зериккан, бўлари бўлган ва шартта кетворган-қўйган, деган хулосага келди... Том Соьер ҳам, Қоровой ҳам, Робинзон ҳам зериккан одамлар, зерикаш оқибатида уйидан бош олиб кетган, уларнинг ҳеч бири ҳеч кимни – на ота-онаси, на ўртоқлари, на муаллимларини огоҳлантирган – ҳеч кимга айтмай, сўрамай-нетмай бош олиб жўнаворган! Ҳа-а, ана-а, тўсатдан ўйлаб қолди Фазли, излаган нарсасини топгандек қувониб.

У Шивлидаги амакисиникига борганида, амакисининг ўғлилари – Фаридун, Фирдавсларнинг юриш-туришини кўриб ҳаваслари келди. Улар ўртоқлари билан тош ташлаш тугул, чиллак ўйнаганлариниям кўрмади. Ланка тепишмади улар.

Футбол ўйнашди – ҳаммалари худди ростакам футболчилардек ранг-баранг майка-иштонда, дарвозага тўр тутилган, тўпни айтмайсизми, тўпни! “Пахтакор”чилардан олганмиз, дейишди!.. Фаридун теннис тўгарагига қатнар экан. Катта гардишли капгирнусха ракеткаси, сап-сарик коптокчалари кўзларини ўйнатиб юборди Фазлининг! Ўғил бола оқ пайпоқча кийишини Фаридунда кўрди илк сафар у. Фаридуннинг кўшниси Фазлига тенгдош, Комсомол кўлида поезд ҳайдашга, яна бир синфдоши самолёт яшашга ўргатадиган тўгаракка қатнар экан.

Уйга қайтгач, ҳамма кўрганларини оқизмай-томизмай ҳикоя қилиб берди ўртоқларига. Ҳаммалари миқ этмай тинглашди, фақат Лутфулла билағонлигини кўрсатди:

– Улар городской одамлар-де, – деди, бўшашиб. – Биз Эски шаҳарда яшаймиз...

Фазли амакисининг ўғлиларига ўхшаш “городской” бўлиш учун... ўртоқларига далда бериш учун нимадир гап топиши керак эди, топди.

– Бир замонлар Эски шаҳар бозорининг нариги – Чорсуга чиқавериш томонида чангалзор бўлган, ўша чангалзорда йўлбарслар яшаган!

Ўртоқлари кўзларини олайтириб Фазлининг оғзига анграйишди. Фазли шофайзлик Акбар устанинг оғзидан эшитганларини айнан давом эттирди:

– Йўлбарслар одамларга тегмаган.

– Одамга тегмаса, нима еган? Оч қолмаганми? – сўради Мираҳмад.

– Чангалзорда ёввойи чўчқалар яшаган, ўшани еган. – Жавоб қилди Фазли дарҳол. – Фақат бир марта бир овчи бехосдан она шерни отиб қўйган.

– Кейин нима бўлган?!

– Кейин ота шер икки-уч ойгача ўша овчини йўлини пойлаган. Одамлар хавотирда овчини узо-оқ шаҳарга жўнатиб юборишган.

– Ҳа, қутилиб қопди... – енгил нафас олди Яҳё.

– Қутилмаган. – Фазли худди ўша афсонавий воқеанинг жонли гувоҳидек ошиқмай давом этди. – Икки ойдан кейин қайтиб келган куни ота шер пойлаб ётган жойидан бир иргишда...

– Ву-уй-й! – деб юборди Лутфулла. – Бўлди, у ёғини айтма!

Фазли тўхтади.

– Давай, ҳаммамиз Чорсуни айланиб, ўша шерлар яшаган жойларни кўриб келамиз! – дея таклиф ташлади Мираҳмад Лутфулланинг юрагига баттар ғулгула солиб.

6.3

Издихом қуюқлашгани сайин гап-сўзлар кўпайди, ғўнғир-ғўнғир кучайди, саратон бугун ҳам забтидан тушмаслигидан дарак бераётгандек маҳалла аҳлининг “ҳарорати” юмшайдиганга ўхшамасди. Овозлар баландлашди.

– Шу жазирамада уй-жойни бузиб бўлармишми?!

– Жазирамада бузмай, қаҳратонда бузсинми?!

– Қайси тўпикдан бошлашмоқчи ўзи?

– Калковузга чиқадиган тор кўчадан!

– Достон аяни уйдан бошлашди.

– Аяни уйи маҳалланинг бошланишида-да...

– Досап кўчиб келармиш.

– Давлат одами эмиш Досап!

– Давлатти одами Достон аяни уйига қараб қопти-да?!

– Достон аянинг уйини ости тўла хазина эмиш, давлат ўшани исини олган!..

– Хазина ўзимизга ҳам ёқади!

- Аслида Бек кўчадан бошлаш керак бузишни!
- Кўқон хонлигидан васиқа тегмагунича Бек кўча бузилмас эмиш!
- Ола-а, Бек кўчадагиларни Кўқондаги шоҳи синиб кетганидан буён неча қовун пишиғи ўтди, қайси замонда яшаётганингни биласанми, хумпар?!
- Фурқат шетта-ку, ундан сўранглар.
- Ҳар ким оғзига келганини вайсайверсину, Шомалик тўрам билганини қилади.
- Оксоқол қора Унардан чўчийди.
- Қора Унарри қораси ўчсин!..

Нажиб дода ўрта бўй, жуссаси ихчам, сочи тақир қирилган, бошидаги кўк баҳмал дўпписи, қордай оппоқ соқол-мўйлабининг бежирим қайчилангани, тик ёқали оқ кўйлаги оҳорланган-дазмоллангани бу инсоннинг асли юриш-туриши, камига у кишининг танасига қулоч етмас толга елкаси билан суянганича – фақир киши панада қабалида туриши унинг феъл-атворидан, феъл-хўйидан далолат эди. У кишини ён-веригагилар пайқашмади, пайқаганлари эса ўз ташвишлари билан овора, акс ҳолда маҳалланинг бообрў оила бошлиқларидан, таниган кимса борки, “Мулла ака” деб ҳурматини жойига қўядиган инсонга эҳтиром кўрсатишлари тайин эди. Нажиб дода табиатан одамовироқ, унча-мунча ҳангамаларга кўнгли чопавермас, бинобарин у киши учун ҳар қанча эътибордан кўра ўз ҳолига қолиш ёқимлироқ, суюмлироқ эди. Рўзи самоварнинг чакқонларидан бирининг кўзи тушди-ю: “Амаки, юринг, сўрида жой бор”лаб қўймади. Дода кўнмади, шу ер салқинроқ дея баҳона қилди. Ёлғиз қолиш эпини топган жойида кўшни тупикда яшовчи Мирмавлон муаллимнинг ўртанча ўғли Мирхаёл ёнида пайдо бўлди.

– Сиз билганиёз билган, – деди у ҳе йўқ-бе йўқ Нажиб додага қўл ташлаб кўришаётиб. – Вазиз окани ўғли қаёққа йўқолибди, амаки? Кўшнийз? Топишмадимми?

– Йўқолган эмас, – деди бамайлихотир Нажиб дода ўзига ярашган вазминлик билан. – Бола-да, шўхлик қилган.

– Жа-а, ювош бола дейишарди?

– Ювошликка ювош, тўғри, лекин ювош одамми шўхлиги, қайсарлиги оғирроқ кечади.

Мирхаёл яйраб қулиб юборди.

– Илло жавобби боладийз, амаки, жавобби!

Мирхаёл тушмагурнинг сергаплигини билган Нажиб дода толнинг бошқа томонига силжимоққа чоғланди-ю, одамлар анча тирбандлашганидан нияти амалга ошмади. Толнинг қуюқ, узун ва хивичдек ингичка шохлари орасидан оқариб келаётган субҳ ёруғига қаради. Рўзи самоварнинг одамларга қарата баралла айтган гапи хаёлини бўлди.

– Ҳой, мусулмонлар, азадан бурун кафан бичманглар! Йиғин бошлансин, оксоқол бир тайинли гап айтсин, ҳа, ана кейин керак бўлса – ёқа бўғишаверасизлар, барака топгурлар!

– Сизга чойхона бузилмаса бўлгани-да, дунёни сув босмайдими!

Аёллар орасидан ўзининг шаънига беписандларча отилган бу лукма Рўзи самоварга оғир ботди, дили оғриди. Даҳанаки олишувларда унча-мунчанинг оғзини очирмай қўядиган кимсан Рўзи самовар: “Ола-а! – деб юборди баралла. Норозиланганининг давоми ичида қолди: – Эсимни танибманки, шу гузарда эл хизматидаман. Орттирган-топган обрўйим шу бўлдимми?!” Бироқ чол ичидаги товушга бўйсунмади, балки шайтонга ҳай берди. Кимсан Рўзи самовар тонг қоронғисидан, ушбу издиҳомнинг кўз ўнгида қаёқдаги оғзига кучи етмаган, калтаўй, бир аламзада хотин билан ади-бади айтишиб ўтирсинми! Жонидан ўтганки, гапиряпти. Бола-чақаси кўпдир, уй-жойининг бузилиш хабари ёруғ оламини зимистонга ай-

лантиргандир, шўрпешона оддийдан-оддий хотин аламини жайдари бир чойхоначидан олмаса, нишини, нима, қизил бахмал дастурхонга суксинми, қора попкага санчсинми?! Айтадиган бўлса, Рўзи отанинг дарди озми?! Алами ичида – маҳалла тўзийдиган бўлса, кимга қолади бу чойхона? Кимга зарурати туғилди бу гузар, бу файзли масканни тўзитиш?! Ким қадам босиб келади бу роҳатижон гўшаларга?! Миш-мишлар ҳарчанд осмонларга олиб чиқиб кўқларга кўтармасин, дасти дарозлар элбурутдан эгаллаб олаётган Дурдона шаҳарчасигаям алмашмайди манави соя-салкин ҳовузли толзорни!

Тўсатдан ола-ғовур тиниб, шивир-шивирга ўтди одамлар. “Зиё дўхтир кевотти! Зиё дўхтир!” деган овозлар тарқалди.

Бу хабар кўпчилик учун мутлақо янгилик эди. Ҳатто Нажиб дода ҳам жиддий тортди, Зиё дўхтирдек одамки, каллаисаҳарлаб маҳалла йиғинига чиқибдими, демак, аҳвол танг, демак, Чигатоӣ маҳалла улуси ҳаётида нимадир юз бермоқчи, демак, унча-мунча аччиқ-қуруқ гапларга ҳам қулоқни шай қилиб турилса, чакки бўлмайди.

– Вазиз посонни ўғлини Зиё дўхтирдан сўраш керак. Дўхтир топиб беради.

– Нима, Зиё дўхтир полвунми, санга?!

– Полвун бўлмаса, изкувардир...

– Ҳа-я, Марварид кенноӣи полвун-молвунгами, ромчигами, борсин, ўғли қаёқларда санғиб юрганини билиб келади.

– Ўзимиззи Фотма кинначидан ўтаверсин!

– Бу – бошқа гап. Фотма кинначи ўтирган жойида айтади, кўриб тургандек беҳато айтади!

Одамлар икки томон ажралиб, ўртада торгина йўлак очилди.

– Ассалому алайкўм!

– Келинг-келинг, дўхтир!

– Зиёбек, бу ёққа! Бу ёқда жой бор!

Зиё дўхтир кўрсатилган томон икки-уч одим ташлади-ю, бирдан тўхтаб, танаси йўғон кекса тол панасида турган Нажиб дода томон ўгирилди. Ҳамма Зиё дўхтир ўгирилган тарафга қаради.

– Нажиб дода тик турсалар, ман қандай бориб ўтираман?!

Зиё дўхтир шундай деб кўпчилик маҳалладошларининг диққат-эътибори тушган Нажиб доданинг билагидан олиб, олдинга бошлади.

6.4

Фазли Яҳё билан синфдош – Қилбелбоғдаги икки қаватли, деразалари катта-катта, девори сариқ рангга бўялган мактабда ўқишади. “Ҳар куни бирга бориб, бирга қайтамыз”, деб аҳдлашишганди, бироқ аҳд аҳдлигича қолиб кетди.

Яҳёнинг ўлгудай уйқучилиги сабаб бунга.

Фазли эрталабдан отланиб, папкасини елкасига илиб Яҳёни чақиришга чиқади. Бир, икки, уч чақиради ҳамки, ўртоғидан жавоб бўлмайди. Фазли ҳар сафар овоз чиқарганида ҳовлига икки-уч қадам ичкарилаб боради – Яҳё дадаси ва онаси билан яшайдиган ҳовлининг ўнг томонидаги икки хонали уй остонасига етаёзади. Ниҳоят, Қутбиниса опоқининг бўғиқроқ, лекин осойишта, мулойим-меҳрли товуши қулоғига чалинади:

– Ҳо-озир, Пазли. Ке, зинага кеп тургин, ўртоғинг ҳозир уйғонади.

Ҳар куни шу аҳвол – Яҳё дадаси билан онаси нонушта қилиб ўтирган хонтахтанинг ёнгинасида палосга тўшалган кўрпачада чўзилиб, гулдор чойшабга бош-оёқ ўраниб ётади, Жўримбой амаки билан Қутбиниса хола индамай ёки унда-мунда

шивирлаше-еб нонушта қилишади. Амаки жуда жаҳлдор, кўча-кўйда болалар салом берса алиқ олиш ўрнига, “Ҳм”, деб бир ҳўмраяди-ю, бошқа бир оғиз гапирмай-нетмай йўлига кетаверади.

Фазли дастлаб зинанинг биринчи поғонасига оёқ кўяди, кутади, пича ўтиб иккинчи, сўнг учинчи поғонасига кўтарилади. Яна кутади. Ҳар поғонадан туриб ўртоғининг исмини айтиб чакирганида овози бошқача жаранглайди.

– Кўнғирокка кеч қоламиз, Яҳё, – дейди ниҳоят. – Дарс бошланиб кетади. Ялиниброқ айтади. Шундай деса ўртоғининг уйқуси ўчар ва ўрнидан кўзгалар, деб умид қилади.

– Ўғли-им...

Жўрим амакининг залворли овозини эшитган Фазли енгил тортади. Чунки ҳар сафар аҳвол шу – дадаси аралашмағунича Яҳё тепса тебранмайди, ётаверади.

– Ўртоғинг кутиб қолди, турақол...

– Ҳммм...

Яҳёнинг уйқу аралаш жавоби бу.

– Ўқишинг бошланиб қолмасин, отам, тур, энди.

– Иммм...

Фазли ланг очик эшик тирқишидан Жўрим амакининг ўсиқ қошлари остидаги кўзини топишга уринади, тиззасига ихчамгина қўл сочикни тиззасига ёзиб ўтирган амаки тўкилган ушоқларни бармоғи учида териб олади, чинчилоқдан йирикрок пичоқчада хафсала билан этни суяқдан ажрата-ажрата оғзига солади, “Тўштни Тош қассобдан овоссанми?” деб сўрайди, “Пақат Тошпўлатдан оламан”, деб жавоб беради. Қутби опоқи, “Тошни пичоғи ҳалол, мани айтди де, пақат қора кўчқорри гўшtidан берсин, дурустми?” дейди оғзига солган гўштни шошмайгина чайнаётиб ора-чора гўштнинг лаҳмрок бўлагини Қутбиниса опоқининг олдига ирғитади. Фазлининг оғзидан сўлаги оқади. Қутбиниса хола гижда ноннинг бурдасини пиёладаги чойга ивитиш шошмай, аста кавшанади, чоли марҳамат қилган гўшт бўлагининг бирини оғзига солса, иккинчисини, “Ўзиз енг”, дея чолига қайтаради. “Ўткан ҳафта мол гўшти едирдинг, ўша-ўша оғзимми суви келади, Қутби! Ўладиган дунёда кўй гўшtidан ўтаверсин, хотин!” Фазли билади – Яҳёнинг онаси ҳар куни бозорга тушади, кунузуккун офтобнинг тиғида тик оёқда туриб бачкана туфли сотади, офтобда қорайиб кетганининг боиси шунда.

– Отагинам, ўртоғинг сарғайиб кетди пойлайвериш, турақол, тойчам...

– Ҳх-хо-озирр, хммм...

Фазли аниқ билади, ҳозир Жўрим амакининг жаҳли чиқади, жаҳли чиққанда ҳам, би-ир бақиради, би-ир сўқади, ана ўшанда Яҳёнинг улоқчадек ирғишлашини кўринг!

– Сан, манга қара, кимми боласисан?

Фазли ҳайрон, ахир шу тупикда туғилиб, шу кўчада улғайган бўлса, Яҳёнинг жонажон дўсти бўлса, бир синфда ўқишса, ҳар куни бирга-бирга ўйнасалар, куннига эрталабдан Яҳёни мактабга чақириб чиқса... Танимагандай суриштириши ғалати!

– Мулла Нажиб додани, – жавоб қилди у истар-истамас.

– Ҳм-м, – дейди Жўрим амаки худди ўғли Яҳёга ўхшаб. – Оилада нечта боласизлар?

– Тўққизта.

– У-у-у! – деб юборади Жўрим амаки. – Ҳаммаси қизми?

– Икки акам бор! – Шартта жавоб қайтаради Фазли. Жўрим амаки унинг жавобига қулоқ солмайди.

– Нажиб додани шўри курсин, – дейди қўлидаги суякнинг иликдонига бир

кўзлаб мўралаётиб.

Фазли тушунмайди. Нега энди отасининг шўри куриши керак? Яхёни дадаси нимани назарда тутиб бундай деди?

Жўрим амакининг бу тарз беписанд саволга тутиши Фазлига ёқмайди. Ўртоғининг уйғонишини кутмай, мактабга жўнаб қолиш пайига тушади. Шунда Жўрим амаки бошлаган гап уни йўлдан тўхтатади.

– Илло Нажиб дода чинакамига мулла одам. Ювош, беозор одам. Қўли гул қосиб.

Фазли отасининг шаънига айтилган мақтовни эшитиб енгил тортади, мактабга кечикаётганини унутади.

– Қутби, бу болани онасини танийсанми? – тўсатдан савол қотади Жўрим амаки, негадир энсаси қотгандек афтини бужмайтириб.

– Вой-й! – деб юборади Қутбиниса опоқи ажабланиб, – қизиқсиз-а, Яхё. – Қутбиниса опоқи чолини кенжа ўғлининг исми билан чақиритишини Фазли илгари ҳам кўп эшитган, ғалати туюлса-да, индамай қўя қолади. – Қиёматли қўшнимми нега танимай?! Мулла Нажиб ота сиздан, Мунис ая мандан хиёл ёшлари улўғроқ, холос.

– Ман ёшини суриштираётганим йўқ, лодон хотин! Бу болани онаси асли Бек кўчалик эканини айтмоқчиман.

– Бек кўчалик бўлса нима? Палаги тоза оиладан чиққан.

– Ҳа-а, яша! Ман ўша палаги тозалигини айтмоқчиман, ўқимаган! Бек кўчаликларни ҳаммаси таги кўқонликлар деган гап бор. Долимбек, Ниғмонбек, Эргашбек, Қосимбек...

– Кўқонлик?! Эшитмаганман...

– Ҳа-а, эшитмагансан. Бозорчисан-да, эшитсанг ҳам фаҳминг етмайди. Мана шу тирмизак бор-ку, ана, зинада ҳақ деб турган бола, ўзи сумақдай, ҳар куни каллаи саҳарлаб дағдаға қилиб чиқиши – асл насл-насаби кўқонлик бекларга бориб тақалишини аломати. Уқдингми?! Ё бунгаям фаросатинг етмас, хотин?!

– Ола-а, – деб юборди Қутбиниса опоқи пиёласидаги чойни кўтариб ичиб юборар экан, ярим жаҳл-ярим ўпқаланиш аралаш. – Қайси китобда ўқий қолдйиз, шунча гапни?

Жўрим амакининг жаҳли чапақайига ўйноқлади. Яхё айтганди, “Адам ўқиш-ёзишни билмайдилар”, деган, бундан чиқди, Қутбиниса опоқи эрига кесатиб гап-пираётган экан-да!

– Ман санга эрталабдан майнавозчилик қилаётганим йўқ, Қутби. Кўқонда хонлиқни паймонаси битгач, Тошкентга қочиб келиб қолган хон сарбозлари Беккўчада кўним топган. Бу болани онасидаям сезилади, маши. Онасини котта оқаси бор-ку, манави болани тоғаси, ўша одам ҳамон хонни одамидай юради кўчада! Олдидан биров кесиб ўтолмайди.

– Тоғасини билмадим, онасида нима сезилади?

– Гап-сўзида, дейман-да! Таги хонлиқка бориб тақалишини, қонида бир бало борлигини этвомман, чулчут!

– Тавба қилдим! Қонида нима бўларди?! Мунис ая билан гаплашганмисиз ҳе замонда? Гап-сўзини қаерда эшита қолдйиз?!

– Товуши чиққанини эшитмаганман, тўғри айтасан... – Гап шу ерга келганда Жўрим амаки ҳамон болишдан бошини кўтармай тантиғланиб ётган ўғлини уйғотиши зарурлигини эслаб қолади. Овозини боягиндан хийла баландлатиб:

– Яхё-ей! Ҳо-ой, Яхё, отагинам, турақол энди, мактабга кеч қовоссан, тойчоғим!

– Ии-и-и-и!..

– Нима, и-и-и? Нима, и-и-и? Турақол-да, энди, тойчам.

– Бир пас ётай...

– Тур-е, падарингга қусур! Э, уйқуни яратганни илигига!.. Э, сани эркалатганни устихонига! Э...

Жўрим амакининг ростмана ғазаб-ла айтимлари авжига минмай боядан буён “и-и-и-ми-и-и”лаб бурканиб ётган Яҳё сапчиб ўрнидан туради, икки хатлаб зинанинг устида пайдо бўлади, пастак гулдор панжара-тўсиқ оша ирғиб ҳовлига тушади.

Фазли севиниб кетади, лекин Яҳёнинг ҳар сафарги шундай қилигидан сўнг улар икковлон биринчи дарсга кечикиб боришади мактабга. Ҳар сафар кечикишганида Фазли энди сени чақирмай-кутмай ўзим кетавераман, дейди Яҳёни айблаб, бироқ орадан бир неча кун ўтиб-ўтмай Фазли гинасини унутади, мактабга бирга-бирга бориш ниятида Яҳёни уйғотиш учун яна ва яна уларнинг уйларига киради... Жўрим амаки билан Қутбиниса опоқи нонушта қилиб ўтиришган, Яҳё юпка кўрпача устида гулдор чойшабга бош-оёқ ўраниб ётган бўлади. Фазли ҳарчанд чақирмасин, ўртоғи қилт этмайди, Фазли бир, икки, уч зина кўтарилиб чақиринишда давом этади, Жўрим амакининг эркалаб-авайлаб айтадиган “Отагинам”, “Тойчоғим”, “Опоғим”и ниҳоят дарғазаб-ла: “Тур-е, падарингга қусур!”га кўчгандагина Яҳё милтиқнинг ўқидек ирғиб ўрнидан туради, калта иштонда – ўзи ялонғоч ҳовлига коптокдек сачраб тушади, апил-тапил ювинади, наридан-бери кийинади-да, бир бурда нонни оғзига тикар-тиқмас Фазлининг изидан кўчага отилади...

6.5

Эшак арава базўр сиғадиган кўчага бурилишди. Ҳали қош батамом қораймаган эди, бу кўчага муюлишди-ю, шом чўқди-қолди. Пича ичкарига юришди. Бу ҳали ҳолва экан, эллик-олтмиш одим ўтишмаган ҳам эдики, чапга – икки киши ёнма-ён турса елкалари қинғир-қийшиқ лой деворга тегадиган, боя маҳалла болаларидан бири таърифини келтирган ичакдек тор кўчага киришди.

– У-у, сассиқ-қ! – деди Бако бурнини икки бармоғи билан қисиб.

– Ўчир! – деди акаси овозини пастлатиб.

Каромат ая тор кўчани тўлдирган оғилхона исидан димоғи ёрилаёзди. Кўзидан тирқираб ёш чиқиб кетди. “Шамол юрмайдиган жой!” деди ўзича, болаларига сирбой бермай. Чидади.

– Бир-бирингни кўлингни тут! – деди худди бирор хуфия ниятда келаётган одамлардек хавотирли товuşда шивирлаб. Шабнам кўркди чоғи, йиғламсиради.

– Сино, Шабнани кўтариб ол! – деди паст ва хазин товuşда ая.

Ичакдек тор кўча пастлаб борган жойда – кўча адоғида қалин тахтадан ясалган, якка тавақали пастак эшик оқаринқираб кўринди. Ҳумо ўнг кўлидаги зил-замбил юкни чапига олиб, эшикни тақиллатиш учун мушт тугди.

– Шошма, бу эмас! – деди аяси ҳовқилиб. Ҳумо чўгга кўл чўзган одамдек кўлини тортиб олди. Шундагина у ўнг томонда янаям пастроқ, лекин икки қанотли эшикка кўзи тушди.

– Буме, ая? – сўради у йўқотган нарсасини топгандай, овозини баландлатиб.

– Секин, тек туриглар, – деди Каромат ая. Аслида қоронғиликдан унинг ўзи ҳам юрак ҳовучлаб турган, башарти ёнида болалари бўлмаганида бу жойларга, айниқса шу тобда зинҳор қадам босмаслиги аниқ эди. Лекин ҳозир қоронғиликдан кўркадиган, таниш-нотанишлардан истиҳола қиладиган, тортиниб-нертиниб қисинчоқлик қиладиган мавриди эмасди.

Ая эшикни тақиллатмади, унга оҳиста-авайлаб бармоғининг учгинасини тек-кизди, холос. Ичкарида, эшик ортида нимадир оғир шарақлаб кетди, Каромат ая,

тўрт ўғил-киз бараварига чўчиб тушдилар ва бир-бирларининг пинжиларига киришиб, қапишиб қолишди.

– Занжири тушди... – деди босик овозда ая. Сўнг илова қилди: – Эшик ҳамиша очик, деганди, ани.

Ҳақиқатда эшик очик, занжири ҳам номигагина илинган экан. Каромат ая эшикни қия очди-ю... Бунақанги зимистонга рўпара келмаганди умрида! Қаерга келиб қолди у, қай тақдир-қай қисмат бошлаб келди уларни бу гўристонга?! Йўк, гўристон эмас, лаҳаднинг ўзгинаси! Ҳай, Каром, ўзинг туғиб катта қилган чурвақаларингни тириклайин лаҳадга етаклаб келдингми? Озмунча сарсон-саргардонликдан сўнг топган зимистонинг шуми, Каромат, ҳай?! Лаҳадгагина тушақолай, деб қарганганларинг етдимикан, Яратганнинг қулоғига, Каромат?! Мана, сенга!.. Мана, сенга, ниятларингга яраша, ҳай, Каромат! Ўз оёғинг билан келдинг-а, хотингина! Киравер! Кўчиш-кўчиш ўйнаб кел, келгинди-келгинди дея, кетгинди-кетгинди дея кириб боравер, Каромат!..

Акаси кўтариб олган Шабнам пиқиллаб йиғлаганича аясига талпинди. Кенжа ўғил Ато қўшилди Шабнамга. Синонинг ҳарс-ҳарс нафас олиши эшитилди.

– Кирамизме?... – совуққина савол ташлади Бақо.

Каромат ая учун далда бўларли бир оғиз лўкма зарур эди шу тобда. Бақонинг таъна аралаш айтган сўзи унга далда вазифасини ўтади.

– Кирамез, – деди овозини хиёл кўтариб ва ўзи биринчи бўлиб бостирма-йўлак сари одим ташлади. Шундай қилса, болаларидаги кўркув арирмикан деб ўйлаганди. Бироқ кенжалари тугул, катталари ҳам иккиланиб-тайсалланиб-пайпасланиб турган жойларидан кимирлашга журъат топишолмади. Йўлак жаҳаннам зимистонига тўла, олтовлон одамдан бирортасининг кўзи хануз бирон нарсани илғамаган, умуман танасида жони бор ҳеч бир тирик махлук бу ерга қадам босиб кириши даргумон, одам боласи эса... Тим қоронғилик қаърида янаям қуюк, қора кўлага пайдо бўлди, Каромат аянинг эсхонаси чиқиб, ҳозир юрагим ёрилади, деган хавотирда нафаси бўғзига тикилди. Қора кўлага баҳайбат, девкелбат, сочи тўзиган одамнинг шарпасига айланди. Шарпанинг олайган кўзидан йўлакка ёғду сочилгандай бўлди. Бу ёғду келувчиларни ичкарига чорлаш учун таралдими ёхуд уларни қувиб чиқариш учунми – билиб бўлмади. Айни шу пайт орқа томонда гурсиллаган қадам товуши эшитилди. Бу қандай товуш ё шовқин эканлигини дабдурустдан англаб бўлмади. “Гурсо гурс” шовқин лаҳза сайин яқинлашаверди. Каромат аянинг жони ҳалқумига тикилди. Оналик туйғуси зўр чиқиб, шошганича Шабнам билан Атони паноҳига тортди. Шу лаҳзада аёл кишининг шанғи овози қулоқни қоматга келтирди:

– Ҳа-а, килдиларингми?!

Каромат ая ва унинг болаларига бу, “Ҳа-а, қўлга тушдиларингми?!” бўлиб эшитилди. Ваҳоланки, бу – Худонинг ўзи икки қўллаб етказган, етказганда ҳам қўшқўллаб, беминнат-бетаъма ҳадя этган Расмия аянинг танишдан-таниш шанғи товуши эди!..

6.6

Достон ая гангиб қолган, қора Унар айтган – бу ҳовли ўрнида қурилажак уйга кўчиб келадиган одамнинг исмини айтишга тили келишмаган, маҳалла фаоллари келтирган янгилик ўзидан кўра кизига хушхабардек эшитилган, боиси – “Эслигина боласи билан эрдан чиқиб келган қиз” деган машъум тамға ва қора таъналарга бурканган маломат тўла ивир-шивиру назар-нигоҳлардан қутулиши учун айни муддао эди!

– Ҳовлимиз ДОСААФга керак экан, олақолсин, ая, ҳукумат сиззи уй-жойсиз қолдирмайди.

– Қорақамишга кўчасизми, деб сўрашди, мен, йўк, Юнусобод маъқул, баҳаво, кенг-мўл дала жой дедим, қизим. Тагин, қайдам, билмасам...

– Юнусобод бўлса Юнусобод-да, мен учун бари бир. Шу маҳалладан тезроқ чиқиб кетсак бас. Қачон беришади уйни?

6.7

Қуёш ётоғига бош қўйган эса-да, ҳали қош қораймаган, болалар ўйини авжида эди. Тош кўчада тупикнинг оғзига қопқоқдек бўлиб автобус тўхтади. Ичи тўла йўловчи, кўплари иссиқдан елпиниб ўтиришибди. Автобус бир эшикли, ҳайдовчи узун туткични суриб уни очди. Фазли зинада тик турган Вазиз посонга кўзи тушди.

– Келдик, Вазиз ака, туша қолинг, – деди ҳайдовчи йигит баланд овозда.

Вазиз посон қилт этмади. У икки қўллаб тутқиқларни чангаллаб олган, оёқ кўтариб пастга тушишга юраги бетламаётганди.

Фазли, Мираҳмад, Хўжа автобусни айланиб, эшик томонига ўтишди.

– Тушақолинг, димиқиб қолди-ик! – жўр бўлиб бақира кетишди йўловчилар.

– Уйга келдийз, Вазиз ака, тушинг-да, энди! – хуноби тошди ҳайдовчининг.

Ниҳоят, Вазиз посоннинг бир оёғи “дўк” этиб тош йўлга тушди, аммо иккинчи оёғини автобус зинасидан узиш машаққатга айланди. Биринчи бўлиб Мираҳмад ҳушёрлик кўрсатди.

– Вазиз амаки, қўлиззи беринг, оёғиззи туширинг, – дея унинг ёнига борди.

Автобус жойидан жилди, Вазиз посон жилмади – оёқлари ерга маҳкамлангандек, лойга ботгандек сўппайиб турар, дам-бадам йиқилиб тушаётгандек чайқалиб кетарди. Оппоқ кўйлагига жикқа терга ботган, ғижим, бир ёни шимининг устидан осилиб ётарди.

Посон анчагача жойидан кимирамасди, у тинмай нималардир деб ғингшир, унинг бу тахлит ишдан қайтиши қўшни болалар учун янгилик бўлмаганидан улар посон амакининг сўзларига эътибор ҳам қилишмас, фақат уни суяб-етақлаб уйига олиб кириш болалар учун алоҳида маросимга айланган, улар шунга ошиқшарди. Вазиз посон турган жойида дам тупикнинг нишаблигидан одим ташлашга юраги бетламаётган, дам юргандан тек турган афзал дегандек қаққайган қўйи бир қадам ҳам ташламас, шабадага дош беролмаётган навдадек гоҳ ўнг-гоҳ сўл томон эгилиб-букилиб тоб ташларди.

Шу пайт, кимдир хабар берди шекилли, кўча бошида Марварид кеннойи пайдо бўлди. У тўппа-тўғри келиб Вазиз посоннинг қўлтиғига кирди-да, авайлабгина уни йўлга солди. Нишабликдан эна бора-боргунча тинмай, “Секин, адаси”, “Шошманг, адаси”, “Эҳтиёт бўлинг, адаси” дер, атрофида гирдикапалак бўлаётган қўшни болаларга, уларнинг ўзларича чуғурлашларига қулоқ ҳам солмасди.

Минов кампир қачон эшикдан чиқиб келганини Фазли пайқамади. Кампир ёрдамга ошиққан шифокордек этагини липпасига қистириб, енгини билагига до-вур шимарганича Вазиз посонга ачинаётгандек, Марварид кеннойига ёлғондақа ҳамдардлик кўрсата кетди.

– Раҳмат, опоқи, раҳмат, – деди унга жавобан Марварид кеннойи, мулойимлик билан. – Ҳозир яхши бўлиб қоладилар.

– Нима кипти, инимга? – ўсмоқчилаб сўрашга тушди опоқи бу манзарани илк бор кўриб турган одамдек ясама ҳайронлик билан. – Вой, шўрим курси-ин! Эсхонам чиқиб кетди-я, келин! Шу-ундай ойдек йигит!.. Бир Худо асрабди-я! Вой-й!..

Марварид кеннойи Минов опоқининг сўзларидаги шумликни сезмасликка олди. Тезроқ уйларига кириб олиш ниятида қадамини жадаллатди.

– Ҳаво иссиқ, бироз толиқибдилар, шекилли... Ҳозир яхши бўлиб қоладилар...

Эр-хотин эшикларидан ҳовлига киришгунга қадар давом этган ҳангама, текин томоша бирдан хотима топди-қўйди. Бироқ кўчадаги олди-қочди Минов опоқи бошчилигида давом этди.

– Кўрдиларингми, бундан беш баттар бўлади, ҳали!

– Вазиз амаки иссиқда толиқибди, – деди Лутфулла.

– “Яхши бўлиб қоладилар” деди-ку, Марварид кеннойи.

– Гўрда яхши бўлади, ғирт-ку! – унинг оғзига урди опоқи.

Опоқининг ҳозиргина айланиб-ўргилиб кўрсатган меҳрибончилигидан асар ҳам қолмаганди.

– “Ғирт” нима дегани? – тушунмай, савол ташлади Фазли кўзларини жавдира-тиб.

– Кайф дегани, тушундингми, арокни ўлардай ичган, дегани!

Фазли Лутфулла билағоннинг бу тушунтиришини ҳам тўла англаб етмади.

Тош кўча томон тепаликдан тушиб келаётган Яҳё Марварид кеннойига тақлид қила кетди:

– “Секин, адаси”, “Шошманг, адаси”, “Эҳтиёт бўлинг, адаси”...

Болалар қолиб, Минов опоқига ёқиб тушди, Яҳёнинг масхарабозлиги.

– Жонингга қоқи, сан артис болани! Жонингга қоқи! Ўлма, Яқи, ўлма! Роса ўхшатдинг, ўзиям!..

Ибод Яҳёни огоҳлантирди:

– Яқи! Бахти ака кўриб қолса, ўлдиради! Марварид кеннойини масхара қилма!

Шу пайт Вазиз посоннинг уйи томонда қий-чув қўпди. Эшик тарақлаб очилди. Олдинда Марварид кеннойи, шиппагини қўлига кўтариб олган, бош яланг, ранги ўчган, унинг ортидан Ботир, Зумрад, яна кичкина болалари йиғи-сиғи кўтариб онасига эргашган. Марварид кеннойи ўзини қаёққа уришини билмай турганда Вазиз посон майкачан, калта оқ иштонда яланг оёқ қувиб чикди. У нимадир дер, лекин сўзларида ҳеч ким тушунмасди. Марварид кеннойи ўзини Фазлиларнинг йўлагига урди. Изидан болалари кириб кетишди.

Вазиз амаки бир ўзи кўча ўртасида гарангсиб турди-турди-да, хотини ва болаларини қаерга ғойиб бўлишганини билолмай, гарангсиб, аста изига қайтди...

6.8

Ҳафиз тоға Санобар янга билан олдинма-кейин кўчабошига чиқишди. Мунира, Мастура опалари кўча эшик ёнида қолишди, онаси билан Малоҳат опаси меҳмонларни катта кўча юзига довр кузатиб боришди.

– Сан боравур, хайр, – деди тоға Малоҳатга, Малоҳат бироз нари кетгач, синг-лисига юзланиб овозини пасайтириб деди: – Қизларинг бўйи етиб қопди, ҳамманг оғзингни очиб анув шайтонни найрангига анқайиб ўтирмай, буларингни узатишни ўйла, тўй қил, келайлик, ёнингда турайлик, сингил!

– Хўп, ака, хўп бўлади, – боягидан хийла енгил тортиб жилмайди Мунис она. Ва бирдан ёдига тушиб дам акаси, дам кеннойисига қараб гапира кетди: – Вой, эсим курсин, ака, бизга хизмат айтмадингиз-ку? Кеннойи, бирор юмуш буюринг, бажонидил...

– Мани ака десанг, сани эсинг бутун, Мунис, хизматни айтдим – анувни йўқот!

– Хўп, ака, хўп. Тўйга нима қилайлик, шуни айтинглар? Бирор ёрдамни айтинг, куёвингиз хурсанд бўладилар.

– Нега ўйнамас экан? Ўйинга ҳўжайинмисан?! Ўйин – ўйнаганники! Ўйнамаган – ўйинчоқ!

– Ўйинчоққа совинчоқ! Совинчоққа ошпичоқ! Ошпичоққа...

– Чўзма, чўзма! – шундай деб Хўжани гапдан тўхтатди Фазли. Ўзи овозини баралла қўйганча жар сола кетди: – Ҳамма-ҳамма ўйинга! Мани отим – шоҳфозил, ўйнамаган – калфозил!.. Ҳасан буваём, Ҳусан буваём, Жўрим амаки, Раззоқ отаям, Самад ота – ҳаммалари чиқаверсинлар, ўйинимизга қўшилаверсинлар! Эшитмадим демангла-ар, бу дунёда ҳамма катта-ю кичик ўйинчи-и! Минов хола, ҳо-ой, Минов опоқи, Фотма кинначини бошлаб келинг, ўйинга қўшиласизлар! Тош ташлаш бошланвотти-и! Тош ташла-а-аш! Баҳорни қақирамиз! Ёмғирни қақирами-из! Қани, бошлайми-из!

Ёмғир ёғалоқ – эчки чақалоқ!..

Бойнинг қизини – бурни юмалоқ!..

Изига қайтиб, Тош қўча томон яқинлашган Бақо тўхтаб, ортига ўгирилди. Фазлига хўмрайиб қаради. У болалар ўртасида тез-тез такрорланиб турадиган “айтишув-лапар”ларни яхши тушунмас, негадир бошқа болаларга ўхшаб бундай “хиргойи”ларга ҳуши йўқ эди.

– Ана, ўйнамоқчи, – деди энсаси қотиб Яҳё.

– Келсин, ўйнасин, бўзласин, куйсин, тўзисин!– деди Мираҳмад пинагини бузмай. – Манга қолса, бутун маҳалла кўчиб чиқмайдими! Қўркмаймиз, ўйнайверамиз! Бақо кишлоқига кўрсатиб қўямиз!

– Ҳаммани ўйнатасан! – дея ожизона чапак чалиб юборди Ҳасан бобой, завқланиб кулганидан кўзидан ёш тиркираб. – Ўйнамаган одам борми, дунёда?!

– Ҳа, яшанг, Ҳасан бува! – деди Мираҳмад. – Туринг-е, ўтираверасизми?! Тош ташлаймиз, тош!

Ҳасан бобой бирдан афти ўзгариб, йиғламсиради, изидан очиқчасига йиғига ўтди.

– М-ман ўйнаб бўганман. Ўйнайдиган ҳолим қ-қолмаган, ман...

– Мен ҳам...

Мираҳмад гап бошлаб улгурмаган Бақога қулоқ солмади, гапидан тўхтамади ҳам.

– Аялар ҳам, болаларини ташлаб кетган дадалар ҳам, шу маҳаллада туғилиб катта бўлганлар ҳам, кишлоқдан кеп қолиб ажинахонада яшаётганлар ҳам – тирик жон борки, ёмғирри соғинганлар ўйнайди, ука!

– Ўйнайди! – деди болалардан бири Мираҳмадни қўллаб.

Кутилмаганда бир чеккада деворга суяниб чўнқайиб ўтирган Хўжа тилга кирди:

– Аввал бояги саволга жавоб бер, кейин ўйнайсан!

– Қандай савол? – Бақо икки-уч одим юриб Хўжага яқин борди.

Бақонинг феълида қандайдир соддаликми, гўлликми, шунга ўхшаш ғалатилик бор. Бўлмаса, шу тобда Хўжанинг найрангига лаққа тушармиди! Бироқ Фазли бошқаларнинг олдида буни айтолмайди, Бақони огоҳлантиролмайди.

Хўжа ўтирган жойидан безрайиб кўзойнаги ортидан кўзларини олайтириб сўради:

– Неча марта такрорлаш керак сенга, овсар! Мираҳ мовни лабига қара, яхшилаб қара. Учук чиққанми-йўқми? Фақат шайтонлик қилмай, холис айт, тушундингми?!

– Айтдим-ку, чиқмаган. Учук йўқ!

Бақо Мираҳмад томон ўғирилди-ю, нима қиларини билмай, индамай туриб қолди. Лутфулла ясама жиддийлик билан ўсмоқчилади:

– Бақониддин ука, сан қайтадан қара, кўзингни очи-иб қара, – деди у чолларга тақлидан салмоқланиб, вазминлик билан. – Учук нима эканини биласанми, ўзи? Ҳаётда лабингга учук чиққанми? Силарни қишлоғинглардаям одамлани лабига учук тошадими?

Лутфулла бошлаган гапнинг оҳангидан, айниқса Бақонинг исмини алламбало қилиб айтганидан ўртоқлари кулиб юборишди. Буни Бақонинг ўзи ҳам кутмаган, зеро ҳеч ким унинг исмини Лутфулла айтгандек “қўшқават” қилиб тилга олмаганди. Бироқ у сир бой бермади, Лутфулланинг саволларига жавоб қайтармади ҳам. Аслида эса Лутфулланинг посонча пичингларидан кўксининг туб-тубида лангиллаган олов аланга олаётган, бу ҳолатнинг мутлақо аксича – афтида вазминлик, босиқ, ҳатто кишибилмас табассум барқ этиб турарди. У Мираҳмадга яқин борди, унинг кўзига эмас – бетига, лабига разм солди, сўнг худди беморни кўздан кечираётган шифокорлардек босиқ ва дадил деди:

– Учукми?.. Ким айтди учук деб? Такрор айтайми? Сезилмаёпти! Миррах, кўркма.

Бақонинг барчага қарата айтган бу сўзлари учук ҳақида биринчи бўлиб “хуш-хабар” тарқатган Лутфуллага айниқса ёқмади.

– Миррах, кўркма, ука... – Лутфулла Бақони масхаралаш ниятида атайин “Миррах” деб такрорлади. Аксиға олиб, Бақо ҳам дастлаб танишган пайтлариданок Лутфуллани ўзига яқин олмади, қизиғи, буни бошқалардан яширмади ҳам, олифта болаларни жиним суймайди, деб очиқчасига айтди, бошқалар сукут сақлаган бўлсалар, Хўжа кулгисини яширмади: “Топдинг, оғайни, буни лақабини точний топдинг”, дея “олифта” билан “посон”нинг маънодошлигини изоҳлай кетди. Лутфулла маҳаллага янги келган қишлоқи бола қолиб, аламини Хўжадан олди ўшанда.

– Ў, Жуда, – деди у сўзларни бурро-бурро талаффуз қилиб, – Жудахўжалигинг тутса дўст-душманни фарқиға бормаيسان-а?! Эсларингда бўлсин, манави, – деди қўлининг учини Бақонинг бетига нуқиб, – икки дунёдаям эл бўмайди! Ман айтдим-қўйдим!

Бироқ Лутфулланинг башоратига ким кулоқ солди, ким ишонган ё ишонмагани номаълумлигича қолди. Хуллас, илк танишув чоғларида уруғи қадалган Лутфулла билан Бақо ўртасидаги низо-совуқчилик ниш бериб қўқаргани сезилмасда, у буткул йўқолиб ҳам кетмади.

7.2

Тўнғич опаси оиласи билан Тошкентдан узо-оққа кўчиб кетишган. Онаси Мастура опаси билан Фазлини ўша “узо-оқ”қа олиб борди. Ўша “узо-оқ”қа ета-етгунча поезд роса узоқ юрди – кун кеч бўлди, тун бўйи юрди, тонг отди ҳамки, “тақа-туқ, трақа-туқ”, “тақа-туқ, трақа туқ”, “тақа-туқ, трақа туқ” тинмади. Мастура опаси билан “тақа-туқ”ларни санайвериби неча бор санокдан адашиб кетишди. Пешинга яқин бўлса керак, поезд роса чарчаб, ортик қадам босишга ҳоли қолмаган одамдай оғир-оғир ҳарсиллай-ҳарсиллай тўхтади. Фазли ўзича поезддан тушамизу Мактуба опамни, Сабрини кўраман деб ўйлаганди, йўқ, бирорта таниш йўлиқмади, уларни олиб келган поезд йўлида давом этди, бекатни тўлдирган издиҳом ҳам зумда тарқади-кетди, бир пас хайрон-саросимага тушган Мунис она икки гўдагини икки ёнига олиб ҳозиргина жўнаб кетган поезд изининг ўртасига тушиб олганича пойи пиёда йўл бошлади.

– Қанча юрамиз, ойи? – деб сўроққа тутди дарҳол Фазли онасини.

– Ҳозир айтаман... – деди Мунис она, шундай деди-ю, кўзлари билан одам излади. Аксига олиб, на ўнг-на сўл томонда кимса кўринса денг! Онаси не ҳаёлда, Мастура билан Фазли оёқлари остида ортда қолаётган тўсинларни санашга киришиб кетишди. Қоп-қора, мойга беланган, бақувват-бақувват тўсинлар устидан ётқизилган экан-да, темир йўл. Аксига олиб Фазли ҳам, Мастура опаси ҳам санокдан адашиб кетишди. “Тақа-тақ – трақа-тук”нинг охири бўлмаганидек оёқлари остидаги тўсинларнинг ҳам саноғи, адоғи кўринмади.

– Ана, бир одам ўтпти, ҳозир сўраймиз! – деди қувониб онаси. Қайсидир қишлоқни номини айтиб сўради. Йўловчи яхши одам экан, дарров жавоб берди:

– Хайла! – деб у бармоғи билан олдинни кўрсатди.

Онаси билан Мастура опаси севиниб кетишди.

– Озгина қолибди-а, ойи? – сўради Мастура опаси, кўлидаги бўғчани у кўлидан бу кўлига олиб.

– Ҳа, бўшашманглар, Фазли, кўлинг толмадими?

Фазлининг кўлида жияни Сабрига аталган ўйинчоқ машина. Енгил, бироқ Фазлининг кўли аллақачон толиқиб улгурганди. Фазли жияни билан биргалашиб унинг ўйинчоқларини санашган – юзтадан кўп чиққан, ўзиям! Мана, яна унга ўйинчоқ. Фазлида эса...

Темир йўл остидан ташланган қора-қура, мойга беланган – кўриниши ёқимсиз тўсинларни санайвериш кўнгли кетди Фазлининг. Атрофга аланглаб томоша қилди – пастак-пастак уйлар, молхона-товуқхоналар, экинзорлар, эшаклар, итлар, ўрдақлар, ғозлар... Том баравар тезак уюмлари... Таппи ёпилган деворлар, таппининг изи қолган деворлар... Қизиғи, биронта ҳовлининг девор-дарвозаси йўқ, ҳовлилар катта-катта – далага ўхшайди. Боши айланиб кетди Фазлининг. “Дарёга етган жойимизда қишлоққа буриламизу, опангни уйига етамиз!” деди онаси, иккала кўлидаги халтани дам-бадам оёғининг остига қўйиб-қўйиб оларкан. Шу пайт томорқасида кетмон чопайётган киши кўринди.

– Дарё яқинми, ука? – деб сўради онаси, бирдам нафас ростлаб.

– Дайрами? Хайла! – жавоб қилди нотаниш киши. – Меҳмон экансизлар, уйга кўниб ўтинглар, апой.

Мунис она беғубор илтифот учун миннатдор бош эгиб, куллуқ қилди.

Йўлнинг танобини тортиш давом этди, оёқ остидаги тўсинларнинг адоғи кўринмас, оёқлардан кўра кўллар толиққан, “хайла” дегани “озгина қолди” дегани бўлса... Фазлининг кўз ўнгида Мактуба опаси ҳам эмас, Сабри жияни ҳам эмас, поччасининг қиёфаси гавдалана бошлади. Э, ҳа-а, поччаси басавлат, важоҳатли одам – кўрган одамнинг капалаги учиб кетади – юзлари сергўшт, лунжи селкиллаган, қуёқ ва қоп-қора сочини орқага силлиқ тараб юради. Қошлари қалин. Устига-устак, ишлайдиган жойида каттакон хўжайин. Аҳён-аҳёнда Тошкентга боради, икки ё уч кун Фазлиларнинг уйида тунайди. Мунис онадан ҳаловат кетади – почча бир ўзи алоҳида хонада ётади, алоҳида ўрин-кўрпа, алоҳида дастурхон, алоҳида сочик, ҳовлида судраб юрадиган шиппаги ҳам яп-янги. Почча дам олаётган пайтида ҳовлидагина эмас, ҳатто кўчада ҳам тик этган товуш чиқмаслиги керак. Акалари, опалари ҳовлида ҳам оёқ учида юришади. “Фазли, ўртоқларингга айт, шовкин солмай ўйнасинлар”, деб тайинлагани-тайинлаган, онаси. Почча бирон марта пиёда юрмаслиги, гоҳ “Москвич”, гоҳ “Победа” машинаси келиб уни олиб кетиб, олиб келаётгани кўни-кўшнилар, болалар олдида турган-битгани Фазли учун обрў! Хулласини айтганда, поччаси қишлоғига жўнаб кетганда, нафақат онаси, нафақат уйдагилар, кўшни ўртоқлари ҳам енгил тортар, Яхё ёки Лутфулла деганлар, “Ур-ре-е, Фазлининг поччаси кетди, энди бемалол ўйнаймиз!” деб бошқалардан суюнчи олган пайтлар бўларди.

– Ойи, – деб сўраб қолди Фазли тўсатдан. – Қора киши нега ҳадеб “Сойимбой”, “Сойимбой” деб, додамни чақириб келади?

– Сойим поччангда иши бордир-да, – дея жавоб қилди Мунис она. Жавоб қилди-ю, анча жойгача бошқа гапирмади. Фазли сизди, онаси яна нимадир демоқчи, фақат ўйлаяпти. Шу пайт Мастура опаси нимадир деб Фазлига гап қотди. Фазли “Жим тулинг” демоқчидек қўл силтади-да, онасининг оғзига анграйди. Ва ниҳоят у кутгандек, онаси жавобининг давомини айтди: – Ўғли қамалиб қолган...

– Сойим почча қамаганми?!

Мунис она ўғлининг тушуниб-тушунмай савол қотишига кулмади, балки яна пича сўзсиз-несиз юриб борди-да, насиҳатомуз тушунтирди:

– Сан бунақа нарсаларга қизиқаверма, Фазли, ҳали ёшсан... У киши поччангдан ёрдам сўраб келябди...

– Поччам ёрдам берсалар ўғли қамокдан чиқадими?

Ҳозиргина ҳаёлида ёмон одам қиёфасига кирган Сойим почча онасининг бир оғиз сўзи билан яхши одамга айланиб қолди.

Поччаси каттакон одам-да, бошқаларга кўп яхшилик қилади. Уйдаги телевизорни сотиб олишда ҳам Сойим почча ёрдамлашган, чунки телевизор энди-энди сотувга чиққан, ким кўп – харидор кўп, телевизор эса ҳаммага етавермас, шу баҳона Фазлиларнинг хонадони энг арзанда, ардоқли оила бўлиб қолди тупикда, маҳаллада. Қош қораяр-қораймас кўни-кўшни аёллар, бола-бақра, ҳатто бўй етган ўсмир йигит-қизлар қаторлашиб чиқиб келишади, ҳайрату ҳаяжонда, қизиқиб, ўзларини гапдан тўхтатолмай томоша қилишади телекўрсатувларни. Ўртоқлари қандай ўйинлар ўйнашаётган экан-а?..

– Ойи, – деди Фазли ҳаёллари измидан чиқмай, – уйимизга қачон кетамиз?

Онаси билан Мастура опаси бор овозлари билан кулиб юборишди. Фазли кулмади, йиғлаб юборди.

– Нега йиғлаяпсан? Кап-катта йигитсан-а?

Онаси шундай деб уни юпатишга тутинди.

– Қайтиб боргунимизча уйларимизни бузишса, қўшнилари ҳар ёққа кўчиб кетишса, нима қиламиз? Ўртоқларимни қайтиб кўрмайманми?!

Бу сафар онаси билан Мастура опаси кулишмади.

7.3

Ҳаммаси Малоҳатнинг ҳаяжонланиб, ютоқиб айтган бир оғиз сўзидан бошланди. Жимгина газета варақлаб ўтирганди, тўсатдан: “Ака, “Колдунья” бўлар экан! “Колдунья”! деб юборди хушхабар етказётгандек чапак чалиб.

– Қанақа “Колдунья”? Қачон? – сўради Шукур акаси, бепарво.

– Шанба, шанба кун, соат саккизу қирқда!

– Ҳа-а... – деди-кўйди Шукур акаси, бошқа бир нияти бор-ку, лекин ўша нияти ни вақт-соати келганда айтмоқчи эканлигига шама қилгандек.

– “Колдунья” нима дегани? – қизиқиб суриштиришга киришди Фазли опасидан.

– Жодугар. Зўр кино! – жавоб қилди Малоҳат опаси акасининг авзойига эътибор қилмай. – Қўшнилари чиққунича олдинроққа жойлашиб оламиз.

– Ўзбек тилида бўладими, кино? – ижикилаб суриштиришни давом эттирди Фазли.

– Йўқ, бунақа кинолар фақат рус тилида кўрсатилади, – деди Мунира опаси.

– Олдинроққа ўтириб оламиз-да, тушунмаган жойингни ўзим ўзбекчасига айтиб тураман, хўпми? – деб Фазлининг ичини қизитди Мастура опаси.

Пайшанба ўтди, жума оқшоми, кечки овқат маҳали эди, Малоҳат, Мунира, Мас тура опалари ўзаро “Жодугар”ни муҳокама қила кетишди.

– Намунча жоникмасаларинг, ҳали кўрмаган бўлсанглар, шу-унча гапни қаёқдан топяпсанлар? – деб суҳбатга қўшилди Мунис она. Чамаси аяда ҳам фильм томошасига бўлган кизиқиш етилаёзган эди. Барча гап-сўзларни киши билмас тинглаб ўтирган Шукур акаси савол ташлади:

– Малоҳат, – деди у кутилмаганда, – газетадаги “Колдунья” сўзининг ёнида нима деб ёзган, қарадингми?

– Нима деб ёзибди? – сўради ажабланиб, Малоҳат.

– Газетани ол-да, яхшилаб ўқи.

Малоҳат телевизорнинг биқинига икки буклаб суқиб қўйилган газета варағини олди, унга кўз югуртирди.

– Нимани айтяпсиз, ака? – У шундай деб газетани акасининг олдига олиб борди. – Кўрсатинг.

Шукур акаси бармоғи билан “чизиб” кўрсатди.

– Ўқи, – деди савол назари билан синглисини кузатиб.

Малоҳат ўқиди:

– “Фильмни ўн олти ёшга тўлмаган болалар кўришига рухсат этилмайди”...

Ўқиди-ю, дувва кизариб кетди. Нима сўз айтишини билмай, акасига мўлтиради. Шундагина Шукур акаси мақсадига ойдинлик киритди:

– Рухсат этилмай-ди! Тушундингми, шанба куни телевизор томоша қилинмайди!

– Вой, ака-а, ундай деманг! Кўрайлик, ҳамма гапиряпти. Жудаям қизиқ кино экан!

– Гап – битта! Газетада бекор огоҳлантирмаган. Шундай экан...

– Ойи-и!

Малоҳат шу қадар жон ҳолатда чинқариб юбордики, ошхона томонда юрган Мунис она азбаройи чўчиганидан югургилаб супа томон елиб, етиб келди.

– Ҳа, нима гап?! – деди кизларининг куршовида турган Шукурга қараб. – Тинчликми, Малоҳат?

– Акамга айтинг, кўрайлик!

Малоҳат икки ўт орасида қолган одамдек югуриб онасининг ёнига борди, Мунис она гап нима ҳақда эканлигини ҳамон тушунмай елка қисди, Малоҳат ўша шиддатда акасининг ёнига ошиқди.

– Жон, ака! Мен ўн олтидан ошяпман. Менга рухсат беринг!

– Қизиқсан-а, Мало, бир ўзинг томоша қилиб ўтирасанми? Жодугар бўлиб қолмагин, тагин!

Малоҳат ўкраб юборди.

– Ҳа, эрта келсин, бир маслаҳат чиқар, – дея муроса йўлини топгандек эди Мунис она.

Эртасига жанжал фавкулудда аланга олди. Мунис она кизларига ён босди. Шукур акаси сўзидан қайтмади. Ўғил-қизларининг ўртасидаги мунозара газак олаётганини пайқаса-да, сукут сақлаб ўтирган Нажиб дода ниҳоят оталик бурчини адо этмоқликка мажбурият сизди ўзида. Аслида отанинг сўзи – сўз, у киши ҳозир бўлган жойда бошқалар оғиз очишга журъат этишолмасди:

– Нима гап? Қандай кино, ўзи? – ётиғи билан савол қотди Нажиб дода.

– “Колдунья” – деди Малоҳат шошилиб, отасига умидвор мўлтираб.

– Ўзбекчасини айт-чи? – саволини такрорлади отаси.

– “Жодугар”...

Малоҳат шундай деди-ю, бирдан нафаси ичига тушиб кетди. Нажиб дода кулиб юборди.

– Жодугар манави матоҳни ичидами ёки сани ичинга кириб олганми?

Нажиб дода тагдор гапиришга мойил, киноя-кесатикларини унча-мунча одам дарҳол фаҳмлаб етавермасиди. Демак, бундан чиқди, отаси билан Ҳафиз тоғасининг тили бир экан-да?! У ҳолда “Жодугар” нима бўлади?..

– Яхши кино-да, дода... – деди юрак ютиб Малоҳат.

– Нимаси яхши? Тўртта-бешта фильм кўрганмисан-йўкми, дарров кинони яхши-ёмонини фарқлай оладиган бўп қолдингми?

– Марина Влади ўйнаган...

Шукур акаси истеҳзо билан кулди.

– Нима бўпти, Марина Влади ўйнаган бўлса?! – деди у энсаси қотиб. – Ўша Марина кимлигини биласанми?

– Франциялик, таниқли актриса... Висоцкийнинг хотини...

Баҳс яна Шукур ака билан Малоҳат опа ўртасига кўчди. Нажиб дода ака-сингилни ўз ҳолига қўйди. Мунис она Шукурга: “Қўй, ўғлим, сингилларинг кўрса кўра қолишсин” деган маънода имо-ишора қилди. Шукур эса ўзининг оилада тўнғич ўғил эканлигини тасдиқлашиб оладиган хонаси келганини ҳис қилаётган, қолаверса, отаси шоҳид бўлиб турган можарони ўз фойдасига ҳал бўлишини истаётганди. Унга Малоҳат тилга олган икки кишининг исм-шарифи айни қўл келди.

– Висоцкий ким? Бориб турган кўчабезори, бетайин хулиган.

Шу пайтгача ўзини четга олиб турган Иззат орага гап қўшди:

– Хулиган бўлсаям, қўшиқларини кўпчилик ёқтиради, ака...

– Санга ўхшаш шоиртабиатлар ёқтирса ёқтирар, лекин франциялик ўша актриса нечанчи хотини Висоцкий қўшиқчининг? Бу ёғиниям ҳисобга олиб қўйларингда!

Иззат журъат қилиб-қилмай дилидагини тилига кўчирди:

– Нечанчи хотини эканлиги, франциялик эканлиги – бошқа масала, гап фильм-ни томоша қилиш-қилмаслик ҳақида бормоқда, холос.

Оилада юз берадиган бундай ҳолатларда барча оғирлик Мунис она зиммасига тушар, ҳар сафар муроса йўлини топишдан ўзга чораси қолмасиди онанинг. У баралла йиғи бошлаган Малоҳатни ҳам, сўзидан қайтмай оёқ тираб туриб олган Шукурнинг ҳам дилини оғритмаслик йўлини излашга киришди.

– Шукур ўғлим, сингилларинг сани гапингдан чиқмайди, болам. Қани, киносини қўйиб кўр-чи, пича томоша қилайлик, кейин...

Ана шу ерга етганда можаро устига мой сепилди гўё. Бир томондан тўнғич ўғлини қўллаётган, иккинчи томондан эркатойи Малоҳатнинг дийдиёсига жони ачишганидан унга сўз топиб беролмай ўтирган Нажиб дода аламини тўкадиган одамни топди.

– Ҳамма балони сан бошлагансан! Сан аралашмай жим ўтирсанг, тинчиган эди жанжал! Шукур тушинтирвотти-ку, бўлмағур кино эканлигини! Аллақатдаги қаланғи-қасанғилар ўйнаган кино экан! Бу етмагандай жодугарлар ҳақида экан! Йўқотларинг, телевизорни! Кўчага опчиқиб ташла! Қайтиб қўймаларинг, ҳеч ким кўрмасин! Жодугарми, сеҳргарми, бошқами – томоша тамом! Китобингни ўқи, дарсингни тайёрла! Уят-е!..

Фазли аллақачон, ҳали жанжал-можаро авж олмасидан бурун ўзининг наққу-хонасига қамалиб олган – телевизордан бўшаган қоғоз кутининг ичига бош суқиб, икки букилган қўйи тиркишдан супа ва унинг теварагида давом этаётган даҳанаки жангни, жангни эмас... “Жодугар”ни кўз узмай томоша қилаётган эди. Мунира билан Мастура опалари ошхонага кириб кетишган, онаси пешонасини кафтига босганича супанинг қирғоғида дамани ичига ютиб ўтирар, Малоҳат опасининг йиғиси бироз пасайган, лекин у ҳамон Шукур акаси томонга ўқрайиб-ўқрайиб кўз ташлар,

ора-сира қандайдир умид-илтижо билан отаси томон мўлтираб қараб кўярди. Фазли ҳам тахминан шу ўй-хаёлда, яъни, назарида отаси ҳар қанча жаҳлга минмасин, бирдан ювош тортадигандек, “Ҳай, майли, кўрсаларинг кўраверинглар” деб қоладигандек эди. Бироқ, телевизор ва унда намойиш этиладиган “Жодугар” фильми туфайли рўй берган оилавий жанжални Фазли ўзича кўп ўйлади, ўйлагани сайин отаси билан онаси ўрталарида бот-бот такрорланиб турадиган “тўқнашув”ни ўзича таҳлил қилишни, тушунишни жуда-жуда истар, отасининг қандайдир тушунуксиз, бесабаб аламдан жеркиб-тутакиб гапиришлари боисини тушуниб етолмас, ҳар сафар онасининг чуқур-чуқур хўрсинишлари, ҳатто сездирмай кўз ёшларини енгига артиб-артиб кўйишларини кўриб, юраклари эзилиб кетар, лекин бирон кимсага бу ҳақда лом-мим деб оғиз очмасликка ўзича қатъиян аҳд қилганди...

7.4

Фазли қачондан, қандай қилиб хаёлга ошна бўлганини сезмай ҳам қолди. Хаёл суришга одатланди. Баъзан ўйининг адоғига етолмайди, гўё кимсасиз оролга тушиб қолгану, бир ўзи, атрофида ҳеч кимса йўқ, бемало-ол ўйлари қанотида сузиб юрибди!.. Кайковузга ғарқ бўлаёзгани борми, отаси билан онаси ўртасида чиқадиған жанжаллар, ўртоқларининг феъл-атворларини шошмай, бир чеккадан ўйлапти. Бахти аканинг йўқолгани ёки қочиб кетгани билан боғлиқ мишмишлар... Бахти ака унга айтганида, ниятини очганида балки Фазли ҳам ўйлаб кўрармиди. Юзма-юз, яккама-якка суҳбатлашмади-да... Икковлашиб Том Соьерга, Робинзон Крузога, жилла қурса, ўзимиззи Қоровойга ўхшаб аллақасерларга жўнаб кетишса, ана кўринг эди, шов-шувни!.. Бахти ака Фазли билан тил бириктириб қочиб кетишибди! Иккови биргалашиб йўқолибди!.. Иккаларининг уйлариға мелисалар, маҳалла фаоллари, ўқитувчилар келавериб, сўраб-суриштиравериб... Яки, Лути, Хўжа, Мираҳларга роса алам қиларди-да, ўзиям! Балки, Бахти ака билан гапни бир жойга қўйиб бошқа ўртоқларига айтса, улар ҳам биргалашиб қочиб кетишга кўнишармиди?! Мираҳ билан Яки сўзсиз кўниши аниқ, Лутиларнинг оиласи кўчишмоқчи, Хўжа ҳам қайтмасди, бундай таклифдан. Роса қизик бўларди-да, ўзиям, кўчаларида бирорта улар тенги бола йўқ, тупик хувуллаб қоларди. Ким билсин, бир тупик болалари топилмағунича, уй-жойларни “буз-буз”лар тўхтатилиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмасди. У ҳам майли, Минов опоки ичида тўлиб-тошган ғазабларини кимга тўкиб соларди, кимлар билан жанжаллашиб хумордан чиқарди?! Ҳасан бобой-чи, Ҳасан бобой?! Хувуллаган тупикда ёлғиз ўзи сўппайиб қолармиди? Гирмон қишлоқларида яшаганини кимларга ҳикоя қилиб берарди?..

Ҳа-да, бесўроқдан бесўроқ, кўркмай-нетмай... Тавба, Робинзон денгиз саёҳатига ишқи тушгану, ота-онасини огоҳлантирмай саёҳатчиларга қўшилиб кемага миниб олган, дунё кезиб, роса кўп бойлик тўплаб қайтишни кўзлаган. Аксига олиб, фалокат, тўфон туфайли ҳалокатга учраган, кимсасиз оролда ёлғиз қолиб кетган...

Нима бўлибди-ю, ботқоқзор қўлмақда яшовчи қурбака турналарга таклидан осмонларга парвоз этишни кўнгли тусабди. Мени ҳам ола кетинглар, олис юртларни кўргим келяпти деб турналарга ёлборибди. Турналар “қакир-қакир” кулишибди. “Қанотинг бўлмаса, қандоқ қилиб бизга қўшилиб парвоз қиласан, тентак?” деб унга рўйхуш беришмабди. “Мени нима деяпсизлар, чорасини ўйлаб қўйганман – таёқчанинг икки учидан сизлар тишлаб оласизлар, мен унинг ўртасидан ҳам ушлаб, ҳам тишлаб оламан – ке-етаман-қоламан”, дебди. Қурбаканинг кашфиёти турналарга маъқул тушибди. Хуллас, турналар галаси осмони фалакка кўтарилганида дунёнинг бепоёнлигини ўз кўзи билан кўрган қурбаканинг юраги ҳаприкиб ке-

тибди, энтика-энтика овозининг борича ҳайқирибди – қай тарзда учиб бораётгани ёдида йўқ, чапак чалиб юборибди-ю...

Фазли тубсиз жарликка қулаётган одамдек юраги шув-в этиб орқасига тортиб кетди. Мақтанчоқ қурбаканинг куни бошига тушажагидан эмас, ўзи ҳам Бахти акага ўхшаб қолаётгандек – одамовилашаётгандек, одамовилик ютиб юбораётгандек, кўчада ўртоқларига қўшилиб ўйнаб-қулишдан кўра уйга бикиниб, қоғоз-картон қутичалари, гугурт ёки чой қутичаларининг бирортасига “кириб”, бошқасидан “чиқиб” юриш мароқлироқ туюла бошлади...

7.5

Беш болали хотиннинг олтинчи туپикдаги Расмия аиникига кўчиб келиши бутун маҳаллада дув-дув гап бўлди.

– Расми анига Худо берибди!..

– Ёлғиз ўғли камокда ўлганди, бир йўла беш бола ўз оёғи билан кириб кепти!..

– Расмия ани аёл бошига, шунчалик тантилиқ қилибди-я! Аллақатдан кеп қолган етти ёт бегона, қишлоқи бир хотинга уйдан жой берибди-я! Оғримаган бошига ғалва орттирибди-я!..

– Ўша хотин неча йиллардан буён беш боласи билан кўча-кўйда яшаб юаркан! Бошида эри йўғакан!..

– Ани ўлса, болохона ўша келгиндиларга қоларкан!..

Ким нима деди, нималар дея миш-миш тарқатди, маҳаллада биринчи бўлиб Мунис она чиқиб борди Расмия аининг болохонасига. Фазлининг Зумрад опаси қўли гул попопчи эмасми, унда-мунда Расмия ани тўсатдан уларникига кириб келар, Зумрад тиккан палак, дорпеч, зардевор, жойнамозларни кўриб кўзи тўймас, ундан андозалар олар, “Бутун артелимиз бўйича сенга тенглашадиган попопчи топилмайди!” деб оғзидан бол томарди. Бунга сари Мунис она хурсанд, аини ўтказгани жой тополмай қолар, ранг, ипак, калава, ғалтак ва шунга ўхшаш попопчилик ашёлари тақчиллашганида Расмия ани унинг оғирини енгил қилиб турарди.

...Каромат аяни, унинг тўрт ўғил, бир қизини кўрди-ю, ичлари тўкилиб тушаёзди Мунис онанинг. Аввалига Каромат бу нотаниш аёлдан бегонасиради, Расмия ани Мунис онани таърифлашга тушиб кетди. Бисотидаги қайноқ-қайноқ мақтов сўзларини тўкиб солди.

– Қиска и чесно айтсам, Мунис – олтын хотин, олтын ана, икки улингга икки кизин келин итасин!

Мунис она Расмия аининг олашовур гапларига кўникиб кетганидан ўзининг шаънига ошириб-тошириб ёғдираётган мақтов ва ашъорларига, кизларининг “тақдири”ни ҳал қилиб кўяётганига қулоқ солмади.

– Бақо ўғлийз мани Фазлим билан тенгкурға ўхшайди, бизникига чиқсин, ўртоқларига қўшилиб ўйнасин, – деди Кароматга.

Каромат ая ҳам, Бақо ҳам ўзларининг маҳалла болалари томонидан қай тариқа қарши олинганлари ҳақида оғиз очишмади. Ўша шумтака болаларнинг “пешвоз” чиқишларида Фазли ҳам иштирок этганлигига, у ҳам ўртоқларига қўшилишиб кўча ошиб-йўл босиб келаётган Каромат аянинг болаларига ҳақоратомуз сўзлар отишгани, ҳатто йўлтўсарликда иштирок этгани эҳтимолдан ҳоли эмасди. Каромат ая истар-истамас “Ҳм” деди-қўйди, Бақо эса ер остидан хўмрайиш билан чекланди. Бироқ, Расмия аининг феълидаги очик-сочиқлик сабабми, бошқами, ҳар қалай, орадаги бегонасираш тезда ювилди-кетди. Мунис она мусофир ва ёлғиз аёлдан хабар олиб турар, Фазли билан Бақонинг тил топишиб, дўст тутиниши икки оила учун қувончли янгиликка айланган, фақат Бақонинг бошқа болалар

билан иноклашиб кетиши оғир кечаётган, Фазли орадаги кескинликни юмшатиш учун ҳамиша ҳушёр турар, ўртоқлари унга кулоқ солсалар-да, дам униси-дам буниси кутилмаганда Бақони ранжитишга тушиб кетарди. Айниқса Лути билан Яқи бўлар-бўлмас пичинг-кесатиклар билан Бақони калака қилишар, ҳаммаси ҳам майли, унинг отаси йўқлигини бетига солишарди.

– Нега йўқ бўлар экан, отаси бўлмаса, онасининг бешта боласи бор-ку! – деди Фазли янги ўртоғини эски ўртоқларидан ҳимоя қилиб.

Тўғри-да, ахир отаси бўлмаса Каромат ая қаердан орттирган беш болани?! Бақонинг ўзи ҳам бўшлиқ қилди-да, “Отанг қандай одам? Сенга ўхшаганми-йўқми?” деб сўраб қўйишмаганида отасининг бўй-басти, юз-қўзи қандайлигини айтиб беролмади. Билгани – отаси ўрмонда қўққисидан дуч келган айиқни бир мушт уриб чалажон қилган!.. Қайси ўрмонда, қандай айиқ, отаси сўнг у йиртқичнинг ўлигини нима қилган...

– Айиқни ўлдиргани учун отамни қамаб юборишган, – деди Бақо.

Миш-мишлар Бақонинг гапидан ҳам ошиб тушди:

– Эри камалгач, Каром ая шамолдан бўғоз бўлиб қолган!..

– Ўша шамолни лақаби ўрдак бўлган экан!.. Ўрдак шамол! Ўрдак!..

– Бақонинг отаси чет элга кетиб қолган...

– Бақонинг отаси урушда бедарак кетган...

– Бедарак кетган!..

– Ўша бедарак юрган жойларидан салом йўллаган, орадан етти йил ўтиб, Бақо туғилган!..

– Бақонинг отаси ҳеч қаёққа кетмаган, балки исм-шарифини ўзгартириб ўзини кишлоғида яшаб юрибди...

– Каром ая Бақони отасини эслаб қолмаган...

– Чунки кўзини шамол тўсган...

– Бақони онасини хешлари, ҳамқишлоқлари ўша дайди шамолига қўшиб ҳайдаган, бадарға қилган...

– Бақони...

Қайси миш-миш ё овозада жон бор ёки йўқ, бундан қатъи назар, бир нарса аниқки, Бақонинг отаси уйда йўқ! Тўрт ўғил, бир қиз ёлғиз онанинг қўлига қарам. Гап келди дегунча Фазлининг онаси “Каромат шўрлик”, “Каромат бояқиш” деган сўзни такрорлагани-такрорлаган. Айниқса “Каромат шўрлик”... Фазли бу сўзни тузук тушунмайди. Шўрлик одам қандай бўлишини ўйласа кўз олдида Каромат ая келаверади. Қотмадан келган, узун бўйли, юзи чўзинчоқ, яноқ суяк-лари бўртиб чиққан, бурни узун, ё ўзи асли қора, ёки дуч келган жойда фаррошлик қилаверганидан ёхуд одамларнинг таъна-маломатларидан бети, қўллари, бармоқлари қорайиб кетган. Лекин аянинг қаерда, қанақа фаррошлик қилади, фаррошликнинг унинг қорайишига нима дахли бор – бунисини Фазли билмайди...

Каромат ая ҳар сафар рўпара келишганда, “Ке, бачам” деб ўнг кафти билан Фазлининг кифтига қоқиб қўяди. Шунда Фазли аянинг бармоқларидан кўз узолмайди: узун-узун, қоқ суяк, қоралигидан, териси бужмайиб кетганидан қумғоннинг остига қаланадиган тутантирикқа ўхшайди. Ҳар сафар шу – Фазли Каромат аянинг бармоқларига қарамайман, деб ўзича аҳд қилади-ю, қачон, қандай қилиб нигоҳи тутантирикбоп бармоқларга қадалиб қолганини сезмайди. Шўрлик одам қандай бўлишини Каромат аянинг кўз қарашларидан, қадам олишларидан топадигандек унга зимдан разм солади. Онасининг бармоқлари бунақа эмаслигини эслаб ичидан севинади – оппоқ, юмшоқ, бетини силаганида бармоқларининг учидан ёқимли илиқлик томиб тургандек – шунинг учун онасининг эркалашлари Фазлига шунақаям ёқади, онаси ўғлининг бетини бағрига босганида Фазли яйраб кетади,

худди онаси уни сеҳрлаб қўйгандек сезади ўзини, кейин қачон, қандай ҳолатда бетини онасининг бағрига босганини эслади дегунча кўнгли бўшашиб, мулойим тортади, кўзига ёш келади...

7.6

– Уйлансангиз биз билан мол боқишга кемайсиз-да? – сўради Хайри қуруқ ингичка бўйнини чўзиб.

– Бошқа иш топсам, кемайман. – Тўхтавой ака бедапояда узала тушиб осмонга термилиб ётган жойидан жавоб берди. Унинг ўт-ўландан синдириб ё узиб олган навдачани мисвок ўрнида фойдаланаётгандек тишлаб-чандиб эрмак қилиш одати борида. Афтидан қаттиқ ўйга толганида ё хаёлан боши берк кўчага кириб қолганида шундай қилиб ўзини чалғитар, овутар, қўйчивон укаларини атрофига йиғиб олиб, осмонда сузиб юрган булутларни бирга-бирга томоша қилишга ундарди. “Сен нимани кўрвоссан, Хайри? Сен-чи, Қосим? Фазли?” деб булутга қараб ҳикоя қилишга ундарди йигитларни. Сўнгра ўзи узо-оқ ҳикоялар тўкишга тушар, Тўхтавой акалари ҳеч кимникига ўхшамаган манзараларни топаётгани болаларни лол қолдирарди.

Фазли Тўхтавой акани ориқ, оқ-сарикдан келган қорни, коворға суякларни тарам-тарам бўртиб турган кўксига разм солди.

– Адайиз бошқа ишга опкириб қўймайдиларми? – иккиланиб, журъатсиз савол қотди у.

– Мани адам йўқ...

– Нега? Фаттоҳ амаки...

– Адам ҳам, ойим ҳам ўлиб кетишган. Болалигимда. Ман кўрмаганман уларни. Битта акам бўлган, беш ёшида танчада ис тегиб ўлган.

Фазли бирдан сергак тортди. У бундай жавобни кутмаган эди. Оғиз жуфтлаб ни-мадир демоқчи эди, Тўхтавой аканинг кейинги сўзи уни тамоман гангитиб қўйди.

– Отамниям, онамниям кўрмаганман... Фаттоҳ амакинг манга тоға бўлади...

– Ман сизга ким бўламан?

Бирдан орага Хайри қилтириқ қўшилди:

– Э, Пази, хит кип юбординг-ку, окани! Шуниям билмасанг, канақа қариндошсан ўзи?! Бор, қўйларни қайтариб ке! Тур, ўрнингдан!

Даврада ўтирган гунг-соқов кал Петка ҳам тушунди шекилли, Хайрининг айтганини такрорлаб қўл ишоралари билан Фазлини ўрnidан туришга, бирга-бирга бориб, узоқлашиб кетган қўйларни қайтариб келишга бошлади.

7.7

Маҳалла ҳунармандлар макони, ҳунармандлик эса конунсиз даромад дегани. Ҳар бир хонадон-оила аъзолари у ёки бу хил тирикчилик билан банд. Бунга эл-юрт билади, молия билади, маҳалла фаоллари билади, участка нозири-мелиса билади, лекин ҳамма ўзини билмаганликка олади. “Бари – ўйин, – деб ич-ичидан кулади Нажиб дода. Бу ўйинни ўзича номлайди: “Билмайман” ўйини дейди. “Кўрмаганман” ўйини дейди “Бехабарман” ўйини дейди. Ўйин бўлгач, кимдир ғолиблик нашидасини сурса, яна кимлардир мағлублик аламини тотийди. Бошқа иложи йўқ. Нажиб дода икки карра мағлубият аламини чекди, буниси рост.

Ўзидан ўтди, тўғрилиги эвазига орттирди бу ғалвани...

Жўжабирдай жон, катта рўзгор тирикчилигига кексалик нафақаси урвоқ ҳам бўлмайди – ўзи тинмайди, аёли тинмайди.

Маҳсидўзлик – отамерос касб. Етти маҳалла эмас, Чорсу бозоридагиларгача билишади. Маҳсидўзликда Нажиб доданинг олдида тушадигани кам.

Нима бўлди-ю, Шомалик тўрам Нажиб додага маҳси буюрди. Дода Бурҳон кўнчидан олган амирконнинг донатор сиртини танлади ўзиям. Кесди, бичди, тикди. Пишиқ-пухта чок тортди, қолипга урди, шонга солди. Ўзининг ҳам ҳаваси келди-ей, ўз хунарига! Оқсоқол эса буюртмани кўриб бай-байлаб юборди.

– Бозорри олди бўпти-ку, уста! – деди астойдил мамнун бўлиб, кўзларининг ола-куласини ўйнатиб. – Кўлингиз дард кўрмасин, юзим ёруғ бўлади, ўзиям!

– Одатдаги хунаримиз... – деди-қўйди Нажиб дода камтарликни кўлдан бой бермай.

– Хизмат ҳақидан келинг, хизмат ҳақидан?

Нажиб дода айтди. Шомалик тўра мулозамат йўриғида сўраганди-я, буни Нажиб дода сезганди-я, шундай бўлса-да, айтди-я! Айтди-ю, шу онда маҳалла оқсоқолининг кўзлари чақчайиб кетганини, афти эса гезарганини пайқади.

– Нозик одамнинг онасига-я, уста, – деди сўзларини бурро-бурро талаффуз қилиб, кўкрагини кўтариб, қаддини ғоз тутар экан Шомалик.

Оқсоқолнинг одати шу – ўзининг маҳалла отахони эканини эслатмоқчи, бировга гапини ўтказмоқчи бўлса ихчам жуссали одамларда бўлганидек кўкрагини баланд кўтаради, қаддини ғоз тутари, камига жириллаб гапиради. Ваҳоланки, Нажиб доданинг ҳисобида бу сафар тўрамнинг жириллаши ноўрин, зеро Нажиб дода тўрамнинг гумбаздай аёлининг кучоқ етмас болдири сиғадиган маҳси тикиб, ўз қўли билан ҳада қилган, ҳар йили бир жуфт маҳси шу тариқа фийсабилиллоҳ савоб йўлига қурбонликка кетиши бузилмас удум тусини олган, шундай экан, бошқа буюртмалар эл қатори нақд олди-берди асосига қурилишини адолатдан, ҳалолидан деб ҳисобларди Нажиб дода. Очиғини айтганда, Шомалик тўрамнинг наздидаги “нозик одам”нинг кимлиги Нажиб додани кўпда қизиқтирмас, қизиқтирган тақдирда ҳам ҳадемай бир жуфт-икки жуфт маҳсини тортиқ қилавериш билан даромаду буромаднинг тагини сув олдириши муқаррар. Яна бир нозик жойи...

Нажиб дода асли дилида Шомалик тўрамга ортиқча эътимод қўймаганлигини, ҳатто ўлганининг кунидан хўжақўрсинга унинг ҳурматини сақлашини оқсоқолнинг ўзи ҳам сезар, сезса-да, сезишини сездирмаслик эпини қиларди.

Суриштириб келганда, Шомалик оқсоқол Қилбелбоғдаги ўн йиллик ўрта мактабнинг етти йилини аранг хатм қилган бир чаласавод, бир дардисар, бир кўчабозори нусха, холос. Қайтиб мактаб оstonасига қадам босмаган бир оми. Қайси йили, Худо шоҳид, маҳалла оқсоқоли мансабини эгаллаганича, мана, кимсан “тўрам” деган мартаба қанотида даври даврон суриб юрибди. Инсон зотига сўз бермайди, гапини икки қилишни кўзлаган нокас-нодон топилса борми, эл-юрт, маҳалла-қўй кўз ўнгида тўзонини чиқармагунича тинчимайди. Илло бу мартаба-ю асасалардан Нажиб доданинг ҳайиқадиган жойи йўқ.

Хуллас, “нозик одам”нинг волидасига аталган буюртма маҳсининг нархи эл қатори тилга олинди, Шомалик тўрам жигаридан суғургандай қилиб хизмат ҳақини тўлади ва... орадан икки бозор ўтдими-йўқми, купша-кундузи, аср намозини адо этиб, аввал ўнг томон, сўнг сўл томон бошини бурган Нажиб дода чап кифти ортида бесўнақай шарпалар турганига кўзи тушди.

– Молияданмиз, – деди шарпалардан бири Нажиб дода жойнамоздан турар-турмас.

– Яхши, келинглари, – дея олди, холос, дода, вазминликни бой бермасликка уриниб.

– Бу нимаси? – деди иккинчи шарпа, Нажиб доданинг ёйилиб ётган косибчилик анжомларини кўрсатиб. – Яширин хунарымандчилик совет конунчилигига хилоф эканлигидан хабарингиз борми?

– Бу ўқимишли оила, отаси, ўғиллари ҳам ўқиган-тушунган одамлар, – изох берди бир чеккада шумшайиб турган Шомалик тўрам, кўзини ердан узмай, бошқа иложим йўқ, дегандай мўлтираб, гўё Нажиб додани ҳимояси учун қуюнаётгандек.

Нозирларнинг каттасига гап топилди.

– Бу ўқиган-тушунган одам бўлиб қонунни билмаса, қонунга риоя қилмаса, сиз қаёққа қарамоқдасиз?! – дея дағдаға қила кетди у оқсоқолга. – Фабрика очиб олибди-ку! Қип-қизил жиноят-ку, бу! Қонунсиз, ўгринча даромаднинг уясига айланиб қолмоқда-ю, бу хонадон! Чигатой маҳаллада совет ҳукумати борми, ўзи, йўқми?! Тинтув қиламиз, тинтув!

Шомалик тўрам бошини ҳам қилганича қимир этмас, ўзини беҳад хижолатда қолган одамдай чурқ этмас, дам тинтувга киришганларнинг, дам эса хонадон соҳибининг ёнини олаётгандек қилиб кўрсатишга уринарди ўзини.

– Аёли – қаҳрамон она... – гингшигандай деди у бир пайт.

– Қаҳрамон она уйида обувфабрика очмоқликка рухсат йўқ қонунда. Жа, индамаган сари ҳаддидан ошмоқда, одамларингиз! Қўлингиздан келмаса йиғиштириб кўя қолинг, раисликни!

Нажиб дода узук-юлуқ суҳбатга мутлақо гап қўшмади, танг аҳволда тақир бошини қашиб-қашиб қўяр, текшир-текшир ва тинтув нима билан яқун топишини обдон чамалаб, ўзича хулосалаб бўлганди.

Олатасир тинтув устига Фазли кириб келди, унинг айтган гапи Нажиб доданинг капалагини учуриб юборди..

– Ман ҳам биламан, – деди у тўсатдан дам тинтувчи нозирлар каттаси, дам Шомалик тўрамга аланглаб.

– Нимани билмоқдасан? – сўради катта нозир, энсаси қотиб.

– Маҳси тикишни... Додам ўргатганлар...

Нозирлар мириқиб кулишди. Шомалик тўра вазиятдан фойдаланди:

– Шу бола – кенжаси. Бунақадан ўнга! Бундан кичиги шу қишни совуғида нобуд бўлди. Худо сизларга ҳам қатор-қатор ўғил-қизлардан берсин, барака топгурлар!

Молиянинг каттаси юмшади. Юмшади-ю, шаштидан тушмади.

– Қуруқ қайтсак шубҳани тагида қолмоқдамиз, – деди у ҳимматига миннат қўшиб, димоғ-фироғ билан. – Хатлаб қўймоқдамиз-да, хатлаб. Қоғозга тиркалдими, бу ёғи ноилож. Ул-булни мусодара қилмоқдамиз, лоақал жаримага тортмасак гапга қоламиз...

Нажиб уста “жарима”, “мусодара” сўзларини эшитиб чўчиб тушди. Ахир бир мавсумлик даромади ҳавога совуриладиган бўлиб турибди. Бу ёқда тепакўчалик Азиз кўнчига берари бор... У ер остидан Шомалик тўрага кўз қирини ташлади. Шомалик худди шу имо-ишорани кутиб тургандек “ўзимга қўйиб беринг” деган маънода бир қошини тепага, иккинчисини “ерлатиб” ишора қилди.

Нажиб дода маҳалла оқсоқолига хушомад қилмаслик ниятида буюртма маҳси ҳақини талаб қилганди, Худо ҳақи, ҳақ эди у, илло ғурур, нафсоният эвази қимматга тушадиганга ўхшаб қолди. Нажиб косибнинг ичидан ўтган бундай иддаоларни кимсан Шомалик тўрадек маҳалла оқсоқоли тулкидек, мушукдек сезгирлик билан пайқамаслиги мумкин эмасди. “Қалайсан, энди, мулла Нажибулло афандим?! Бир этак ўғил-қизларинг ортидан шу хонадонга боғлаб-чирмаб ташланганмисан, бошқа қаёққа ҳам борардинг? Мулла бўлсанг, ўзингга! Серфарзанд бўлсанг, ундан нарига! Шу маҳаллада яшайсанми, Чигатой деб қўйибди бу маҳаллани, Чигатой-й! Шу Чигатой маҳалла идорасидан оласанми, испаравкани, билиб қўй, Шомалик тўранинг чизигидасан, инчунин, ҳи-ҳи-ҳи, маҳаллани печати Шомаликни қўлида, печатни қандай босади, қоғозни қай бурчагига босади – бу ёғи Шомаликнинг их-

тиёрида! Ёдингдан чикмасин, мулла Нажиб, ёдингдан – Шомалик жаҳли чапакай чикса-чи, бек кўчалик қайноғаларинг ҳам ёнингга тушмайди, тушолмайди. Куёвинг олисда-а, борди-ю, кеп қолиб, бу ишларга бурнини суккудек бўлса, унияма попугини пасайтириб қўядиган чорасини ўйлаб қўйган Шомалик! Шомаликнинг совунига кир ювмаганлар, бир билиб қўйсинла-ар! Ким уйига бикиниб олиб нима тирикчилик қияпти, қозони қайси даромад ҳисобидан қайнапти, тўй-ю маърака ниманинг ҳисобидан дабдабага айланапти, ҳаммаси ҳисобда, темир дафтарга битилган. Унутма буни асло, маҳсидўз қосиб!”

Мулла Нажиб, Нажиб маҳсидўз, Нажиб уста, Нажиб дода Чигатой маҳалла оқсоқоли Шомалик тўранинг афт-башарасида, хум калласини ликиллатишларида, олазарак боқишларида, сўзларини юз хил нағмага солиб тоблашларида жимжимадор ҳарфлар билан битилган бу сўзларни, бу иддао-ю пўписаларни аниқ-тиниқ ўқиди, икки кўзлаб ўқиди, кўзларини тўлдириб-тўлдириб ўқиди, тақдирига тан бериб, муборак китобларни мутолаа қилгандек бошини ҳам қилганча сомё туриб хижжалади. Хижжалади, текшир-текшир, тинтув-синтув ўйинида мағлубиятини тан олди, тишини-тишига босди, бироқ, янаям очигини айтар бўлса, маҳалла оқсоқоли молия шафеълигида ташкил этган мусодара ва жарима оқибатида – мавсум бадалида орттирадиган даромади ҳавога созурилмайдими, тўққиз ўғил-қиз, чол-кампир – ўн бир жон очин-сочин қолмайдими, ундан нарига, илло-билло на молияга, на-да Шомаликка ҳурмати ошиб қолгани йўқ Нажиб доданинг, жонини ҳовучлаб кўрқиб юраги така-пука бўлгани ҳам йўқ, қизил қонун талабларига меҳри ошиб-тошиш ҳам гапми, унга-уларга, шунга-шуларга, мунга-мундайларга нафрати чандон-чунонам ошдики!.. “Каштагулингга урай!” деди алаמידан тишини ғижирлатиб Нажиб дода, Шомалик тўранинг эгнидан тушмайдиган, икки тўшида тиккасига украинча каштагул туширилган сарғиш жужун қўйлагига ту-пургудай томоғини қириб.

– Маҳалла аҳлининг бахтига яхшиям сиз борсиз!

Текшир-текширнинг эртасига Шомалик тўрага хушомад тўла шу сўзларни айтган тиллари кесилиб тушмасинми, Нажиб доданинг!

– Э, яшанг уста! – деб тилла тишларини ярақлатиб кулиб юборди Раиса раис, Нажиб додага хайрихоҳлик билан. Ичида “Сан етмай турувдинг!” деб илжайди Нажиб дода Раиса раисга. “Сенларга қанча хушомад керак? Қанча хушомадга тўясанлар?!” деди сўзларини тишлари орасидан чиқармай. Раиса раис астойдил ачиндими ёхуд ўйинни давом эттирдими, Нажиб дода пайқамади: – Нажиб дода ўқиган-тушунган мулла одам, оқсоқол. Ёрдамингизни аяманг энди, бир этак болачака, ахир...

Шомалик тўра хум калласини ҳам қилиб эшитди Раиса раиснинг “ўтинчи”ни. “Хўп бўлади” деб тинглади. “Эссиз, эссиз!” деб қўйди ора-орада. Ваҳоланки, Нажиб доданинг ичида ўйнаётган ғалаёни, нафрат тўла тўфонни кўриб-билиб турар, ҳатто у ҳам одамнинг ичидан ўтаётган сўзларни аниқ-тиниқ ўқиб-ўқиб олишда Нажиб додадан қолишмас эди.

– Сан шундай дейсану, – деди Раиса раисга лабларини чўччайтириб, сўнг қирғий кўзларини янаям олайтириб, аланг-жалабглаб. – Мангаям осон тутмаларинг-да, Раис!

– Қийин-қийин сизга қийин, – дея сўз қўшди Нажиб дода, мулойим товушда.

– Баттолига дуч келдик, баттолига! Ҳеч кўнмаса денг!.. Илло осон кўчди, муллака, амалладик!

Дил бошқа-тил бошқа, сўз бошқа-кўз бошқа суҳбат ниҳоясига етиши ҳамоно Нажиб дода сарғайган “Қизил Ўзбекистон” газетига ўралган, Лениннинг сура-ти муҳрланган даста ўнталикни Шомалик тўранинг қўлига тутқазди. Раиса раис

буни кўрмагандек, четга ўтиб лабига қистирган папиросига гугурт чақди. Оқсоқол хуркиб кетган серкадек ўзини бир қадам ёнга олди-ю, газета ўрамини кўлтиғига босди. Бошини чайқаб қўйди. Ва беҳосдан ёдига тушган одамдек, туйқус бошини силкиди-да, Нажиб доданинг кўлтиғидан тутиб, чеккага етаклади. Гоятда муҳим гапни айтишга оғиз жуфтлагандек, афти ясама бужмайди.

– Ану, Тўхтабойвачча ўтгану... Чиғатой дарвозалик?

– Хўш? – деди Нажиб дода кўнглига бир нохушлик оралаганини сездирмай.

– Ўша сизга узокроқ қариндошлиги бор дейишади-я?

Нажиб дода сесканиб тушди. Ҳе йўқ-бе йўқ, нима демоқчи, бу лўттибоз?! Тўхтабойвачча қайда-ю, Нажиб дода қайда?! Қандайига унга қариндош бўлсин?!

У Шомаликнинг тулкича шумлик билан берган саволига жавобни ҳатто ўйлашни ҳам истамади. Нафақат истамади, балки, тўғриси, шу пайтда кўркиб ҳам кетди. Юраги безовта дукурлай бошлади. Ранги ҳам ўчди шекилли, оқсоқол фурсатдан фойдаланиб, кишибилмас, зимдан ҳужумга яна пича олов қалади:

– Жиянингиз бор-ку, қўйбоқар, ўшани исми ҳам бойдан мерос-да?..

Тўранинг бу гапи олдингисидан ўтиб тушди.

Нажиб дода ич-ичидан отилиб чиқаётган нафрат алангасини базўр босди, азбаройи тишлари ғичирлаб кетди. Шомалик яна баттарроқ гап топмасин деган ниятда болта билан чопгандек қилиб, лўндасига айтди:

– Сиз айтган одам Тўхтабойвачча бўлса, жиянни исми Тўхтавой... Синглим раҳматлининг қаторасига тукқан болалари нобуд бўлаверди, сўнг бунга Тўхтавой деган исми танлади. “Бой” билан “вой”нинг фарқига борарсиз...

– Э-э, анойи, анойи! Сиз “шугина” деб қутуласиз, аслида эса ўша калоноғиз бойни ҳурмати учун, номи унут бўлмаслиги учун қўйилганини кўча чангитиб юрган оломон фарқига бормас, илло буни ҳисобини олиб юрган, акли балога етадиган ҳушёрлар ҳам оз эмас. Сиёсат кўтарган заҳоти “вой”нинг осонгина “бой”га айланиб қолишини сиз ҳам мендан яхши биларсиз?..

Нажиб дода мавзу чуқурлашиб, кутку зўрайиб бораётганини пайқади-ю, суҳбатни келган жойида тўхтатди, ўзини ортикча саволдан, саволдан-да кўра маҳалла оқсоқолининг даъволарига рад жавоб беришни-да, истамади. Тўхтабойни хў-ў йигитлик кезларида кўрган-таниган, лекин у билан юзлашиш, суҳбатлашиш қайда?! Эсини таниганида эса бой омонатини топшириб, қайтмас сафарга равона бўлиб улгурган... Нажиб дода Шомалик тўрамнинг кўзига қаттиқ тикилди, синчи-клаб тикилди, унинг тагига яширинган яна бошқа даъволар бор-йўқлигини билиш илинжида тикилди. Агар яна бўлса борми!.. Яна... бу шум исковуч яна нималарни пусиб аниқлаштириб, темир дафтарига битиб юрганийкин?! У ҳолда... у ҳолда бу тинтувлар, бу “Қизил Ўзбекистон”га ўраб узатиладиган “тавба”лар ҳолва бўлиб қолади, ҳолва!..

ЖАМОЛ

8.1

– Уйлари бузиладими-йўқми, Мираҳмаднинг лабадаги учукни бир кунда давола-са бўлади, – деди Яҳё тантанавор оҳангда.

– Энг осони, йигирма тийинга Фотма хола кинна солиб қўяди – қутуласан, – билагонлик килди Ибод.

– Ибод – оёқ-қўли бод, бир кунлик ярага кўзингни очиб бок!

– Шоир бўла-а!

Лутфулла Яҳёнинг гапини тасдиқлади:

– Яки тўғри айтди, бир кунлик яра кўрқинчли эмас, фақат уни даволашни билиш керак. Минов опоқи...

Лутфулла шундай деб Ҳасан бобой билан опоқи турган томонга ўғирилди, бироқ кампир аллақачон уйига кириб, кўздан ғойиб бўлган, Ҳасан бобой одатдагидек қаҳратонда қолган одамдек кунишиб-қалтираб ўтирарди.

Ҳаммалари савол назари билан Лутфуллага қарашди.

– Билсанг, айт, – деди Фазли, Лутфулла сирли қилиб айтган мўъжизани ҳозирок кўришни истагандай.

– Айт, Лути.

– Лути-кути, айтмасанг, оғзингга Мираҳни пў...

– Тўхталаринг, аввал ўйинни охирига етказайлик, фақат!..

– Нима, фақат?!

Лутфулла оламга татигулик жумбоқ ечимини ошкор қилаётгандек атрофга аланг-жалаң қилиб қараб олди-да, шивирлади:

– Бир шартим бор – Бақо ўйинга қўшилмаса, айтолмайман.

Бу шарт айникса Фазлига ёқиб тушди. У ҳар сафардагидек ўйинга қўшилолмай ўзини четга тортиб турган Бақонинг ўзини тутишини зимдан кузатаётгани, ўзини унинг ўрнига қўйиб ҳам кўрди ва унга ҳаваси келди. Ахир маҳалладош ва қўни-қўшни ўртоқлари уни калака қилишгани-қилишган, икки гапнинг бирида қишлоқи, келгинди дея бетига солишади, камситишади. Бақо ёмон тутақади, қизаради-ғезаради, тишларини ғичирлатади, муштини тутади. Шунда пешонасининг ўртасида пайдо бўлган тугун... Фазли кўркиб кетади-ю, ҳеч кимга сездирмаслик учун кўзини дарҳол олиб қочади, ахир, ҳақиқатда Бақонинг пешонасида пайдо бўлган тугуннинг шакли-тузилиши кўзга ўхшайди! Қарашни ғалати, маънисиз, лекин найза санчгандек тикилади одамга! Бақо жаҳли чиққан, ғазаби қайнаган, лекин барча алам-аччиғини ичига ютган пайтларда ўша учинчи кўзи билан қараётгандек туюлади одамга. Бақонинг ўзи биладими-сезадими, буниси Фазлига қоронғи, лекин ҳайратланарлиси, Бақо роса ичидан пишган, сира-сира ичидагини сиртига чиқармайди. Бу сафар ҳам недир ниятда, “Ўйнамайман!” деди дангалига. Ўйинларингга зор эмасман, дегани, бу аслида. Энди эса ўртоқларининг ўзлари, тагин, кимсан сира чиқишолмайдиган Лути посон уни ўйинга қўшмоқчи. Эҳтимол, у шуни ҳам атайин қилаётган, муддаоси, Бақонинг жиғига тегинмоқчидек кўринаётгани. Бироқ Бақо бари бир айтганидан қайтмайди, яъни ўйинга қўшилмайди деб ўйлаётгани Фазли, йўқ, кутилмаганда у гулдор матодан тикилган, почаси тиззадан келадиған қалта чолвори чўнтагини кавлаштиришга тушди.

Бақо илгари тош отиш ўйинини ўйнамаган, кўрмаган ҳам. Шу маҳаллага кўчиб келишгач, шу ерлик тенгқурларига қўшилишиб ўйнай бошлагачгина чуқурчага тош ташлаш ўйинини ўрганган, ўрганганда ҳам, Лутфулла айтмоқчи, бошқалардан чапдаст бўлиб кетгани. Гарчи у шу маҳал уйдан бу ўйинга қўшилиш ниятида чиққан бўлмаса-да, чолворининг чап чўнтагида беш-олтита тошчалар бор эди. Фазли Бақога неча қайта: “Гулдор иштонингни кийиб чикма кўчага, масҳара учун болаларга гап топилади”, деди, бироқ Бақо ўзига етганча ўжар, қайсар, атайин шу гулдор чолворини кийиб юраверарди.

Шу орада шайланиб улгурган Лутфулла кафтида ғуж қилиб тутиб турган тошчаларни илк дафъа кўраётгандек анграйиб қолди. Кафти терлаганидан янги пайдо бўлган довучча қатталагидаги тошчалар нам тортиб йилтиларди. У кафтларини иложи борича олдинга чўзиб энкайди-да, тошчаларни чуқурчага иргитди.

– Боғлар гулла!.. Э-э-э!..

– Гулламади, туллади... – минғирлади чеккада ўйинни кузатиб ўтирган Хўжа.

– Жуд-да, гапдон-н хўж-жа-а! Ўзинг ўйнаб кўрмайсанми-и, жўжжа-а? – астойдил Хўжанинг жиғига тегишга киришди Мираҳмад.

– Дурдонами-Сурдонами, тезроқ кўчиб кетақолинглар, Лути, сендан фойда йўқ! Атиги бир дона туширдинг-а, посон сўтак!

Яхё шундай деб Лутфуллани янишга тушди. Афтидан ўртоқлар орасида биринчилардан Лутфуллаларнинг оиласи кўчиш тараддудига киришгани, тагин Дурдона шаҳарчасига кўчишаётгани Яхёга ич-ичидан алам қилаётган, шу аламини ошкор этиш фурсати етганидан оғзини тўлдириб ва устма-уст аччиқ-андиз сўзларини тўкиб солаётганди. Фазли унга “Хай-хай!”лаб қолди.

– Хой, Яқи, эрта-индин кўчиб кетишса, қайтиб қачон кўришамиз Лути билан. Ўзинг ҳам соғиниб қоларсан, ҳали. Лути камерасини эсдаликка ташлаб кетмоқчи...

– Камера санга керак, манга эмас! Қарагин, ҳовлиқма-да, ўзиям!

Мираҳмад афтини атайин қийшайтириб, масхаралаб тиржайди, бетини Бақонинг бетига теккизгудай яқинлаштириб деди:

– Ҳаммаси лалайган! Ҳаммаси ҳовлиқма! Ўзинг зўрсан, Бақо. Қишлоқи бўлсанг ҳам, келгинди бўлсанг ҳам тош отишни боплайсан, Бақо. Ҳозир Хўжа найновни кўрасан, Бақо!

Ғипини тамомламай Хўжа томон ўгирилди.

– Қани, ўзингни кўрайлик-чи, катта Хўжа-бултурги жўжа!

– Бетимми ювмаганман... – овози ичига тушиб деди Хўжа.

– Бор, ювиб чиқ! – амр қилди унга Лутфулла.

– Уйимизда сув қомабди, бу йилги жўжа! – деб ўзини оқлади Хўжа.

Мираҳмад айтишмани давом эттиришга муносиб сўз тополмади шекилли, кела солиб ўзини Хўжанинг устига ташлади. Унинг гарданидан эзиб-эзгилаб, ерга думалатди, ҳазил аралаш ўртоғининг жонига озор етказишга уринди.

– Сан ўйинга қара, Мираҳ, ҳозир Бақо уриб кетади, ҳаммангни! – дея тўнғиллади Хўжа, елкасидан босиб турган Мираҳмадга. У бир ўқ билан икки қуённи мўлжалга олганди.

Навбати келганини эшитган Бақо қулоғига ишониб-ишонмай чуқурчадаги тупроқ қолдиғини бармоқлари, кафти билан сидириб тозалади. Тозалаб бўлгач ҳам чуқурчадан бир пас чанг-ғубор тўзиб турди.

– Ғирромлик қилма, – деди Яхё Бақога. – Тупроғини тозалаб, чуқурлаштириб юбординг. Тош сачраб чиқмайдиган қилиб қўйдинг атай.

– Ана, қара, ҳеч қанча чуқурлаштирганим йўқ. Гардини тозаладим, холос.

– Қанақа гарди?!

– Гарди – чанги дегани-да, ғирромлик эмас, шафёқ.

Болалар тўсатдан пайдо бўлган ва орага суқилган Омадга қарашди.

– Осмондан тушдингми, шафёқ?! Ўйнамаётган бўлсанг, нега аралашвоссан?!

Яхё шундай деб Омаднинг овозини ўчирмоқчи бўлганида Омад тилини тийиш ўрнига, баттар баланддан келди.

– Ўйнатмасаларинг ўйнамайман, илло аралашаман. Билиб қўясизлар, азиз дўстлар-биродарлар, мен аралашмайдиган ишқал, можаро ёки манавундай бемаъни ўйин йўқ дунёда!

– Нима дединг? Бемаъни?!

Яхё шундай деганча Омаднинг тепасига дағдаға қилиб борди. Фазли Омад қочса ёки ўзини ҳимоя қилишга ўтса керак деб кутганди, йўқ, у қўлларини қовуштирганча, бошини эгиб, Яхёнинг рўпарасига яқинлашди. Яхё нима қилишини билмай қолди. Ҳатто айтар сўзини унутди ҳам чоғи, шаштидан тушиб, ғўлдиради:

– Ким бемаъни? – деди у амаллаб.

– Ким эмас, мана шу ўйинларинг бемаъни.

– Ман-чи! – деди Яхё ўзини қўлга олиб, – санга ўхшаш билимдонларни-чи!.. Биласанми, нима қиламан?!

Омаднинг бетида истехзо пайдо бўлди. Қандай бўлмасин, унинг шаштини кайирадиган нимадир керак эди.

– Ижарага уй топдингми? – атайин илжайиб ўша нимадирни топгандай сўз коти Мираҳмад. – Ёки Тош кўчага бош қўйиб ухляпсанми?

– Нима деб ўйлагандинг, шафёқ? Кўчада қолганим йўқ. – У Бақони қўл учи билан кўрсатиб, мавзунини ўзгартирди: – Манави бола... сумрайма, оғайни. Бу кўчалик болалар “гарди” деган сўзинини тушунмайду, “чанги”ни десанг тушунади. Уқдингме, шафёқ?

– “Шафёқ” деган тилингни суғуриб олмай! – деди Бақонинг энсаси қотиб, афтини бужмайтириб. Унинг танбеҳга, айниқса панд-насиҳат эшитишга тоби-тоқати йўғиди. Бу кўча болаларининг очикдан-очик киноя-кесатикларига ти-шини-тишига қўйиб чидаб юрганди, бу овсар “Шафёқ” қаердан пайдо бўлди? У энсаси қотганини яширмай Омадни бошлаш қасдида... “Шафёқ”ни тушунадими булар, демоқ ниятида оғиз жуфтлаганида тўсатдан тўдалашиб турган болалар хуркитилган қушлардек тўзиб кетишди. Фақат чуқурча тепасида бир тиззалаб ўтирган Бақоғина ўрнидан жилмади. Кимдир тутилиб-дудукланиб салом берди. Тор кўчанинг ўртасида тўё осмондан тушгандек қаққайиб туриб қолган, қорачадан келган, калта қайчиланган соқол-мўйлаби кумушдай оппоқ эканига қарамай қадди тик, қотмадан келган мўйсафид жиғибийрон, заҳар пуркай кетди:

– Гардини тозалаш санга қолдими?! Сан... – У шундай деб қўлини пахса қилганича Бақонинг тепасига яқинлашди. – Сан нима п... еб ўтирибсан бўтта?!

Бако устма-уст дағдаға боисини тушунмай бўйинини қисиб, чўккалаган қўйи ўтираверди. Болалар ҳозир ота Бақога човут солади деб кутишганди. Бироқ ота тўхтамади, катта кўча томон жадал боратуриб яна Бақога ўдағайлади:

– Санга кўрсатиб қўяман, гардини тозалашни!.. Ху-у, уволингга мошхўрда!..

Ота кўча бошида кўздан йўқолганича болалар тараф-тараф тарқалган жойлари-дан қимирлашмади. Биринчи бўлиб Яхё тилга кирди:

– Гарди эмиш... – тўнғиллади у Бақонинг шевасини масхаралаб. – Тағинам осон кутулдинг. Раззоқ амаки чуқурча кавлаганингни кўрганида борми, гарди-гирди деб тушунтириб улгурмасингдан, терингни шиларди!

– Мен кавламаган-ку, чуқурни, – ўзини оқлаш қўйида эътироз билдирди. Бако – Гирдини, гардини тозаладим, холос.

– Халос-малос деб гапни чайнагунча отсанг отақол, – дейишди болалар шовқин кўтариб.

Бако тошча улоқтирувчи учун марра белгиси сифатида тортилган чизикка бир оёғининг учини тақаб турди-турди-да, хиёл букчайиб, кафтини олдинга чўзганича мўлжални узоқ олди. Тош кўча томон хавотирли қараб қўйди.

– Хавотир олма, – деди унинг аҳволини пайқаган Хўжа. – Раззоқ амаки гузарга кетди. Йиғинга. Хотиржам отавер, тошингни.

– Кўрққан одам ҳаётда мўлжални тўғри ололмайди, шафёқ.

Фазли, Мираҳмад, Яхё – ҳаммалари бараварига энсалари қотиб, лекин ҳайратланиб Омадга ўқрайиб қарашди. Лутфулла гўлдираб сўкинди. Бако ковоғини уюб, лабларини қимтиганича Хўжага деди:

– Мен Раззоқ амакингдан кўрқадиган одам эмасман!..

Шундай деб нафас ростлади, тилининг учини чиқариб, лабларини ялаб-ялаб қўйди, кўзини чимириб, дам кафтига, дам чуқурчага разм солди – диққатини жам-лади.

8.2

Рўзи самовар ўйлаб кетди: Истагин ўлмагани чоғи, Ҳалимбойнинг ўртанча ўғли дўхтирликка ўқиятганмиш деган миш-миш тарқади. Ким ишонди-ким ишон-

мади, илло дўхтирликка ўқийдиган боланинг оёқ олиши ўзгарди-қолди. Мурти чиқиб-чикмаган ўспирин бола бир пўрим, десангиз. Гап-сўзлари дона-дона, бийрон-бийрон, ранг-рўйи булоқнинг сувидек тиниқ. Фақат жеркиброк, истамайроқ, пича димоғдорроқ оҳангда гапириши отаси – Ҳалим оқсоқолдан мерос. Начора, банда-да, банда! Фалакнинг гардиши чарх уришини қарангки, ўғлининг оқ халат кийиб дўхтирлик қилишини кўриш-қувнаш Ҳалимбойга насиб этмади – айни ўрик қийғос гуллаган кунларнинг бирида омонатини топширди-қўйди.

Ҳа-а, ёдига тушди Рўзи самоварнинг чехраси ёришиб, дўхтир бола отасининг маъракасига хабарлаш ниятида чойхонага кирди, салом-алик, бир ҳўплам чой, чимдим дуо – шу. Мўйсафидларни хабарлагач, хайрлаша туриб, ўқишни битирганини айтди. Чойхонада гурунглашиб ўтирган оқсоқоллар ўзимиззи маҳалладан дўхтир чикди, деб хурсандчиликни бошламасларидан уларнинг шаштини киркди, барака топгур. “Энди олимликка ўқийман”, деди. “Бола пакир, отанг ҳаёт бўлганида эсингни йиғ, бўтам, дўхтирлигиндан қолма, демасмиди?!” “Йўқ, деди, – чўрт кесиби айтди, раҳматли падар тайинлаганлар, дўхтирлик паттаси қўлингга теккан заҳоти тўхтамай олимликка ўқишни бошла, қуруқ дўхтирликдан олим дўхтирлик кўп афзал, деганлар”, деди. “Э-э, гап бу ёқда экан-да, раҳматли бу ёғини ҳам пухталаб кетган экан!..”

Хуллас, Рўзи самоварнинг билишича, Зиё дўхтир қайтиб чойхонага қадам босмади. Ҳа деса, Масков қатнади. Ҳа деса, поезга миниб, Масковга йўл олди, қатнай-қатнай дўхтирларнинг олими деган мартабага эришди. Ана энди, қарабсизки, бу яқин депарада Зиё дўхтирга бас келадигани йўқ! Зиё дўхтир деса, ҳушёр тортмайдиган, эҳтиёт юзасидан орқа-олдига қараб олмайдиган банда йўқ! Йўқ, йўқ, йўқлиги аниқ! Илло... Илло дўхтир тушмагур, Масковдан тузалмас дард орттириб келди.

Отадан қолган уй-жойини ямаб-суваб уйланиш тадорикига киришган бир пайтда кўксов хасталигига гирифтор бўлди-қўйди. Ўзи дўхтирларнинг олими, билмаган нарсаси оз – қилмаган дори-дармони, боқизмаган шифокори қолмади. Амаллари эмига тушмади – бир йўтал келса, нафақат юз-кўзи, кўкси, баданларигача моматалок бўлиб кўкариб кетади, ўлиб-тирилади. Шу сабаб кўчага деярли чиқмайди, давралардан, ҳар қандай мулоқотдан ўзини олиб қочади.

Ана-ана, ҳассасини дўқирлатиб, майда қадам ташлаб келаётган одам ўша – Зиё дўхтир! Ёнида – амакиси Фотиҳ чўт, амакиси.

Маҳалла-қўй йиғинларида иштирок этишни ўзига эп билмайдиган дўхтирнинг бу сафар пайдо бўлиши бежиз эмас кўринади. Бундан чикди, масала жиддий. Дўхтир ниманингдир азмойишини олиш ниятида. Ия, ота-бобоси ўтган, ўзи бир умр яшаган уй-жойлар бузилади-ю, чиқмайдими, йиғинга?! Кўчиш эҳтимолини, янги уй-жой қуришни ўйлашнинг ўзида Зиё дўхтир росмана бўғилиб қолаётганмиш, деган гап тарқади. Маҳалла-қўйда ким ҳақида, нима гап тарқайди, ўз йўлига, лекин, бундан қатъи назар, умр офтоби ҳов, Чигатой дарвоза томонларга қизариб-бўзариб оғандан-оғиб бораётган ғанимат дамларда, бу тарз кўчманчилик кимга ёқади, кимга?!

Рўзи самовар Зиё дўхтирга пешвоз юрди. Саломлашди. Тўрдаги сўрига таклиф қилди. Зиё дўхтир ортиқча такаллуф кутмай кўрсатилган сўри томон бир-икки одим ташлаган жойида қари тол танасининг панасида тик оёқда турган Нажиб додага кўзи тушди. Индамай-нетмай йўлидан бурилиб, у кишининг олдида келиб, билагидан олди. Олдинга ўтказиб, ҳурмат бажо айлади. Нажиб дода хижолатда, лекин ортиқча илтифот кутмай, дўхтир кўрсатган сўри томон юрди. Шунда тўсатдан тўхтади Зиё дўхтир, шошилмай обдон ортига ўгирилди, Рўзи самоварга бош-оёқ синчков назар ташлади. Кўз кўзга тўқнашган жойда тикилиб қолди, сўнг гўё бошқалар ҳам эшитиб қўйсин деган муддаода дона-дона қилиб гапирди:

– Отдайсиз, Рўзибой ота!..

Зиё дўхтирнинг товуши дўриллаб чикди, кўпчиликка эшитиладиган бўлиб гуриллаб чикди, яқин-атрофдагиларнинг эътиборини жалб этди ҳам. Шундан сўнггина худди бир ишни қойиллатиб қўйган одамдек ўнг томонда Фотиҳ амаки, сўл томондан Нажиб додани қўлтиқлаб сўри томон юрди. Сўрига етган жойида яна бояги оҳанг ва вазоҳатда овоз берди:

– Отам раҳматли ўлиб кетганига қирқ йил бўляпти... Отамга тенгқур Рўзибой ота эса ҳали ўша-ўша – қирчиллама бўз йигитдай! Қойилмисиз, Нажиб дода, гапирсангиз-чи!

Бу орада издиҳом бирмунча қалинлашган, Шомалик тўрам билан Қора Унар келиб, йиғинни бошлашлари қолган эди, холос.

– Шомалик тўрамни кўрдим – қабристон томон кетдилар, – деб қолди Мирхаёл тўсатдан ҳе йўқ-бе йўқ, шанғиллаб.

Нажиб дода хайрон бўлди.

– Чиғатой томонга дейсанми? Шунча одам кутаётган...

– Одамлар кутаверади – тўрамиз юраверади!..

– Вазиз посонникига кириб кетган, хабар олмоқчидир-да.

– Хабар олгунча, ёрдам берсин.

– Нима, Бахтини туғиб берсинми?!

– Марварид кенноий кўзилашдан қолмаган ҳали...

– Бу кетишда Марварид тагин ўнта туғади!..

– Зотдор экан-да, ўзиям!..

– Чойхонага борасизми, деб сўрамадингми? – савол қотди Нажиб дода билан Мирхаёлнинг суҳбатига кулоқ солиб турганлардан бири.

– Бе-е, оқсоқолнинг авзойи чатоқ. Жавраб, ўзича кимнингдир гўрига ғишт қалаб кетаётгани.

– Кўпчиликнинг ташвиши, – деди Нажиб дода, ичида “Кўпчилик билмайдиган ташвиши қанча?!” дея гўлдираб. – Оқсоқолга осон тутманглар. Уй-жойларни бузиш, бузилган уй эгаларини ер-жой билан таъминлаш, тиним билмайди. Кўч-кўчнинг турган-битгани ғалва.

– Бузиш иш эмас, ана, Достон аяни уйи бир кунда ер билан теп-текис бўлди-қўйди...

– Олди одамлар кўчиш тадорикига тушди!..

– Биз Хотин кўприкдаги боғ ҳовлимизга кўчамиз...

– Хотинкўприкдан шаҳарга қатнаш осонми?!

– Пиёда ярим соатлик йўл, одамлар Каласга, ундан наридаги Кўктерака яёв бориб келишади-ю!

– Умринг яёв юриб ўтсин!..

– Достон аяни уйини бузиб бўлишди-ю!..

– Уйини бузиб қўйиб, экскаваторлар ерни қазолмаяётганмиш!..

– Уйни остидан илонхона чиқибди!..

– Чоли большовой бўлган, чиқади-да!..

– Билиб қўйинглар, илонлар тиллахонага уя куради!..

– Бузиш осон – қуриш қийин, анойи! – Ёш ўғил боланинг аёлларникига ўхшаш чийиллаганнамо овози эшитилди. Бироқ унга ҳеч ким эътибор қилмади.

Хушхабарлар билан олди-қочди миш-мишлар аралашиб-қуралашиб кетди:

– Биз Чимбойдаги боғ ҳовлимизга кўчамиз...

– Дурдона шаҳарчасидан ер тегиб қолди...

– Ўх-хў-ў, Дурдонага йўл бўлсин!..

– Қурвақаободдан ер берармиш...

– Чилонзордаги болалар лагери ўрнига қатор-қатор дўмлар тушибди...
 – Бўрижарри нариёғига кўчиб бораётганмиш одамлар...
 – Сойим сўд Қорақамишдан жой бошлабди...
 – Ўзи Бешкентдан бери кемайди-ю, доврўғи Тошкентда уй қуради-я, ў, кучингдан!..

Паст-баланд ғала-ғовурга қулоқ солиб ўтирган Нажиб дода ичида кулгиси кистади. “Ҳамма ўзича масалани ҳал қилиб бўлибди-ю, мажлис на ҳожат! Шомалик тўрамнинг ўйинлари кўп-да-а!..”

Нажиб дода шу ҳаёлда маҳзун бош чайқади. У ўйчан одам эди, ўйларига ғарқ эди, ўйлари ўзгача эди, ўйларига яраша ичи тўла гап эди...

– Гап ким қаскқа кўчишида эмас, – бояги чийиллаган овоз бу сафар худди катталарга ўхшаб салмоқланиб деди: – Гап – минг йиллик маҳалла тўзиб кетаётганида!.. Сотиладиган уй бўлса, оламиз, шафеқ!

Нажиб дода ҳаяжонда ирғиб тушаёзди, шу гапни айтган одамни кўриб-таниб қўйгиси келди – аланг-жаланг излади, кўрса-таниса барақа топинг, баракалла, демоққа оғиз жуфтлади, афсус, издиҳом, қоронғи – дода “Ўйловли одамлар йўқ эмас – бор, бор!” дея ўзича тасалли топди, димоғини ёқимли муздай шабада елпиб ўтгандай, енгил тортди.

8.3

Малоҳат опаси ўкиб ўтирган китобини чеккага қўйди-да, Мунира билан Мастурани ёнига чорлади.

- Келинглари, ўйин ўйнаймиз.
- Хўп, – деди Мастура.
- Қанақа ўйин? – сўради Мунира.
- Маниям ўйнатинглари, – уларга қўшилди Фазли.

Малоҳат опаси бошлади:

– Чап томондан ҳам, ўнг томондан ҳам бир хил ўқиладиган сўз топиш. Масалан, нон!

- Арра! – деди Мунира.
- Поп! – деди Мастура.
- “Поп” нима дегани? – сўради Фазли.
- Ўзиям билмайди! – дея Мастурани масхаралади Мунира.
- Сўз топдингми? – сўради Малоҳат Фазлидан. Фазли оғзига келганини айтди: – Попоп!

Опалари бараварига қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборишди.

– Попопчининг ўғли ўртоғи-да, дарров топди! – деди укасининг ҳозиржавоблигидан ҳайратланиб Мунира.

– Калласи зўр буни! – деди мамнуният билан Малоҳат, укасининг бошини силаб.

Фазли опалари билан бошланган сўз ўйини қолиб, ўртоқларини ўйлаб кетди. Сўз айтиш бўлса, ўртоқлари Бақога кун беришмайди. Бақо ҳам тошкентчасига гаплашишни тезроқ ўргана қолмаяпти. Айниқса Лутфулла атайин Бақонинг лаҳжасини майна қилиш ниятида уни гапга солар, ҳар турли саволлар ёғдириб, уни гапиришга ундар эди.

– Мулла Бақоиддин ука, би-ир ўзларидан эшитайлик? – атайин майна оҳангида унга мурожаат қилди Лутфулла.

Бақо жавоб қайтаришни истамай, лабини қимтиди. Бу унинг жаҳли ғазабга айланаётгани аломати эди. Шундай пайтларда Фазли уриш-жанжал чиқиб кетиши-

дан хавотирга тушиб қолар, дарров уларни чалғитиш йўлини излар, баъзан қитмир ўртоқларини қойишга ҳам тўғри келарди.

– Бақони биттаям сўзи бизникига тўғри кемайди, – деди Хўжа тантанавор оҳангда, кўчани бошига кўтариб.

– Ўзи биздан эмас-да, тилиям бошқа, – дея уни қувватлади Ибод.

– Эсинг жойидами, Ибод, тили бошқа эмас – ўзбекча, фақат шеваси бошқа, холос.

– Қишлоқи-де! – Мираҳмад шундай деб Фазлининг оғзини юммоқчи эди, бироқ Фазли қиёфасидан аён – у на Мираҳмадга, на бошқаларга бўш келмас, қандай бўлмасин, Бақони чекка-чеккадан турткилашларига йўл қўймасди. Аксига олиб Мираҳмад Фазлининг жияни – Сабрини ёдга солди.

– Жиянинг кеп қолар? – савол ташлади у ўсмоқчилаб. – Роса шевани кони-да, ўзиям! Бақони бир чўкишда қочиради.

Мираҳмад шундай деб мириқиб кулди.

Ҳақиқатда жияни Сабрининг гапларини эшитган ўртоқлари кулавериб ичаклари узилаёзган. Сабрининг: “Хов ана”ни “Хайла”, “Нарироқ тур”ни “Несароқ тур”, “Бериоқ тур”ни “Бесароқ тур”, “Эртақ ва чўпчак”ни “Матал”, “Дарё”ни “Дайра” деб гапиришлари Чиғатой маҳаллалик болалар учун роса эрмак бўлган, Сабри дастлаб аламдан йиғлаб юборган, сўнг Лутфулла билан муштлашиб кетаёзган, отаси билан онасига, “Яккабоғдаги уйимизга кетамиз, бу ерди одамлари ёмон, масхарабоз!” дея оёқ тираб туриб олган, Фазли жиянининг ўртоқлари ўртасида калака-мазах бўлишдан ҳимоя қиламан деб жонажон ўртоқларига ёлборишгача борганди.

8.4

– Фазли, – деди онаси устига кулча нон ёпилган косани дастурхончага ўраётиб, – мошкичири қилгандим, шуни Захро кеннойига бериб ке.

– Э, ойи, роса ўйин кизиётувди! Ҳалироқ олиб борай.

– Ўйинни охири йўқ, ўғлим. Овқат совиб қолмай ташлаб келгин, савоб бўлади. Ўйна-аб бориб келасан...

Онасининг одати бу – уйда тансиқ таом тайёрланса, Фазлини дам Салима холаникига, дам Наима опокиникига, кўпроқ Захро кеннойиникига жўнатади. Фазли дастурхончага ўралган бир коса ё бир тақсимча таомни қўлтиқлаб гоҳ Аллонга, гоҳ лўли тупикка, гоҳо эса Ҳастимомга қараб йўлга тушади. Фазли кўчадаги ўртоқларининг ўйинидан курук қолса-да, онасининг раъйини қайтармайди, “савоб бўлади”ни тушунмаса-да, сўздаги сеҳр уни ром этиб қўяди, тугунчани қўлтиқлаб йўлга тушади. “Йўлингда “Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм”ни унутма”, деб тайинлайди онаси ҳар сафар.

У Тош кўчадан чиқиб, Сағбонни кесиб ўтди, тепаликлар ортда қолса, у ёғи Қилбелбоғ бошланади. Шу ном ёқади Фазлига, қизиқ-да, Қилбелбоғ! Нима сабабдан шундай номланган бу кўча, ақли етмайди Фазлининг.

Қилбелбоғдаги ўзи ўқийдиган икки қаватли мактаб биносининг ёнидан ўтгач, тор кўча келади. Лекин ундан кейин келадиган жин кўча олдида буниси бамисоли кенг кўча! Жин кўча аввал чапга кетади, қарийб юз-юз йигирма қадамдан сўнг ўнгга бурилади – у ёғи кетаверасан-кетаверасан, синфдоши Туробхўжанинг уйига етади. Бала-анд, шохларининг учи кўринмай кетган тут дарахти! Шундан чапга бурилади. Тор, нимқоронғи, кимсасиз – “жин кўча” деган сўзни ким топган, ўзи? Тўғри топган, иккита одам сиғмаган жойга мингта жин сиғади, кўзга кўринмас жинлардан яна неча мингтаси сиғади бу тор кўчаларга. Фазли ҳар сафар бу кўчалардан юрак ҳовучлаб ўтади, ёмон кўрқади, истамаса-да, жинларнинг шакл-шамойили,

тузилиши, катта-кичиклиги қандай бўлиши мумкинлигини кўз олдига келтиришга ҳаракат қилади, юраги орқасига тортиб, “шув-в-в” этиб тубсиз жарликка қулаб тушаётгандек бўлади, шунда онаси айтган “бисмиллаҳир роҳманир роҳийм” ёдига тушади, ёдига тушган-тилида такрорлаган заҳоти жинкўчани эгаллаган, ким билсин, юзтами-мингтами, жин тумтарақай қочади, ҳа, аниқ қочади, Фазли буни кўз олди тиниклашганидан, ўзи дадиллашганидан, қадамлари шахдамлашганидан, пешонасидан оқиб тушаётган иссиқ тер томчилари музлаётганидан сезади. Бирок чапга кетган кўча аранг бир одам сиғадиган даражада янаям тор – деворлар баландлигидан осмон кўринмайди, лойсувоқ деворлар унинг бошига ағдарилиб тушаётгандай туюлади – уйлар, том бўғотлари, тут, ёнғоқ дарахти шохлари тутлашиб жин кўчани янаям қоронғилаштириб юборган – Фазлига юрагининг дукурлаши эшитила бошлайди, ҳар келишида шу жойдан ўтаётганида худди чуқур ўрада ёлғиз қолиб кетгандек ҳис қилади ўзини, онаси ўраб-чирмаб тутказган тугунчани биқинига босади – янги сузилган таомнинг иссиғи косадан, дастурхондан ўтиб биқинига хуш ёқади. Шу илиқлик унинг кўксидан отилиб чиқиб кетаёзган ҳадикхонасига дармон беради, жонига ора киради. Бирорта йўловчи йўликсайди, деб кўнглидан кечиради Фазли. Яхшиям, куёш ботишига анча бор, қоронғида ёлғиз ўтса борми шу йўлдан – ҳай-ҳай... Фазлининг қадами жаллашади. Ва ниҳоят, ортда қолган кўчаларга қараганда ка-атта, ка-атта бўлгандаям, от-арава бемалол сиғадиган илон изи кўчага чиқади. Чиққандаям, бир енгил тортади, бир нафаси равонлашади, пешонасидан бўйни, гардани, кўкси томон чопқиллаётган муз томчилари санаса бўладигандек, йириклашади.

Девордаги “Тарих” сўзини ўқимай ўтмайди Фазли. Ва ҳар гал шу ёзувни кўрганида, “Олис тарихдан мерос эканлиги боис шундай номланган бўлса керак”, деган хулоса чиқаради, тахмин қилади. Кетаверади. Хайрият, Тарих кўчаси анча гавжум, бу кўча болалари худди Фазлининг ўртоқларига ўхшайди – қачон ўтмасин, улар икки тараф бўлиб олиб йиртиқ ва пуч тўпни теппишаётган ёки ланка ўйнаётган ёки чиллак отиб “зув”иллаётган бўлишади. Энг ёмони, улар орасидаги шумтака болалар гўё ўзлари узоқ кутган босқинчига кўзлари тушгандек, дарҳол Фазлининг йўлини тўсиб чиқишади. Сўроққа тутишади:

- Кимсан?
- Қаёққа борвоссан?!
- Кимми ўғлисан?
- Пулдан чиқар! – деган пайтлари ҳам бўлган.
- Пулим йўк, – дейди Фазли мўлтираб. – Мана, биттаям чўнтагим йўк.
- Қўлингдаги нима?
- Овқат. Заҳро кеннойига...
- Заҳро кеннойинг катта туради?
- Ана, Қумлоққа етмай, Ҳастимомда.
- Бизани кўчадан ўтма! – дея дўк урадигани ҳам бор.
- Бошқа йўлни билмийман... – дейди кўзларини жавдиратиб Фазли. – Заҳро кеннойи ёлғиз...

Бояги тор, жин кўча ажиналари бир оғиз “бисмилло”ни эслаган заҳоти уни ўз ҳолига қўйишган бўлса, Тарих ва ундан кейин келадиған Ёв кўчанинг шумтакаларига Фазлининг тушунтиришлари кор қилмайди. Йўк ердаги сўзлар билан калака қилишади уни, Заҳро кеннойининг исмига қўшиб бемаза гаплар айтишади, бир-икки туртиб-суртишган, ҳатто ортидан тепган пайтлари ҳам бўлди. Фазли калтак еса ер, сўкиш эшитса эшитар, фақат қўлтиғидаги овқатни тушириб юбормаслик ҳақида қайғуради. Гоҳ имиллайди, гоҳ орқаси билан деворга қапишганича тек қотиб тураверади, урса урар, сўкса сўкар, фақат овқатни олиб қўйишмаса бас,

деган хавотирда пайт пойлайди ва фурсатини топди дегунча ғизиллаб жуфтакни ростлайди. Қочиб кетатуриб онасининг, “Ўйна-аб бориб келасан, ўғлим”, деган сўзларини эслайди.

8.5

Фаттоҳ амакиси маҳаллада отнинг қашқасидек таникли. Бир чеккаси, Нажиб доданинг туғишган иниси, лекин “Чорва” деган лақабни ўзи, ўз касби-меҳнати орқасида орттирган. Лақабидан фахрланиши алоҳида мавзу! Ҳатто бундай нарсаларга парвойи палак. Баъзан йўқ ердан жанжал чиқарса, баъзан унча-мунча билан пачакилашиб ўтиришга ҳуши йўқ. Бир пайтлар от-арава туртиб юбориши оқибатида бир ёнга энкайиброқ қадам ташлайди, “Маймоқ бўлсам ҳам яшайвераман, – деган экан ўша от-арава билан “тўқнашув”дан мамнун бўлгандай ҳиринглаб. – Эшак-арава урганида номусига бош кўтариб юролмасдим”.

“Чорва” амаки эрта бозор куни тунда ухламайди ҳисоб. Эл уйкуни уриб ором олиб ётганида у “Қайдасан, Кўктерак?!” дея йўлга тушади. Битта-ярим аравакаш илтифот кўрсатиб қолади. “Ҳой, Чорва ока, аравага мининг, ҳангамалашиб кетамиз!” дейди. “Чорва” ока ҳаётда илтифот, мулозамат-манзират кўчасига йўламаган, йўлаган бўлса-да, хушламайди – кўнгли чопса, индамай-нетмай аравага минади, хушламаса, буниям яшириб турмай: “Йўлингдан қолма, окўси”, деганча йўлнинг танобини пойи-пиёда тортишда давом этади. Шаҳарлик қассоблар, бошқалар харид қилган қўй-қўзи, унда-мунда қорамолни бир қўрага қамаб, жамлашга киришганида юлдузлар маржондек чараклаб турган бўлади осмонда.

Бозор қайтар чоғ Фаттоҳ “чорва” ўзига қарашли қўрага бир қур қўз югуртириб олса кифоя, қанча чорва-қанча мол-ҳол саноғини олади-да, тўсикни кўтаради. Отар қайдасан, Чиғатой, деганча йўлга тушади. Турфа томонлардан Кўктерак бозорига келиб, қай қисматлар сари йўлга чиққан мол-ҳолни бир ўзи қандай эплайди, қай тариқа йўлга солади – ўзига аён. Фазли худди шуни сўради амакисидан. “Шу-унча қўйни қандай қилиб бир ўзингиз ҳайдаб келасиз, амаки?” деди у кишига астойдил ачинганидан. Фаттоҳ ака бурнини жийириб гапирарди. “Қўй шунақа ювош жонивор, окўси, қаёққа ҳайдасанг, бошини солинтириб кетаверади, қўйни йўлга солишдан осон нарса йўқ дунёда!”

Хуллас, қарийб қош қорайганда Чиғатойга етиб келган отар, обдон Тош кўчанинг тўзонини чиқаргач, Фаттоҳ чорванинг каталакдек ҳовлисига қамалади. Ҳовли лик-лик тўлади – қадам босишга жой йўқ, кимса юролмайди, туролмайди, ўтиролмайди. Қўй маъраган, мол ўқирган, шохлашган, бир-бирига мингашган, шовуллашиб чоптирган, дукура-дукур, дўпира-дўпир қўпади. Қўланса ис димоғни ёраёзади. Ҳовличанинг биқинчасида пастак якка деразали уйчада Фаттоҳ чорва яқин-яқингача Тўхтавой жияни билан яшаган. “Чорва” ҳам, Тўхтавой ҳам бу қиёмат тўполон – бу қўланса исларга қўникиб кетишган, лекин бу каталак “қўра”нинг тепасидаги болохонада яшовчи Расмия ани ҳовлидан кўтарилаётган қий-тезак исидан нафаси қайтиб, ўхшатиб-ўхшатиб айтади: “Таке, сигирлар Фатихнинг дворинда эмас, минем желекда!” деб дод солиши, тинмай овозининг борица чакак қоқишлари поданинг тапир-тупири, ўқир-бўқирларига сингиб кетади. Дарҳақиқат, ҳар бозор куни кечидан эртаси пешинга довр “Ма-а-му-у”лару “Бў-ў-мў-ў”лар Расмия анининг бўғзидан чиқаётгандек бўлади. Ани шўрлик шундай қилсагина – бўйрадеккина ҳовлисининг ўртасида туриб олиб осмонга қарата овозининг борица қарғиш-қарғанишлар билангина хумордан чиқади – ўзини овутади. Буниси ҳам майли-я, бозор кўрган бука борми, говмиш борми, минди-минди – сузишгани-сузишган, ирғишлаган-қувалашган, ола-тасир, гусира-гусир шохлашгани сайин

Расмия анининг болохонаси денгиз тўфонида елканидан айрилган қайикдек лопиллайди.

Дастлабки кезлар Расмия ани ақлдан озиб қолаёзди. Тоқати синди.

– Фатих! – деб чақирди.

– Ким?! – деб бақирди уйининг ичида ётган жойида Фаттоҳ чорва.

– Ҳей, Фатих! Ишекни жибар! – деди Расмия ани ҳамон ўзини вазмин тутишга уриниб.

Эшик очилиб, Фаттоҳ чорва кўринди. У кўйлакчан, яғири чиққан узун оқ иштониға қараб бўлмасди. Расмия ани бетини буриб, жўнаб қолмоқчи эди, чидади.

– Типада качалька буляпти, – деди ётиғи билан.

– Нима?!

– Ётолмеймен. Шовқин, тупалан!

– Тепада ётолмасанг, ке, маникига кир, ўзим аллалаб ётаман, – пинагини бузмай деди Фаттоҳ чорва.

– Вай, улай! Нима дединг, Фатих?!

Кўшнисига гап юкмаслигини сезган Расмия ани маҳаллага чиқди, арз-дод солиб. Эртасига бир ўсмир бола эшикни тақиллатиб келди.

– Ҳа, – деди Фаттоҳ чорва ўшқириб.

– Сиззи маҳалла идорасига чақиришвотти, Шомалик амаки айтди.

– Қайси, Шомалик? – ўдағайлади чорва. Йигитча ҳайрон. Бу якин-атрофда маҳалла оксоқолини танимайдиган кимса тугул, у кишининг исмини эшитган одам жойида ўтиролмай қолса-ю, оддийгина бир кўйчивон-подавон бундай деб турса!

– Танийсиз-ку... маҳалла...

– Ўша маҳалангга бор-де, ўша амакингга айт, сиззи танимас экан, дегин. Қайтиб, остонамга қадам босма, тушундингми?!

Ўсмир йигитча хушини йиғиб, кўзини пирпиратиб, бирор-ярим сўз топунича Фаттоҳ чорва уйига кирди, тахмондаги кўрпа орасидан қип-қизил “узумнинг суви”ни олиб шишанинг оғзидан сипқорди. “Оҳ-оҳ”лаб, “воҳ-воҳ”лаб ёғи чиққан дўпписини ҳидлади, сўнг остонада эшик кесакисига суянганича баралла: “Попоччи нўғойингаям! Шомалик тўрангаям! Маҳаллангаям!” дея айқирди-да, “Ё, дас тингдан!” деганча ҳовлини лик тўлдирган мол-ҳолга кўшилиб кетди.

8.6

Одатдагидек саҳарлаб уйғонган Фазли бет-қўлини ювмай туриб тоқатсизланиб тахта тўсиққа гурсиллатиб каллалаётган кўрадаги кўйлари ёнига борди, ўзича ҳозир жўнаймиз, деб жониворларни тинчитган бўлди. Кўйлар унинг айтганини тушунгандек бир-бирини шохлашиб-туртишиб, кўрадан чиқишга шайланишди. Эндигина бетини ювиб келганди ҳамки, Иззат акаси кўринди.

– Бугун пода бокмайсизлар, – деди у тўсатдан.

– Нега?! – ажабланиб сўради Фазли.

– Тўхтавой касал бўп қобди, кечаси Зиё дўхтир кўрибди-ю, шошилишч мошин чақиртирибди! Баннисага опкетишибди!

Фаттоҳ амакиси отасига шикоят қилиб чиққани ёдига тушди.

– Янги кўшнилар бошимга бало бўлди, тинчим йўқолди, ока.

– Улар болохонада яшаса, сенга нима? Бир ёғи, мусофир, бошида эри йўғакан. Санга тегмаса бўлди-да.

– Тегиш ҳам гапми?! Эртадан кечгача ёқалашади, муштлашадими-ей, қисталоқ! Уларни дастидан йўлакдаги ажиналар ҳам тумтарақай қочди-ёв!

Нажиб дода укаси лофни кўпиртириб ўхшатишидан мийиғида кулди.

– Болохонадаги дупур-дупур, кий-чувдан мани ҳовлимдаги молларни хуркишини кўрсангиз! Қочишга жой тополмай қовотти!

– Лофниям ўхшатасан-да, Фаттоҳ. Тўрт ўғил экан, уришиб-ёқалашиб улғаяди-да. Иккита каттаси эслигина деб эшитдим.

– Иккита каттаси одамбашара, учинчиси – без. На саломни билади, на... туркиям, кўзиям ёкмади – ғилай, одамми боласига ўхшамайди! Жойи келса бир калла уриб, ағдараман-а, қисталоқ! Хуллас, оёғи ёкмади, бу падари қусур, келгиндиларни!..

Бундан чиқди, Фаттоҳ амакиси айтмоқчи, чиндан ҳам оёғи ёкмаганки... Кеча кун бўйи Тўхта ака жарда қорнини чангаллаб юрди, кун бўйи оғзига ҳеч нарса олмади, ҳатто оғриқнинг зўридан бир неча марталаб инграб-инграниб ётиб олди.

– Бугун келадиларми? – сўради у акасига умидвор тикилиб.

– Ким?

– Тўхта ака.

– Эсинг жойидами? Операйса қилишибди, оғирмиш. Додам, Шукур акам бан-нисада қараб ўтиришибди.

Фазли “операйса”, “оғирмиш” деган сўзларни тайинли укмаган эса-да, юраги шув этиб, кўрқувга чулғанди.

8.7

Эрталабдан Раиса раис эшикни тақиллатмай кириб келди, Достон аянинг кифтига қоқиб, янги уйнинг калитини тантанали равишда топшириш маросими бугундан қолмаслиги сабабларини, бундай шошмашошарликдан ўзи ҳам хижолатда қолганини тушунтирган бўлди. “Вой, шўрим-м, – деб юборди Достон ая, – аввалроқ айтмайсизларми!” дея чапак чалганича қолди. Ичкари уйга кирди-ю, деворга осилган раҳматли чолининг суратига кўзи тушди, аланглади-жаланглади, бўзарди, гезарди, титраб-қалтираб чўк тушганича оғзига келган оятларни чала-ярим товуш чиқариб тиловат қилмоққа тутинди, тутинган жойида, ўпкаси тўлиб, хўнграб юборди.

Ая росмана каловланди. Дол қаддини эплаб тутолмас, чайқалиб кетар, дам уйга киради-дам ҳовлига чиқади – нима қияпти, нима қилмоқчи, шундай дамларда аввалбош қайси юмуш зарурроқ, буларнинг бирортаси ёдига тушмас, “Кўйликдан Маъфурани, Қорасувдан Манзурани, Ялонғочдан Ғофиржонни чақиртирмадим, лоақал Алоқадан Сафурани айттирмадим”дан нари ўтмас, борди-ю, шу жиянлари етиб келганида нимага ярайдилар, уй-жойнинг бузилиши ва Достон аянинг Юнусобод томонларга бадарға этилиши воқеасини бошқа ўзанга буриб юборишларига қурбилари етармиди – бу ёғини ўйлайдиган аҳволда эмасди ая. Кўч-кўч, буз-буз, ҳа бўл-ҳа бўл бунчалар жадаллашиб кетиши... Ёв қуяптими, нима бало?! Қора Унарнинг дағдағаси ошиб тушди. “Дийдиёни йиғиштиринг, кампир! Келишилди-ми, бўлди-да! – деди жеркиб. – Ким айтади, сизни большевойни беваси деб?!” Шомалик тўрамда ҳали бет бор шекилли, орага тушмади, тушолмади. Шунда ҳам:

– Достон ая лафзидан қайтадиганлардан эмас, – деди-кўйди тилёғламалик қилиб.

Қизи ишга кетган, аянинг жонига Жамол невараси ора кирди.

– Ая, йиғламанг, катта бўлсам, ўзим бала-анд уй куриб бераман, роса чиройли уй! – деди бувисининг биқинига бетини босиб.

– Ниятингга ет, болам...

Шу тобда ая учун муштдек неварасининг шу бир оғиз лутфи ҳам далда-юпанч, тасалли ўрнига ўтди.

– Бу ёғидан сиз ташвиш тортманг, – деб уни юпантирган бўлди Раиса раис, унга аллақандай ўсмирнусха нотаниш йигит билан бир хотин қўшилди.

– ДОСААФни раиси айтди, солдатлар ёрдамга келишар экан. Юк мошиналарини қаторлаштириб кўяр экан. Ана, обрў-мана, обрў, ая!

Ая ўпкасини босолмади, “Обрўни пишириб ермидим!” деганча йиғидан ўзини тўхтатолмади – унинг кўз ўнгида мошинадан сакраб-сакраб тушган соллат йигитлар мўр-малахдек ёпирилишди-ю! Кўни-кўшни, бутун маҳалла аҳли кўчиб чикди томошага, болаларни-ку, асти қўяверасиз! Фазли, Мираҳмад, Яхё, Лутфулла... Хўжа билан Ибод кейинроқ пайдо бўлди.

– Дўмни калити мана-а! – эълон қилди халойикка ўрик дарахти соясига қатор терилган курсилардан бирида ялпайиб ўтирган Қора Унар. – Кўч-кўронни ортиб бўлишсин, қўлингизга тантанали суръатда тутқазамиз!

Достон аянинг кўзи тинди, шуури алағда бўлиб кетганди. Қора Унарнинг эълони кулоғига кирмади ҳам. Шомалик тўрам, Раиса раис ва улар қаторида ўтирган ҳарбий кийимли важоҳатли одам Қора Унарнинг сўзини қисқа, чалакам-чатти қарсак билан олқишлаб қўйишди.

Бақир-чақир, шовкин-сурон авжига минди, ўрик дарахтининг қуюқ соясида қатор кўр тўкиб ўтирган казо-казолар олдига кимдир узун, энсиз стол келтириб қўйди. Рўзи самовардан ижарага олишганми, устига қизил бахмал ёпишганди, бахмал тушмагур столни бўйламади. Хуллас, қадимий Чигатой маҳалласидаги уй-жойларни бузиш-бузиш ўйини шу тариқа бошланди, унга шу тариқа теша тегмаган шакл-шамойилда сиёсий тус берилди.

– Қураман деган бир умр куради. Бузиш осон экан-да!

– Раҳматли Машариф коммунист бу ҳовли-жойларни тиклагунича эси кетганди...

– Ҳукумат учун бузиш ишми?!

– Досаппни одамлари яъжуж-маъжужни ўзи-я!

– Дамингни чиқарма!

– Танкасиям бор дейишди!

– Шу-унча аскарига яраша танкасиям озмасди-ир?!

Алҳол, Достон аянинг ҳовли-жойи ўрни шип-шийдом ялангликка, вайрона уй қолдиқларига айланди. Ҳовли девори ўрнига маҳалла-қўй аҳолисидан жонли девор пайдо бўлган, одамлар чанг-тўзонга-да эътибор бермас, саратон иссиғига тоқат қилиб кўз ўнгида юз бераётган воқеани идрок этиб-этмай ҳайрон ва лол қараб, анграйиб туришарди. Ҳозирча ўртада, ўрик дарахти соясидаги ер супа жон сақлаган, унга ёндош узун ва энсиз, қизил бахмал тўшалган стол ёнида басавлат-басавлат кишилар савлат тўкиб ўтиришарди. Чакирилмаган, лекин ҳар қандай маҳалла мажлисидан гавжумроқ йиғин иштирокчиларининг нигоҳи қизил стол бўйлаб тизилишиб кўр тўкиб ўтирган катталарда, уларнинг орасида ҳамон каловланиб-довдираб ўтирган Достон аяда. Тўсатдан Шомалик тўрам ингичка бўйнини чўзиб, калласини ликиллайтиб, бўйнидай ингичка, лекин зардали товушда сўз очди:

– Азиз маҳалладошлар!.. – Шомалик тўрам ҳамиша мажлисни мана шу сўзлар билан, мана шундай хитобнамо оҳангда бошларди. – Бугун Чигатой маҳалламизда тарихий кун! Кўриб турибсизлар, маҳалламиззи мўътабар ва ҳаммамиз учун ҳурматли онахони Достон ая ўз инон-ихтиёри билан!.. – Шомалик тўра украинча нақшин гулли қўйлагининг ён кассасидан қоғоз чиқариб, унга чимирилиб қаради, кўзларини қисиб, ундаги ёзувни ўқишга тутинди. Давом этди: – Достон ая ўз инон-ихтиёри билан...

“Вой!” деган товуш эшитилди – қизил дастурхон теграсидагилар қаторида қунишиб-қалтироғини босолмай ўтирган Достон аянинг ранги кум ўчган, ўзини қўлга ололмай, ёнбошига оға бошлаганди.

– Сув опке! – деди қора Унар, сувни ўзи учун сўраётгандай хириллаб.

– Чай! Горячий чай! – дея амр қилди ҳарбий либосдаги басавлат киши.

Аввал сув, сўнг кетма-кет қайноқ чой ҳам мухайё этилди. Аянинг оғзига дам

сув-дам чой тутиб, уни қайтариб жойига ўтқазишди.

– Кексалик, – деди Шомалик тўра таассуфлангандай бош чайқаб ва шу заҳоти одамларнинг эътиборини чалғитиш йўлини топди: – Ана, аяни қизлари ҳам етиб келди. Ҳой, қизим, бери ке!

Аянинг қизи онасидан баттар ўзини йўқотиб қўйган, ҳеч кимсанинг бетига бош кўтариб қарамас, бирор сўз айтилмас, уй вайроналарига аланглай-аланглай кўз ёшларини тиёлмас, қулоғига ҳеч қандай гап кирмаётган эди.

– Азиз маҳалладошлар! Новбати билан бошқа уйлар ҳам бузилади. Ялписига кўчамиз... Ҳозир биз Достон аяга оқ йўл тилайлик. Аямизга қўшхонали, янг-ги дўмми калитини топширайлик-да, уйлар муборак деб...

Издиҳомнинг фикр-хаёли маҳалла оқсоқолининг қўлида оқариб кўринган бир жуфт калитда. Шу маҳал қаердандир пайдо бўлган Жамол югуриб ўртага чиқди-да, икки қўллаб кучи борица қизил бахмал ёпилган узун ва энсиз столни сув-пуви, чой-пойи билан итариб, ағдариб юборди.

– Бачағар! Единг! – деб инграб юборди меҳмонлардан бири човини чангаллаб. Бошқалари думбасини ари чакқандек сапчиб туриб, тарқалиб кетди.

Раиса раис ербағирлаб, эмаклаб қолди. Шомалик тўрамнинг дўпписи ғилдирак бўлиб думалади.

Тўс-тўполон қўпди.

– Ушла! Ушла!

– Тутиб келларинг! Йўлини тўс, қўлга ол!

– Югурларинг!

Жамол эса қочмади. Иккала қўлини белига тираганича оёқларини кериб, ҳеч кимдан қўркмайман деган бир ҳайбатда, бошини солинтирганича ер остидан ўқрайиб тураверди.

ҚИЁМАТ

9.1

– Ўртоғинг чапакайми-ўнақайми? – сўради Мираҳмад ёнида турган Фазлидан.

– Билмадим... – елка қисди Фазли Бақонинг ҳаракатларидан кўз узмай.

– Ухлаб қолдингми?! – бетоқатланди Лутфулла.

– Овозингни чиқар! Нима ниятда отвоссан, тошни? Биз ҳам эшитайлик! – талаб қилди астойдил норозиланиб Яҳё.

– Ҳаммамиззи ниятимиз бир, ҳаммага маълум-ку, – деди Фазли янги баҳс кўзғалиб, яна ўйин тўхтаб қолишини истамай.

– Маълум бўлсаям, овоз чиқариб айтсин-да! – деди Мираҳмад Фазлининг кўнгилчанлигидан ғашланиб. – Ўйинимиздан мақсад...

– Ёмғирўйин!

– Ёмғир ёғсин – ният тайин!..

– Мен бундай ўйин ўйнамаган, – дея ўзини оқлашга уринди Бақо. – Овоз чиқарсам, тошларни ирғитолмай қоламан...

– Неча марта ўйнайди-ю, ҳар сафар ман ўйнамаганман, деб баҳона қилади! – деди чеккада ўтирган Ибод.

– Яша, Ибод! – деди Мираҳмад дадилланиб. – Ёки бу бола ҳалиям ўзини қишлоқи ҳисоблайдими?!

Бу гап Фазлига ёқмади, у бош чайқаб Мираҳмадга хўмрайди. Мираҳмад гапидан қайтмади.

– Тўғри-да, кўчиб келишганига қа-анча бўлди, нима, бу ўртоғинг ҳалиям ўзини қишлоқи ҳисоблайдими?

– Намунча Бақога ёпишиб олдинг, Мираҳ? – деди тоқати етмай Яхё. – Шаҳарликми-қишлоқими, ўйнаёттими, бўлди-де! Яхшиси, Бақо, майли, чап кўзингни юмгин-да, тезроқ ирғитақол!

Фазли норози киёфада энди Яхёга ўкрайди.

– Ғилайми?! – шивирлаб сўради Яхё унинг қулоғига. – Шу пайтгача сезмаган эканман.

– Қўйсанг-чи, Яқи, кўзи билан нима ишинг бор!

– Ғилайга ўхшайди-ку?

– Ўхшаса ўхшар, лекин ғилаймас!.. Бақо, отавер!

– Ғилай бўлмаса, кўзи учтадир?!

Бақо эса ҳеч нарсани – ўзига далда бўладиган ҳам, пичинглару беписандларча масхаралашни ҳам эшитмаётгандек эди. Ниҳоят, у ўнг кафтини олдинга қараб силтади, кафтидаги бешала тош ажралмас жонажон дўстлардек ғуж бўлиб чуқурчанинг қоқ ўртасига тўп этиб тушди. Буни кузатиб турган болалар бараварига “У-ух!” деб юборишди. Шунда ғалати ходиса юз берди – чуқурча ичига тушган бешала тошчадан бири тўдадан айрилди-ю, чуқурчанинг кирғоғида сўппайиб тош қотди.

– Яш-ша! – деб юборди Бақо қувончини яширмай, баралла. У тошчалари чуқурчага тушганидан эмас, кўпроқ уни майна қилаётган манави чурвақабачалардан ўхшатиб аламини олганидан қувониб кетганди.

– Вой-вой-вой! Қани, тушгани?! Кўзингни очиб қара, Бақонддин, ука!

– Қайси кўзини очиб қарашини ҳам айтгин-да, Посон! – баттар масхаралаб хиринглади Яхё. – Буни нечта кўзи борлигини биласанларми, ўзи? Пешонасини ў-ўртасида!..

– Яқи, жим, дедим! – Фазли кўз қири билан Бақога қаради-ю, уни ўнғайсизликдан халос этиш мақсадида Яхёни ортиқ гапиртирмаслик учун унинг ёнига югуриб борди. Бироқ Мираҳмад ундан кўра эпчиллик қилиб, ҳамманинг диққатини ўзига қаратди.

– Яқи! Лути! Пази! Жим туринглар! – У шундай деб қўлларини боши узра баралла кўтариб Лутфуллага юзланди. – Айт, энди, айтадиганингни, Посон!

Мираҳмад учун шу тобда чуқурчага тош ташлаш ўйинида ким ғолиб чиқиши эмас, ғолиб аниқлангач, Лутфулла ошкор этишни ваъда қилган сир муҳимроқ эди. Лутфулла боядан буён тилининг учида тишлаб турган сирни шартта айтди-қўйди:

– Учукни давоси – Бақони сўлаги!..

Икки томони лой девору қинғир-қийшиқ эшикли, ўйдим-чуқур, паст-баланд тор кўчани болаларнинг бараварига ваҳ-ҳо-ҳо-лаб қулиши жаранглашиб юборди. Фақат Бақогина қулишини ҳам, ўзини жиддий тутишини ҳам билолмай, нафаси ичига тушиб, ғўлдиради:

– Ҳушенг жойидами, Лути?! Қаердан топдинг бу гапни?

Бошқалар ҳам шу саволга жавоб кутишаётганди.

– Аянг айтибди-ку, – дея бидирлади Лутфулла, – Бақо ўғлим ғалати чикди, дебди-ку! Демак, ўзи ғалати, ўзи ғалати одамми кўзи ғалати, кўзи ғалати одамми сўлаги ҳам...

9.2

– ...ланди-ланди, ўйинимиз бош...

Хўжа ўртоқлари йиғилишиб ўтирган даврага яқинлашиб улгурмай бирор ўйинни бошламоқчи эди, ҳеч ким унинг даъватини қўлламади.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

– Жим! – деди аксинча Фазли уни ҳам даврага қўшилишга ундаб. – Ҳозир, Лути чиқсин, билайлик.

– Нимани? – хайрон бўлиб сўради Хўжа.

– Бугун Лутиларни уйини бузишармиш, – деди Мираҳмад. – Шунга...

Лутфулла пайдо бўлди.

– Адам тракторчини опкеладила. Танкага ўхшаш трактор экан. Томоша қиламиз, маза, тушундиларингми?

– У ёқда уйларинг йўқ-ку, қаерда яшайсизлар? – сўради Мираҳмад Лутфуллдан, ҳамдардлик билдираётгандай.

– Йўлдош амаким аллақачон уй қуриб битиришган. Ўша амакимникида...

– Йўлдош амакингни уйлари қатта? – қизикди Яхё.

– Дурдона шаҳарчасида. Роса зўр! Ҳовлисида бассейни бор. Маза қилиб чўмиламиз!

– Санга нима бўлса – маза! Уйингни бузишса ҳам маза, бизани қайтиб кўрмасанг ҳам маза, ҳаммамизни битта бассейнга алмаштиришга тайёрсан-а!

Фазлининг ёши катталарга тақлидан гапириши нафақат Лутфуллани, унга қўшиб бошқа ўртоқларини ҳам ўйлатиб қўйди. Ҳатто ортикча мулоҳазаларга берилишни хушламайдиган Хўжа, турган жойида қаққайиб, Фазлидан нигоҳини узмай ўйга чўмди.

– Ўйнаб қолиш керак!

Мираҳмад тўсатдан баралла айтган гапи болаларга ёқмади.

– Нима ўйнаймиз? Сокқа қувиш, чиллак, қувламачоқ, қутқармачоқ... Шу-да! Ҳаммаси жонга тегиб бўлган! Бирорта янги ўйин топайлик, кизқарли, зериктирмайдиган ўйин бўлсин деб неча марталаб гаплашдик, тополмадик...

– Энг янги ўйин – бузилаётган уйларни томоша қилиш, дедик. Бордик, кўрдик. Чанг-тўзондан бошқа...

Фазли Лутфулланинг гапини бўлди:

– Достон аяникини айтвоссанми? Эшитдингми, Достон аяни ҳовлисини тахта девор билан ўраб олишармиш?

– Болалар кирмаслиги учун-да...

– Йў-йў, унинг учун эмас, у ерда бошқа гап бор! Лекин – сир!..

– “Сир” деб одамми ичини қиздириб қўясан-да, айтақол.

– Қатган эшитдинг? Ким айтди? Эртага кетиб қолсанглар...

– Шуниси алам қивотти, ўзимгаям! Агар ўша гап тўғри чиқса!..

– Айтмасанг-айтма, йўқ гапга бизни лақиллатмоқчисан. – Яхё шундай деб мавзуни ўзгартирди. – Лути, кўчсанглар, камерангни опкетасанми?

Лутфулла дарҳол жавоб бермади. Ҳақиқатда қайдандир топиб олган, неча жойидан ямалган “Москвич” машинаси камерасини кўз-кўз қилишни ёқтирар, ҳар сафар Кайковузга боришганида қўлма-қўл қилиб унинг камерасида “оқиш-оқиш” ўйнаш ҳар бир боланинг орзусига айланарди. Яхё Лутфулладан жавоб кутмай, мақсадга қўча қолди:

– Камерангни ташлаб кет, сени эслаб юрамиз, оғайни. Фазли ҳам сузишни ўрганиб олади камеранг ёрдамида.

– Кероси-и-и-и-и-и-и!

Болаларнинг барварига қулоқлари динг бўлди. Ҳадемай келадиган трактор Лутфуллаларнинг уйини бузишга киришиши ҳам, Лутфулланинг оғзини тўлдириб мақтанишлари, ҳатто Достон аянинг ҳовлиси билан боғлиқ сирли гаплари, Фазлининг катталардек танбех бериши ва ниҳоят Лутфулла учун арзандадан-арзанда камера “савдоси”гача – бари шу заҳоти унутилди.

– Кетдик, аравага осиламиз! Ҳамма бирдан югурмасин, битта-битталаб борсак, керосинчи амаки пайқамайди.

Яхё ўртоғининг кўрсатмаларини тўлдирди:

– Оёқни аравани орқа ўқига илинтириб, каллангни бочка панасига яширсанг, амакига кўринмайсанлар. Сезиб қолсаям, чол ўгирилиб қарагунича куён бўламиз.

Бу пайт арава болалар шай ҳолда кутаётган тор кўчага яқинлашган, дўпписига газета парчасини кистириб қўлбола соябон ясаб олган керосинчи чол жиловни бўш қўйганидан қари от йўғон, тақасиз туёқларини эринибми-эхтиётлабми, тош йўлга битта-битталаб ташлаб келаётганди.

Амаки лампа мой юқидан қорайиб, ялтираган тунука карнайни лабига яқинлаштирди, бўғиқ овози хириллаб чиқди:

– Кероси-и-и-н-н!

Тош кўчанинг нариги томонидаги тор кўчадан ўн икки-ўн уч ёшлар чамаси қиз югуриб чиқди. От тўхтади. Амаки инқиллаб аравадан тушди, қамчинни этиги қўнжига суқиб, араванинг орқа томонига ўтди. Қизнинг қўлидаги чокқина шиша идишни олиб, уни лампа мойига тўлдирар экан: “Нима бўлади бу?” деб ғудранди. Амаки афтидан саволига қайтариладиган жавобни биларди, шундай ҳам бўлди. Қиз кафтидаги тангаларни бергач: “Бир-икки кунга етса бўлди, кўчвоммиз”, деганча кўчасига кириб кетди.

Керосинчи амаки аравасининг тумшугидаги ёғи чиққан, икки қават қилиб тўшалган эски кўрпачага чиқиб ўтириши ва арава жойидан жилишини пойлаётган Яхё, Лутфулла, Фазли амаки кутилмаганда ўзлари томон яқинлашаётганидан тарадудланиб қолишди. Мираҳмад билан Хўжа бирор кор-ҳол юз берса деган хавотирда жуфтакни ростлаб қолишни мўлжаллаб қўйишди. Фазли нима қилишини билмай жойидан жилмади. Болалар салом беришни ҳам унутишган эди. Уларни танг аҳволдан Лути билағон қутқарди.

– Амаки, бизаям кўчвоммиза, – деди у чолга пешвоз юриб.

Амаки оҳиста келиб, чўнқайиб деворга суянди.

– Ҳа-а, кўчасизлар... Қайси томонга? – сўради у Лутфуллага кўзларини қисиб қараб.

– Далага.

– Қайси далага?

– Йўлдош амакимми даласига... Дурдонага!..

Чолнинг офтобда қорайган афти буришди, кўзлари янаям юмилди.

– Сизлар каёққа кўчасизлар? – у шундай деб Фазли билан Яхёга қаради.

– Билмайман, – жавоб қилди Фазли. – Додам қурилишни бошламаганлар. Кичкина тоғам Калас дарёни нариёғидан ер олиб бераман, дедилар.

– Бизаям билмаймиз, – унга қўшимча қилди Яхё елкасини учуриб.

Бу маҳалладаги харидорларидан ажрала бораётганидан тамомила ишидан кўнгли совиган керосинчи амаки болалар билан анча вақтгача элакишиб ўтирди.

– Бугун Лутиларни уйи бузилади.

– Кўчиб кетишади улар...

– Дурдона зўр шаҳар бўлармиш...

– Дурдонада бой одамлар яшармиш...

– Лути камерани бизга ташлаб кетармиш...

– Бир-бирларимиздан узоқлашиб кетишимиз алам қивотти...

Ким қай хаёлда-ю, керосинчи амаки ўзича ғудраниб ўрнидан кўзғалди, араваси томон икки-уч қадам ташлай туриб, тўнғиллади:

– Дурдонада яшайдиганлар керосин ишлатишармикан?..

Шундай деди-ю, кимдандир ёки нимадандир қаттиқ ранжиган одамдек тарс-турс қилиб, этигининг кўнжидан қамчинни суғуриб, болаларга қарата: “Мининглар! Ҳамманг! Тез!” деди алам-аччиқ аралаш. Болалар кутилмаган марҳаматдан

юраклари ёрилгудай бўлиб амакининг ёнига қаторлашиб шохга қўнган кушлардек тизилишиб-қисилишиб, жойлашиб олишди. Ана қойил-мана қойил! Ҳамиша та-жанг, хўмрайган, болаларни аравага яқинлаштирмайдиган керосинчи амаки бу гал ўзи аравага, тагин ўз ёнига чорлаяпти. Бунақаси бўлмаган!

Болалар туртиниб-суртиниб тармашиб, тигиз ўтириб олишгач, “Ҳа!” деди-ю, камчин билан отнинг яғринига “ширт”иллатиб урди. От жойидан силтаниб кўзғалди, Тош кўчани болаларнинг шодон қийқириғи тутди.

9.3

– Мактабда ўқийсан, Хотинкўприк тўқайларида қўй боқасан, кўчадаги ўртоқларинг билан ўйнаганинг-ўйнаган, менга қачон ёрдамлашасан?

Фазли отасининг салмоқланиб-шошмайгина айтган гапини эшитиб ҳайрон бўлиб қолди. Тўғри, бир йил ўтди чоғи, отасига: “Менгаям маҳси тикишни ўргатинг”, дегани ёдида, отаси эса: “Ўргатаман, сал катта бўлгин”, деганди. Фазли кўлига бигиз, сўзан тутиши учун яна қанча катта бўлиши зарурлигини чамалаб кўрган, бироқ қайтиб бу ҳақда отасига оғиз очмаганди.

– Ман сизга ўхшаб маҳсидўз косиб бўламанми? – деб сўраб юборди Фазли бу сафар.

Отаси мийиғида кулди, оғир бош чайқади. Нажиб доданинг одати шундай – мийиғида кулиши, бош чайқаб ё тебратиб қўйиши у кишининг айтмоқчи бўлган гаплари кўплигини англатса-да, ортиқча гапирмас, нари борса, уч-тўрт оғиз жумла билан кифояланиб қўя қоларди.

– Ман маҳсидўз эмасман, косиб эмасман, ман... – Нажиб дода шундай деб жим бўлиб қолди. Хаёли нималарга қочди, Фазли тахмин ҳам қилолмади. Афтидан отаси айтишга тараддудланган сўзларини давом эттиришдан ўзини тийди. Мутлақо бошқа мавзуга кўчди: – Худо хоҳласа, сан ўқимишли, олим одам бўласан, ўғлим. Кунинг косибчиликка қолмасину, лекин ҳозирча шуни ўрганиб қўйгин, демокчман, холос. Санга айтадиган гапларим кўп...

“Санга айтадиган гапларим кўп...” Фазлининг қулоғи остидан кетмади отасининг шу сўзлари. Қандайдир сирли қилиб айтди отаси. Бир оғиз айтилган шугина сўздан Фазли ўзини катта одамлардай ҳис қилиб қолди. Тенгқур, жонажон ўртоқлари кўзига ёш болалардай кўриниб кетди. Шу ўй-шу хаёлда кўчага чиқиб ўртоқлари билан мириқиб ўйнагиси келган дамларда ҳам ўзини тийди – отасининг ёнига чўк тушиб, бигиз сукиш, сўзан ўтказиб ип тортишни ўрганишга киришди. Айниқса, отаси махсус курсича қўйиб бергани, тиззага миндириладиган тахта “эгарча”, алоҳида мум, бигиз ва сўзан ажратгани, сўзанга ип ўтказишни ўргатгани, амиркон резгиларини тика бошлагани Фазлининг қизиқишини ошириб юборди. Бироқ қанча узоқ кутмасин, отаси Фазлига берган ваъдасини устидан чиқмади – айтадиган гапларини айтмади.

Фазли зимдан кузатди, кутди, назар солди, разм солди, шунда отасининг қўли ишда бўлса-да, хаёли бошқа томонларда эканини сезди, ўша “бошқа томонлар” қаерда бўлиши мумкинлигини яна ва яна ўзича тахминлар қилди. Айниқса намоз ўқишни бошлаган отасининг хотиржам-сокин тортишига маҳлиё бўлиб қоларди. Жойнамозни ҳў-ў неча йил бурун Зумрад опачаси тикиб берган. Қоп-қора матонинг беш жойи – отасининг икки оёғи, икки тизза ва пешонаси тегадиган жойларининг ранги оқаринқираган, ҳатто тик оёқда турдиган ери йиртилаёзганди. Зумрад опачаси келинликка узатилаётган кезлари янги гулдор жойнамоз тикиб, совға қилди. Отаси уни тутмади, эски жойнамозда ўқийверди намозларини. Фазли эса отасининг дуоларига қулоқ солгиси келар, лекин узундан-узоқ дуолар айтаётиб

отаси сира товуш чиқармасди. Фазли ҳарчанд отаси очилиб-эшилиб нималардир ҳақида сўзлаб беришини жуда-жуда истади, шунга қарамай, бирор марта бу ҳақда оғиз очиб савол қотмади, қизиқаётганини сездирмади, отасини очикчасига гапиршга ундамади.

Шу орада отаси ҳатто ўз туғишган укаси Фаттоҳ амаки билан ҳам очилиб, эмин-эркин суҳбатлашмаслигини билиб олди.

Фазлиларнинг ҳовлисига, ҳовлининг Нажиб дода косибчилик қилиб ўтирадиган этак томонига индамай-нетмай, чақирмай-товуш бермай кириб келадиганлар икки киши, уларнинг бири – Фаттоҳ амакиси эди.

...Фаттоҳ амаки оқсоқланиб қадам ташлаб олди очик равонда пайдо бўлди-да, акасига салом бериб, пастак дераза тоқчасига узала тушиб, ёнбошлади.

– Эшикдан кир, кўрпачага ўтир, – деди Нажиб дода укасига.

Фаттоҳ амаки бу илтифотга қулоқ солмади, деразанинг кенг-мўл тоқчасига обдон жойлашди-да, ёғи чиққан қалампирнусха гулли дўпписини ёнига қўйиб, бошини қартиллашиб қашлади.

– Эшиттийзми, Достон аяни уйидан тилла чиқибди?

– Бе-е, Достон аяда тилла нима қилади? Қизиқсан-а, Фаттоҳ.

– Ким билади дейсиз, эри каттакон бўлган дейишади...

– Машариф акани ман яхши билардим, тилла йиғадиган каттакон бўлмаган, қуруқ савлату ҳайбатдан бошқа ҳеч вақоси йўғиди.

– Қайдам... – Фаттоҳ амаки шундай деб бир зум жим қолди-да, тўсатдан мавзунини ўзгартирди: – тепамдаги нўғой ёмон жонга тегди-да.

– Сенга нима ёмонлик қилди? Ёлғизбош аёл бўлса? – сўради Нажиб дода қўлидаги ишини қўймай.

– Ока-а, биласизу, нўғойдан қўшнинг бўлса, деган гап бор. Уйига квартир қўйиш етмаётувди манга?! Қисталоқни, ҳаммасини думини тугмасам!..

Фазли шундагина амакиси “Қисталоқ” деган сўзни тилидан қўймаслигини сезиб қолди. Маъносини яхши тушунмаса-да, ҳақоратомуз сўз эканини тушунди-ю, нима сабабдан бунинг учун отаси укасига танбеҳ бермаётганига ҳайрон бўлди.

Амакиси яна кимлардир ҳақида, қулоғига чалинган олди-қочди миш-мишлардан гапирди. Гап орасида тўсатдан:

– Ока, эшиттийзми, Хручоп одамла уйида мол-ҳол боқмасин, депти! – дея гап бошлаб қолди. – Вой, қисталоғ-ей!

– Шовқиллама! – деб юборди боядан бери қиска-қиска лукма-ю, “ҳа”, “ҳм”дан нари ўтмай ўтирган Нажиб дода асабий. – Бир нарсани билганки, шундай деган! Котта одамлани гапи билан сани ишинг бўлмасин!

– Нага ишим бўмас экан, ока? Мани тирикчилигим нима бўлади? Чиғатой маҳаллада шовқилласам, Хручоп Масковда туриб эшитиб қоладими?!

– Эшитади, эшитгани учун ҳам коттакон-да!..

– У Масковда коттакон бўлса, ман уйимда коттаман!

– Юм! Юм, дедим!

Нажиб дода аччиғланганидан тутақиб, ўрнидан туриб кетди.

– Неча қайта айтаман, қачон ақлинг киради сани, Паттоҳ?! – Шивирлашга ўтди отаси: – Ҳар маҳаллада Хрушовни қулоғи бор, ахир. Шунга ақлинг етмайди-ю, ким қўйибди, санга сиёсат сўқишни!.. Мол боқмасанг, қўй ҳайдамасанг, оч қолмассанг?!

Акасининг танбеҳларидан ранжиди шекилли, Фаттоҳ амаки тўсатдан инқиллаб қад ростлади-да, кетишга чоғланди. Нажиб дода: “Ҳа, бошқа гапинг қолмадими?” деди ҳамон ўзини батамом босолмай. Фаттоҳ амаки худди чангини қоқайтгандек дўпписини тапиллатиб кафтига урди-да, бошига қўндира туриб ғудранди:

– Ҳовлида етти-саккизта қўй қолганди, Хручопни қулоғига етмасидан эгаларига топшириб кела қолай...

– Баттолсан, баттол! Билганингдан қолма!

Айвон қирғоғига етиб бормаган Фаттоҳ амакининг ҳузурланиб, томоғини қириб, калта кулгани эшитилди.

– Илми борлар билади, билгани учун қўрқади.

Отаси укасининг бу пичингига яраша қаттиқроқ гап айтиб юборади деб кутган-ди Фазли, йўқ, отаси тишини-тишига босиб, “Жоҳил-л!” деди-қўйди. Амаки эса равондан тушиб бораётиб ўзича ғўлдиради:

– Бир оми қўйчивон бўлсам, қўрқадиган жойим борми?! Қисталоқ!..

9.4

Ер бор, осмон бор, парранда бор, дарранда бор. Шамол бор, сукунат бор, тун бор, кундуз бор. Одамзод отлиқ жонзот бор. Ҳушингда кўрганинг қанча, тушингда кўрганинг қанча. Кўргансан-билгансан, илло-билло унутганларинг-паришон қилганларинг қанча?! Қумурсқада тиним йўқ, одамзодда – қўним. Ҳар нафас, қимирлаган ҳар жон ўзича-ўзгача бир ҳикмат.

Она қалдирғоч. Полапонлар учирма. Емиш қаҳат, нафас қаҳат – она қалдирғоч беҳаловат. Жўжалар бетоқат. Чирқ-чирқ, чирқ-чирқ. Она қалдирғоч учун уяда жой танқис, у уяга туташ бутага тармашиб тонг оттирар, кундузги жазирама ҳарорат ҳовуридан тушиб улгурмаган тун асноси жонга ором бермоқ учун ҳам шу алфоз тунамоқдан бўлак чора йўқ. Полапонлар, “чиғ-ғ – чиғ-ғ”, чиғ-ғ – чиғ-ғ”, она қалдирғоч безовта, мижжа қоқмаган, учиб чиқай-емиш излай деса субҳи козибга-да эрта, бу зимистонда емиш илинжи даргумон. Она қалдирғочнинг ўзи-да оч, наф сини тияр, жўжалар учун эса на тун, на кундузнинг фарқи бор: “чиғ-ғ – чиғ-ғ”, чиғ-ғ – чиғ-ғ!..”

Она қалдирғоч ўқдек отилиб ҳавога кўтарилди, зимистон узра узилган ёнар ўқдек айлана ясаб, зумда изига қайтди. Тумшуғида келтирган алланима томчини уясига чаплагудай шиддат-ла ўзини бута шохлари орасига урди, вужудини қоплаган қалтироқни енголмади, қаттиқ, безовта ва чўзи-и-и-б чувиллади. Полапонлар онадаги ҳавотир, таҳлика, танбехни илғамади. Бесабр, бетоқат. Ғимир-ғимир, ғимир-ғимир. Уя қирғоғидан бошини осилтирган, каппа-каппа очилган оғзини ёполмаган, найзадек сариқ тумшукчасини она қалдирғочнинг момик тўшига ботирган – емиш, емиш, емиш демиш, емиш!..

Она қалдирғочнинг борлиғидан қўркув ариди, зотан, полапонлар оч, оч, оч. Зорланади, интилади, тумшукчаларини борича очиб – вижир-ғижир, ғижир-вижир-р-р-р! Она парвозда. Емиш қайда, насиба қайда. Тонг, қора дарпарда, илинж-истак, илинж-истак.

Воҳ шабада, жонга жон қўшади, умид ва илинж туташади – валфажр.

Шабада тўш парлари орасидан ўтиб этига довор етди. Баландроқ, баландроқ, баландро-о-оқ-қ – замин оловидан омон қолмоқ умидида ҳашарот, қурт-қумурска, илон-чаён, парранда-ю дарранда... Одамгача осмони фалакдан паноҳ истагида парвозга-парвозларга-да шай!

Шу он, шу сония она қалдирғоч емиш излашни бир зум-бир он унутди, парвоз танини яйратиб юборди, устма-уст, устма-уст. Такрор ва такрор жўшиб-жўшиб, тўлиб-тўлиб, мастона-мастона вал фажр. Вал-л-л-л фажр-р-р-р. Вал-л-л-л фажр-р-р-р. Бир зум, бир зум уяда илҳақ-жонсарақ полапонлари фаромуш. Тиккасига, тиккасига кўтарила-кўтарила туйқус қанотларини йиғди – бамисоли қайроқ тошга айланди-шайланди, шайланди – ҳо-о-ов-в олисда нимадир “йилт” этиб кўзга қадалди. Йилт этди-ю... Бу ёруғ очунда қалдирғоч қавми кечмишида

кўз кўриб-кулоқ эшитмаган ҳодиса юз берди – она қалдирғочни шайтон йўлдан урди, йўлдан-йўлидан озди она қалдирғоч, маъсум-мунис-беозор она қалдирғоч қалдирғочлигини унутди – учиш завқи, емиш илинжи ўрнини ақл бовар қилмас буткул бегона, етти ёт... Ёвуз илинж-истак ишғол қилди. Бегона или-инж-ж, ёт илинж-ж, саркаш илинж-ж яна, яна ва яна-а-а-а шў-ў-ўнғиди-и-и-и!

Субҳи козиб. Зимистон. Она қалдирғоч йилт этган оқ-оппоқ дур сари, гавҳар сари, инжу сари етди-и-и!.. Тумшугига илди ҳам-м, қанотларини азо-от ёзиб, осмони фалакка кўтарилди. Тумшугидаги емишни қандай жондорнинг оғзидан илиб кетганини ўзи-да, пайқамади. Шабададан-шамолдан, тумшугидаги емишдан – дур емиш, гавҳар емиш, инжу емишдан сархуш эди. Чунонам сайради-и-и!..

Сайради-ю, оҳ қимматга тушди, қимматга – бунақаси бўлмаган – фавқулободда насиб этган насиба эрибгина-томибгина тумшукчасининг ёнидан сув заррасидек оқи-и-б туша кетди. Оғзидаги насиба!.. Она қалдирғоч қанотларини ёнбошига босганича жимит томчидай насибасини қувиб-қувалаб пастлайверди, пастлайверди, шунда, шу он энг ёруғ юлдуздан-да йироқлардаги юлдузлардан бири кўкнинг бағрини тилиб, ёниб учди. Оташ алангадан ажраб чиққан учкун сўна қолмай шиддат-ла ер-замин томон яқинлашди. Шиддат сўнмаса, учкун заминга етса оламга ўт кетиши муқаррар! Ў-ў, хайрият, офат-фалокат ерга етиб келмади, қора зулумот қаърида кумуш ипдек чўзилиб пастлаётган учкун она қалдирғоч тумшугидан тушириб юборган ва тутиш илинжида қувиб бораётган симобий томчига туташди-ю... Боядан буён майин эсаётган шабада туйқус шамолга, шамол қуюнга, қуюн қиёмат даракчиси – тўфонга қўбди...

9.5

Ш... Ш... с-с... у... В... В-В...

Ш... Ш... с-с... у... В... В-В...

Тун, зимистон, сукунат – учов тил бириктирган. Ер юзида ҳаётдан асар қолмади ҳисоб. Осмондан ёғилган алангаи оташ замин у тупроқни, кум-тошу, кир-адирни кўз илғамас аланга комига тортди. Паға-паға, увринди булутларга-да ўт кетди, булутлардан ҳў-ў тепада жон сақлаган жимир-жимир юлдузлар заминдан кўтарилаётган оташ тафтига дош беролмай бирин-сирин, бирин-сирин қуйиб-эриб-оқи-иб тушмоқда. Юлдуз экану, офтобнинг ўзи-да ўз иссиғидан қочарга жой тополмаётгандай, ҳадемай симобдай эриб... Ёруғ очун – жаҳаннам. Қайдасан, субҳ нафаси, қайда?! Рўйи замин муштоқ бул нафасга, рўйи замин! Тошдек дамқисди ҳаво, майин-бахмал нафас қайда?... Чор теваарак кета-кетганча паст-баланд тоғ, кир-адир, поёнсиз дала-биёбон. Осмон тоқисидан ерга энкайган аждаҳо ҳавони юҳодек сўриб, тортиб олмоқда, ўрнига ўрин қасдма-қасдига ўт-олов пуркар, бунга сайин тирик ва қимирлаган жон борки, ҳолдан тойган, тақдирга тан берган, симобдай эриб завола топаётган юлдузлар янглиғ бепоён ажал саҳросида жон таслим этмоқдан ўзга чора қолмаган...

Баногоҳ самодан то курраи арз узра бирдек сидирга қора парда тортилган зулмат қаъридан қуёшнинг заррин толаси уч берди. Зар тола, зарҳал тола, ипаклари тилла тола. Бир-бирига қалашган-чирмашган тоғ тошлари тоқат қилишдан кўра чарсиллаб-чирсиллаб, ёрилиб-уқаланиб тақдирга тан бермоқликни афзал билдилар. Уҳ-ҳ-ҳ!.. Болохонали уйдек келадиган харсангтош чатнаши оламни ларзага солди, сукунат оғушидаги сарҳадсиз яланг дара узра қасира-қусур, қасира-қусур шовқин қўбди, катта-кичик, майда-йирик қиёматли кўни-қўшни тошларга жон кирди... “Шақира-шукур-р-р” шовқин уларнинг паймонаси тўлганини даракловчи сўнгги нидо вазифасини ўтади. Силжиш палласи етди, силжиш. Силжияпти. Ҳе замонлардан жойидан жилмаган, қору ёмғир, шамолу бўрон, офтоб нурлар-ю ер

ости силкинишларида қилт этмаган тошлар кум-тўзонга айланиб жилға ясаб оқиб тушмоқда... Уқаланиб, увалани-иб, лойқаланиб-жилғалани-иб оқмоқда...

Жилға “суви” кутурган махлуқ янглиғ овсарона шитоб ила пастга энди, дуч келган тўсиқни бузиб-ўпириб-емириб-янчиб-эзгилаб-ювиб йўл очиб бораверди. Бу шитоб-бу шиддатда... Хайрият, тош-сув туйқус тўзонга айланди, тўзон сассиз-не-сиз жазирама ҳавода муаллақ қотди: ғимир-ғимир, жимир-жимир сузишга тушди. Жилди, жилди, жилди – узоқлашди. Олис, олис, олислашди, жондор тусига кирди. Жондор!.. Махлуқ!.. Йиртқиш! Ваҳший!.. Ёвуз!.. Мараз!.. Касофат!.. Очкўз!.. Ғаддор!.. Илон!.. Чаён!.. Номи йўқ – номсиз. Афти йўқ, беном-бенишон!.. Уҳ-ҳ, йўқ, топмадим, тополмадим, айтолмадим – сўз қолмади, сўз! Қани, қаердасан, мен истаган малъун сўз! Эшитинглар! Мен топмаган сўзни сизлар топинглар. Тилларингдан тушмасин – огоҳ бўлинглар, огоҳ этинглар! Кулоқларингдан қолсин, бу сўзни илмаган кулоқлар ситилиб оқсин, оқсин, ситилиб-б-б! Фаҳми етмаганларнинг фаросатига қўйдирги чиксин, қўйдирги-и! Қиёмат, қиёмат, қиёмат! Дунёнинг бўғзига, бўғзига эмас – путига суяк тикилди у, у, у-у-у-ув-в-в, хик-қ!..

Борлиқнинг жони бўғзида, пути-чатаноғида. Вой хўрсинди, дод хўрсинди, ўл хўрсинди.... ш... ш... с-с... у... в... в-в... уланди. Дўзахий саратоннинг лутфи, лисони, имдоди... Шивир-шивир, шивир-шивир, шивир-шивир... Сукунат саси... Замину тупроқ, тоғ-тош, шох-бутоқ оралаб кўним топган чанг-ғубор “шс-у-у-ув-в-в” нағмасига хиром айлаб, баногоҳ маҳзундан-маҳзун ўлим рақсига тушди...

Қуриб-қовжираб қорақуяга айланган ўт-ўлан гўё қайтиб яшил тусга кирмок илинжида тебранди. Қора кукун тўзғиди. Тўзғиган кукун қоп-қора ўрдак шаклига кирди, ўрдак шаклига! Пакана ўрдак гердаиди, калта бўйнини чўзди, қанотларини тапиллатиб қичқирмоқчи бўлди, қанотларининг қулоқ отишидан шабада кўз очди, шабада – шамолга, шамол – қуюнга, қуюн – тўфон-гирдобга айланди – тўппа-тўсиндан атроф-жавонибни комига тортган чанг-тўзон, шовқин-сурон ичидан... турқи-таровоти, ранг-рўйи алмойи-алжойи жондорчалар тариқдек сочилиб тирақайлаганича тарқалди. Бир кўзли, бир шохли, уч-беш, ўн... юз оёқли жинқарчалар!.. Шамол – бўса, шамол – фитна, шамол – алдамчи, ёвудан-ёвуз – саёқ, саёқ, саёқ: қуён тулкига тармашган, така бияга иргиган, қарға қарчиғайга, тошбақа илонга элакишган. Оққуш лочинни мўлжалга олган!.. Нима бу, не манзара бу?! Нима қилиб қўйдинг, шамол?! Қурибгина кеткур, бадбўй ўрдак?! Қара, қарагин, кўкда чарх уриб айланаётган она қалдирғоч ўкдай ербағирлаб учиб қавагидан бош кўтарган қоп-қора илон билан ўпишди... Ўпишди-и-и!.. Илон тўлғониб мувозанатини йўқотди, ирғиб яна қад ростлади – таёкдай тиккайди, тим қора осмони фалақда ғойиб бўлган сархуш қалдирғоч тагин бояги шиддат ила тошдек шўнғиди-ю... Қалдирғоч билан илон чиппа қовушди-қўйди!... Одамсимон йиртқишлар, йиртқишсимон одамлар, ҳайвонсифат паррандалар, даррандасифат махлуқлар – бари жонли – қўл-оёқлари, қўл ва думлари ва яна ялонғоч алланима-балолари пайдар-пай ғимирлашга, пай-пасланишга тушди. Бирор нарсани таниб-илғаб бўлмас – на турки, на зоти, на жинси, на-да бошқасини англаш душвор.

Дунёга нима бўлди, нима бўлмоқчи, дунё?! Уюр, тўзон, ғубор, қўланса кул-кукун-курум. Воҳ қуюн! Оҳ оташ! Вой қайдасан, бир чимдим ҳаво?! Ана! Ана! Ана! Ана-а-а!..

Ана, қора қурум қуюн-махлуқ чатаноғидаги беўхшов, сертук дастмойасини санланглатиб туйқус қуюқ ва сертикан юлғунзор қоплаган қавакка бориб урди... Чунонам урди!.. Ёввойи, ваҳший, ёвуз! Телвакезик саёқ шамол-а!.. (Шавкат Раҳмон мисраси.) Қиёмат кўпди, қиёмат! Шафқат қил, тақдир, шафқат! Ўзинг асра бу қисматдан, қисмат! Гуноҳим не, ёзмишим не, мен бахти қаронинг?! Ол, жонимни ол, бу кунингдан кўра! Қочаман! Қаёққа, қандайига?! Қуюқ ва сертикан, лекин

қақраган юлғунзор кавакка ўт кетган, қуюн-махлукнинг теракдек-теракдек узун оёқлари орасидан бесўнақай сабил қолгури сўлжайганча лапанглаб соя ташлар, бадбўй қора ўрдак-махлукнинг афт-ангорини англаб бўлмас... Афтинг курсин! Турқингга ўт тушсин!.. Иркит, иргамчик шилимшиқ оби ёвуз тизиллаб отилиб шатира-шутур, карсо-карслаб қуюк ва сертикан, қақроқ юлғунзор орасида очилган қизғиш ўт-оташ туйнукка сингиб-шимилиб улгураётганди... Ёмон ботди. Тиғдек ботди. Айилдек ботди... Бу ёруғ олам гумбазининг бу томонидан уриб у томонидан ўпириб чиққудек ваҳшат билан!.. Ғирч-ч этди, гуп-п этди, тошиб чиқди, қирмизи тусли ўт-оташ ошён қаъридан вулқондек отилган “О-о-о-ҳ-ҳ!!! Нима қилиб қўйди-и-и-м?!” деган нола, ғигон хануз кўзга кўринмас гулханнинг кўз илғамас алангаси тутган ҳавода муаллақ қотди.

Қуюн-махлук узун мўридан тиккасига кўтарилаётган қора тутун янглиғ дум чиқарди, сўнгги мисқол жонини асраш қасдида олға ташланди – ташланмади, балки тапира-тупур, дўпира-дупур, гурсо-гурс... Тапира-тупур, тапира-тупурлатиб тахта зинапоядан болохонага кўтарилди, юз берган олатасир, разолат шовқинидан ўтакаси ёрилган жин-ажиналар мангу қоронғи йўлакдан тумтарақай, тумтарақай... Қуюн-махлук болохонадаги бўйрадек яйдоқ тақир ерга чалқанча ётди-ю, кўкка қарата наъра тортди. Ўкраб юборди.

Қутб юлдузида чатнаган чакмоқдан сомон йўлига ўт кетди. Қуюн-махлук ўзини ерга урди, тупроқ тўзиди, алам, ўкинч, хавотир-хатар, ор-номус, иффаторият қоришиб кетди... Қочяпти!.. Қоч, бояқиш!.. Йўқол, йўқол, малъун! Ўлакка! Қирил-кирилиб кет, чўчка! Тўнғиз! Илон! Чаён!.. Жонингни асра. Афтинг курсин, кўзларинг кумга тўлсин, бача! Туғиб қўйдим... Сани туккунча қонимга, пўқкимга беланганим фароғат-шараф эмасмиди?!

Ё, Парвардигор! Мен ҳақирда не хусуматинг бор, нечун манглайимни балчиққа буладинг, Тангрим?! Нима қилди-им? Нима қилде-енг, яратмиш? Нима, нима, нима-а-а?!

Қора қуюн, қора ўрдак, қора йўлак, қора фарёд, қора гўша... Зил-замбил сукунат. Жимжитлик замин узра қилтиллаб турган ҳаёт аталмиш алламбало бир НИ-Манинг паймонаси тўлиб борётгани аломати-унсури ўлароқ лорс-лорс-лорс...

Тўс-тўполон. Қиёмат. Давом, бардавом, бу ҳолда... Бир пас, бир нафас... Ҳой, малъун, йўқол, йўқол, кўзимдан йўқол!.. Астағфириллоҳ, астағфириллоҳ, ғимир-ғимир, ғимир-ғимир... Жон кирмоқда, жон... Воҳ Парвардигор, раҳмингни дариг тутма! Ўзинг асра бандангни, бандаларингни!.. Мен шўрлик, мен бахти қаро, мен бадбахт! Юзи қора, толеи тубан!..

Бадбўй қора ўрдак бошини силтаб ортга бурди, ўрадек оғзини қаррақдек очди – мурғак чақалоқнинг ожиз инграши эшитилди, инграш тўсатдан наърага айланди. Қоп-қора наъра, зулмат наъра, ғайрибашарий наъра, ёвуз ва малъун наъра.

...Тақир кўрпача муздек тер ва қон аралаш шиптирдан шилтаси чиқиб ётарди...

9.6

Тўхта ақаси шошилинич касалхонага олиб кетилган, шу сабабли қўй-қўзилар қўрадан чиқарилмаган куни, вақт пешиндан ўтганда уйдагилар бесарамжон бўлиб қолишди. Додаси акалари билан, сўнгра онаси Малоҳат ва Мунира опалари билан шоша-пиша Фаттоҳ амакиникига чиқиб кетишди. Ҳамманинг оғзида битта гап:

– Тўхтавойни ичаги ёрилиб кетибди!

Фазли бу гапнинг нимаси ваҳимали ёки кўрқинчли эканини тушунмади, югуриб чиқиб Лутфуллани, Яҳёни чақирди.

– Тўхта ақамми ичаги ёрилиб кетибди! – деди у ҳаллослаб.

– Вой, – деб юборди Лутфулла. – Катталардек ранги гезариб. – Ичаги ёрилса, одам ўлиб қолади! Мубор аммам айтган!

– Кетдик! – деди қандайдир кўнгилсизликни сезгандек Яҳё.

Учовлон югуришди. Фазли югуриб бораётиб ҳам ўйлади: “Тўхтавой ақам ўлмайди, яна пича пул йиғса шу кузда уйланади, яхши одам у, ўлмайди. Отам Файзиев дўхтирни айтиб келади, зўр дўхтир у, Тўхтавой ақамни даволаб қўяди. Шура опа ҳам роса зўр дўхтир, ўрис бўлсаям фақат ўзбекча гапиради. Ўтган киш Маъфура синглиси ўлиб қолганида келиб, аччиқ-аччиқ йиғлаб гапирган, Мунис онага: “Менга берсанг, ўзим боқиб берардим, ўлимдан сақлаб қолардик қизингни, апа!” деб қаттиқ-қаттиқ койиганди. Чакалоқ синглиси беланчақда ётганди, кун бўйи, айникса, тун бўйи нафаслари қайтиб-қайтиб, “чирр-чирр”, “биғғ-биғғ”лаб йиғлади, онаси, опалари, ҳатто Фазли навбатма-навбат тебратиб ўтиришди – фойдаси бўлмади – бир маҳал, тонгга яқин шекилли, Маъфура синглисининг эмас, онасининг хўнграб йиғлашидан уйғониб кетди Фазли. Учала опаси онасини қуршаб олишган, улар ҳам юм-юм йиғлашар, отаси эса ҳовлида у ёқдан, бу ёққа жимгина бориб келарди...

Қўшни тупикка кириб боришлари билан Фаттоҳ амакининг ўкириб йиғлаши ўша – беланчақда ётган синглиси ўлган пайтда онасининг йиғлаганини эслатиб юборди:

– Вой, жигаре-ем! Нима кип қўйди-им, жигаре-ем?! Вой, ман ўлмайманми, Тўхтамуро-од?! Нега сан ўласа-ан, Тўхтамуро-од?! Тепадаги келгиндиларни оёғи оғир келди, Тўтамуро-од! Шум қадамлар еди сани, жигаре-ем!..

Ичак кўчадаги амакисининг эшиги ёнида отаси, акалари, яна бошқа кишилар тўдалашиб турганига кўзи тушар-тушмас Фазли ўпкаси тўлиб, хўнграб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди. Уч-тўрт ўспирин йигит усти ялонғоч тобут кўтариб келишди. Фазли Тўхта ақасини кўргиси келди, ўлган одам қандай бўлишини билмасиди, лекин у ёш бола, бу маҳаллада ёш боланинг хоҳиш-истаги билан катталар ҳисоблашишмайди. Ичкарига киритишмади, Тўхта ақасининг оқ-сарикдан келган, рангпар чехрасини кўз олдига келтиришга уринди, уринди – йўқ, бефойда, мусичадай ювош, беозор ақасининг юзига бирров разм солиш Фазли учун армон бўлиб қолди, армон...

Шом қоронғиси чўкмай бирдан одамлар кўпайиб кетди – кекса, ёш эркаклар, кўпчилик бошига дўппи кийган, хомуш. Фазлининг қулоғига, “Ёш кетибди, эссиз”, “Ичаги ёрилиб кетибди, бояқиш”, “Беозоргина эди-я!..” сингари ачиниш аралаш айтилаётган гаплар чалинар, шу-унча одам яхши сўзлар билан эсласа, астойдил ҳамдардлик билдирса, Тўхта ақаси ўлмай қоладигандек туюларди.

Тўсатдан тор кўчани тўлдирган издиҳом икки томонга ажралиб ўртадан йўл очилди. Фазлининг кўзи Ризки тоғасига тушди. Катта тоғаси басавлат одам, уни кўрган одам бирдан хушёр тортади, ҳатто унинг олдида ўзини ночор ҳис қилади. Тоғанинг қаригани сезилиб қолган эса-да, ҳамон салобати босарди одамларни. Фазли тоғасининг ҳасса тутган қўли қалтираётганига эътибор берди. Тоға хўмрайиб Нажиб дода билан қўл олишди, ёнидагиларга сезилар-сезилмас бош ирғаб саломлашди.

– Неча ёшдайди? – куруққина савол қотди тоғаси, авзойини ўзгартирмай.

– Йигирма учда. Шу йил уйлантирмоқчи эдик...

Тоға афсус маъносида бош чайқаб, издиҳом орасидан кимнидир излади. Дўхтирликка ўқиган тўнғич ўғли Абдурахмон одамлар орасидан чиқиб келди-да, бошини гуноҳқорона солинтириб, отасига салом берди.

– Бордингми? Суриштирдингми? – сўради Ризки тоға, овози титраб.

– Бордим. Операция оғир ўтган, лекин яхши чиққан. Фақат... – Абдурахмон ака шундай деб, Фаттоҳ амаки томон ер остидан қараб қўйди, сўнг овозини пастлатиб, деди: – Амаки лимонад ичириб қўйибдилар... Дўхтирлардан бесўроқ... Ёрилиб ке-

тибди...

Ризқи тоға аввал Фаттоҳ амаки, сўнг Нажиб дода томон еб юборгудай ўқрайди.

– Лимонад ичирмай ман ўла-ай-й, Тўхтавой, жигаре-ем!

Ризқи тоға Фаттоҳ амакига орқа ўгирди, кунботар томон бир қур разм солди-да, “Чиғатойгами?” деб сўради.

Нажиб дода тасдиқ маъносида бош силкиди.

Йиғилган халойиқ бирдан ҳаракатга тушди, ўспирин йигитлар тобутни ердан кўтаришди, елкага олишди. Тумонат орасида Фазли болохона деворининг ўпирилган жойидан Бақонинг хўмрайиб тек қотиб турганини кўрди.

Тош қўча тўлиб кетди. Издиҳом гузарга етганда тумонат ёпирилди, таниш-нотаниш олдинма-кейин тобутни кўтариб бир неча одим юришар, дуо қилиб кафтларини юзларига тортишар, уларнинг ҳар бирини синчиклаб кузатгани сайин Фазлининг ўпкаси тўлиб кетар, дам йиғлаб-дам жим бўлиб қолар, энг оғири, энди Тўхта ақасини қайтиб кўрмаслигини, унинг бошчилигида Хотинкўприк томонларга пода ҳайдаб бормаслигини тасаввурига сиғдирилмасди.

Тўхта акани Чиғатой қабристониға – ҳар куни эрталаб ва окшом пода кетидан юриб-оралаб ўтишадиган қабристоннинг овлоқ бир чеккасиға дафн этишди. Фазли одамлар орасида Хайри қилтириқни, Мираҳмадни, бошқа подавон болалар маъёс тортиб туришганини, яна нарироқда кўзларидан шашқатор оқаётган ёшларини дўпписига артаётган кал Петкани кўрди. Тўхтавой аканинг ўлимиға ўзи сабабчидек хомуш ва маъёс тортиди...

9.7

Эрталаб барвақт супада ётган Фазли гўнғир-гўнғир овоздан уйғониб кетди. Кўзини аранг очганди, отаси билан онаси Шукур ақасини ўртага олиб туришганини кўрди. Отасидан кўра, онаси кўпроқ гапирар, тинмай насиҳат қилар, насиҳатларининг бари, “Ўзингни эҳтиёт қил”, “Хушёр бўл”, “Ёлғиз юрма” қабилидаги гаплар эди. Шукур ақаси фақат “Хўп-хўп” билан онасини тинчлантирар, дам-бадам каттагина, дум-думалоқ қопчиғини туртиб-туртиб кўяр, афтидан уни кўчада кимдир кутаётган, шу боис шошаётгани сезилиб турарди.

Фазлининг эсига тушди – Шукур ақаси бир неча кундан буён сафарга отланаётган, дастурхон атрофида ўтиришганида у практикаға бирга боришға ҳозирлик кўраётган ҳамроҳларини номма-ном тилға олар, практикани ўташ мўлжалланган чўл-сахрони таърифлашға тушиб кетарди.

– Ўша чўл-сахро қаерда? – деб сўради Мунира.

– Қорақалпоғистонда, – ақасининг ўрниға жавоб берди Иззат.

– Борса келмас деб аталади, – қўшимча қилди Шукур ақаси.

– Э, номи қуриб кетсин! – деб юборди Мунис она. – Бошқа номи йўқми?

Нажиб дода билан Шукур ақаси кулиб юборишди. Нажиб дода кампирига юпанч топди:

– Устюрт деса ҳам бўлади.

Гурунждан Фазли ҳам четда қолмади.

– “Практика” нима дегани, ака? – дея саволға тутди у Шукур ақасини. – Чўлда нима қиласизлар?

– Тошкентда илмий институтда ишлаймиз, ўқиймиз, Устюрт чўлиға бориб ер остини текшираимиз. Тўрт томон чўл – уч-тўрт кунлаб машинада юрсанг ҳам чўлни охириға етмайсан. Катта-катта калтакесаклар, юмронқозиклар, тошбақалар, илонлар ҳар қадамда учрайди. Ўша жойларда газ қидирамиз.

– Газ?!

Оила аъзоларидан ҳеч ким газни кўрмаган – газни билмасди. Шукур акаси тушунтиришга уринди:

– Ўша чўлни остида газ бор, газ кони, ўшанинг қанчалигини текшираимиз.

Фазли ханг-манг бўлиб қолди. Сўради, саволига яраша жавоблар олишга-олди-ю, кўп нарсага тушунмади: чўлнинг остига газ қаердан келади? Унинг қанчалигини қандай қилиб аниқлашади? Ўзи Шукур акаси геологликка ўқиётганини билганида сўраган, шунда Малоҳат опаси, “Геологлар олтин излашади”, деб жавоб берган, ўша-ўша ким сўраб-суриштирса, Шукур акам олтин изловчиликка ўқияпти, деб юрарди.

– Яна балиқ опкеласизми? – деб қолди у тўсатдан акаси йўлга шошаётганини билгач, чунки аввалги борганида у “практика”дан қайтишда Фазлининг қулочи етмайдиган катталиқдаги балиқ олиб келган, қулочи ҳам майли, тиккасига таққослашганида, балиқ унинг бўйидан узун чиққан, “Чўлда балиқ бўладими?” деб “эзмалик” қилганида, акаси: “Устюртнинг нариги томони Орол денгизи, балиқ ўша денгиздан тутилган”, деб жавоб берган, кўчадаги барча ўртоқлари ёпирилиб кириб, икки-уч кунгача балиқни томоша қилишганди.

– Эсон-омон бориб кел, ўғлим, йўлинг бехатар бўлсин, – дея оқ йўл тилади Мунис она, қайта-қайта дуо қилди.

Нажиб дода одатдагидек сўзни чўзмади:

– Хушёр бўл, Шукур, Оллоҳни паноҳига, – деди-қўйди.

Акаси билан хайрлашган Фазли ширин уйқунинг келган жойидан давом эттириш ниятида чойшабга бурканди. Эндигина кўзини юмган ҳам эдики, ҳали тўла ёришмаган ҳовли узра ғалати чақирик таралди:

– Яҳёид-д-и-и-н-н!.. Хў-ў-ў, Яҳёид-д-и-и-н-н!

– Яҳёид-д-и-и-н-н!.. Хў-ў-ў, Яҳёид-д-и-и-н-н!

Бу овозни бошқалар ҳам эшитишди. Қутбиниса хола шошиб қолди. Унинг ўғли Яҳёни чақиришяптими? Тонгги ширин уйқудан уйғотишмоқчими, унинг арзандасини?.. Тавба!.. Хола нима қилишини билмай, шошқалоқлашиб уйга кирди. У ўғлини уйғотмоқчи эди.

– Йўғ-е! Тинчликми? – сўради Жўрим амаки қулоғини динг қилиб.

Овоз яна такрорланди:

– Яҳёид-д-и-и-н-н!.. Хў-ў-ў, Яҳёид-д-и-и-н-н!

– Яҳёид-д-и-и-н-н!.. Хў-ў-ў, Яҳёид-д-и-и-н-н!

– Бунақасини эшитмаганман, – деди амаки елка қисиб. Сўнг оппоқ гулдор чойшабга чирмалиб ётган Яҳёга қўл силтади. – Ёш боланинг овози... Маҳаллада бунақаси йўқ эди... Сани ақлинг етмаган, муштдай бола тушунарипти, буни!..

САБАБИ...

10.1

Ҳамон тенгқурларидан ўзини тортиб деворга суянганича бир чеккада Бақонинг тош отишини кузатиб ўтирган Хўжа Лутфулланинг “топқирлиги”ни эшитди-ю, кулаверганидан қорнини чангаллаб ерга думалаб қолаёзди. Овозининг борица “Маладес-с!” деб юборди, “Қаттан топдинг, бу гапни, Лути?!” деди-да, орада, “Сан ҳам маладес!” деб Бақони ҳам олқишлаб қўйди.

– Маладес-с! – деб унга жўр бўлди ўтирган жойидан Ҳасан бобой, ким ва нима сабабдан “маладес” эканини суриштирмай.

– Қорнида бола е-эс!

Фазли Лутфуллага “жим” дейишга ҳам улгурмай Минов опоқининг эшиги тарақлаб ланг очилди-ю, очилганича қотди ва дастлаб ичкаридан узу-ун таёқ чиқиб келди, сўнг таёқ тугаган жойда уни маҳкам чангаллаган Минов опоқининг қорамтир, ажин қоплаган ва қоксуяк қўллари кўринди.

– Лути, куён! – деди Мираҳмад. Бирок Лутфулла жуфтакни ростлашга улгурмай, унинг бошида таёқ ўйнади.

– Типратикан! – дея масхаравозлик ўйинини бошлади Яхё.

– Туякуш! – деди Мираҳмад.

– Типратикан, туякуш парранда эмас! – деб Яхё билан Мираҳмаднинг оғзига урди Фазли.

– Сассикпопушак! – деди Хўжа.

– Зағизғон! – қатордан қолмай деди, Ибод.

– Майна!..

Бақо эса бундай “ўйин”ларни тушунмас, шу пайтда болалар айтаётган жондор уживорларнинг тош ташлаш ўйинига қандай дахли борлигини ҳам билмасди.

– Биронта қушни отини айт! – деди унга, Бақонинг ўртоқларидан ортда қолиб кетишини истамай, Фазли.

Бақо бир зум ўйлаб турди-да, айтди:

– Синица...

Болалар бараварига қулиб юборишди.

– Ўзинг, синисса! – деди Бақони масхара қилиб Мираҳмад.

Минов опоқи болаларнинг “пайрови”га қулоқ солмади.

– Бола эс, дедингми?! Кимми қорнида бола эс? – У шундай деб таёғини Лутфулланинг биқинига тиради. – Биқинингдан дарча очсам, биласан, кимми қорнида бола эс бўлишини!

Лутфулла бўш келмай, ўзини оқлашга тушди:

– Ҳасан бува “маладес” дедилар, ман Хўжани қорнида бола е-эс, дедим. Бобойни қорнида бола нима қилади, опоқи?!

– Ху-у, топган гапинг қурибгина кетсин! Қайтиб чолимми масхара қилиб кўргин, маши таёқни оғзингга!..

Болалар Минов опоқининг кўлидаги таёқ қандай қилиб Хўжанинг оғзига кириб кетишини кўрмоқчидек унга қарашди.

– Ким маладес? – тош отиш ўйинига қўшилолмаганидан қовоқ уюб ўтирган Ибодулла бирдан мулойим тортиб, савол қотди.

– Бақо маладес-с! Ҳаммангни болади! Бақо...

Хўжа жавобини тугатмай Фазли энди ўртоқларини очиқчасига жеркиб ташлаб ўртага чикди.

– Бўлди қилинглар! Хўжа, Ибод! Ўйинни бузипсанлар! Бақо ютдими-ютди. Бўлди, гапни чўзмаларинг!

– Баракалло, акам Фазле! – химоячи топилганидан енгил тортиб деди Бақо. – Гап сотмасинлар, битта-битталаб тошча чўзсинлар.

Ўйин иштирокчилари истар-истамас битта-биттадан тошчани Бақонинг кафтига ташладилар. Фақат Яхё ўйин шартини адо этишдан бош тортди. Ҳамма савол назари билан унга қаради.

– Ҳа, давай! – ўдағайлаб кўлини чўзди Бақо Яхёнинг ёнига келиб. У худди яланг оёғига тош ботаётгандек ёки тикан киргандек билинар-билинемас лапанглаб юрар, вақти келса, шундан ҳам болалар мазах учун гап топишарди. Бақо нажот истаб Фазлиддинга қаради: – Гапир, ўртоғингга, Фазле.

Фазли оғиз очишга улгурмай, Яхё бош тортиши сабабини айтди:

– Бақо ғирром ўйнади, бермаيمان.

– Иби! Вой! Қани, қаери ғирром?! Ҳаммаларинг қараб турган, биттадан тош берган, энди биргина Яки...

– Мен бермайман! Гирдиними-гардиними тозалайман деб чуқурчани кавладинг, чуқурлаштирдинг. Шунинг учун тошларинг ўйнаб кетмади. Қолавурса, биттаси ичига тушмади, қайтиб чикди.

Кўчани ғала-ғовур тутди. Ҳасан бобой жиддий ва ғоятда муҳим янгиликдан бе-хабар қоладиган одамдек, кафтини кулоғига қўйиб диққатини жамлади. Кутилма-ганда Ибодулла ўртага чикди.

– Ҳў, болалар! – деди у одатича салмоқланиб, бунинг устига у димоғида гапи-рарди. Шунданми, унинг товуши дағдағали эшитилди: – Чуқурчани тозаласа-тоза-лабди, бу муҳим эмас. Биз учун... Биз маҳалламизга янги келган болани асл нияти қандайлигини эшитмадик. Ниятинг тозамиди, ўзи, Бақо? Данғалига айтмайсанми?! –

– Нияти кир бўлмай тоза бўлармиди?! –

Ҳамма осмондан тушгандай пайдо бўлган ва можарога аралашган Омадга қаради.

– Об-бо-о! – деб юборди Ибод энсаси котиб, кўмак кутгандай Мираҳмадга ер остидан қараб. – Ўзинг бир гаплашиб қўймасанг бўмайди, Мираҳ.

Ибодулла сўзини тугатмай Мираҳмад жанжалга сурбетларча тумшугини суққан Омаднинг олдида югуриб борди.

– Э, манга қара, Омадмисан, Омаджонмисан, кичкинамисан, бир туёгингни шиқиллатиб қол! Давай, қани, қаёқдан кеган бўлсанг ўша ёққа торт, қадамингни!

Бошқалар Омад кичкина ҳозирок жуфтакни ростлаб қолишини кутишганди, йўқ, у кутилмаганда жўжаҳўроздай жигиллаганича Мираҳмадга юзланди.

– Ҳайдаяпсанми? Мени-я?! Кетайму? Менинг керагим йўқму? Қиёматли кўшни бўлиб ёқа бўғишаверасанларму? Муштлашасанларму? Кимнинг нияти оқ ё қоралигини билмоқчимисанлар? Шуни билолмаяпсанларми, шафеқ?

Тўдалашиб, бегона болани ҳайдаб солишга киришган болалар бараварига жўрликда кулиб юборишди, Фазли унга анграйиб қолган, Мираҳмадда эса бояги жаҳл-ғазабдан асар ҳам қолмаганди.

– Давом эт, яна саволларинг борми? – деди у энди мулойим тортиб, Омадга.

– Шу боланинг нияти оқ бўлиши мумкинми?! –

Бирдан ҳамма жим бўлиб Омад қўлини бигиз қилиб кўрсатаётган Бақога қараб қолишди. Буни Бақо ҳам кутмаганди.

– Афтидан, кўзидан кўриниб турибди-ку!

– Нима кўринвотти? – дудуқланди Лутфулла.

– Сенлар эмас, буни унинг ўзи ҳам билмайду, – гапни қисқа қилмоқчидек шаш-ти пасайди Омаднинг.

– Нега? – деб юборди Фазли. – Нема билмас экан?

– Кўзига қаранглар, шафеқ, кўзига. Бу – одамнинг кўзи эмас, бу кўзлар тубида яхши ният бўлмайду. Буни ўзи ҳам билмайду, ўзи ҳам!

– Ана-а, боло-о!

– Мана-а, офа-ат!

– Касофа-ат!

– Ким боло? Ким офат? Менми, касофат?! –

Бақо давра куриб олган болаларга қарши якка ўзи муштлашишга шай тур-гандек, ўртага чиқиб олди. У аланг-жалаң қилар, унинг шаънига ким нима деб таъна ёғдирган бўлса, уларнинг ҳар биридан айтган сўзига жавоб, далил талаб қилаётганди. Ниҳоят, Омадга рўпара келган жойида тўхтади.

– Кўзингга кўлимни суқиб олайми?! Кимсан, ўзи?! Ўзинг қандай одамсен? Сен шафеқ-рафеқ эмас – бузғунчи, бузғунчи сен!

Омад заррача пинагини бузмади, Бақонинг дағдағасидан чўчимади ҳам. Ва лаҳза ўтмай Бақо алам аралаш айтган сўзлари Омад қатори бошқа болаларни ҳам ханг-танг қилиб қўйди.

– Бунинг ўзи ким?! – деди у саросимада Омаднинг ёқасидан чангаллаб, боя-ги-бояги ғазабини босолмай. – Фасоднинг уяси!.. Менинг ниятимни билмоқчи! Ўзининг ниятини биладими?! Бақириб айт, бутун маҳалла эшитсин, ниятингни, бари ёлғон. Тушундиларингми, ёлғон! Сабаби – одамнинг оласи ичида! Ҳеч нарсани билмайсанлар бирортанг!

Болаларнинг нафаси ичига тушиб кетди, Фазли Бақодан бундай гапларни кутмаганди.

– Ҳ-ҳеч нарсани, яшша, Б-бақо! Ҳ-ҳеч ким! Ҳеч қ-қачон!..

Ҳасан бобой ўтирган жойида чапак чалиб юборди, болалар бараварига бобой томон ўгирилишди. Бобой талвасага тушган одамдай ўтирган жойида жон-жаҳди билан кафтини тапиллайтиб тиззасига урар, бундан қаноат қилмай ҳассаси билан заранг ерни дўкиллатар, соқолини серкиллайтиб топишмоқ топган боладек хурсандлигини босолмас, ориқ, қоқ суяк елкаларини силкита-силкита... Бир умр айтолмай ичига қамаб-қўмиб ётган дардини ёш бола айтганидан шу қадар хурсандми ё хурсандлигидан йиғлаётими, билиб бўлмасди. Бақо ирғитган беш тошчанинг тўрттаси чуқурчадан жой олиб, бир донаси якка-ёлғиз четга чиқиб қолгани, Яхё ўйин шартини бажаришдан бош тортгани, Омаднинг аралашуви ва ниҳоят Ҳасан бобойнинг бу тарз ҳаракатлари – ҳаммаси бир бўлиб болаларни хангу манг қилиб қўйганди. Шу пайт бобой беҳос ёпирилган ҳаяжондан нафасини ростлолмай, ўтирган жойида мувозанатини йўқотиб, бир ёнга оға бошлади. Ҳаммадан илгари Хўжа ёрдамга отилди.

– Йиқиласиз, бобой, йиқиласиз!

Хўжа Ҳасан бобойнинг ёнига етиб борар-бормас, эшик тарақлаб очилиб, Минов опоқи ўқдай отилиб чиқди.

– Вой, ўлиб қўя қолай! Вой, чолим! Ҳай, ким бор?!

Минов опоқининг одатдагидай ваҳима кўтаришига ҳеч ким эътибор бермади.

– Ўлма, К-коттахўжа... – Ҳасан бобой Хўжанинг елкасига қўйган бошини кўтармай шивирлади: – Б-билмайман...

– Нимани билмайсиз? – сўради, овозининг борича шанғиллаб Минов опоқи.

– Ўзимми ў-ўзим билмайман... К-кимман?

– Уф-ф, яна бошладийзми?! Бўлди қилинг, чо-ол!

– Нима қилиб ўтирибман? Ҳ-хусан ўлиб кетди-и, ман-н...

Ҳасан бобойнинг қўлидаги ҳасса тарақлаб ерга тушди.

– Ҳусан чақирдим, нима бало?! Миясини еб қўйди, ўзи!.. Келинглар, қарашворинглар!

Минов опоқи ёрдамга чақириб улгурмай Фазли, Мираҳмад, Яхё аллақачон бобойни йиқилиб тушишдан эҳтиётлаш мақсадида уни қуршаб олишган эди.

10.2

Маҳалланинг қоқ ўртасидан ўтган кўча номигагина Катта кўча, номигагина Тош кўча. Боши берк тўпикларга нисбатан хиёл кенгроқ бўлгани, кунчиқар томони Сағбон гузари билан кунботар томондаги Чиғатой гузарини боғлагани, от арава, эшак арава, туя арава, хўкиз аравалар ва ахён-ахёнда автоулов ўтгани, яна эҳтимол, бир замонлар у ер-бу ерига лаппак тош ётқизилгани боисидан Катта кўча, Тош кўча номини олган. Икки томони кета-кетганча пастак-пастак, бўғотларидан

кават-кават қамишлар кўриниб ётадиган тупроқ томлар, лойсувоқ деворлар, бир тавақали эшик, яккам-дуккам икки тавақали дарвозалар, бирорта дов-дарахт йўқ, ҳатто ўт-ўлан кўкармайди. Сағбон тарафдаги бир-бирига мингашиб кетган тепаликларни қир деб аташга арзимайди. Яйдоқ паст-баланд ўрқач тепаликлар, холос. Аллазамонлар шаҳар чеккасидаги қабристон бўлган бу жойлар, деган гаплар юради. Шундан шекилли одамларнинг оғзида – мозортепа. Кўй-қўзи боқадиганлар бор, ёзда болалар учун ўйингоҳ, кишда қулинг ўргилсин сирпанчик яшашга аини муддао. Теп-падан сирпани-иб тушсанг, эҳ, маза, воҳ, маза!

Оила аъзолари овқатланиб ўтиришганида Иззат акаси сўраб қолди:

– Дода, кўчамиззи жануби бозор, шимоли мозор, бунда бир ҳикмат йўқми?

Отаси, онаси, бошқалар – ҳамма жим, Фазли эса акасига ҳаваси келди. Тўғри-да, нега унинг ҳаёлига келмаган шу савол? Нима сабабдан Иззат акаси ғалати-ғалати нарсаларни ўйлаб топади, сўрайди-суриштиради, жавобини топмагунича тинчимайди, демак, Иззат акаси бошқача ўйлайди, бошқача ўйлайдиган одам топади-да, бошқаларнинг ҳаёлига келмаган саволларни!

Онаси ер остидан отасига разм солди, бу сингари саволларга кутилмаганда Малоҳат опаси қўшилиб қолмаса, отасидан бошқа ҳеч ким журъат қилиб оғиз очмайди.

Нажиб дода косадаги овқатини ичиб тугатгач, томоқ кириб олди-да, боядан бери дастурхон тепасида муаллақ турган саволга жавоб қайтаришга тутинди:

– Аслида ҳам одамми умри бозор билан мозор орасида ўтади, Иззат, шу кўча-шу уйда шу-унча яшаб мен ҳам ўйлаб кўрмаган эканман. Яқин-атрофда қанча бозор бўлса, шунча мозор ҳам бор. Шунки билиб қўйинглар, бозорда юрган одам нариги томонда уни мозор кутиб турганини ўйламайди, ҳаёлига келтирмайди...

Кутилмаган саволга ундан-да кутилмаган жавобдан дастурхон теварагида ўтирган оила аъзолари бирдан енгил тортишди. Қандайдир мушкул жумбоқнинг ечими топилгандай, ана шу ечим оила аъзоларининг бирор оғирини енгиллаштиргандек туюлди Фазлига. Ҳавас билан Иззат акасидан кўзини узмай ўтирганди, энди отасидан нигоҳини узолмай қолди. Отаси кўз ўнгида эртақларда тасвирланган доно-донишманд чоллардек кўриниб кетди. Акасининг саволи ва отасининг унга қайтарган жавобини ўртоқларига айтиб берса борми, Мираҳмад, Хўжа, Яхё тугул Лутфулла ҳам оғзини очиб қолади. Аниқ билади, ўртоқлари бундай гапни эшитмаган.

– Ўзимиззи Тош кўчадаям дўконлар бўлган-а, дода? – иттифоқо сўраб қолди Шукур акаси.

Бу саволнинг қанчалик фавқулодда тағдор, нозик ва ҳатто қалтис эканлигини Фазли ўша дамда тушуниб-фаҳмлаб етишга ёшлик, гўдаклик қилиши ҳам майли, балки мазкур савол замирида пинҳон жавобларни ҳали узо-оқ йиллар ўзича бирма-бир, бирма-бир, бирма-бир кашф етишига тўғри келишини тасаввурига ҳам сиғдирилмасди. Бироқ нима сабабдан онаси ялт этиб савол қотган тўнғич ўғли Шукурга эмас, Нажиб додага қаради, қаради-ю, ранги кум ўчди, юзида хавотир шарпалари пайдо бўлди, ўтирган жойида безовта кўзғалиб қўйди.

Нажиб дода пиёладаги чойни даст сипқорди-да, ер остидан аёлига назар ташлади – қаттиқ қаради, лабларини қимтиб қаради, афтидан отада қандайдир савол туғилган, бу саволнинг жавобини фақат ва фақат Мунис она билади, бироқ Нажиб дода ўғли Шукур очган мавзунини давом эттиришни истамасди.

– Аллазамондаги дўкон қаттан эсингга кеп қолди? Кимдан эшитдинг? Овқатингни ич, Шукур!

Мунис онанинг товушида пича ҳаяжон, пича зарда ва хийла хавотир оҳанги сезилди.

– Додаси, пиёлангизни узатинг, чой куяй.

Онасининг авзойидаги ўзгариш ва товушидаги хавотирга эътибор бермаган Малоҳат тикилинч қилишга тушди:

– Вой, бизаям билайлик, ойи, қизиқ-да! Қанақа дўконлар бўлган, кўчамизда? Нималар сотишган?

Мунис она шартта Малоҳатнинг гапини кесди:

– Қизиқ бўлса, оввал овқатингни ич!

Аввал Шукур акаси, сўнг Малоҳат опаси бемаврид бошлаган мавзуни амаллаб йўққа чиқарган Мунис она нафас ростлаб улгурмай, Фазли берган савол ҳаммасидан ўтиб тушди.

– Яқини додаси сиззи Қўқон хонини авлоди, деди. Тоғаларимниям.

Мунис она ортиқ ўзини тутиб туролмади, бир кулгиси келди, кенг енгини оғзига босди, бироқ елкасининг силкиниши унинг ҳамон ичида кулаётганини сездириб турар, кулгисини босиб олган тақдирда ҳам кенжасининг бу саволига нима деб жавоб қайтаришини билмасди. Кутилмаганда Нажиб дода кампирининг оғирини енгил қилди. Мунис она не кўз билан қарасаки, болаларининг отаси ҳам унга қўшилиб ўзини аранг кулгидан тийиб ўтирарди.

– Яхёни додаси барака топсин, йўқ ердаги гапларни қаттан топибди, тавба, – деди Мунис она ниҳоят жиддий тортиб.

– Ҳаммасини бир чеккадан тушунтириб, ҳикоя қилиб бер, болалар ҳам билсин-да.

Нажиб дода жиддий айтдими ёки аччиғланибми, Фазли фаркига бормади, лекин онасининг авзойидаги ўзгаришни кўриб, оила даврасида кўзгаётган гап-сўзлар учун онаси отасидан қаттиқ дакки-дашном эшитиши мумкинлигини ўйлаб, юрагига ғулғула тушди.

Иззат акаси яна саволга оғиз очганди, онаси қарийб мажоли қолмаган одамдек, илтижо оҳангида уни тўхтатди:

– Бўлди-и, жон ўғлим, овқатланиб ола қолинглар...

10.3

Фазли кўпинча оила даврасида юз берадиган ҳолатларни тушунолмайди – қизикдан-қизик мавзу кўзғалади, савол-жавоблар уланиб-уланиб кетади ва тўсатдан... Отасининг авзойида қандайдир ўзгариш шарпаси сезилган захоти, суҳбат тўхтади. Отаси шу-унча билимли одам эса-да, ниҳоятда камгап, онаси эса ҳар турли мавзулар кўзғалаверишини истамайдими, зимдан Нажиб доданинг авзойига зийрак, “кўз-қулоқ” бўлиб туради. Ўғил-қизларининг сергаплигини маҳмаданагарчиликка йўяди, имо-ишора билан ёки очикчасига фарзандларининг кўп гапришига йўл қўймайди. Шунинг оқибатида Фазли ўйлаб ўтирган саволларини беролмай қолади, сўрай деса ботинолмайди, сўрашга журъат топса, танбех эшитади, бор-е, сўрамасам сўрамабман-да, деса, юрган йўлида, ётган жойида, айниқса наққухонасига қамалиб олган пайтлари ҳаёлига тирғалиб келаверади ўша саволлар. Тинчлигини ўғирлаган ўйларини ўртоқлари даврасида тўкиб солишдан ўзга иложи қолмайди. Баъзан Мираҳмадга очилади, у бош котираверма, қариб қоласан, деб майнавозчиликка олади, Яхё худди доно гап топадигандек узоқ ўйга чўмади, бироқ ҳеч қандай жавоб айтолмайди, Лутфулла эса аломат – вой, шуниям билмайсанми, мазги, деб билимдонлигини кўрсатишга тушади-ю, ўзи тайинли жавоб айтмайди, айтолмайди. Ана шундай дамларда ўзи билан ўзи гаплашиш Фазли учун энг мароқли машғулотга айланади.

...Отам, онам, акаларим, опаларим мени ёш бола, ўйинқарок, кўчадан бери кемайдиган тўполончи деб ўйлашади. Мен эса кўп ўйлайман – кўни-кўшнилари, қариндош-уруғлар, ўртоқларим, додам, ойим, акаларим, опаларим – кимни танисам-билсам, ўзимча кузатиб юраман. Кузатаман, ақлим етганича хулосалар чиқараман.

Ўйчамнинг тирқишидан ўзим кузатган кинони айтиб берайми? Зўр томоша, қизиқ томоша! У – телевизорда эмас, бизнинг, ўзимизнинг ҳовлимиздаги, фақат менинг кўзимга кўринадиган кино! Диққат қилинг, бошлайман!

...Ана, Нажиб дода кўчадан кириб келди. Мунис она чолига пешвоз чиқди, товуши эшитилар-эшитилмас салом берди. Ҳовлида юрган Мунира ҳам онасига ўхшаш овозда салом берди-да, илдам юриб, ошхонага ўтди. Нажиб дода уйга кирди, шунда Мунис она чолининг оёқ кийимига кўзи тушиб, таққа тўхтади, нотаниш туфлига ҳайрон қараб, сўради:

– Ҳой, додаси, кавушингиз ўзгариб қолмаганми?

Ичкари уйда кийимини алмаштириб, аста ташқарига чиққан Нажиб дода кампирининг саволига дарҳол жавоб қайтармади.

– Уйчи кавушимни бер, – деди у остонада турган жойидан.

– Ўзингизники қаерда қолди? – яна сўради Мунис она ҳамон ҳайронлиги аримай.

– Кечга томон кеп қолади, – деди Нажиб дода сирли равишда кулимсираб.

Мунира обдаста кўтариб келиб отасининг кўлига сув қуйди, сочиқ тутди. Юз-кўлини ювган Нажиб дода ишқом соясидаги пастак курсига бориб ўтирди. Мунира тиллоранг патнисда бир чойнак чой, иккита пиёла ва сап-сарик гулдор сопол қанддонни келтириб, отасининг олдидаги хонтахтага қўйди.

Нажиб доданинг одатдаги чойхўрлик маросими шу тариқа бошланди.

Қаранглар, одатда чойни Нажиб доданинг ўзи об-тобига келтиради: пиёлани тўлдириб чой қуяди, чойнакнинг қопқоғини олиб, чойнакка қайтаради. Чойнакнинг қопқоғини ёпади. Бир зум оралатиб шу ҳаракатларини такрорлайди – пиёлани тўлдириб чой қуяди. Қандай кўрсам, шундай ҳикоя қиляпман. Ана, кўряпсизлар-а, Нажиб дода чойнакнинг қопқоғини олиб, чойни чойнакка қайтаради. Чойнакнинг қопқоғини ёпиб, бир муддат кутади. Учинчи дафъа қайтаришдан сўнг, чойнакнинг қалпоғини кийдиради. Қалпоқни турмушга чиқиб кетган Зумрад қизи тикиб берган – оқ-қизил атиргуллар янги очилгандек, қараган одамнинг баҳри-дили яйрайди.

Ҳаво иссиқ, дим, назаримда чойнакнинг қалпоғини менинг бошимга кийгизиб кўйишгандек!..

Давом этамиз, бу ёғи янаям қизиқ:

...Нажиб дода бир нуқтага тикилганича чуқур ўйга толади. Шу ўтиришида ён-атрофида ҳеч кимса йўқдек, бутун ҳовлида ёлғиз ўзи қолган одамдек, хаёлга ғарқ бўлади. Отамнинг бежиримгина қилиб қалталанган мўйлаби элас-элас асабий титраётгани аниқ-тиниқ кўринади. Бошқа вақт бунчалар ўйга толмайди Нажиб дода. Ойим, акаларим, опаларим бунга эътибор беришмайди, мен эса сезаман – додамдан кўз узолмай қоламан. Шундай дамларда отамга ачиниб кетаман, додамни ўйга толдирган оғир ва сирли ўйларига шерик бўлгим келади. Додам – Нажиб дода нималар ҳақида ўй сураётганини жуда-жуда сўраб-суриштиргим келади, лекин бунга журъат қилолмайман. Чунки журъатим етмайди. Чой, чойнак ва пиёлага термилиб ўтириб шунчалар оғир ўйларга толиши мумкинми, одам?!

Тўхтанг, чалғиманг, ана, Мунис она атайин чоли ўтирган ишқом яқинидан ўтди, бироқ дода кампирининг кавуш тўғрисидаги саволини унутгандек, ҳатто бошқа оғир ташвиши бор одамдек хаёли паришон ўтирарди.

Нажиб дода пиёлага яримлатиб чой куйди. Хўплади, чойнинг мазасини билмоқчидек кўзларини юмганча, бошини хиёл орқага ташлаб, ўйлашга тутинди.

– Мунир кизим, – деб чақирди ота, зарур гапини эслаб қолгандай.

Худди отасининг чақириб қолишини кутгандай шу заҳоти ҳовли саҳнида Мунира пайдо бўлди.

– Лаббай, дода!

– Бунинг бугун қайнаган чоймиди?

– Ҳозир дамладим, дода... – хижолат бўлиб деди Мунира.

Ҳазили Нажиб доданинг ўзига хуш ёқади, қизини хавотир ва хижолатдан халос этади:

– Ҳозир дамлабсан, кизим, баракалла. Роса мазали чой чиқибди! Ҳой, онаси, ке, манави чойдан ичиб қол!

Демак, Нажиб дода хаёл суриб кайфиятини яхшилаб олди, кайфияти яхши-ки, кампирни чойга чорлади, кампири келгунига қадар мамнуният билан сопол қанддондан жимит қанд чақмоғини олиб оғзига солди, чой хўплади.

Мунис она шу таклифни бажонидил кутаётган эса-да, ошиқмай, бир-бир қадам ташлаб сўри соясига келди. Курсичалардан бирига оғир чўкди.

– Кўштутдан чиқиб келаётгудим, қарасам... – Нажиб дода шундай деб гап бошлади-да, оғзидаги чақмоқ қандни қисирлатиб узоқ шимди, кетидан босиб-босиб икки-уч чой хўплади. Мунис она чолининг бу тахлит чўзиб-салмоқланиб ҳикоя қилишларига кўникиб кетган – кутди, кутади. Дода давом этди: – Қарасам, рўпрамда Абдурахмон пайдо бўлди. Ҳа, десам, “ЗАГСга, никоҳдан ўтишга кет-вомман”, деб қолди.

– Ўзимиззи Абдурахмонми?! – ҳайрон бўлиб ёқасини тутди Мунис она.

Нажиб дода ноҳотдек қанд чақмоғини оғзига солди. Пиёласига чой куйди. Битта-битталаб тамшана-тамшана хўплади.

– Келин кимни қизи, деб сўрадим. Қилбелбоғлик Аҳмад ота деган одам бор, полвонкелбат, оғиркарвон одам, ўша одамни қизи экан.

– Во-ой, Ҳамида-а, биламан – ўрта бўй, қорамағиздан келган қиз.

– Бу ёғини эшит: бундай қарасам, жиянингни туфлиси йиртиқ, – Нажиб дода шундай деб кавушандоз томон бош ирғаб кўйди. – Туфлисининг учидан бош бармоғи мўралаб турибди. Оёғимдаги кавушни ечиб бердим, заксга шу аҳволда борма, ука, дедим. Севина-севина кийиб кетди.

– Барака топинг, додаси, – деди қувониб Мунис она. – Абдурахмон сиззи жуда ҳурмат қилади, ажаб кипсиз!

– Иккала аканг ўғил уйлаётган экан-да?

– Ҳар кимни тўйга етказсин, додаси...

Шу жойга келганда Фазлининг хаёли қочди. Шукур акаси билан Малоҳат опаси айтиб беришган воқеани эслаб кетди.

Фазли бир ёшга тўлар-тўлмас оғир касалга чалинган. Файзиев, Шура опа келишган-боқишган, нафи бўлмаган. Шунда, тақдирга тан берган Нажиб дода билан Мунис она, ноилож, Фазлини ҳовлидаги супада қолдиришган. Нимадир бўлгану, ўша куни Абдурахмон келиб қолган. Супада ётган Фазлини кўриб, ҳайрон бўлган.

– Дўхтирлар умидини узди, – деган Мунис она йиғламсираб. – Қандоқ қилай? Абдурахмоннинг дўхтирликка ўқиётгани иш берган.

– Амма, – деган у йўрғадаги чақалоқни кўлига олиб, – бунингиз ўладиган болага ўхшамайди. Кўзига қаранг, кўзининг чарақлашига қаранг! Жони маҳкам!

– Вой, тилингдан айланай, жиян, илоҳим айтганинг келсин.

– Янги дори чиққан, номи – пенсиллин, ўшандан укол қиламиз. Таваккал-да!

– Қанийди!..

– Абдурахмон аканинг уколидан кейин тузалиб кетгансан, – деди Шукур акаси кулиб. – Пенсиллин асраб қолган сани, пенсиллин.

Айтишларича, ўша-ўша Нажиб доданинг Абдурахмон жиянга эътимоди баланд, орқаворатдан бўлса-да, унга ихлос кўрсатиб туради...

Фазли ўзининг қанчалик кузатувчан эканлигини намойиш қилишда давом этди:

...Шунақа, додамнинг чойхўрлик маросими – чойни қайтаришларидан чойнакка қалпоқ кийгизиб қўйишигача, чойнинг дам ейишини кутиб, чуқур тин олишигача, шундай дамларда нималар ҳақида ўйга толишларидан то онам билан ўрталарида тез-тез юз бериб турадиган можаро-жанжаллар сабабини – барини ипидан игна-сигача илғаб олишга, тушуниб етишга ҳаракат қиламан. Бунинг учун наққуҳонамга – телевизордан бўшаган картон кути ичига кириб олсам бас, онам юпка, ихчам кўрпача берганлар, шунга ёнбошлайман, ётиб оламан-да, ташқарини кузатаман, ўйлайман, ўйлайман, истасам, ўзим билан ўзим гаплашаман, овоз чиқариб ҳам гаплашавераман. Катталар эса мени ўйинқароққа чиқаришади, ҳеч нарсани ўйламайди, фарқига бормайдиган бола деб ҳисоблашади. Майли, начора, ҳозирча мен ҳақимда ким нима деса деяверсин, қандай ўйласа ўйлайверсин, лекин мен улар ўйлагандек бола эмасман, айтаман десам... Айтдим-ку!..

10.4

Захро кеннойининг бир киши аранг сиғадиган тор, пастак, кўримсиз ва қийшиқ эшиги шундоққина анҳорнинг ёқасида. Кайковуз шу ерлардан ўтиб боради Чигатой дарвоза томонларга. Фазли Кайковузни худди эски танишидек, кадрдонини кўргандек қувониб кетади: кирғоқлари, солланиб-сокин оқиши, лойқасимон сувининг туси таниш. Жуда таниш. “Сузишни эплаганимдами, кўчама-кўча пиёда юргандан кўра шу жойдан маҳалламизчага сузиб-оқиб борардим!” дея афсусланади.

Эшикни тақиллатади. Ичкаридан тезда жавоб бўлавермайди. Фазли бетоқатланади, яна тақиллатади, ит акилламаётганига ҳайрон бўлади, “Ёки ухлаб қолганмикан?” деган ўйга боради. Итлар ҳам ухлайдими, ўзи? Ухласаям, хушёр ухласа керак-да, “тиқ” этган товушга кўзини очади, ирғиб туриб, оламни бошига кўтаради. Минов опоқининг лайчаси акиллагани-акиллаган, Захро кеннойининг ити эса...

– Ҳози-ир, ки-им?

“Кеннойи” дема, “опоқи” дегин деб онаси тайинлайди ҳар гал келишида. “Сиз нега “кеннойи”, деб чақирасиз, деб Фазли ижикилайди. “Ишинг бўлмасин”, деб гапни қисқа қилади онаси.

Ана, товуши очидан ўлай деган одамнинг овозидай эшитилади, опоқининг. Ҳар гал таниш овозни эшитганида Фазли ачиниб кетади. Эшик очилиб, онасининг кеннойиси кўринганида эса... Одатда кеннойилар ёш, хушсурат, ёқимли бўлишади, Захро опоқини эса кеннойи дейишга ҳам тил бормайди – одам ҳам шунчалар ориқ, рамақижон, қариб-чуриган бўладими?! Яхшиям, “Кеннойи” демайди Фазли, “Опоқи” дейди. Назарида опоқиси аранг оёқда турганга ўхшаганидан юраги увушади, Фазлининг назарида туйқус шамол турса, онасининг кеннойиси – ўзининг опоқиси йиқилиб тушадигандек ёхуд ёш новдадек эгилиб-нетиб кетиши, ҳатто қарсиллаб синиши муқаррардек туюлади. Опоқининг овози хириллаб чиқади:

– Вой, болам, санмиди-инг? Кирақол...

– Ойим овқат бервордила, – дейди салом-аликни қисқа қилиб Фазли, остонадан ўтар-ўтмас.

– Мунис барака топсин... Мандан қайтмаса, Худодан қайтсин... – Захро опоки йиғламсираб гапиради. Кенг ва узун енгининг учи билан тинимсиз кўз ёшини арта-арта, минғирлайди: – Савоб ишларини ажрини кўрсин, илойим. Ичкарига ки-
ир, остонада турма...

Опокининг икки яноғидаги қилдек ингичка, тарам-тарам томирчалар нега бу қадар кип-қизиллиги сабабини сўрагиси келади ҳар сафар Фазли. Ботинолмайди, янаги гал келганимда албатта сўрайман деб кўнглига тугади.

– Ишлариз борми?.. – журъати етиб-етмай савол қотади у онаси тайинлаб айтганидай қилиб ва ичида ўзича “Иш йўқ” десин-да, деган ўйда.

– Нима ҳам иш бўларди, – дейди зорланиб-инқиллаб Захро опоки, тугунчани Фазлининг қўлидан олиб. – Мошкичири опкепсан-да, болам. Ҳали совимабди.

“Аввал кўзга кўринмас ажиналардан, сўнг йўлтўсар қароқчи болалардан қоча-қоча югуриб келганимни билмайдилар-да”, дейди Фазли ичида. Лекин опоки ҳали тугунни очмай туриб, косада келтиргани мошкичири эканини қандай билгани – Фазли учун жумбоқлигича қолади.

Захро опоки даҳлизга кириб кетади, Фазли чўнкайиб ўтирганича ҳовлини томоша қилади: таниш ит бостирмачаси панасида тумшугини оёқлари устига қўйганича мудраб ётибди, у Фазлини танийди, аюҳаннос кўтармагани сабаби шунда... Бу хонадонда бошқа тирик жон йўқ, Захро опоки бир ўзи, қариб кучдан қолган, ор-рик, овози ниҳоятда заиф, ҳозир ўлиб қоладиганга ўхшайди, шарпадай юради ҳовлида, Фазли эшик орқасида деворга суяб қўйилган калта ва билакдан йўғонроқ таёққа қараб-қараб қўяди: “Тамба – эшикнинг қулфи”...

– Сув опкеб берайми? – сўрайди у дастурхончага ўраётган косага бир сиким канд-курс, майиз, туршак солаётган опокидан.

– Сув дейсанми?.. Ана, Калковузда чўмилаётган болалар бир пакир оберишади, тиндириб қўяман, айнанай... Бир ҳафтага етади, ичаман, айнанай... Айтганча, уйларинг бузилмадим, ишқилиб?

– Энди бузишмоқчи, – дейди бўшашиб Фазли.

– Узоклашиб кетмасаларинг яхшийди, – дейди ўксик товушда Захро опоки ва ҳар гал Фазли кўприкдан ўтиб олгунича ортидан қараб туради, кўприкдан ўтгачина, эшикни ёпади. Бир марта у кўприкнинг ўртасига етганда Захро кеннойи чакириб қолди.

– Менга қара-а...

Фазли тўхтади. Кеннойига қаради.

– Бери ке... – деди опоки қўлини кўтариб.

Фазли изига қайтди. Опоки бирор юмуш айтади, деб ўйлаганди, йўқ.

– Анув... Фазлиддин...

Фазли опокига сўзсиз қараб тураверди.

– Анув, ойинг билан доданг уришишмаяптими?..

Фазли кутилмаган саволга нима жавоб қайтаришини билмай жим бўлиб қолди.

– Ойингга айтмай қўя қол, болам... Ҳайтовур, уришишмаётгандир... Майли, бо-
равер...

Фазли дилдан чиқариб “Бисмилло”ни айтгач, қандай келган бўлса, шундайига изига қайтади. Қумлоқ, сўнг Ҳастимомни ёнлаб, Кайковузнинг устига ташланган катта кўприкдан ўтади. Ёв ёки Тарих кўчасидаги йўлтўсарларни чалғитса бас. Бироқ ё болалар кўринишмайди, ё кўринсалар-да, негадир бу сафар унинг йўлини тўсишмайди, уришишмайди, сўкишмайди – ўзлари билан, ўйинлари билан овора-андармон бўлиб қолишади...

– Худо урди! Вой, Худо уриб кўйди!

Каромат ая сапчиб ёстикдан бош кўтаргач, дод солдими ёхуд уйку аралаш дод солиб, сўнг уйғондими, ўзи ҳам билмади. Жон ҳолатда кафтини оғзига босди, иккинчи кўли билан остидаги кўрпачани пайпаслади.

– Вой, шўрим-м!..

Ҳарчанд оғзини ёпмасин, овози ўчмаётгани боис мук тушди-ю, кўрпачанинг чеккасини кўтариб оғзига тикди. Бирмунча фурсат шу алфозда икки букилиб-букчайиб ётди. Нафаси тикилди. Силтаниб бош кўтарди. Шабнам ярим қулоч нарида – бўйра устидан тўшалган тақир шолчада ухлаб ётарди. Ая умид билан қизининг тагига кафтини сукди – қурук. Ирғиб қад ростлади-ю, ўзи ётган кўрпачани тўрт буклаганича кўтариб ҳовлига чиқди. Айвон тоқчасида турган кумғонни ола солиб, уни кўрпача устига энгаштирди – бир томчи ҳам сув тушмади. “Қочайми?! Ҳозирнинг ўзида! Қаёққа?!” Бу сўзларни шивирлаб айтдими, товуш чиқариб, фарёд кўтариб айтди-ми, зорланиб-инграниб, ирганиб-ижирганиб айтдими ёхуд чурқ этмай кўнглидан кечирдими – унинг учун фарқи йўқ – мудҳиш касофат юз бериб бўлган эди! Яхши-ки, қоронғи, яхшики, ҳали-вери тонг отмаган – ани уйкуда, уйғоқ бўлса-да, кўзи яхши кўрмайди, бу ёқда қизи, ўғиллари донг қотиб ётишибди, фақат Бако... Бако ғимирлагандай бўлди, уйку аралаш алаҳсиради. “Тусинг ўчсин!” деди ая йиғи аралаш алам-аччикда ва ўзининг сўзидан кўрққанидан тилини тишлади, лабларини қимтиди. Шундай бўлса-да, алами босилмади – “Уйқусида бўғиб қўя қолсамми!..”

Шошиб ичкарига қайтиш ниятида остонага оёқ кўйди-ю, тойиб кетди. Чаккаси пешона аралаш эшик кесакисига шу қадар гурсиллаб урилдики, азбаройи боши икки паллага ажраб, ёрилиб кетгандек бўлди, “Им-м-м!” деганча кафтлари билан бошини чангаллади – “Ҳайрият, бошим бутун!” ҳушидан айрилиб деворга беҳол суянаётиб ҳовлининг ўнг биқинидаги уйчанинг пастак, ланг очик деразаси томон хавотирда анграйиб қаради. Хаёлида Расми ани деразадан аянинг бу аҳволда эси оғиб қолаётганини чаласўқир кўзлари билан томоша қилиб ётгандай... Эси оғиш эмас, ўлиб қўя қолишга рози эди Каромат, шу тобда! Ая боши лўкиллаб-зирқираб оғришига ортиқ чалғимай эмаклаб-судралиб ҳозиргина ўзи чиққан хонага кирди. Тахмон томон сургалди. Тахмоннинг бетига тортилган бўз парда ортига бош суқиб, пастак ва энсиз эшикчани пайпаслаб очди ва зим-зиё ғўристон қоронғилиги сари ичкарилади-ю, шол бўлган оёқларини йиғолмай, шалпайиб тушди.

Яраланган илон бошини кавакка сукди-ю, думи ташқарида қолди гўё... Чўк тушиб ўтирмакчи эди, деворга суянмакчи эди – бошининг симиллаб-зирқираб оғриши эмас, бошқа, мутлақо бошқа оғриқ тамом ҳолдан тойдирган, оғир-оғир нафас олишидан бошқа ҳеч қандай сас-садо эшитилмаётганди. Нафаси хиёл равонлашди, оғриқ олислашди, жуда олислашди ундан, оғриқнинг овози элас-элас чалинаётганди қулоғига... Ўша олиси ҳам, яқини ҳам – кўшилиб йўқолсайди кўзларидан, қулоғидан! Дунё йўқ бўлиб қолсайди! Алланима тириклайин ютиб юборсайди, сукунати шовқинига кўшиб бу дунёни!.. Осмон босиб қолсайди ер юзини!.. Шу болохонани ер юта қолсайди, Кароматни бешала чурвақасига кўшиб!.. Сув тошқини остида ғарқ бўлибгина кетсайди! Воҳ, осмон!.. Воҳ, фалак! Воҳ, ёришмайгина кетсин, бу зимистон!.. Тонг отмасайди, тонг, тонг!..

Аламдан қимтилган, тишланган лабларидан қон тирқиради, бир умр сув кўрмагандек қакраб-қақшади, товуши ташқарига эмас, ичига қараб йўналди Каромат аянинг... Эғнидаги кенг-мўл кўйлагини ечди, лозимига қўл юборганида димоғига тер, шиптир иси ва яна аллақандай бадбўй ис гуп этиб урди, тир ялонғоч холида бошини деворга босган кўйи хўнграб юборди, йўқ-йўқ, хўнграб юбориш-

дан ўзини тийди, човидаги оғриқ зўридан инграб юборди. Дам кафтларини устма-уст қилиб оғзини ёпар, дод солиб юбориши мумкинлигини ўйлаб юраги орқага тортиб кетар, лекин бу кўркув-хавотир туйғуси унинг дарди-дунёсини ёритолмас, бирдан талваса гирдобига йўлиқар – дам ҳозиргина ечган кўйлагини уйкалаб беҳол оёқлари билан тепкилар, бу қилиғидан ҳам ҳеч кори хайр топмас, бошининг зиркирашига парво қилмас, кип ялонғоч ҳолида ғужанак бўлиб... Белидан чопиб ташланган илондек тақир шолча устида тўлғонар-типирчилар, нима қилмасин, тушида бошига ёпирилиб даф солган, қора қуюндан пайдо бўлган турки совуқ, бадбўй қора ўрдак яна ва яна бояги шиддат билан сап-сарик тумшугини чотиға ботирар, оғриқнинг зўридан путим болта уриб иккига ажратилган полёндек парчаланиб кетади деган таҳликада... Ая, “О-оҳ-оҳ-ҳ-ҳ!” деди-ю, ярим ҳуш-ярим беҳуш чўзилиб қолди.

Шу аҳволида узоқ қолиши мумкин эмаслигини элас-элас билиб ётарди – ҳадемай тонг ёришса фақат-фақат ўзигагина маълум, йўқ, ўзигагина маълумдек, ўзидан бошқа ҳе-еч ким, ҳе-еч нарсa беҳабар аччиқ-алам ҳақиқат фош бўладигандек, не гаплар чикмади оғзидан, ўзига, ўзи дунёга келтирган мурғак жондорга... Такдиргатақдирига не маломатлар ёғдирмади ана шу талвасада, унинг жонига ора кирадиган бир суянчиқ, бир мададкор йўқ, йўқ ахир! Ахир ўзидан бошқа ҳеч кими йўқ унга тасалли-юпанч берадиган, болохона томидан ўзини кўчага ташлаган, тилка-пораси чиққан вужудини жон тарк этган тақдирда ҳам аъзойи баданининг аллақасерида бир шингил жон ўлмай қолишига, ўша шингил умид, ўша илинж уни ҳушини йиғишга, кўз очиб сўнгги чора излашга ундашдан тўхтамаётган эди. Бундай дамларда чорани ақл-идрок билан эмас, беихтиёр, ғайришуурий тарзда – қўллари ёрдамида пайпаслана-пайпаслана топарди.

Ая каталак хужранинг бир кунжагида уйкалай бўлиб ётган бўҳчанинг чандиб боғланган тугунини ечди, қўлига илинган кўйлакни олиб, ўнг-терсини чамаладида, бошидан ўтказиб кийди. Бояроқ ечган кўйлаги билан лозимини ўраб-чирмаб бўҳчага тикди.

Йиғламоқчи эди, йиғи бўғзига тикилди. Йиғи нима қилиб берарди?! Пича аламдан чиқишга кўмаклашади демаса, йиғидан фойда топмади ҳаётида Каромат.

Шалвиллаб-шалпайиб қолди...

...Баҳор оёқлашига хийла кунлар бор, ҳаво совуқ, тунлар изғирин эди. Уч ўғли ёш эди, ёнма-ён, ёнма-ён қаторлашиб-бурканишиб ётишарди. Болдирида нимадир ғимирлагандек бўлди. Ўтибор қилмади. Ғимир-ғимирлаш сонига кўчди. Уйку элитди. Шундоққина рўпарасида ҳамсоياسي – Ўрдак лақабинг билан кўшмозор бўлгур! – иркит ва бадбўй ўрдақбашара пайдо бўлди. “Туркингни ел олсин!” деди уйку аралаш. “Берган кўмақларинг бошингда қолсин!” Қитиғи келди – жилмайди, сонини пайпаслади. Ғимир-ғимир тўхтамади – йўқ, ҳамсоя эмас, жондор, жимитгина жондор путига етган жойда ая чўчиб тушди, чаён-паёнмасмикан?! Каромат сапчиб туришга, чироқни ёкиб, болаларини уйғотиб, кўрпа-тўшакларни ағдартўнтар қилиб кўздан кечиришга чоғланди-ю, шу совукда қурт-қумурсқага бало борми, деган ўйда бирдан хотиржам тортди. Шунда... шунда уни ғафлат уйқусига ботирган жондор оналик ҳобгоҳига етганини пайқади. Аниқ пайқади! Вой, ўлай, ўлибгина қолай!.. Кўз ўнгида қора чивин, қора кумурсқа, коп-қора қўнғиз сурати гавдаланди. Бироқ, таажжуб, қора чивин, қора кумурсқа, қора қўнғиз аянинг вужудини тирнамади, тишламади, зинҳор озор бермади унга, балки ялаб-юлқай, ялаб-юлқай... Оғзини қора ўрдакдек каррак-каррак очиб хархаша бошлаётган чақалоқнинг тилига оқиш, елимшак суюқликни қусди.

Уйку аралаш аянинг қўнғли ағдарилди. Ёстикдан бошини даст кўтарди-ю, ёнгинасида ётган чақалоқ – Бақога кўзи тушди, ўғли тин олиб, тинч, ҳатто қулимси-

раб ухларди. Ая ёқасига туплади, кўрган тушининг... Бунчалар бемаъни-бетайин, ирқитлиги, даҳшати... Ниманинг аломати бу?... Нима қилиб юрибди Бақо бунчалар расвои раддибало тушининг ичида? Тўхта, тўхта Каром, “Бақо” исми қаердан тилингга тирғалди? “Ўғил”-чи, “Ўғил” сўзи?! Жин чалмадими, Каромат? Нима қилдинг, нима қилиб қўйдинг, ер ютгур, хотин?!

...Боши қотиши ҳам гапми, Кароматнинг?! Ҳамон қотгани-қотган. Тошга айлан-ди боши, унинг! Илло қаёққа борсин, кимга дoston қилсин дардини, қай деворларга урсин, бошини, Каром?! Бировга нима деб айтади, қай бет билан, не деб айтади? Унинг дардига ҳамдард ким бор бу дунёда?!

Расмия анига ёрилса – кампир тушунармикан, шанғиллаб етти маҳаллага, маҳалла қолиб, шаҳар марказидаги хотин-халажга тўла артелга дoston қилиб юборса-чи?! Дoston қилмаган тақдирда уйимми тўрини бўшатиб берган мен гуноҳқорми, шулай шалтоғинг бар экан, шунақа хотин экансан, беш чурвақангни қатта ва кимдан орттиргансан, дея тўнини чаппасига кийиб олса!.. Наҳот кўчиш-кўчиш давом этса, хайҳот?!

Каромат ая тўппа-тўсиндан ёдига тушган ўйдан бирдан чехраси ёришди. Наза-рида мушқулини осон қилиш чорасини топгандек эди.

Ая “қасира-қусур”лаб фарёд кўтарадиган зинапоядан эҳтиётланиб, оҳиста, бир-бир қадамлаб пастлади, “ажинахона” қаърига сингиб, бир зум кўздан ғойиб бўлди, эшикка етди, зулфини тушириб, илон қавагига ўхшаш жин кўчадан чиққанида ғира-шира тонг бўзара бошлаганди. Оёғининг учида қадам олишини билади, тепа-да – болохона томондан қулоқни қоматга келтиргудек қаттиқ ва беўхшов шовқин эшитилди, ая чўчиб бошини бурган жойида тек қотди – болохона томон анграйга-нича қолди. Қандай шовқин, қандай ҳодиса юз берди?! Бу саволига жавоб топиб улгурмаган ҳам эдики, шундоққина ҳовлиси деворида пайдо бўлган хўрознинг дабдаба, дағдаға, васваса аралаш, шармандаларча қичқиргани эшитилди...

10.6

Зиё дўхтир тонг қоронғисида уйғонади, қуёш нури йилт этишига анча бор, очиқ ҳавода сайр қилиб қолади. Ҳаво илиб-илимай, қайлардандир димоғига етиб келган ёхуд етиб келиши эҳтимоли бўлган ғубор билан боғлиқ хавотир нафаси-ни исканжага ола бошлайди. Бундай пайтда ҳамиша ёнида ҳозир у нозир ҳалдо-рилардан бирортасини тилининг тагига ташлайди. Дўхтирнинг ҳаётдан сўққабош ўтгани, баджаҳллиги, серзардалиги боиси ҳам шундан аслида. Нимқоронғи уйга қамалиб олади-да, бекор ўтирмайди: қирқ йилдирки, қабулига келган бемор борки, ҳаммасига алоҳида-алоҳида варақа очган. Айниқса, маҳалладошлардан қайси ои-лада нечта фарзанд дунёга келган, ота-боболари неча йил умр кечирган, ким кўпроқ қайси касалликка чалинган, касб-кори, турмуш тарзи, феъли-хўйи, мижози – бари-ни қоронғи уйида ўтирган жойида билиб-билиб, эринмай хатлайди.

– Дўхтирлигим ўз йўлига, – деди суҳбатга қўнгли сув очган маҳал, садоқатли шогирди Зикриллани рўпарасига ўтқазиб, – бунда-ай қарасам, маҳалламиз тарих-чисига айланиб қолибман. Мана, қара, Зикр, – деди кироатхона варақчалари қатор-қатор тахланган китоб жавонига имо қилиб, – маши дафтарлар мани китобларим. Чигатой маҳалласида яшаган ҳар бир хонадоннинг, хонадон аъзоларининг яшаш тарзи, саломатлиги, оилавий аҳволи, савод-савияси ёзиб қўйилган. Қўлингга ол-да, бир чеккада-ан ўқиб кўргин, Зикр, томини очиб тепадан томоша қилгандек, истаган оила ҳақида истаганча маълумот топаверасан.

Зиё дўхтир баъзан яйраб кетар, ҳатто ҳар ким ҳам тилига кўчиравермайдиган мавзуларга доир қарашларини шогирдига дастурхон қилишдан ўзини тиёлмасди.

– Ҳар оила ўзича алоҳида дунё, ўзгача сир-синаот, деган гап бор, ўша сир-синаотнинг коттаси эр-хотиннинг кўрпаси остидан бошланади.

Зикрилла устознинг нигоҳига бир қур разм солди-ю, сукут сақлади, бу унинг суҳбатни жон қулоғи билан тинглаётгани аломати эди. Устоз жўшди.

– Бизнинг тиббиёт бундай мавзулар устида бош қотирмайди, бош қотирган тақдирда ҳам миқ деб, оғиз очмайди. Одамларимиз ҳам шу – лом-мим демайди. Ҳайдаги гапни кўчага олиб чиқишдан истиҳола қилади. Тиббиёт учун эса истиҳола кетмайди. Истиҳолани кўтармайди тиббиёт. Истиҳола тиббиётга ёт! Ваҳоланки, ўша синоатнинг коттасини пухта ўрганмай туриб фалончини, фалон оилани билан дейиш ёлғон! Касалини даволайман дейиш яна ёлғон!

Зиё дўхтирнинг кейинги гапини Зикрилла мутлақо кутмаганди.

– Мисол учун Вазиз посоннинг ўғли қочиб кетибди. Ким ёмон – ўша Бахти ўғри, Бахти безори ёмон! Ҳаммаси латтачайнама бало-баттар гаплар!

Зиё дўхтир истехзо билан кулди. Давом этди:

– Сабаби қаерда, биласанми?

Дўхтир шундай деб шогирдига синовчан термилди, кутди, “бари бир жавоб беролмайсан” деган иддаода кутди. Ва гўё фақат ва фақат якка-ю ягона ўзигагина аён бўлган сирни очди:

– Сабаби – оилада, эр-хотин ўртасидаги муносабатда!..

Зикрилла ногаҳон устознинг кўзига тикилганича, киприк қоқмай қараб тураверди. У Бахтининг қочиб кетиши ёки йўқолиши сабабини эшитадигандек қулоғини динг қилганди. Бу ниятини яширмади ҳам.

– Айтинг-да, қандай муносабат? – деб юборди у ўзини босолмай.

Зиё дўхтир ўрнидан турди, дераза ёнига келиб ташқарини назардан ўтказди.

– Ҳовлиқма-анг, Зикрилло дўхтир, ҳовлиқма-ан-нг! Айтмай, нима қилардим, айтама-ан! Мен тўсатдан бўғилиб-нетиб қолсам, ўзим билан кетиб қолмасин, лоақал сен билиб қўй, Зикр... Фақат пича шошма, шошма, шошма...

10.7

Достон аянинг ҳовлиси теварагига тумонат йиғилди. Шовқин-сурон, галаговур, чувир-чувир тинмади – ҳамма билганини гапиради, билганини айтади.

– Достон ая йиғлай-йиғлай кетибди...

– Янги қурилган домдан уй берилибди, маза қилиб яшайди...

– Невараси безори экан, каттаконларни устига қайноқ чойни ағдариб қочибди!..

– Ота тарбиясини кўрмаган-да!..

– Қўлига кишан уриб, меласага опкетишибди...

– Нима, муштдек болани қамайдими?..

– Безорини катта-кичиги бўмайди...

– Ана, қаранглар, бульдозер келди, бульдозер!

Бульдозер тиккасига пахса деворни бузиб-тўзитаб ағдарганича ҳовлига кириб борди, уй-жойга яқинлашди, патнисини кўтариб-тушириб деворга тиралган ҳам эдики, издиҳом узра бир овоздан, “Вой-й-й!” деган садо таралди.

– Эссиз! – деди кимдир.

– Увол! – деди яна кимдир.

– Ҳали бақувват экан-а! – деди бошқаси.

– Достон аяни чоли ҳукуматда ишлаган, уйни ҳам бақувват қурган-да, – деди бошқа бир билагон.

– Машариф болшовой кўрса эди, чанги осмонга чиқаётганини!..

– Эрта-индин ҳаммамизни уй-жойимиз шу аҳволда бузилади...

– Тавба-а-а...

– Худо сақласин...

Шу пайт курувчилар орасидан чикдими ёки ДОСААФ деган ташкилот раҳбарлариданми – басавлат бир киши йиғилган маҳалла аҳлини ҳайдашга тушди.

– Томошахона эмас-ку, тарқалинглар! Болаларга қаранглар! Болаларга!

Болалар орасида Фазли, Лути, Яки, Мираҳ бор эдилар. Улар ҳам бошқа тенгқурлари каби ниманидир кўришдан бебаҳра қолаётгандек тиним билмай у ёқдан, бу ёққа югуришар, умуман юз бераётган воқеадан ким хурсанд-ким хафалигини билиб бўлмасди.

– Оввол уйни бузади, текислайди, кейин уй қуради, – деди Лутфулла билагон.

– Уй қуришдан аввал ерни қазийди, – ўртоғининг гапига “тузатиш” киритди Яҳё. – Роса чуқур қазийди!

– Уйғуристонда бир уйнинг остини қазишганда катталай хум топилган, ичини очиб қарашса – тилла тангалар!.. Ер қазиганларни ҳаммасини полис опкетган!..

– Тангалар нима бўлган, шундан гапир, Мираҳ! Бу ердан ҳам тилла чиқиб қолса, биринчи бўлиб биз кўриб қолсак, ҳе-еч кимга билдирмай!..

Яҳё шундай хаёлга борганида тамшаниб-тамшаниб, тилини учини чиқариб-чиқариб гапга тушар, айтаётганлари хаёлда эмас, кўз ўнгида юз бераётгандек, ҳовлиқиб қоларди. Муҳокамага Фазли якун ясади.

– Тиллани биринчи бўлиб кўриб қолиш учун ҳар куни шу ерга келишимиз, эрталабдан кечгача кўз узмай пойлашимиз керак, тўғрими? Лутилар кўчиб кетвотти, топган тиллани учга бўлаимизми?..

– Хўжа билан Ибод эсингга ҳам кемай, Бақони қўшиб оларсан, Пази?!

– Кимни қўшиш ҳали хаёлимга ҳам келгани йўқ... Айтдим-қўйдим-да.

Йўқ жойдан келиб чиққан муаммо тўрт ўртқни қаттиқ ўйлатиб қўйди...

ҲАЙҚИРИҚ

11.1

– Ниятига ўт кетган одам, вассалом! – Ўйинда зафар қучгандек қарсак чалиб юборди, жон кириб Яҳё. – Бақо ғирром!

Афтидан Хўжа гапини охирига қадар айтолмаган эди шекилли, бояги оҳангда эътироз билдиришда давом этди:

– Ҳаммаларинг битта тошча ютиб олсам, ёнғоқ пишганда тошча ўрнига биттадан ёнғоқ ундирсам, деган ўйда ўйнайпсанлар. Баҳор келмаса ёмғир ёғадими, ёмғир ёғмаса, дов-дарахт унадими, дов-дарахт кўкармаса ёнғоқ пишадими?! Ҳаммамиз, ният бир деймизу, Бақони ичидаги ниятини ҳеч қайсимиз билмаймиз! Ибод тўғри айтди – ниятини овоз чиқариб демаган болани ўйинга қўшмаслик керак эди, асли!

Ҳамманинг назарида Хўжанинг бу ошкора иддаоси жавобсиз қолмайдигандек эди, бироқ Бақо чурқ этмади, у аввал Ибодга, сўнг сўзамоллигинга тупурдим, дегандек Омадга, сўнгра Хўжага қаттиқ ўқрайди-да, икки ҳатлаб Яҳёнинг рўпарасига келди ва кутилмаганда унинг муштига мушт туширди. Яҳёнинг қаттиқ сиқимланган бармоқлари орасидан бир неча тошча ерга сочилди. Бақо чўк тушиб, тошчаларга човут солди. Бунни кутмаган Яҳё энкайиб турган Бақони туртиб юборди, Бақо ёнбошига ағдарилди. Ағдарилса-да, тупроққа юмалаган тошчалардан бирини олиб улгурганди. Яҳё ерда қолган тошчаларини ошиқиб териб олаётганини кўрган Бақо унинг пешонасидан туртиб юборди. Яҳё ўзини Баконинг устига отди ва чираниб, бир қўллаб уни бўға бошлади.

Тўс-тўполон кўпди. Аввал Мираҳмад, унинг изидан Фазли ва Лутфулла икки уришқоқни ажратишга киришиб кетишди. Бир томонга Бақони, бошқа тарафига Яхёни тортишди, бироқ иккови ажрим қилувчиларга бўйсунмай, уларнинг “чангали”ни ёриб ўтиб жўжаҳўрозлардек яна бир-бирининг устига ташланди.

Торкўчанинг тўзони ўйнаб кетди. Тўзон орасидан Ҳасан бобойнинг гоҳ тиззасига шапатилаб уриши, дам ҳассасини ерга дўқиллатиши кўриниб қолар, нималардир деб минғирлашидан эса бирор-бир маъно уқиш қийин эди.

– Ғирром! – деди бўғилиб Яхё.

– Тўғри, – деди унинг гапини маъқуллаб Ҳасан бобой. – Ҳамма ғ-ғирром!

– Ўзинг ғирром! – бўш келмади Бақо.

– Бул ҳам т-тўғри, – деб бош ирғади Ҳасан бобой.

Олишув очиқ ва аёвсиз жанг тусини олаётганди, шу пайт нимадир бўлди-ю, Бақонинг қўли беҳосдан Яхёнинг тумшугига тегиб кетди шекилли, унинг бурнидан тизиллаб қон отилди.

11.2

Фазли ўзи билган-таниган чолларни бир-бирларига қиёслашга қизиқиб қолди. Қўшни Ҳасан бобойни ҳар куни кўради, кўрган заҳоти салом беради, бобойнинг гапларига қулоқ солади. Негадир унга ачинади, сабабини билмайди. Баъзан эса салом бергиси, ҳатто гаплашгиси келмай атай нари кетади, лекин кузатади. Бобой қунишиб-букчайиб ўтирганиданми, узун ва қордай оппоқ, қуюқ соқоли тиззасининг кўзини қоплаган, эгри-бугри заранг ҳассасининг дастаси соқолининг орасидан кўриниб турар, ўсиқ қошлари паноҳига “яширинган” кўзларини юмиб олсада, қулоғи динг – биров эшитадими-йўқми, жавоб берадими-бермайдими – фарқи йўқ, ўтган-кетганга айтмаса бўлмайдиган зарур гапи бордай – ғудраниб, кемшик оғзини чапиллатиб, лўкма ташлар, ўзича ивир-шивирлаб ўтирар, лекин қари чоллардан ҳеч бири – на Раззоқ ота, на Жўрим амаки, на бошқалар Ҳасан бобой билан суҳбатлашмас-гурунг курмас, Нажиб дода эса бирров тўхтаб ҳол-аҳвол сўрашиш билан кифояланарди.

– Ҳасан бува, – деди Яхёнинг шумлиги тутиб.

Ҳасан бува ҳассасини тўқиллатиб қўйди-да, Яхёга кўзларини қисиб қаради.

– Нима? – деди у соқолини селкиллатиб.

Яхё оғзини буванинг қулоғига теккудек яқинлаштириб шивирлади:

– Нега фашистларни отиб ташламагансиз?

– Нима?!

– Фашистларни нега отиб ташламагансиз?

– Ҳа-а... – деб бошини ҳам қилиб қолди бобой, сўнг ўйлаб олди шекилли, жавоб қайтарди: – М-ман яхши немислар ичида яшаганман.

– Немисча гапиришни биласизми?

Ҳасан бобой яхши эшитмадими, бошқача эшитдими, бошини силтаб орқага тортди. Ҳассани икки қўллаб тутганича, ўтирган жойидан қулаб тушадигандек ўрнидан қўзғалмоқчи бўлди. Бироқ қўзғалолмади, Яхё аллақачон жуфтакни рослаган, ҳов нарига бориб олиб, кикир-кикир қулишдан ўзини тиёлмасди. Фазли Ҳасан бобойнинг ўсиқ қошлари остида милтираб томган кўз ёшларини кўриб, юраги ачишиб кетди. Мираҳмад дўсти ортидан яқин келиб Ҳасан бобой анграйиб қолганига чалғиди. Ҳозиргина кўз ёшларини тиёлмаган бобой тўсатдан гўдак боладек жилмайди.

– Шунақа, Ҳасан бува, бутун маҳалла бузилармиш, – деди Фазли бошқа сўз тополмаганидан ўнғайсизланиб.

– Шуни айтвомман-да! – деб юборди Ҳасан бобой енгил тортиб. – Шуни айт-

вомман!.. Маҳаллага қўшилиб сан, анув, манув... Ҳамманг бузиласанлар... Вазиззи ўғли йўқолди, эртага сенлар ҳам тарқайсанлар, йўқоласанлар-кета...

– Сизларга дом бермайдими? – деб сўраб қолди чеккароқда турган Ибод писмиқ.

– Й-ўқ, – деди-да, ўзининг сўзини тасдиқлаш маъносида узоқ бош чайқади бобой. – Манга Чиғатойдан дом беради, бир парча... – У маънос бош чайқай туриб, шундайига ҳам намли кўзи баттар ёшланди, ортиқ гапиргиси келмади.

Орқа тупикдаги каттагина узумзор боғ ҳовлида якка-ёлғиз яшайдиган Ҳасан отанинг ҳам товушини эшитмаган ҳеч ким. Болалар салом беришса ичида алиқ олгани белгиси сифатида бош ирғаб қўяди, холос. Самад ота ҳаммаларидан яхши. Қачон Тош кўчадан ўтса, албатта болаларни кулдириб, ҳазил-мутуйиба қилиб ўтади. Ҳамиша кулиб юради. Боғкўчада яшайдиган қуда бувани ҳам Ҳасан бобо дейишади. У киши эса ниҳоятда камгап, айтишларича, ҳатто уйида ҳам ортиқча чурқ этмас, истар-истамас саломлашади. Чорсу бозорида ҳаммолчилик қилади.

Фазли ҳаммолчилик қандай касб эканлигини кўриб, оғзи очилиб қолди.

Онаси, Мастура опаси билан бозордан қайтишаётганди, Қўштут гузаридан сўнг йўл Кайковуз анхори кўпригига етгунича бўлган тепаликда орқасига эшиги икки тавақали шкаф чирмаб-чандиб боғланган, энкайганича бир-бир қадам ташлаб, ўрмалагудай энкайиб тепалик сари одимлаётган Ҳасан қуда бобони кўрди. Кўрди-ю, тўхтаб қолди Фазли. Кўзларига ишонмади, ҳатто кўркиб кетди. Нега, нима учун бобони боғлаб ташлашган? Ким боғлаган?! Ҳовлиқиб онасига тармашди, “Ойи, қуда бува! Қаранг-қаранг!” деганини билади, онаси: “Жим! Овозингни чиқарма!” деганча йўлидан қолмади. Фазли онасининг айтганини қилди, фақат хиёл узоқлашганларидагина ҳамон ҳаяжони босилмаганини яширмади.

– Нега боғлашган, ойи?! Ким ечади? Қаерда ечади?

Савол берди-ю, ўн-ўн беш одимлар ортда қолган қуда бува чўк тушиб елкаси-бели аралаш чандиб боғланган шкаф билан деворга беҳол суянганини кўрди. Фазли тўхтади. Аниқ кўрди у – Ҳасан қуда бува қизариб кетган, ўсиқ соқолининг туқлари игнадек-игнадек тиккайган, арқон билан елкаси, гардани аралаш тўрт-беш қайта айлантириб боғланганидан зўриққан, бўйин томирлари ўйнаб-бўртиб кетганди.

– Юр, дедим, – қўймади онаси.

– Ҳозир, ойи, – кўз ўнгидаги манзарадан узилолмади Фазли. – Чарчаб, деворга суяниб қолдилар...

– Чарчамай-чи! Чорсудан кўтариб кевотти...

– Хомболлар шунақа ишлайди-я, ойи? – ўз билгича савол қотди Мастура опаси.

– “Хомбол” эмас, “ҳаммол”, – деб тушунтирди онаси.

Фазли “ҳаммол” сўзини шунда тушунгандай бўлди. Ортиқ қадам босолмади. Онаси билан опасининг ҳай-ҳайлашига ҳам қарамади.

– Ҳеч ким ёрдам бермайдими? – сўради Фазли ҳамон қуда бувага ачинганидан йиғлагудай бўлиб.

Шу пайт Ҳасан қуда бува деворга суянган жойида кафтига нос қоқиб, тилининг остига ташлади. Кўзларини чирт юмди. Очди. Яқинидан ўтиб бораётган йигитни кўл кўтариб тўхтатди:

– Окоси, қарашвор...

Йигит шкафни, унга қўшиб Ҳасан қуда бувани жойидан қўзғалишига ёрдамлашди.

– Ё, мадад-д! – ҳайкиргани эшитилди Ҳасан буванинг, сўнг қад ростлади, оғир-оғир қадам ташлай-ташлай бояги-бояги алфозда тепалик сари тармашиб, йўл олди...

Фазли кўшниси, ҳар куни юзма-юз келадиган Минов опоки-ю, кўча чан-

гитишдан бўшамайдиган болалардан бошқа ҳеч ким билан гаплашмайдиган Ҳасан бобой қолиб, бозордан қайтаётиб ўз кўзи билан кўрган Ҳасан қуда бува-ни ўйлайдиган бўлиб қолди. Тўсатдан “ҳаммол” деган сўз ёдига тушади, ёдига тушган заҳоти Ҳасан қуда бува кўз олдига келади – шкаф орқалаган, бўйин томирлари арқондек-арқондек ўйнаб кетган, зўр-базўр қадам ташлаб эмаклаётгандек икки букилганича Қўштут тепалигига тармашаётган Ҳасан қуда бува... “Ҳаммол” сўзини ким ўйлаб топган, ўзи?” дея савол беради ўзига-ўзи, лекин саволи жавобсиз қолади...

Отаси билан косибчилик қилиб ўтирган уйга чақирмай-нетмай кириб келади-ган иккинчи одам – Суйди муаллим ҳам Ҳасан бобой, Ҳасан қуда бува ёшида. Лекин бу чол бошқача, жуда бошқача. Паст бўйли, бақалоққина, катта бошига ҳамиша дўппини қийшайтириб кўндириб юради, юзлари селкиллаган, қошлари ўсик Суйди муаллимнинг уйи қаердалигини Фазли яхши билмайди. Муаллим ҳар сафар худди куйга солиб хиргойи қилаётгандай бошини силкилатиб-тебратиб ўзича шеър айтиб келади.

– *Ғамзасин севдинг гўнгил, жонинг геракмазми санго?..*¹

Хаёлда ўтирган Фазли чўчиб тушди. “Шоир кевоттила”, деб кўйди отаси кулимсираб. Ҳовли томондан яна овоз эшитилди:

– Ғамзасин севдинг гўнгил, жонинг геракмазми санго?..

Нажиб дода билан Фазли ишни йиғиштириб, ўринларидан тургунча Суйди муаллим эшикдан кириб келди. Кираётиб, Фазлига кўзи тушди.

– И-и, катта уста иш устида эканлар-да! Э, барака, о, барака!

Суйди муаллим ҳар сафар аввал Фазлига эътибор қаратади, унга албатта бирор суюмли лутф қилади, шундан сўнггина Нажиб додага юзланади. Негадир Нажиб дода билан Суйди муаллим ортиқча ҳол-аҳвол сўрашиб саломлашишмайди, аксинча, ҳозиргина кўришган-юзлашган одамлардай бир-бирларига термилиб, жим бўлиб қолишади.

– Илҳом кеп қолдими, муаллим? Баҳам кўрай дебдилар-да?

Нажиб дода кўрпачага бемалол жойлашиб ўтириб олган Суйди муаллимга қарайди.

– Ўзингиздан, мулла, – дейди меҳмон қўлларини фотиҳага шайлаб.

Нажиб дода одатдагидай қисқа дуо қилаётиб, Фазлига маъноли нигоҳ ташлади. Фазли кўзғалган жойида Суйди муаллим қўли билан ишора қилиб, уни тўхтатди. Фазли меҳмонга итоатда тўхтади. Суйди муаллим кўрсаткич бармоғини бигиз қилиб, Фазлига қарата шеър ўқиди:

– Ўлурам гар қилмасанг ҳардам банго бир илтифот.

Фазли отасидан Суйди амаки ўзбекмилар, нечта тилда гапирадилар, деб сўраган, отаси, тоза ўзбек, лекин ичи тўла билим, ўнта тилда гаплаша олади, деганди. Мана, ҳозир ҳам муаллим қайси тилда шеър айтганини Фазли фарқиға етмади, жилмайди-кўйди. Шунда Суйди муаллим гўё ўзи айтиб келган шеърый мисрани ўша тантанавор оҳангда “ўзбекчалаштирди”:

– Биз фақирга бир пиёла гўк чой кифоя!

Фазли ҳовлига чиққач ҳам Суйди муаллимнинг гапларидан кулоғини узмади.

– Биласиз, мулла, бу атрофда дийдор истагига лойиқ сиздан бўлак банда йўқдур. Ўқийман, ўқийман – ичимга сигмаймен... Кела-келгунча такрорлаб келдим:

¹ Фузулий ғазалидан.

*“Қайғу денгизига ботиб борамен...
Ҳалоскор кучлар борми ё йўқму?”..²*

– Ичингизда-да? – сўз қотди Нажиб дода овозини пастлатиб.

– Нечун ботинда айтмоғим гарак?! Давушим борица дедим! Ҳамма эшитсин, бутун олам эшитсин учун айтдим! У ёғи гузар, кела-келгунча Тош кўча, қатор-қатор нукул адоғи берк кўча, кулоқ оссинлар умидин-да айддим, мулла! Боши-адоғи берк кўчаларни тарк этиб, тингласунлар: Ҳаво бузуқ! Кўк юзи-да, қоп-қора...

– Ҳай-ҳай, астарок! Ташқарида куёш чарақлаб турибди-ку! Аста-да!

– Нима, аста? Нечун, аста? Қачонгача аста, мулла?! “Бу дунё деб у дунёни баҳосиз пулга сотдим-ку”... Эҳ, бу бош! Эҳ, бу соқол! Эҳ, бу косиблик, хунармандли-ик?!

Нажиб дода кулимсиради, осмондан тушгандай пайдо бўлган Суйди муаллимнинг оғзидан таралаётган сўзларни жон қулоғи билан тинглагиси келяптими ёхуд пича паришонладими, билиб бўлмади – кўзлари чарақлади, намланди, севинаяпти-ми-куюнаяптими, ҳар қалай, тиззасидаги асбоб-анжомларни бир йўла ёнига қўйиб, оҳиста муаллимнинг рўпарасига чўк тушганча бетини тиззаларининг кўзига тек-кудек букчайиб олганини ўзи ҳам сезмади.

– Ҳайқириб битилган шеър пичирлаб ўқилмайдир, мулла! Шуни унутмасунлар! Ҳайкирик...

– Шу бугун ёздиларми, бу шеърларни?

Суйди муаллим хумкалласини гоҳ тебратиб, гоҳ чайқаб, мезбоннинг тагдор киноясига жавобан мийиғида қулди.

Давоми бор

МИЛЛАТ ОЙНАСИ БУ

Мактуб



**Норқобил
ЖАЛИЛ**

“Шарқ юлдузи” журнаlinesи ўқувчилик давримдаёқ севиб мутолаа қила бошлаганман. 45 йил бўлибди шунгайм. Уйимиздаги токчада энг нодир бойликдай турарди бу журнал. Оддий тракторчи бўлган отам, уй бекаси онам (Оллоҳ раҳмат қилсин уларни) навбатма-навбат ўқиб чиқишгач, кейингина менга навбат тегарди. У замонлар электр чироғи етиб бормаган Ҳисор тоғлари этагидаги мўъжазгина Минжир деган қишлоқдаги ўртаҳол яшовчи оилада бу табаррук журналнинг пилта чироқ ёруғида қўлма-қўл ўқилиши бугун айримлар учун эртакка ўхшайди. Эсимда, сеvimли нашрим ёнида “Фан ва турмуш”, “Саодат” ҳам камида ўн-ўн бешта хонадонга кириб борарди. Муаллимлар-ку ўнлаб бундай журналларни мунтазам ўқишар ва яна ўзларига зарур, соҳа нашрларини ҳам олишарди, лекин аксар обуначилар қишлоқнинг соддадил одамлари эди.

1975 йил... Умримнинг сўнгги нафасига қадар бу сана эсимдан чикмаса керак. Сабаби, онам Тўтиой Орол кизи ўша йилнинг 26 мартида дунёдан ўтган ва мен ўша кундан бошлаб ОНА деган улуғ каломнинг кадр-қиммати нақадар азиз эканлигини англаганман. Орадан қўп вақт ўтмади. Еттинчи синфда ўқирдим. Бир куни мактаб кутубхонасида “Шарқ юлдузи” журнаlinesи варақлаб ўтирган эдим. Устозим, адабиёт муаллимимиз Нормурод Жумаев кириб қолди. “Нима ўқияпсан?” деб қўлимдаги қалин журналга ишора қилди. “Зўр-ку, сен журналмас, аслида катта бир китобни ўқияпсан. Биласанми, “Шарқ юлдузи”да асари, биттагина шеър босилган ижодкор адабиёт остонасига қадам қўйган ҳисобланади, деган эътироф бежиз айтилмаган. Масалан, бизнинг авлод Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Чўлпон, Ойбек,

Норқобил ЖАЛИЛ – 1961 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Унинг “Согинчнинг ранги”, “Қуёшга тик қараб бўлмас”, “Ғовалик қаҳрамон” номли китоблари чоп этилган.

Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Асқад Мухтор, Абдулла Орипов, Ҳалима Худойбердиева, Эркин Воҳидов, Рауф Парфи, Омон Матжонларнинг гўзал асарлари билан энг аввал ана шу журнал орқали танишганмиз.

Биламан, ҳозир кўнглинг анча ўксик, отанг дарёдил одам, сизларни ҳеч нарсага зориқтирмайди. Лекин онанинг ўрнини ҳеч ким босолмайди. Кечадан бери сенга Абдулла Ориповнинг китобидан ўз кўлим билан кўчириб қўйган “Онажон” деган шеърини бераман деб юрувдим. Ўқисанг, юрагинг анча таскин топади. Қара, Абдулла акадек улкан шоирнинг изтироблари нақадар таъсирчан”, дея битта дафтар тутқазди. Шоша-пиша шеърни ўқишга тушдим. Аввал ичимда шивирлаб ўқидим. Кейин... у ёғини тасвирлаб беролмайман.

*Неча кунки йўқ оромим,
Келолмайман ҳушимга.
Онажоним кечалари
Кириб чиқар тушимга...*

* * *

*У кун четда оҳ чекардим
Ғуссаларнинг дастидан.
Сен отамга пул берибсан
Ёстигининг остидан.
Айтибсанки, онасизлик
Келмасин ҳеч ўйига.
Сарф қилингиз, менга эмас,
Абдулланинг тўйига.
О, ўғлингга сен шафқатни
Билардинг-ку, онажон.
Бундан кўра бағрим ўйсанг
Бўларди-ку, онажон...*

Кутубхоначи аёл ҳайрон бўлиб ёнимга келди. Ўзимни тўхтатолмай ҳўнграб йиғлардим. Бошим эгик, бир пайт қарасам, “Шарқ юлдузи”нинг варақларини кўзёшларим жикқа ҳўл қилиб ташлабди. Кутубхоначи опага: “Кечиринг, мен сизга шу журнални топиб келаман, илтимос, фақат йиғлаганимни ҳеч кимга айтманг!” дея ёлвордим...

Шу кеча эрталабгача уйкум келмади. Саҳарда кўзим илинибди. Тушимми, ҳушимми, билмайман, онам бошимни силаб ўтирибди. Кўзимни очсам, тонг отиб кетибди, апил-тапил кийиндиму мактабга югурдим. Йўлда кетяпману ҳаёлимда Абдулла аканинг онаси менинг онамга айланиб қолгандек туюлаверди. “Онажон” шеъри эса бир умр хотирамда муҳрланиб қолди...

2000 йиллар. Ўзбекистон телевидениесида ишлардим. Топширик бўлди. Мустақилликнинг 10 йиллигига бағишлаб туркум кўрсатув ва роликлар тайёрлаш керак. Рўйхат қилинди. Менинг чекимга Ўзбекистон халқ шоири

Эркин Воҳидов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов ва таниқли адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуровдан интервью олиш тушди. Яхши бўлди. Сабаби, учаласиям битта жойда, яъни Парламентда, Қонунчилик палатасида депутат эди-да.

Гоят гўзал хотираларни ёзиб олдик. Айниқса, Эркин Воҳидовнинг айна истиқлол арафасида мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий вазият, ижодкорларнинг битта мушт бўлиб бирлашгани, ҳақиқий файласуфона ҳаётий ҳикояларини эшитиб ҳайратландик. Негаки, бу гапларни ҳали кўпчилик эшитмаганди. Ниҳоят навбат Ўткир Ҳошимовга келди. Оғир, босиқ, ўйчан инсон жиддий мавзуни ҳазилга бурди: “Оббо, мен энди нимани гапираман, яхшиси, Эркин аканинг теша тегмаган сўзларини қўйиб, фонида бизларни бир панорама қилиб ўтказворсангизлар ҳам бўларди...”

Бир умр эл-улус орасида юрган улуғ ижодкорларнинг самимий қалб сўзлари юраклардан-юракларга кўчди. Кўнглимиз тўлиб ортга қайтаётган маҳалимиз Ўткир акани секин гапга солдим. “Сиз барибир улкан адибсиз, сиёсий муҳорабалар, мажлислардан толиққан пайтларингиз ёзувчилигингиз эсга тушиб, бир ёқларга кетиб қолгингиз келмаяптими?”

Севимли адиб бир зумда ўйчан қиёфага кирди-да, аста сўз бошлади:

– Одамнинг дардини кўзғайдиган саволни бердингиз, укажон. Бизга Худойим қаламни бежиз ато этмаган-ку, маза қилиб ижод қилганга не етсин? Лекин начора, сиёсатга ҳам керак эканмизки, баҳоли қудрат ишлаб юрибмиз. Иш столимни кўрсангиз, китоблар, газета ва журналлар қатланиб турибди. Улар орасида барибир мен учун энг қадрдон дилдошим – “Шарқ юлдузи” журнали. Меҳр кўзда, деганлари балки шудир. Қаерга борсам, шу тарихий журналда кечган бой ҳаётим ҳақида сўрашади одамлар.

Шу журналда оқ йўл тиланиб, тетапоя бўлган неча юзлаб қаламкашлар бугун ўзбек адабиётида ўз сўзини айтаяпти. Қай бирини санаб берайин. Ҳар доим фахрга тўлиб, “Шарқ юлдузи” деб ном берган инсонларни дуо қиламан. Бўлмаса, Ўзбекистонда адабий-бадиий нашрлар кўп. Қайси бир гўшага борсам, турли ёшдаги юртдошларимнинг савол-жавобларининг аксари журнал билан боғлиқ бўлади. Шундай лаҳзаларда бу ажойиб жамоанинг ҳар бир аъзосини, у оддий ходимми, мусахҳих ё бўлим мудирими, миннатдор бўлиб эслайман...

Бир зумгина суҳбатимиз орасида Ўткир Ҳошимов “Шарқ юлдузи”да ишлаб кетган ва ўша маҳаллари ҳам бу журналга бор ҳаётини баҳшида этиб юрган фидойи ижодкорларни бирма-бир эслаб ўтди. Устоз адиб Ойбек домла, Асқад Мухтор, Ҳамид Ғулом, Мирмуҳсин, Пирмат Шермуҳаммедов, Худойберди Тўхтабоев, Шукур Холмирзаев, Омон Мухтор, Асад Дилмурод, Ортиқбой Абдуллаев, Икром Отамурод ва яна кўп фидойиларнинг номларини санади. Ўзбек адабиётининг қўмондонлари, аскарлари эди улар...

Ҳозирам юртимизнинг қай бир қишлоқ-овулига борсам, аҳён-аҳёнда кекса ўқитувчилар, зиёлилар гурунглари орасида газета-журналлар ҳақида сўраб қолса, албатта, биринчи бўлиб “Шарқ юлдузи”ни, унда номлари муҳрланиб қолган улуғ адибларни ўзгача меҳр билан тилга оладилар. Нега десангиз,

бугун ҳам кўпчиликнинг уйларида ҳамон асрларни бўйлаётган бу қадим журналнинг сарғайиб кетган бўлса-да, 50–60 йиллик нусхалари турганига гувоҳман. Минг афсуски, ҳозирги авлод илму урфонни, адабиётимизнинг энг нодир намуналарини матбуот нашрлари, китоб ё журналлардан эмас, интернет ёки айфон телефонлару планшет, смартфонлардан ўқияпмиз, дея мактанаркан, жуда катта бойликдан мосуво бўлаётганини англамикан?

Бугун “Шарқ юлдузи” (бошқа босма нашрлар ҳам бундан пеш эмас) жуда кам ададда чоп этилаётганига ҳаммамиз гувоҳмиз. Бунга ким айбдор? Босма нашрларни минг азоб, машаққат билан ҳаминқадар ойлик маошлар эвазига тайёрлаётган қаламкашларми, ё йил сайин “ўлиги”ни ҳам обуначилар, ҳам тахририятлар устига ташлаб олаётган почта, матбуот тарқатиш тизими вакилларими? Ёхуд нуқул “мажбурий обуна” деб ҳукумат ва халқни чалғитиб, ўзларига ўхшаган “саводсизлар армияси” сафини кенгайтираётган ҳайбаракаллачи амалдорлар, блогер ё сайтчиларми?

Тўғри, ҳеч кимни мажбурлаб китоб ёки газета-журнал ўқитадиган, телевизор кўрсатадиган замон эмас, ҳозир. Ҳар ким ўз маънавий диди, савиясига қараб иш кўради. Шу ўринда мени қийнаётган нарсаси, таассуфки, бошқа соҳалар, майли, ўз йўлига, лекин таълим тизимига кирувчи муассасалар, айниқса, мактаб, ўрта махсус ва олий таълим вазирлиги тасарруфидаги ўқув даргоҳларида навқирон авлодга ўзбек тили ва адабиёти фанидан сабоқ бераётган ўқитувчиларнинг аксарияти бугун Ўзбекистонда “Шарқ юлдузи” деган ажойиб адабий-бадий журнал борлигини эсдан чиқариб қўяётганидир. Фикримга ишонмасангиз, узоқ туман ё кишлоқларни қўяверинг, ҳатто пойтахтнинг исталган туманидаги бирорта мактаб ё олий ўқув юртидаги кутубхоналарни бориб кўринг, “Шарқ юлдузи” журнали бормикан? Ёки бўлмаса, мен тилга олган соҳа муаллимларидан қизиқиб сўранг-да, қани қайси бири бу журналда чоп этилган энг сўнгги бирор бадий асар ёки ижод намуналарини мутолаа қилганмикан? Шахсан менинг бу борада ишончимдан кўра шубҳам кўпроқ. Сабабиниям изоҳлайман: яна ўша “мажбурий обуна” касри таъсиридан бу. Аммо ўша илм масканларида бошқа, умуман таълим тизимига, хусусан, адабий оламга мутлақо дахлдор бўлмаган шундай нашрлар тахланиб турибдики, эсиз, маънавий саводхонлигимиз куни кимларга қолди-я, дея ёқангизни ушлашдан ўзга чорангиз қолмайди.

Орамизда адабиётни, она тилини, қўйингки, ҳаёт илмидан сабоқ бергувчи “Шарқ юлдузи” каби кеча ва бугунни мустаҳкам риштаси – маънавият кўприкларини кадрловчи инсонлар, зиёлилар, минг шукрки, кам эмас. Қолаверса, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасидек муборак мақомдаги ташкилот бор экан, бу кўҳна адабиёт, маънавият бешиги ҳеч қачон завоқ топмайди деб ишонаман. Алломаларимиздан бири айтганидек, токи театрга битта ҳақиқий томошабин кирар экан, театр ўлмайди. Худди шундай, севимли журналимизнинг ҳам лоақал битта чинакам ўқувчиси бор бўлса, у албатта чоп этилиши шарт!

Миллат ойнаси деса арзигулик “Шарқ юлдузи”ни соғиниб кутгувчи мухлисингиз.

Қайси баҳорларга алмашдинг мени?..



**Раҳмат
БОБОЖОН**

* * *

Рух ичра оғриқлар бодраётганда,
Бораётган дамда вужудим музлаб,
Беғуноҳ юрагим титраётганда,
Мендан кечмоғинг бор: ичикиб, бўзлаб.

Сенга келарканман,
кўнглимда – илинж,
Туну тонгга қараб бир хаёл сурдим:
Ё ойдин сўзларинг –
муҳташам севинч,
Ё қаро кўзларинг –
меҳрнинг юрти.

Сўнгра, фидо дедим,
йўқ, адосизман,
Кўксимда тош қотди бир иқрор – сароб.
Сендан,
мендан,
хуллас,
тамоман биздан,
Кечгани рост эмас буткул изтироб.

Хотирингда ёдим кўз ёраётир,
Ғаминг елкалаган жонимни излаб,
Осий юрагингда сўнмай ҳавотир,
Менга қайтмоғинг бор: ичикиб, бўзлаб.

Раҳмат Бобожон – 1998 йилда туғилган. Урганч ижтимоий-иқтисодий коллежини тамомлаган. Ёш ижодкорнинг “Изтироб шивири” номли китоби чоп этилган.

* * *

1

Хурсанд бўл,
севингин,
яшнагин,
шодлан,
Юзингда битмасин табассум умри.
Қара,
биз тарафда тўкилмоққа гул,
Қанотин кесмоққа ошиқар қумри.

Кимнинг
кимга тушар экан оғири,
Ким
кимнинг ёшига абадий шерик.
Қара,
биз тарафда кетар мавсумлар,
Бирор жон истамас яшашни тирик.

Ваъдаларнинг мунглиғ изтиробиди,
Ким
виждондан кечиб англади буни.
Қара,
биз тарафда
афсус
улғаяр,
Ёлғизликнинг эса таваллуд куни.

Хурсанд бўл,
хиром қил руҳ қабри узра-узра,
Ҳеч қачон бермагин кўзларинг ёшга.
Энди,
сен тарафда,
унутма бироқ,
Ҳамма киминг бордир,
бир мендан бошқа...

2

Мен эса унутдим,
унутишимда,
(Бирор йўл кўрмадим қайтсам-қайтадан.)
Сен энди тушларда бошинг эгилиб,
Хаёлда ёнимга минг бор қайтасан.

Мен эса унутдим,
унутишимга,
Ҳатто ,
ёлғизликнинг исми ярашган.
Сен энди қўрқасан юракка кириб,
Ғамзада кўзларга кулиб қарашга.

Мен эса унутдим,
унутишимдан,
Рухимга келтирдим кўникмоқ йўлин.
Сен энди ҳаётдан йироқлашдинг ва
Умрингга тиладинг гўзал бир сўлим.

Мен эса унутдим,
унутишимнинг,
Сабрда тишини қўйиб тишига.
Мен сени унутдим,
йўл қўймадим лек,
Мени бир лаҳза ҳам унутишингга.

Мен эса унутдим...

* * *

Киприкдаги ҳузн,
кўзда ёш эдим,
Шодликка – ёрларга алмашдинг мени.
Инини излаган қалдирғоч эдим,
Бир йиртқич сорларга алмашдинг мени.

Кошки,
қол десайдим,
уним йўқ эди,
Боримни зорларга алмашдинг мени.
Ё Худо, ёнган бир куним йўқ эди,
Умримни норларга алмашдинг мени.

Ҳолбуки,
мен ғамни куйлагувчи най,
Дардсиз дуторларга алмашдинг мени.
Юрагим, ахир бир офтоб эдийей,
Дили ситорларга алмашдинг мени.

Эҳтимол,
муждалар кеч элтди хабар,
Осий қарорларга алмашдинг мени.
Сўнг кетдинг, талпиниб хатолар қадар,
Келмас барорларга алмашдинг мени.

Балки,
пок изҳорим кутмадинг илҳақ,
Ишқи ғуборларга алмашдинг мени.
Севаман деган бир сўз бор эди ҳақ,
Ёлғон шиорларга алмашдинг мени.

Бор умрим ёдида бахтли онлар ҳам,
Сўнгсиз озорларга алмашдинг мени.
Гуноҳсиз куз эдим – сен деб сарғайган,
Қайси баҳорларга алмашдинг мени?

* * *

Мойчечаклар сўлмасин, дединг,
Барглариға секин босиб лаб.
Тўкилганинг сезмадинг аммо,
Юрагингга юрагим титраб.

Ниғоҳингда уйғонгим келди,
Кипригингга қўнмасидан ғам.
Ҳатто,
тушимда ҳам шу гулни,
Сенга келтирганим-келтирган.

Хаёлимда жонланар маъсум,
Ҳеч унутиб бўларми уни.
У – оламнинг севги гулидир,
У – оламнингхотира гули.

Мойчечаклар – тилаги дилнинг,
Мойчечаклар – қўнгил нияти.
Энди, менга йўқдир шу гулдан
Бошқа гулнинг аҳамияти.

Қадамларинг изи ҳам азиз,
Азиз, не бор кафтларинг теккан.
Азизим,
бир сен учун сеҳр,
қўнғлимга минг мойчечак эккан.

Келгин энди,
ёмғирлар – соғинч,
Бандин эзар изтироб – елдир.
Юрагимда унган гулингга,
Юрагингдан муҳаббат келтир.



ЖОНТЕМИР

Мустақиллик сўзи эмас, мустақиллик туйғуси муҳим

Шоир Азиз САИДГАга очик хат

“Мустақиллик, озод ватан, миллат деганда нимани тушунаси?” Охирги кўришганимизда сўраб қолдингиз тўсатдан. Аввалги суҳбатларимиз каби саволингиз адабиёт билан боғлиқ эмаслиги, ёки дабдурустдан мухтасар жавоб тополмаганимданми, шу ҳам саволми дегандек кинояли илжайиб қўя қолдим. Сиз эса зоҳиримни пайқаб: “Нега сиз тенгилар юқоридаги мавзуларда гапиришу ёзишга киноя билан қарайсизлар? Сабаби нимада?” Ана шунда ўйланиб қолдим. Ҳақиқатда, илдизи қаерга бориб тақалади бунинг? Ва бугун фикрларимни жамлаб, иложи борица холис жавоб ёзишга қарор қилдим.

Қадрли Азиз ака, мустақиллик қадрини сиз каби чуқур англаб, уни йўқотиб қўйиш даҳшатли фожиа эканини ҳис этишим учун мустамлака даврда яшаб, жабрини бошдан кечиришим керак эди. Ваҳоланки мустақилликдан кейин дунёга келдим. Ва бунинг учун баъзан афсусланаман ҳам. Негаки, озодлик йўлида бошини кундага қўярак оёққа қалққан миллат кўзидаги жасорат оловини кўролмадим. Балки ишон-массиз, жадидлар замонида туғилиб, бор йўғи улар-ла ҳамфикрлигим сабаб, отилиб кетишни шунчалар истардимки. Ҳозир ҳам ватан озодлигига бирор нарса таҳдид солса биринчи сафда бўлишимга ишонаверинг.

Бахтимизга адабиёт бор. Шу орқали ҳар иккала даврни ақл тарозисига қўйиб кўриш мумкин. Энди юқорида ёзғирганингиздек биз мустақилликдан эмас, мустақиллик сўзидан нега бешиб қолганимизни тушунтириб ўтсам.

Биринчидан, ўтиш даврида дунёга келдик. Бу ёғига нима қилиш кераклигини давлат аниқ белгилаб олмаган эди у пайтлар. Сўнг мактабданоқ мустақиллик туйғусини ўзлари ўрнатиб бўлган ҳолда табиий англатиш ўрнига, унинг шаънига қуруқ мадҳиябозлик қилишни ўргатишди. Масалан, сиз “Мустақил Ўзбекистон”, “Озод ватан”, “Истиқлол қуёши” сарлавҳалари остида ҳали қалбан тушуниб етмаган туйғуларни ичингиздан зўрма-зўраки тўкиб, олқишу мактовларга тўлиб-тошган китоблардан кўчириб, ҳар икки ойда ёзма иш топширмагансиз ўқитувчингизга. Ўрта ва олий таълимда ҳам ҳеч ўзгаришсиз давом этди бу ҳол. Менинг ёшимда сизга “Карл Маркс ғоялари”, “Ленин даҳоси”, “Октябрь инқилоби” ҳақида англамай

ЖОНТЕМИР – 1994 йилда туғилган. Ёш ижодкорнинг “Дарвеш қўшиғи” номли китоби чоп этилган.

Мустақиллик сўзи эмас, мустақиллик туйғуси муҳим

ёзиш қанчалик эриш туюлган бўлса, мен учун ҳам худди шундай салбий таъсир кўрсатган. Чунки ёзаётганим сохта, ясама эканини билиб турардим ич-ичимдан. Не ажабки, қўлбола ватанпарварлик энди шеърятга кўнгил қўйган пайтларим адабиётга ҳам батамом кўчиб ўтди.

Нашриётлар бирор ёш ижодкорнинг тўпламини чиқариш учун “Мустақиллик” “Истиқлол”, “Юртбоши” ҳақида шеър талаб қила бошлашди. Оқибатда ўн уч, ўн беш яшар ҳаваскорларнинг мукаддас туйғулар тўғрисида қоралаган ўта бемаъни машқлари ҳамма ёқни босиб кетди. Устига-устак, дуппа-дуруст катта ижодкорлар ҳам кўшилди уларга. Газета, радио, телевидениедаги нотабий, бўрттирма, ҳиссиз, баландпарвоз чиқишлар меъдамызга тегиб қолди. Шу орқали юқорига ёқиш, нимадир ундириш мумкин деб ўйларди ҳамма. Хуллас, ҳар оғиз ўрни келса, келмаса чайнайверадиған бекадр сўзга айланди у мукаддас туйғулар. Абдулла Ориповнинг “Такрор айтилганда рангсиздир калом” сатрини шарҳлаб беришим шарт эмасдир. Мен ҳатто бирор адабиёт ўқитувчим Қодирий ҳақида гапираётиб, йиғлаб юборганини ҳам эслолмайман. “Фалон йил туғилди. Фалон асар ёзди. Фалон йил отиб ташланди”. Озодлик йўлида жувонмарг бўлган қаҳрамонларни жуда совуққонлик билан ўқитишган ва тестда тушиши мумкин бўлгани учунгина ёдлатишган. Шундай экан биз ҳам қон кечиб эришилган улуғ туйғуларни сўз бошида, шунчаки тил учида гапириб ўтишга одатландик. Тўғрироғи, нимани ўргатиб, нимани талаб қилишган бўлишса, ўшани беришга ўргандик.

Тасаввуримда мустақиллик сўзининг сийқалашиб кетганига яна бир сабаб – иккиюзламачилик! Минбардан туриб, “Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз”, дея ҳайқирган амалдор фарзандини чет элда ўқитади, уларнинг айримлари ўша ерда яшаб ҳам қолади. Ишонч қачонки сўзнинг амали бўлмаганда, барча ҳаракатларинг бефойда, зое кетишини англаганингда сўнади. Хабарингиз бор, яқинда Тошкентнинг қоқ марказида рус аскарлари хотирасига ёдгорлик ўрнатилди. Ахир, бизни хўрлаган, ойдинларимизни қатагон қилиб, ер юзидан ўзбек деган номни таг-томири билан кўпориб ташламоқчи бўлган, мустақил бўлишимизга йўл қўймаган босқинчи аскарлар хотирасига ёдгорлик қўйишни биз қандай тушунайлик?..

Мустақилликнинг адолати, деган тушунча ҳам бор. Юқорида айтганимдек, саёз, юзаки таълим олган, инсонийлик, халқпарварлик тушунчаларига нописанд ўсган авлод ичидан етишиб чиққанларнинг нодонлигидан бошқа нарса эмас бу! Ҳаммаси виждон ва юракнинг қоринга қўшилиб кетгани ҳамда Худодан узоқлашишнинг оқибати. Биз нега безътибор, лоқайд, итсалган ноҳақликка қўл силтаб кўядиган ҳолга тушиб қолганимизни майдалаб тушунтириб бердим, менимча. Аммо биздаги бу норозилик зинҳор давлат, миллатга эмас, касбига номуносиб мансабдорларга қарши. Юртбоши ҳукуматдаги барча кадрларни иймонли, эътиқодли, виждони тирик ёшлар билан алмаштираман, деганида қувонган эдик, ўша қувончли дақиқалар яқин эканига ишонамиз!

Азиз ака! Мазҳар, ибрат сифатида миллат қаҳрамонлари, зиёли олимлар, умрини миллатни юксалтириш йўлида қурбон қилган шахслар эмас, ярим-яланғоч, уятсиз, маънавиятсиз, на тарих, на адабиётдан бохабар бачкана ашулачилар кўрсатилган, фикрлашдан тўхтатувчи савияси паст сериаллар томоша қилиб ўсган, бозор иқтисодиёти дея илм-маърифатли кишидан боши бўш, чўнтаги тўқисни устун қўйиш ўқитрилган авлод қалбида мустақиллик туйғуси улғаярмиди? Йўқ! Хайрият, шундай муҳитда ҳам илдизидан узилмаган оилаларда, соф адабиётдан озикланиб, қадим покдомон қон, боборухни асраб қололган бир қатлам ёшлар борки, уларни кўриб кўнглинг кўтарилади.

Шу ўринда миллатни тарбиялаш йўлида адабиётнинг таъсири ҳақида ҳам гапирсам. Битта залворли шеър ё ҳикоянинг кудратини мен эшитган, сиз кўргансиз. Ёзувчи, шоир деганда улугъ кишилар гавдаланган одамлар кўз ўнгида. Битта адиб бутун бошли мамлакатни дунёга олиб чиқиши, чет эл кишилари кўнглида ўз халқига нисбатан ҳурмат, муҳаббат уйғота олишига ишонишган. Масалан, менинг Расул Ҳамзатов орқали Доғистон, Бальзак орқали Франция, Чингиз Айтматов таъсирида Қирғизистонга меҳрим тушган. Бошқа соҳаларга қараганда адабиёт инсон қалбини қорайишдан сақлаши, соф, юксак туйғуларни асраб қолиш, сингдиришга қодир. Мени бир савол кўп ўйлантиради. Азиз ака, мустақилликдан кейин асл адабиётда бирданига жимлик бошлангандай қандайдир ҳафсаласизлик, узилиш юз бергандай туйилади. Тенг-тўшларимнинг бепарволик, лоқайдлик ғумбагига ўралиб олганининг асосий сабабларидан бири ҳам ана шу узилишда! Натижада ҳаваскор, ўртамиёналар майдонга чиқди. Қалами борлар буларга ҳам, ижтимоий муаммоларга ҳам муносабат билдирмай кўйишди. Алаҳхусус, сўзнинг кучи йўқолиб, ижодкорнинг жамиятдаги ўрни сезилмай қолди. Балки, истеъдодлар меҳнатига яраша қадрланмагач жимиб кетишандир? Қалам ҳақида “Волга” олган Эркин Воҳидов билан бугунги ижодкорнинг аҳволини солиштириб бўлармиди ахир? Моддий томонлама тўқ ижодкоргина ҳақиқий адабиёт ярата олиши мумкинлигини тарих исботлаб берган! Шундай экан, нега ёзган асарлари эвазига яхши ҳаёт кечирмаслиги керак?! Аммо тан олайлик, бугун ижодкорнинг қиймати кўшиқчи ё бозорчидан қуйилаб кетди.

Азиз ака, “бу вазиятнинг сизнинг мустақиллик туйғунгизга нима дахли бор, иқтисодий вазият, айрим амалдорларнинг қилмишлари, саводсизлиги мустақиллик туфайли эмас-ку”, дедингиз. Тўғри, мустақиллик бизга алоҳида давлат сифатида эркинлик берди. Герб, байроқ, мадҳия, конституциямизга эга бўлдик. Баъзи соҳалар, дейлик спорт гуркираб ривожланди. Чегаралар очилди. Бунёдкорлик ишлари авжида. Ўзга давлатнинг қош-қовоғига қараб эмас, ўзимиз истагандек ҳаёт кечираяпмиз. Четдан қараганда ҳаммаси яхшидек гўё. Лекин энг улкан муаммолардан бири таълим ўнгангани йўқ. Яна жаҳидларга қайтаман. Улар эзилган мамлакатни оёққа турғизишни айнан таълимдан бошлаган. Мана, орадан юз йил ўтиб, яна ўша муаммо юзага чиқди. Тиббиётнинг аҳволи нақадар ночор эканини пандемия яққол очиб берди. Ислохотлар кетяпти, ўзбекчилик аста-секинлик билан, дерсиз? Ўттиз йил кам муддат эмас. Анча оёққа туриб олган бўлиши керак эди бу соҳалар. Илмга ташна ёшларнинг деярли барчаси чет элга чиқиб кетиш пайида. Кетишяпти ҳам. Ҳаммасини била туриб маддоҳликни тўхтатганимиз йўқ. Ҳатто, давлат раҳбари мақтовни йиғиштиринг, камчиликлар тикилиб ётибди, шуларни гапиринг, деган бўлса-да! Боиси издан чиққан соҳалар бошида турганларда ватан туйғуси, фидойилик йўқлигида. Бундан келиб чиқадики, сиз айтган бепарволик, беписандлик фақат ёшларга тегишли эмас!

Азиз ака! Сўзим охирида шуни таъкидлашни истайман, мустақиллик сўзи ёки туйғуси учун эмас, ватанга муҳаббат, мустақиллик туйғусини қадрсизлантириб юборганлар туфайли лабимизда кинояли жилмайиш пайдо бўлади! Ва шуни ҳам биламанки, миллат тақдирини шахслар ҳал қилади. Фитрат, Мунавварқори, Абдулла Авлони, Абдулла Қодирий, Бехбудий, Чўлпон... булар шахс эди. Юлғич кузғунлар омон-омон яшаётган мамлакатда, озодлик, мустақиллик туйғуларига ўрин йўқ. Бизга ҳаётимизнинг барча тизимларида кўзи тўқ, қони тоза шахслар керак! Назаримда улар ҳали ажратиб кўрсатганим ёшлар ичидан етишиб келаяпти. Уларнинг юрагида мустақиллик сўзи эмас, мустақиллик туйғуси баланд пардаларда!



**Маъмура
ЗОҲИДОВА**

“Истиқлол тарихнинг имтиҳонидир”

Ҳаёт инсонга берилган буюк неъмат эканини ҳамма ҳис қилади, англайди. Бироқ бу буюк неъматнинг таъмини белгилаш мезонларимиз турлича. Ўтмишдан маълумки, Одам деб аталган зот турли замонлар, маконларда қулликка маҳкум этилган. Оғир меҳнат қилишга мажбур қилинган. Албатта, барчаси куч билан. Ким ҳам эркин бўлишни истамайди? Ким ҳам ўз ҳаётини ўзи истаганча кечиришни, ўзининг орзулари, истакларига йўл топиш, келажагини яратишга фақат ўзи, ўз қарашлари, тафаккур доираси, имконлари асосида интилмайдими? Инсонни маълум бир кимсаларнинг ўйлаб топганлари – мафкуравий курашлар, зўравонлик, чексиз бойлик ва номдорликка бўлган истаклари қул қилади, қарамликда тутди. Бутун-бутун халқлар кучидан фойдаланишга шунчаки эришиб бўлмайди. Бунда мафкурага таъсир кучидан “унумли” ва “тўғри” фойдаланилса, жуда тезлик билан катта натижа олиш мумкин. Соддагина, қалби пок одамларга зўравонликни ихтиёрий меҳнат деб, оғир меҳнатни шараф деб, зулмни эрк деб англата билиш, кишилар онгига пухта ўйланган сиёсатни жуда содда кўринишда, шунчаки ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик деб сингдира билиш керак бўлади.

Халқимиз ана шундай мафкуравий тазйиқ йилларини бошидан кечирди. Ўз меҳнатининг кучи билан яралган моддий бойликлар эгалари бошқалар эканини билмай, асли ўзи эркин, бой-бадавлат, фаровон яшаши мумкинлигини ҳаёлига келтирмай салкам юз йилни яшади. Миллат гуллари – илғор зиёлиларига айблар тақилиб, “халқ душмани” дея тамғаланганда ишонди. “Биз бечораларнинг – қора халқнинг душманлари ўз ичимизда экан”, деган нодон хулосага келди. Аввалига бойлар бор бойлигимизни босиб ётган экан, йўқса фаровон яшардик, деб бадавлат кишиларни ўзи тутиб берди. Кейин “халқ душманлари”нинг “давлат сирини четга сотиб юргани”, нияти ёмонлиги, миллатчилигига ишониб, юрт улардан тозаланса гўзал ҳаёт бошланади, деб ўйлади. Кейин “жонажон совет иттифоқимизни кўролмайдиган “фашист кузғунлар”ни ер билан яксон қилсак,

Маъмура ЗОҲИДОВА – 1973 йилда туғилган. Наманган давлат университетининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тамомлаган. Республика матбуотида кўплаб илмий-оммабоп мақолалари, “Айтилмай қолган гаплар”, “Ҳикоялар”, “Нажот куйи” каби шеърӣй ва насрий тўпламлари нашр этилган.

ҳаётимиз гул бўлади”, деб миллионларча жонни қурбон қилди. Аҳмоқона урушлар, аслида бир давлатнинг бошқасини босиб олиши учун эмас, ич-ичида бошқа бир фасодли, чиркин, разил мақсадга йўналган қон тўкишларда жон берди. Ватан деди, она тупроқ деди, эл деди.

Биз бутун қурбонликларимизни халқ учун, ватан учун деб ўйладик. Жуда катта йўқотишларга дучор бўлдик.

Жумладан ўзбек адабиёти ҳам.

Одамият устидан ўрнатилган ҳукмронлик шу қадар разолатга ботган эдики, қўлида қалами бор, кўнгли марвариддек пок шоирлар, ёзувчиларнинг миллатга таъсирини тезда йўққа чиқариш режаси тузилди. Халқ эса уларнинг кўрсатиб берилган хатоларини хато деб билди, тўғри йўлни фақат бир тарафда – “Коммунистик партия” отли чиркин мафкуранинг нақадар таъсирли ўйлаб топилган “Меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш” йўлидаги сиёсатида дея англади. Асли ўша “халқ душманлари” эмасмиди, миллат манфаатлари, эрки топталаётгани, масхара қилинаётгани, Инсон отли онгли мавжудотнинг ҳуқуқлари поймол бўлаётганидан бонг урганлар? Улар эмасмиди “Агар миллат ўқимаса, маърифатли бўлмаса, қул бўлади, бўйнига кир бўйинтуруқ кияди”, деганлар? Қандай аянчли қисматни бошидан кечирди собиқ иттифоқ таркибида бўлган юртлар қаторида Ўзбекистон ҳам. Шундай бўлдики, миллатнинг кўзини очиб қўйиш хавфи билан бу марказлашган давлат фуқаролари орасида юрган тафаккур кишилари турфа найранглар билан айбли этилиб, қириб ташланди. Осонликча, ҳеч нарсасига қараб ўтирмасдан. “Миллат эрки, фаровонлиги, бахтли яшаши” ниқоби остида неча минг-минглаб оилалар бахтиқаро қилинди. Яқинларининг дийдорига зор бўлган элдошларимизнинг қонли кўзёшларини нима билан ювиш мумкин эди ахир?

Мустақиллик билан.

Мустақиллик – улуғ байрам. Жуда ҳам улуғ. Биз кейинги авлоднинг назарида, бугунги кунларга қийинчиликсиз, қон тўкишларсиз эришдик. Бироқ унга келгунча чекилган аччиқ заҳматлар доғи ҳали халқимиз вакиллари қалбидан кетгани йўқ.

Ёшликни эслаймиз. Маҳаллаларда бирор бадавлат кишида машина бўлмаса, қолганлар тушида ҳам кўрмасди. Ўша битта бой одамни ҳам бошқалар ёқтирмасди. Олис-олис манзилларга тикилиб-суқилиб қатнайдиганимиз – каттакон автобусларнинг бузилиб-бузилиб юришига кўникиб кетгандик. Шошмасдик, сабр қилардик. Чунки бундан бошқача бўлишини тасаввур этмасдик. Тан олайлик, агар бизнинг у йиллардан яхши хотираларимиз бўлса, улар ўзимизники, умримизнинг ёшлик фасли экани, ҳаётга завқ билан қараган чоғларимиз билан боғлиқ.

Бугун кўча тўла ҳар турдаги машиналарни кўриб нега шукур қилмайин?

Пахта теримида тўксон кунлаб ётиб пахта терган опамни кўргани икки мартагина бордик. Ўзи икки мартагина келиб бир кундан туриб кетди. Мактаб битирувчиси эди ўшанда. Бир гал борганимизда қанча йўл босиб ўтдик ҳамки, пахта далалари тугамайди. Мен – ёш бола, йўлни томоша қилиб кетаётгандим, шундай зерикдимки. Бугун далаларимиз марказнинг чексиз пахта плантацияларигина бўлиб қолмай, турли экинлар, мевалар етиштириладиган боғ-роғларга айланганини, боғларни ернинг чинакам эгалари – ўз деҳқонларимиз

парваришлаётганини, меҳнати самараларини ўз кўзи билан кўраётганини кўриб нега шукур қилмайин?

Кўлимга “Хамса” китобининг иттифоқ йилларида чоп этилган нусхасини оламан. Биринчи дoston ўн иккинчи бобдан бошланган. Қолган дostonлардан ҳам катта-катта боблар чоп этилмаган. Сабаби, у бобларда Оллоҳга ҳамд, пайғамбарларга наът келган эди. Дostonлар орасида ҳам Оллоҳ сифатлари, унинг жилвалари куйланган ўринлар кесиб олиб ташланган. Шу ахволда ўргандик биз Навоийни. Биргина шу китобмиди ана шу ҳолга солиб чоп этилган? Ҳамма мумтоз адабиёт намуналари шу пажмурда кўринишда эди. Мактабларда эса “Диний атеизм”дан зўр бериб дарс ўтиларди. Бугун Ҳазрат Навоийдан тортиб, биз ўқувчилик йилларида номини ҳам билмаган Аҳмад Яссавий, Сўфи Оллоёрлар китоби кўлимизда эканидан, уйларимиз тўрида муқаддас Қуръонни яширмай сақлаётганимиз, эркин ўқиётганимизни ўйлаб, масжидларимиз иймонли одамлар билан тўлалигини кўриб нега шукур қилмайин?

Ҳар қандай китоб бошида “Буюк Ленин”, “Коммунистик партия ғоялари”ни келтириш шарт бўлгани-чи? Йўкса у китоб дунё юзини кўролмасди. Тушунарсиз қоида ва низомларни ҳар қадамда ўқишга, “шонли сафлар”га кириш учун жуда кўп мантиксиз ғояларни ёдлашга тўғри келарди. Бугунги ёшларнинг бутун дунё бўйлаб истаган олий ўқув юртида ўқиётгани, ўз фарзандим ҳам олтига ўқув даргоҳига ўқишга кириб, охири яна Ўзбекистондагисини танлаганида нега шукур қилмайин?

Бугун бу эркин кунлар ҳақида жўшиб гапирганларга маломат қилгувчилар бор. Уларнинг шу маломатдан бошқа ҳеч корга ярамасликларини ҳам биламиз. Начора, беш қўл баробар эмас. Биз эса уларнинг кўнглидаги кирларни маломат қилиб ўтирмаймиз.

Мустақиллик, Сен менга жуда керак эдинг. Умримнинг гулгун даврини сен билан яшаганимдан, яшаётганимдан бахтиёрман. Мен қўллик учун яралмаганман. Менинг халқим ҳам. Кўлимдан нимаики кичик юмуш келса, сенинг мустаҳкамлигингга сарф этаман. Яна ҳали ўз айтар сўзларимни эркин, бемалол айтаман. Айтиб қоламан. Ўз тилимда. Гарчи истибдод тилимни ёмон бузган. Лекин мен барибир ўз тилимда айтаман. Умидимки, мени ҳам тингловчилар, ўқигувчилар бўлмай.

Шоира Ойдин Ҳожиева билиб айтган эди: “Истиқлол тарихнинг имтиҳонидир”.

Биз – бетақрор ўзбек халқи ўзликка қайтдик. Қадим ва асил, бағри бут ва тенгсиз ўзлигимиз, ўзлигимизнинг ўзимизники эканини исбот этгувчи табаррук байрам барчамизга қутлуғ бўлсин.

Серқирра иждод соҳиби



ЮСУФ
ҲАМДАМОВ

Шоир, публицист, таржимон Амиркул Карим адабиёт ва журналистиканинг сирли, шунингдек, ўта масъулиятли майдонига Аъзам Ўктам, Абдували Қутбиддин, Азиз Саид, Карим Баҳриев, Абдумажид Азимов, Салим Ашур, Берди Раҳмат сингари тенгдош иждодкорлар билан бир даврда кириб келди.

Мактаб партасидаёқ ниш ура бошлаган иждоди, айниқса, талабалик даврлари уни босқичма-босқич, катта-кичик иждод давраларига олиб кира бошлади. Иждодий давралар уни чиниктирди, обдон синади ва кўплаб ҳаётӣ сабоқлар берди.

Ўқишини Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) журналистика факультетидан бошлаган Амиркул Россиянинг Санкт-Петербург университети журналистика факультетида якунлади.

1985 йилнинг ёз фасли эди. Самимий, камгап, камсукум, миллий, рус, айниқса, жаҳон адабиётидан анча-мунча хабардор, рус, инглиз, форс тилларида бемалол мулоқот қила оладиган бўйчан, озғингина йигитча дастлаб ишини “Туркистон” (ҳозирги “Ёшлар овози”) газетасида мухбирликдан бошлади. У газетадаги тажрибали устозлар Карим Раҳимов, Муқаддас Абдусаматоваларнинг этагидан маҳкам тутиб, улардан мақола ёзиш сир-асрорларини қунт билан ўрганди. Ёш, ғайратли журналист тенгдошлари ҳаётига оид “теша тегмаган” мавзуларни топиб, қунт билан, қизиқарли ва оби-тобини келтириб ёзар, газетанинг деярли ҳар бир сониди унинг бир-бирини такрорламайдиган ажойиб мақолалари босилиб турарди.

Амиркул Каримнинг ҳаёти ва иждодида катта иждод мактаби сифатида шаклланган, жуда кўп мухлисларга эга – “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Ёш, интилувчан журналист бу ерда ҳам ўзининг долзарб, ҳали тилга олинмаган мавзулардаги мақолалари билан минглаб мухлислар эътиборини қозонди.

Сўнгра “Ёш куч” журналича икки йил (1990–1992 й.) бўлим бошлиғи бўлиб иш-

Юсуф ҲАМДАМОВ – филология фанлари номзоди, доцент. 1954 йилда туғилган. М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг журналистика факультетини таъмомлаган. Республика ва хориж матбуотларида журналистика назарияси муаммоларига оид кўплаб мақолалари босилган. “Замон ва мезон”, “Тараққиёт мезони” монографиялари чоп этилган.

лади. Бу ерда ҳам ўз ижод услуби шаклланиб келаётган ёш журналист маҳоратини ошириб, ўзининг долзарб, бир-биридан мазмунли мақолалари билан ўқувчиларини мамнун қилганини кўпчилик яхши эслайди.

Мамлакатимиз ўз сиёсий мустақиллигини қўлга киритгач, ёшлар учун ҳам ижод эшиклари кенг очила бошлади. Ҳар бир таҳририят, муҳарририятга билимли, серғайрат, ташаббускор, янгиликка интилувчан ёш журналистлар жуда зарур эди. Амиркул Каримни Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлигига ишга таклиф қилишди. Ҳар куни ахборот дегани қозондек қайнаб турадиган бу ташкилотда ишлаш шунчайки осон эмас эди. Ҳар бир кичик хабар учун ҳам зиммасига жуда катта масъулият ётадиган бир шароитда Амиркул Карим ўзининг ташкилотчилик, омилкорлик ҳамда бор иқтидорини намойиш этди. ЎзАнинг нозик жабҳаларидан ҳисобланмиш Халқаро ахборот таҳририяти бўлим мудир сифатида иборали қилиб айтганда, ёш журналист куч-ғайратини аямай, тер тўкиб ишлади, обдон пишди. Нафақат бўлим раҳбари, тажрибали халқаро журналист сифатида ҳам долзарб мавзулардаги бир-биридан қизиқарли, мақола, шарҳ, интервьюлари билан мухлисларга ўзини намоён эта олди.

Соҳа вакиллари яхши билишади, ҳар бир ходим, журналистдан журналистик ижоднинг ўзи жуда катта масъулият талаб этади. Ишхонадаги турли топшириқларни бажариш учун ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, 10–12 соат ҳам камлик қилади. Шундай шароитда, ҳалол, виждонан ишлаш кишидан қанча куч, вақт талаб қилишини бошидан ўтган одам билади. Амиркул Каримнинг қонида, дилида шириндан ҳам ширин бўлган ижод гулзорлари ифорида баҳраманд бўлиш ҳисси бор экан, шунча юмуш, ташвишлар билан бирга, энг нозик машаққатли меҳнат – шеър ёзишни ҳам бир зум унутмаганлигини унинг ижод намуналаридан билиб олса бўлади. Кўп кузатганман, шеърят кечалари, ижод оқшомлари, китобхонлар билан бўлган турли учрашувларда Амиркул ҳеч қачон давраларнинг тўрига ўзини урмаган, гали келиб, сўз берилганда ҳам ўзини доимгидек камтарона тутган ҳолда, ижод намуналаридан ўкиб, яхши олқишлар олган.

Амиркул Каримнинг “Шабнам тераётган куёш” шеърлар тўплами 2011 йил “Янги аср авлоди” нашриётида босилиб чикди. Шоирнинг шеърлари билан танишар экансиз, унинг йилдан-йилга шеърятнинг ўта нозик томонларини ҳис қилган ҳолда, ҳали кашф қилинмаган жиҳатлари устида ишлагани, шеърдан шеърга ўсиб борганлигининг гувоҳи бўласиз. Ҳали ўсмирлик чоғларида ёзган “Чорлов”, “Тунги таққос”, “Кузнинг илк тун”, “Оқшомги ҳолат” шеърларида ёшликнинг ажойиб дамлари, ошиқ қалбнинг соғинч изтироблари, Ватан, онага муҳаббат бирмунча содда, ёшига хос тарзда ифода этилган бўлса, ижодининг сермахсул даври бўлган кейинги йиллардаги шеърлари анча теран, жиддий, салмоқли ва мазмун-моҳияти билан алоҳида аҳамият касб этади.

У азалий, абадий мавзу ҳисобланган севги мавзусидаги бир шеърда шундай ёзади:

*Кўзларингиз қорасидан рангин йўлим,
Ким артади гул кўнглимнинг чангин, гулим?
Юрагингиз бунчалар тош – сангин гулим,
Ишқ кўзасин чил-чил вайрон этган Кулол –
Соҳибжамол, соҳибжамол, соҳибжамол.*

Амиркул Каримнинг мазкур тўпламидан жой олган шеърлар мавзу нуқтаи назаридан, мазмун-моҳияти билан ҳам анча ўзига хос, мағзи тўқ, чуқур фалсафий, ўқувчини ўйлашга, фикрлашга чорлайдиган шеърлардир. Бошқа иқтидорли шоирларники сингари унинг шеърларида ҳам бу ғанимат дунёда инсон-инсондан меҳрини дариг тутмаслиги, меҳр-оқибатли бўлиш энг олий хилқат эканлиги, чин муҳаббатни асраш, қадрлаш, инсоннинг бугдой нони бўлмаса ҳам бугдой сўзи бўлиши каби ғоялар чуқур самимият билан сингдирилганки, шеър билан танишган ҳар ўқувчи қалбида мудраб ётган ҳис-туйғулар қайта уйғониб, кўнглида илиқлик пайдо бўлиши, ҳаётга муҳаббат туйғулари қайта жўш уриши табиий.

Шоирнинг “Кўк қушлари”, “Тарихнинг узилган парчаси”, “Боқий атиргуллар”, “Басё юрти мўъжизалари”, “Идел мавжлари” назмий, насрий, таржима тўплamlари ҳам ўзининг мазмун-мундарижаси, ўзига хос услубда ёзилгани билан минглаб ўқувчилари, мухлислари эътиборини қозонган.

Амиркул Каримнинг ижодида ўта нозик, сермашаққат ижод турларидан бўлмиш бадий таржима ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Йиллар давомида ҳоҳ назмда, ҳоҳ насрда бўлсин, у бу соҳада жуда яхши натижаларга эришди. Таржимон В.Череванскийнинг “Амир Темур” тарихий қиссаси, Халқаро Нобель мукофоти совриндори Жон Стейнбекнинг “Жавоҳир” қиссаси, рус эстрадаси юлдузи, шоир Владимир Висоцкийнинг “Тақиқланган қўшиқлар” шеърлар тўплaмини моҳирона таржима қилди. У рус, украин, козoқ, туркман, тожик, татар, арман каби қардош халқлар, хитой, кубa, афғон, болгар каби жаҳон адиблари ижодларидан ҳам бир неча шеърӣй, насрий асарларни таржима қилиб, ўқувчиларига тўплам шаклида тақдим этди.

Назмда, ҳам насрда бирдек ижод қиладиган Амиркул Каримнинг “Тарихнинг узилган парчаси”, “Истиклол тарихидан лавҳалар”, “Амир Темур ўғитлари”, “Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ва журналистлари”, “Буюклик йўли”, китоблари ҳаммуаллифликда нашр этилган.

Амиркул Каримнинг ташкилотчилик, жамоатчилик ишлари борасида ҳам катта қобилият соҳиби эканлигини кўпчилик яхши билади. У мустақил Ўзбекистонимизда Миллий матбуот марказини ташкил қилишда бош-қош бўлди ва уни етти йил давомида моҳирона бошқарди.

Республика Халқаро “Олтин мерос” жамғармаси. Бу ташкилот ҳақида эшитмаган, билмаган одам кам бўлса керак. Мана 17 йилдирки, Амиркул Карим ана шу ташкилотни моҳирона бошқариб келмоқда ва ўтган йиллар давомида жамоа томонидан бой маданий тарихимизни асраб-авайлаш, уларнинг халқимиз, қолаверса, жаҳон жамоатчилик маънавий хазинасига айлантириш борасида самарали ишлар қилинди.

Ўзбекистон Ёзувчилари ва Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси Амиркул Карим бугун қутлуғ ёшини қаршиламоқда. Унинг ҳали катта-катта ижодий режалари, бир-биридан гўзал шеърлари, ёзилажак асарлари жуда кўп. Халқона тил билан айтганда, ҳали ҳам “товонидан ўт чатнайдиган” серқирра ижод соҳибига аввало, сихат-саломатлик, ижодий ва жамоатчилик ишларига янада барака тилаймиз.



Ochil TOHIR

Bo‘lsin bu sizga saboq

Zoologiya darsida

Mana bu sher, bunisi yo‘lbars,
Yonidagi suratda – qoplon.
Qo‘chqor! – senga aytyapman, bir pas,
Jim o‘tirgin, qilmay to‘polon.

“O‘quvchilar, bilingiz bo‘ri,
To‘qli! – Darsga xalaqit berma.
U dorisa chorvaning sho‘ri –
Qurir, hatto butun mol ferma.

Parrandalar shohini hech kim,
Bilmasligi, axir bu uyat!..
Shunqor, Lochin nega sizlar jim?
Qani, Burgutali o‘zing ayt...

Yovvoyimi yoki uy hayvon...
Bo‘riboy, Qo‘zijon tinch o‘tir,
Bo‘ysundirar barini inson,
Odam shunday har ishga qodir.

Xayollari chuvalib ketar,
Jaranglaydi qo‘ng‘iroq shu on.
Bir nimalar ko‘nglidan o‘tar,
Ustoz Yurar ekan eshikka tomon.

Ochil TOHIR – 1955 yilda tug‘ilgan. Toshkent davlat universitetining (hozirgi O‘zMU) jurnalistika fakultetini tamomlagan. Shoirning “Qarz”, “Sog‘inch sohili”, “Ko‘nglim bilan suhbat”, “Shaklsiz olam”, “Vaqt ushoqlari” to‘plamlari, bolalar uchun “Harflar jamlanmasi”, “G‘olib xuroz”, “Odobli bola” kitoblari chop etilgan.

Odobli bola

Bobojonim, bobojon,
Sizni yaxshi ko'raman.
Oldingizda doim men,
Odob saqlab turaman.

Chaqirsangiz, labbay deb,
Qoshingizga yelaman.
Shirin konfetlar berib,
Erkalaysiz bilaman.

Buyursangiz biron ish,
Men yalqovlik qilmayman.
Og'rir boshim yoki tish,
Sababin hech bilmayman.

Oyposhsha

– Oyi, dedi Oyposhsha,
Ushladim, mana, pashsha,
Shundan fil yasab bering,
Qilayin men tomosha.

– Sendan aylanay o'zim,
Iloji yo'qdir, qizim,
Buni eplolmas odam,
Bu onalik chin so'zim.

– Xo'sh, unda nega dadam,
Tushunmayman sira ham,
Pashshadan fil yasaydi,
Deydilar, sizni mudom.

Arazchi qiz

Buvijonim har doim,
Boqib menga muloyim,
Ohista sochim silab,
Derlar meni erkalab:
– Sen asal-novvotimsan,
Ko'nglimga quvvatimsan.
Osmonda oy-yulduzim,
Oppoq yorug' kunduzim.
Bog'imda gul-g'unchamsan,
Mening shirmoy kulchamsan.
– Rostmi, deb – buvim so'zi,
Oldimga qo'yib ko'zgu.

Uzoq boqib turdim men,
U yoq bu-yoq yurdim men.
Undan uzmay ko‘zimni,
Kuzatdim men o‘zimni.
Buvim sanab birma-bir,
Aytganin topmay axir,
O‘pkalab men oynadan,
Chiqib ketdim xonadan.

Bilag‘on Davron

Qafasdagi maymunga,
Yaqinroq borib Davron,
Tikilib turib unga,
Bo‘lganicha lol-hayron.

Der: boshdan-oyoq o‘zin,
Bo‘yabdi qizil rangga.
Zo‘rg‘a ilg‘aysiz ko‘zin,
G‘alati-ya, qarang-a...

Oyisi, deydi mayin –
– Boshqa maymun do‘stini,
Qo‘rqitay, deb aytayin,
Bo‘yagan-da po‘stini.

Ichga yutib damini,
– Tushundim, der so‘zingiz,
Qo‘rqitay deb dadamni
Bo‘yarkansiz yuzingiz.

Suhbat

Bolam, gaplarimga quloq os,
Odobsizlik qilmasang buncha.
Astagina menga aytsang bas,
Tiling bor-ku!
Qo‘ling cho‘zguncha?

– Oyi, aslo emasman tixir,
Uzatishga majburman qo‘lim.
Savatdagi mevaga axir,
Nima qilay, yetmasa tilim?

Oshqovoq

Oshqovoqjon oshqovoq,
Demasaman, hech bo‘sh qovoq.
Palaging tez o‘ssa ham,
Sen emassan beboshvoq.
Poliz ekini aro,

Qishda o'zingsan sara.
Sen-vitamin, darmonsan,
Yemaganga armonsan.
Bizga shifokor opa –
Yurakka eng zo'r davo.
Mag'zi bo'lgaydir shifo,
Urug'i ham bebaho.
O'tkir qilar ko'zingni,
Tetik qilar o'zingni.
Bo'lsin bu sizga saboq,
Ko'p yeng dedi, oshqovoq.
Shu bois, bizlar har yil,
Tomorqaga muttasil,
Qilmayin qoshu qovoq,
Ko'p ekamiz oshqovoq.

Rostgo'y

Men juda rostgo'y bola,
Demayman, amma, xola,
Qilsalar ham tavallo,
Baqiraman baralla.

Big'illab qolar ukam,
Uchar oyim kovushi.
Men quloqsiz "aka"ning
O'char birdan tovushi.

Tutun

Mo'rilar ko'kka
Puflar tunu kun,
Tom uzra tikka
Qad tiklar ustun.

Ha, shunday xayol,
Ko'nglimdan kechar.
Essami shamol,
Qorasi o'char.

Dovdir uloqcha

Erka tantiq uloqcha,
Kiyib yangi ko'ylakcha,
Ketayotsa oldidan,
Chiqdi tiniq buloqcha.

Oyna buloqqa boqib,
O'z aksin sanab raqib,
Bosolmayin jahlini,
Ketdi birdan tutaqib.

Ko'rsatib unga kuchin,
Adabin berish uchun,
Chirt yumgancha ko'zini,
Suvga otdi o'zini.

Dovdirligi berib pand,
Shoxchalari yedi lat.
O'ylamay qilingan ish,
Keltirar shunday tashvish.

Qat'iyat

Bo'lsa maqsad-muddao,
Qilmay, aslo, iddao,
Qo'lga olib o'zingni,
Isbotlasang so'zingni,
Senga ishonch oshgaydir,
Izingdan ergashgaydir,
Katta-kichik barcha yosh,
Bo'lgaydir senga safdosh.
Og'izda bo'lsa niyat,
Ko'rsatmasang qat'iyat,
Ko'kdan enib kelmas kuch,
Qolgan bari sarob-puch.

Ekinchi echki

(Nikolay Rubsovdan)

Echki paykal tomon jadal odimlar,
Ko'rib, unga tanbeh berdi odamlar:
Yaxshimas, bu ishing yurmagin sayoq,
Tag'in boshing uzra sinmasin tayoq!

Tek qotdi u, go'yo gap qilganday kor,
Ular uzoqlashgach quloqsiz, beor,
Unutdi-yu odamlarning so'zini,
Yana ekinzorga urdi o'zini.

Yong'oq

Ustoz deydi: – Har kuni
Unutmang, sizlar shuni.

Mayli quruq yoki ho'l,
Mevadan yenglar mo'l-mo'l.

Masalan: yong'oq, mayiz,
Foydalidir yuz foyiz.

Ko'ring, yong'oqning mag'zi,
Xuddi miyaning ramzi.

Shart emas, ta'rif, bayon,
Shaklidan bari ayon.

Soat

Tinim bilmas bir joyda,
Ko'zlamas aslo foyda,
Kapkirlari shaylangan,
Ammo ipsiz boylangan.

Sonlarni u birma-bir,
Sanab, aslo, tolmaydi.
Yugursa hamki g'ir-g'ir,
Joyidan qo'zg'olmaydi.

Harakat chaqqon, ravon,
Ammo, mo'l unda toqat.
Nima deb, bo'lmang hayron,
Uning nomidir soat.

Do'l

Qo'zichog'u uloqcha,
O'tlar edi dalada.
Donasi naq yong'oqcha,
Do'l yog'di tush pallada.

Yugurishdi panaga,
Hamma yer: suv, ko'l bo'ldi.
Yetguncha molxonaga,
Ustboshlari ho'l bo'ldi.

Tinish belgilar

Gaplarni siz daraklab,
Bir-bir o'qing varaqlab,
Ona tili kitobin,
Dildan tinglab xitobin.

Gapdan gapning farqi bor,
Ham naqli bor, sharhi bor.
Ularda qat'iy matlab,
Bir-biriga bermas chap.

Daraklasa darak gap,
So‘roqlasa so‘roq gap.
O‘tirmang deya, mudrab,
Undov gap turar undab.

Yozma, og‘zaki nutqda,
Gaplarni qilar puxta,
Urg‘u va ohangga xos,
Belgilar ham shunga mos.

Chumolining ko‘ziday,
Tomchi suvning iziday,
Tashlanmasa ham ko‘zga,
O‘rnin bosolmas o‘zga.

(.) Nuqta

Tanishtiray o‘zimni,
Tinglang mening so‘zimni:
Men (.) nuqtaman, nuqtaman,
Darak gapga no‘xtaman.

(?) So‘roq

Tug‘ilsa senda savol,
Murojaat qilsang, darhol.
So‘roq belgisi shu on,
O‘zin qilar namoyon.

(...) Uch nuqta

So‘zlararo aralab,
Sayqal berib saralab,
Munchoqday tizib ipga,
Uch nuqta qo‘ygum gapga.

(!) Undov

So‘zim undov va da‘vat,
Qo‘y deyman, dadil qadam.
Kimda bo‘lsa shijoat,
Bo‘lar doim peshqadam.

Остонагда бор менинг изим



Тилак ЖЎРА

* * *

Хайр энди. Сарғиш майсалар,
Қалбимдаги маъюс ҳаяжон.
Шабнам каби сўнган бўсалар,
Қорли кунлар бугун ҳукмрон.

Оппоқ бўлиб ястанмиш олам,
Кўринмайди заррача ғубор.
Бу оқликнинг момиқ бағридан,
Энди сизни тополмам зинҳор.

* * *

Хилватгина салқин хиёбон,
Намчилгина туманли кеча.
Сурма рангли, бўялган осмон,
Кўзларимга чўкмоқда аста.

Танҳогина – танҳомни излаб,
Ўйларимдай сўнгсиз кезаман.
Ёмғир каби ғамгин шивирлаб,
Туманлардай сарсон сузаман.

Кўзларимга кўринмайди ҳеч,
Тушда кўрган баҳорим менинг.
Ухлатмасдан қитиқлаб ҳар кеч
Имлаб қочган ашъорим менинг.

Алдансамда, дўстларим, шундай,
Туманларга бўлмасман тутқин.
Қуёш билан кезар юрагим,
Қуёш олиб қайтарман бир кун.

Тилак ЖЎРА – (1947–1994). Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Ижодкорнинг “Райҳон”, “Олам остонаси”, “Юлдузлар табассуми”, “Чорраҳадаги уй”, “Сандувоч”, “Руҳият” шеърий тўпламлари нашр этилган.

* * *

Кел, эй кўнгил, шаробдай куйил,
Қақраб қолган қақроқ лабимга.
Маст бўлайин, майлига, буткул,
Малҳам бўлсанг соғинч дардимга.

Туйғулардан кўзим қамашиб,
Узоқ йиллар куйладим ойни.
Илон каби ул ҳам чирмашиб,
Туйғулардай авради мени.

Ой ҳам бугун бегона менга,
Бегонадир осмон ҳам ахир.
Умидимдай суяндим тонгга,
Бу тонгларки, йилт этган шамшир.

Маст айларди шудгорнинг ҳиди,
Замин бугун димиқиб ётар.
Чигирткалар саси ҳам тинди,
Сукут юрагимга наштадай ботар.

Умр ўхшар эгик дарахтга,
Белни букар буюк бир соғинч.
Мен ҳушимда ўхшаб карахтга,
Тушларимда яшайман нотинч.

Шовуллаган сойни куйладим,
Оқиздирмас, хатто, соямни.
Мен ҳамиша бахтни ўйладим,
Чақмоқларга санчиб миямни.

Йўқ! Тугамас кўнгил сафари,
Бўлмаса ҳам армоннинг васли.
Бўл ҳаётнинг ғолиб аскари,
Қалбим сендан топдим тасалли!

Кел, эй кўнгил, шаробдай куйил,
Қақраб қолган қақроқ лабимга.
Маст бўлайин, майлига, буткул,
Малҳам бўлсанг соғинч дардимга.

* * *

Деразамдан сочилган нур,
Йўлларингга тўшалган
Сўнгги умидим.
Вужудимни чирмаган хаёл,
Сўнгги денгиздир
Кулимсираб қучоғинг очган.
Балки, менинг ўзим
Энг сўнгги сўздирман
Хаёлингдан кечган.

* * *

Бу элга ғам эмас, ёмғирлар ёғсин,
 Баҳор ёмғирлари, куз ёмғирлари,
 Севич ёмғирлари, ишонч ёмғирлари,
 Ёғсин-эй, майлига, соғинч ёмғирлари,
 Соғиниб-соғиниб келган бу элга,
 Суяниб-суриниб келган бу элга,
 Сўкилиб-соврилиб келган бу элга,
 Сукланиб-сарғайиб келган бу элга,
 Ёғсин-эй, майлига, кувончлар ёғсин.
 Борини бериб ҳам, бўҳтонлар олган,
 Зорини айтиб ҳам, зорланиб қолган,
 Сомондай сарғайиб, ҳар ён сочилиб,
 Тола-тола бўлиб, толиқиб-толган
 Бу элга кувончлар, ишончлар ёғсин.
 Бу қандай замондур, бу қандай даврон,
 Умрим, ўз ҳолингга ўзингсан ҳайрон,
 Не хатолар қилдинг, айтсангчи, ахир,
 Кўнгилда вайрондир, имонда вайрон.
 Сарғайган қамишдай, сарғайган гўдак,
 Сендан кадрлими бир дона кўсак?
 Дардим дарё бўлиб оқизмас мени,
 Елкамда кўтариб кетсам мен сени.
 Сени қандай асрай, кўзи қаролик,
 Қўлларим чўзарман, қўлларим боғлик,
 Бу дунё гумроҳдир, гумроҳ одамлар,
 Жилмайиб боқарлар, юраклар доғлиқ.
 Кўкликдан кўкармай, сарғайган соҳил,
 Уммонинг қайдадир, гумонинг қайда?
 Сени ҳам кул қилди, кул бўлган ҳосил,
 Тўфонинг қайда, ҳей, суронинг қайда?
 Оҳ, уриб, оҳимни, мен кимга айтай,
 Қани, у туш бўлса, жимгина ётай.
 Лек, руҳим тирмалиб, санчилар санчик,
 Қароғим қичқирса, мен қандай ётай.
 Бу элга ғам эмас, ёмғирлар ёғсин,
 Баҳор ёмғирлари, куз ёмғирлари.
 Баҳордай борлиқни кувончга қорсин,
 Ўзлик ёмғирлари, ўз ёмғирлари.

* * *

Дарёдай мавжланиб кечади умрим:
 Борлиғи, қайиғи, тўлқини билан.
 Сахродай ташналаб кечади умрим:
 Бўрони, армони, чақини билан.
 Мен кечиб ўтарман оқин дунёни,
 Дунё ранго-ранг ҳисларим билан.

* * *

Сузилармиш мастона кўзлар
Паймонаси тўлганда кўнгил.
Толе, менга неларни сўзлар,
Нималарни ваъда айлар ул.

Тизларимга кўнганча ҳилол,
Ўзга ишқдан айтар менга роз.
Деразамни чертдию шамол,
Ёлғиз ўзи айлади парвоз.

Менку ишқдан бўлай деб сармаст,
Ўз бахтимни излаб юрибман.
Ой, офтобни қилмадим ҳавас,
Остонангга бошим урибман.

Неча бора сўнди юлдузим,
Бир кулгунча бу қора кўзлар.
Остонагда бор менинг изим,
Ҳар тонг менга ишқимни сўзлар.

Мана, бугун қошимда ҳилол,
Ўз ишқидан ёниб сўзлайди.
Мени ёлғиз қолдирган шамол,
Остонангдан изим қувлайди.

Толе, менга неларни сўзлар,
Нималарни ваъда айлар ул.
Сизилармиш мастона кўзлар
Паймонаси тўлганда кўнгил.

* * *

Узоқ йиллар, кўп узоқ йиллар
Алдаб келдим ўзимни ўзим –
Меники деб, бу қизил гуллар,
Меники деб, ҳар айтган сўзим.

Тўғри, гуллар меники эрур,
Меникидур ҳар айтган сўзим.
Нима қилай, ахир, уларни
Ўзимники бўлмасам ўзим.

Ўзбекнинг улуғ таржимони



Мухайё
МИРСАИДОВА

Тун пардаси олам узра ўз чодирини ёйиб улгурди. Атроф зимистон. Бундай паллада кўпчилик аллақчон уйкуга кетиб улгурган. Кексалар, танасидаги қайсидир бир аъзоси оғриётган дардмандлар ва ижодкорларнинг кўзига эса уйқу инмайди.

Мана неча кунки Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, моҳир таржимон, Қодир Мирмуҳамедов ҳақидаги мақоламни нимадан бошлашни билолмайман. Аслида-ку айтиладиган фикрлар миямда ғужғон ўйнаяпти, лекин сўзни улар ижодидаги қайси асардан ёхуд қайси инсоний фазилатлари ҳақида ёзишдан бошлашни билолмаяпман. Келинг, сўзни Қодир аканинг обрў-эътиборлари ўша 1979 йилларда ҳам анча баланд бўлганидан бошлай қолай. Бу инсоннинг жамиятда тутган ўрни, қолаверса, одамлар орасидаги мавқеи сабабми қайсидир маънода менинг тақдирим ҳал бўлишида ҳам муҳим роль ўйнаган. Бундай дейишимга сабаб, Қодир аканинг сингиллари бизникига бир-неча бор совчи бўлиб келишларига ва ҳаттоки қайнотамнинг ўзлари ҳам маҳаллани аралаштиришларига қарамай отам бу оилага рад жавобини берганлар. Бундан мен ҳам хурсанд ҳолда ўқишимни давом эттириб юрганимда орадан уч-тўрт ой ўтиб Турғун амаким отамга:

– Нега яхши оиладан келган совчиларни қайтардинг. Улар яна келишади. Агар бу йигит Қодиржоннинг жияни бўлса ёмон бўлмайди. У билан биз неча йиллардан бери дўст бўлсак. Уни яхши билмаганимда қизингни бер, деб айтмасдим, – деб отамга ўз таъсирларини ўтказганлар. Шундан сўнг отам бу оилага мени узатганлар. Қодир Мирмуҳамедов турмуш ўртоғимнинг тоғалари эканлигидан негадир мен ҳам ғурурланганман. Чунки ҳали бола қалбимда “Шоҳ Салтан ҳақидаги эртақ” ғояси, яъни ёвузлик устидан

Мухайё МИРСАИДОВА – 1958 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетини битирган. Ижодкорнинг “Нур қай рангда чизилар”, “Рух илтижолари”, “Исмсиз мактуб”, “Саломатлик алифбоси”, “Ҳайрат кўприги” китоблари чоп этилган.

хамиша яхшилик ғолиб чиқиши онгимда мангуга сақланган бўлса, бу асар таржимони Қодир Мирмуҳамедов эканлигини анча аввалдан билардим.

Дейдиларки, инсоннинг тақдири у онанинг қорнида тўрт ойлик ҳомила бўлган пайтида ёзилар экан. Қодир тоға балки бир оиланинг бунёд бўлишига сабабчи бўлгандирлар, холос. Лекин фарзандлари ва набиралари учун умрларининг сўнгида ёзиб қолдирган қайдларида шундай сатрлар бор:

“Менинг падари бузрукворим – адам Мирқосим Мирмуҳаммад ўғли 1897 йилда таваллуд топган бўлиб, 1919 йилда энди 17 ёшга кирган менинг волидаи мухтарамам – ойим Ҳафизага уйланган. Уларнинг тўнгич фарзанди бўлмиш мен, яъни Қодир Мирқосим ўғли Мирмуҳамедов 1920 йил, 10 декабрда туғилибман. Мендан кейин туғилган икки укам болалигида вафот этишди. Улардан кейин 1932 йилда синглим Зарифа дунёга келди. У Муҳаммаджон куёвимиз билан турмуш қуриб, тўрт ўғил ва тўрт қизга она бўлди...”

Қодир ака тилга олган Зарифа ая менинг қайнонам бўладилар. Зарифа аянинг бош фарзандлари Раҳимжон менинг турмуш ўртоғим. Қайнонам ҳар йили 9 май – Иккинчи жаҳон урушида ғалаба қозонилган кун биз келинларни укаларининг Қибрайдаги ҳовлиларига меҳмонга олиб борар эдилар. Шундай меҳмондорчиликлардан бирида мен журналистлигимга бориб:

– Тоға, уруш йилларида жуда кўп заҳмат чеккан бўлсангиз керак-а? Балки у кунларни қайта ёдга олишни истамасангиз, майли, гапирманг, лекин...

– Ҳа, чиндан ҳам жаҳон тарихидаги энг даҳшатли қирғинбарот кунларни кўришни ҳеч кимга раво кўрмайман. Биз минамётчилар минамёт бўлакларини орқалаб окоплардан ўтар эканмиз қанчадан-қанча қуролдош дўстларимизнинг немис снайпери ўкига учиб, қонга беланганини кўрганмиз. Айниқса, асир тушганимизда йўл-йўлакай кечаси манзил қурган ерларимизда эрталаблари туришга мажоли қолмаган, йўлда кета туриб оқсоқлай бошлаган, силласи қуриган асирлар ваҳшиёна, шафқатсизларча отиб ташланаверарди. Ҳар куни эллиқдан ортиқ жасадларни ҳовлига олиб чиқишар ва худди саржиндек тахлаб қўярдилар. Кун совуқ бўлганидан чўп-устихон бўлган мурдалар сасимасди. Уларни аравага худди ўтин ортгандай қалаштириб ортиб кейин хандаққа обориб қўмардилар.

Улар шу ҳикояларни айта туриб мижжалари ёшга тўлар эди. Шунда қайнонам гапни бошқа томонга буриб, фарзандлари, набиралари ютуқларидан сўзлаб кетардилар. Қодир тоғам ҳам мени унча-мунча шеърлар ёзиб турганимдан хабардор бўлганлари учунми:

– Қалай, янги ижодлар бўляптими? – деб сўрар, мен жим турганимдан ҳозирча ёзолмаётганимни сезиб, хижолатга қўймаслик учун “Ҳали бир давр келади қатор-қатор китобларингиз чиқади. Ҳозирча шу тўртта болангизни катта қилиб олинг”, деб қўярдилар.

Уруш йилларида қанча-қанча миллат вакиллари қатори рус йигитлари билан ҳам доимий ҳамсухбат бўлиш натижасида Қодир Мирмуҳаммедов рус тилини яхши ўзлаштириб, эркин сўзлаша оладиган бўлибдилар. Чунки

у киши ўқиган мактабда ҳали рус тилидан яхши сабоқ берилмаган эди-да. Кейинчалик рус тилидан ўзбек тилига ўгирган асарлари ўз мукамаллиги билан қанча адабиётшунос олимларни лол қолдиради, деб ким ўйлабди дейсиз. Қодир Мирмуҳамедов таржима қилган Т.Шевченконинг “Танланган асарлар”и (2-том), “Княгина”, И.Тургеневнинг “Овчининг мактублари”, О.Бальзакнинг “Евгения Гранде”, А.Пушкиннинг “Ҳикоялар ва қиссалар”, М.Булгаковнинг “Уста ва Маргарита”, Ҳомернинг “Илиада”, А.Конан Дойлнинг “Баскервиллар ити”, В.Короленконинг “Кўр музикачи”, “Хўрланган болалар қиссаси”, Д.Фонвизин “Думбил бойвачча”, Ж.Бокачонинг “Декамерон” ва ҳоказо кўплаб асарлар ўзбек адабиётининг мулкига айланди.

Ҳа, дарвоқе адабиёт оламида оламшумул воқеа бўлган “Декамерон” асари 1979 йилда Ғафур Ғулом нашриётида чоп этилган эди. Чунки буни мен яхши эслайман, 1979 йил 25 октябрь тўйимиз бўлган куни турмуш ўртоғим қўлимга шу асарни тутқазиб, “Мана, янги нашрдан чиққан “Декамерон” асари, буни тоғам таржима қилганлар.Вақт топсангиз ўқиб чиқарсиз”, деб фахр билан берганлари ҳамон эсимда. Билишимча, Бокаччо итальян насрининг асосчиси, ўз замонаси ҳаётини мохирона тасвирлаб, ижодда реализмни мустаҳкамлаган ижодкор. У “Декамерон”да феодал тузум хўжаларининг ифлос ахлоқини очиб ташлашга журъат эта олган. Бутун Европага ҳукм ўтказган Рим католик черковини ижодкор фисқ-фасод уяси, риё маскани, деб таърифлаган.

Италян адиби бу асарни Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган ҳикоя ва афсоналар замирида бунёд этган. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, асардаги юзта ҳикоядан 87 тасининг сюжетини ёзувчи бевосита Шарқ адабиёти ва фольклоридан олган. Бокаччо асарни ёзишда “Минг бир кеча”, “Калила ва Димна”, “Сабъаи сайёр” каби асарлардаги шарқона композицион усулдан фойдаланган. Яъни у қолипловчи ҳикоя ичида ҳикоя айтиш усулини қўллаган.

“Декамерон”даги кўп ҳикояларда романтик руҳ ҳукмронлик қилади. Шарқ ва ғарб руҳи, адабий анъаналарини ўзида акс эттирган шу асарни таржима қилишда Қодир акадан табиийки Алишер Навоий асарларини мукамал билиши талаб этилар эди. Хайриятки, бу борада таржимонга омад кулиб боқади. Унга домласи Ҳамид Сулаймонов пухта билим бергани қўл келади. Қодир Мирмуҳамедов жаҳон адабиётининг қайси дурдона асарини таржима қилишни бошламасин, энг аввало, ўз билим ва маҳорати шу асарни таржима қилишига етиш-етмаслигини, тўғрироғи, ўзини “имтиҳон” қилишни, устозлардан сўраб-суриштиришни канда қилмаган. Биз бу ҳолатни Ҳомернинг “Илиада” достони мисолида ҳам айтишимиз мумкин. Бизга маълумки, жаҳон адабиётининг дурдонаси бўлмиш “Илиада” салобатли шеърый система – ҳекзometr вазнида ёзилган ниҳоятда мураккаб асар. Бу ҳақда таржимоннинг ўзи шундай ёзади:

“1972 йилдан бошлаб мен жуда йирик асар Ҳомернинг “Илиада”сини таржима қилишга уриниб кўрмоқчи бўлдим. Антик адабиётга қизиқишни менда эъзозли устозим, профессор Ҳамид Сулаймонов уйғотган эди. Олди-

нига мен антик дунё – юнон адабиёти ҳақида анча-мунча илмий китоблар билан танишиб чикдим. Танишганим сари бу адабиётга қизиқишим ва меҳрим ортиб бораверди. “Илиада” ҳекзометр (Олти туроқли сатр) вазнида ёзилган эди. Мен бу дostonни таржима қилишда 17 ҳижоли, 4 туроқли вазни танладим. Бу вазн рус таржимони Гнедич танлаган ҳекзометр вазнига оҳангдош эди. Энди мен ана шу бир парча (53 сатр) таржимамни, албатта йирик шоирларимиздан биронтасига кўрсатишим, маслаҳат сўрашим керак эди. Кимга кўрсатай? Ўйлаб-ўйлаб олижаноб инсон, шоир Асқад Мухторни танладим. Ўша пайтда у “Гулистон” журналининг Бош муҳаррири эди...”

Қодир Мирмуҳамедов “Илиада” достони устида ўн йилдан зиёд вақт мобайнида тер тўкиб ишлади. Бироқ, китоб 1984 йилда тайёр бўлса-да, режага киритилиб, босилиб чиққунча тўрт йил нашриёт папкасида чанг босиб ётди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси таржима секциясининг раҳбари Асқад Мухторнинг сазй-ҳаракати билан 1988 йилда 30 босма табокдан иборат бўлган бу йирик асар Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида босмадан чиқди. “Илиада” каби асарни таржима қилиш аслида шоир бўлмаган одам учун қанчалар машаққатли бўлганини тасаввур қилишнинг ўзи инсон боласини даҳшатга солади. Бунинг учун қанчадан-қанча уйқусиз тунлар, сабр-тоқат, меҳнат... сарфланганини айтмасак ҳам тушунарли. Бу вақт оралиғида оиласи моддий жиҳатдан қийналиб қолмаслиги учун ижодкор журналларга кичик-кичик ҳикоялар ва радио учун радиопостановкаларни ҳам таржима қилди. Кейинчалик ҳам у бу ижодий фаолиятини тўхтатгани йўқ. Айниқса, “Жаҳон адабиёти” журнали учун қилган элликдан ортиқ дурдона асарларни алоҳида эътироф этиш лозим. Шу сабабли бўлса керак 1994 йилда “Жаҳон адабиёти” журнаliga раҳбарлик қилган Озод Шарафиддинов шу журналга ишга таклиф қилганлар. Бироқ бу пайтда Қодир ака анча кексайган ва шаҳардан анча узоқда, Қибрайда истиқомат қилаётганлари учун рад жавобини берганлар.

Қодир Мирмуҳамедов ёрдам сўраб келган ёш ижодкорларга “Сўзни ниҳоятда нозик ҳис қилиб, сўзни сўз билан эмас, маънони маъно билан таржима қилиш, воқеа қайси замонда рўй бераётганлигини унутмаслик, сўздан тежаб-тергаб фойдаланишни ўрганиш” ҳақида куйиниб айтар эди. Агар асар ношуд таржимон қўлига тушиб қолса ёзувчининг шунча йиллик меҳнати сувга оқиб кетгани билан баробар”, деб баҳолар эди. Қодир Мирмуҳамедов умри давомида ўзи ҳам шу ақидага риоя этиб фарзандлари ва невараларини ҳам ҳалолликка ундаб келди. У кўп ташкилотларда раҳбар лавозимида ишлаган бўлса ҳам, ундаги меҳнатсеварлик, қунт ва чидам ишдан сўнг сеvimли иши – таржимонлик билан шуғулланишига тўсқинлик қила олмади. У ҳаётининг дастлабки йилларида рафиқаси Амина ая билан бир хонали уй ва ундаги озгина жиҳозлар билан турмушини бошлаган эди. Кейинчалик ҳалол меҳнати ва “Эр-хотин – қўш хўкиз” мақолига амал қилиб аҳилликда уч хонали уйга, ундан сўнг катта ҳовлига эга бўлиб, олтита фарзандни уйли-жойли қилиб, ота-оналик бурчини ҳам аъло даражада удалашди. Қодир ака Мирмуҳамедов ижод билан шуғулланганларида бутун

оила масъулияти, фарзандлар тарбиясини кўнгилдагидек олиб борган мунис ва мушфиқа аёл – Амина опа уларга ҳар томонлама кўмакдош, мададкор бўла олди.

Қодир Мирмуҳамедов романлар, драма, киносценарий, қисса ва ҳикояларни ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилиб, ўзбек тилининг қанчадан-қанча бой имкониятларини юзага чиқармади дейсиз. У узоқ йиллик таржимонлик фаолиятида катта ютуқларга эришди, кўп мақтовларни эшитди. Ҳукуматимиз унинг камтарона меҳнатини “Ўзбекистон Республикасининг санъат арбоби” ва “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” деган фахрий унвон билан тақдирлади.

Қодир Мирмуҳамедов биргина “Бил” сўзининг ўзагидан 189 та сўз яшаш мумкинлигини айтган эди. Агар ҳозир устозимиз ҳаёт бўлганларида Давлатимиз раҳбарининг ўзбек тили нуфузини ошириш мақсадида чиқараётган қароридан беҳад мамнун бўлар эдилар.

Қодир ака (тоғамизни) кўргани сўнгги бор борганимизда улар оила шажараси ҳақида китоб ёзмоқчи эканликларини айтган эдилар. Шу нарса эсимга тушиб, у кишининг сеvimли қизи Раъно опа (бош фарзанд) билан суҳбатлашдим. Тўғри, ота-она учун ҳамма фарзандлар ҳам бирдек азиз, сеvimли ва қадрли. Лекин, ота-она қариб, кучдан қолганда уларга суянгувчи тоғ бўлолган, қиз эмас ўғил ўрнини ўтай олган ва уларнинг қанчадан-қанча дуоларини олган фарзанд ҳақида “сеvimли” сўзини бемалол қўллаш мумкин, деб ўйлайман. Зеро, Қодир Мирмуҳамедовнинг ўз фарзандлари учун қолдирган қимматли манба – “Кўрган-кечирганларим” деб номланган қўлёзмаларида Раъно опа ва уларнинг фарзанди Пўлатжон ҳақида жуда илиқ фикрлар ёзган экан.

Қодир ака бош фарзанд, сеvimли умр йўлдош, меҳрибон ота сифатида ўз бурчини тўлақонли адо эта олди. Болалигида, уруш йилларида ва ундан кейинги йилларда неча-неча ўлимларни доғда қолдирган Қодир акага узоқ умр кўриш, фарзандлар ва набиралар, эваралар кўриш насиб этди. Адабиёт ихлосмандлари уларнинг таржимонлик маҳоратларига тан берди. Қодир Мирмуҳамедов то вафот этгунга қадар ижодий фаолиятини тўхтатгани йўқ. Бу асарлар ҳали узоқ йиллар давомида халқ маънавиятини бойитишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Адабий ҳаёт

* * *

5 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 29 йиллигига бағишлаб ижодкорлар ўртасида ўтказилган "Энг улуғ, энг азиз" кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи якунланди.

* * *

16 сентябрь. Халқаро озон қатламини ҳимоя қилиш кунига бағишлаб ўтказилаётган “ОЗОН – ҲАЁТ УЧУН!” онлайн танлов эълон қилинди.

* * *

14 сентябрь. Туркиянинг Истанбул шаҳрида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира Наргиза Асадованинг "Müjde" ("Хушхабар") номли шеърий китоби чоп этилди. Китоб Ўзтүркчу ва Емине Бакар таржимаси асосида тайёрланган.

* * *

15 сентябрь. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “Пандемия ва ахборот-кутубхона соҳаси фаолияти” мавзусида онлайн анжуман ташкил этилди. Мазкур анжуманга Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлик қилди. Ёзувчи-шоирлар, соҳа ходимлари иштирокидаги ушбу тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва унинг тизимидаги 200 та кутубхонага 70 номдаги 40 мингга яқин янги китоб беғараз тақдим этилди.

* * *

16 сентябрь. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Қашқадарё вилояти бўлими ҳамкорлигида “Зумрад воҳа насимлари” деб номланган икки жилдли янги тўплам чоп этилди. Унинг илк тақдимотлари Абдулла Орипов номидаги ижод мактаби ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги биносида бўлиб ўтди. "Насаф" нашриётида чоп этилган ушбу тўпламнинг назм, наср жилдида воҳада туғилиб вояга етган ва бугунги кунда ижод қилаётган ёзувчи-шоирлар, адабиётшунослар ҳамда журналистлар ижодидан намуналар берилди.

* * *

18 сентябрь. Адиблар хиёбонида “Халқ юраги” номли ҳужжатли фильм намоиши бўлиб ўтди. Мазкур фильм хиёбон ва унда ҳайкаллари ўрнатилган ёзувчи-шоирларнинг ижод йўллари ҳақида ҳикоя қилади.

“Ўзбеккино” миллий агентлиги томонидан “Cinema Days – 2020” кино кунлари доирасида ташкил этилган ушбу тадбирда ёзувчи-шоирлар, киношунослар, адаби-

ётшунослар, ёш ижодкорлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари ишти-
рок этдилар.

* * *

20 сентябрь. Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси ва "Ижод" жамоат фонди
ҳомийлигида "Сўз чамани" рукни остида чоп этилаётган туркум китобларнинг
бири Ҳазрат Алишер Навоий ғазалларидан тузилиб, чоп этилди. Китобда кўхна
туркий-ўзбек ёзувининг "алиф"идан бошлаб "ё"сига қадар, барча ҳарфларига оид
сараланган шеърлари ўрин олган.

* * *

21 сентябрь. Сўз чамани туркум китоблари доирасида Мавлоно Лутфий
(XIV–XV асрлар) шеърлари асосида тузилган янги рисола нашрдан чиқди. Мавло-
но Лутфий ижоди туркий-ўзбек мумтоз адабиётининг сардафтарларидан биридир.
Алишер Навоий ўз асарларида Мавлонони Шарқ шеърятининг Фирдавсий, Ни-
зомий, Саъдий каби буюк сўз устозлари қаторига қўйиб, у зотга юксак баҳо бер-
ганлар. Шеърларни саралашда марҳум олим Содир Эркинов наشري нусхаларидан
истифода этилди.

* * *

22 сентябрь. Адиблар хиёбонида "Сўз чамани" рукни остида чоп этилган
"Lutfiy", "Shayxzoda Atoyi", "Alisher Navoiy", "Fuzuliy", "Mashrab", "Maxtumquli"
каби мумтоз адиблар ижодидан иборат китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

* * *

23 сентябрь. Халқаро Чингиз Айтматов академиясининг академиги, таниқли
ёзувчи Нурали Қобулнинг ўқувчилар қўлига кетма-кет етиб борган уч китоби "Су-
кут суиқасди ёҳуд Сталиндан Саддамгача", "Суиқасдан сўнгги сукут ёҳуд Чингиз-
хондан Черчиллгача" ва "Тавқи лаънат тамғаси ёҳуд Турмендан Трамбу Таракийдан
Туркманбошигача" роман-памфлетлари адабиётимизда шу жанрдаги яхлит асарлар
бўлди.

"Сукут суиқасди ёҳуд Сталиндан Саддамгача" асарининг жаҳон интернет
тармоқларида эълон қилиниши туфайли китоб миллионлаб ўқувчиларга етиб бор-
ди.

Шунингдек, муаллифнинг Турону Хуросонда ҳукм сурган темурийлар салта-
натига бағишланган кўп жилдли "Темурийлар" эпопеясининг ўн биринчи, ўн ик-
кинчи ва ўн учинчи "Султон қаршисида шайтон", "Аросат ва фалокат", "Шайтон
шамшири" китоблари ҳам нашрдан чиқди.

МУНДАРИЖА	
БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР	
ЭЛБЕК. Қайғу юрагимга тўладур.	4
НАСР	
Ашурали ЖЎРАЕВ. Юрагимда бир куш йиғлайди.....	8
НАЗМ	
Ўткир РАҲМАТ. Залворли юкдаин беради садо.	17
Гулноз МЎМИНОВА. Баргларга мунчокдай ёғар фароғат	23
НАСР	
Исҳоқ ИСМОИЛОВ. Вақт туйнуғи	27
Ёмғирли кун	31
НАЗМ	
Гавҳар ИБОДУЛЛАЕВА. Бодраб ётар кўксимда соғинч ...	36
ТАФАККУР ТОМЧИЛАРИ	
Тўлқин МУҲИДДИН. Адашмай десанг – кўп тингла ...	40
ТЕРАН ТОМИРЛАР	
Адҳамбек АЛИМБЕКОВ. Анор муаллим.....	44
НАЗМ	
Манзар АБДУЛҲАЙР. Замин узра айланар фалак.	49
Шоди ОТАМУРОД. Олисдан соғиниб исмингиз айтдим.	53
АДАБИЁТШУНОСЛИК	
Муяссар ИБРОҲИМОВА. Фано ва бақо орасидаги дор.	57
Гулноз ЭРНАЗАРОВА. Медитатив лирика ва “ҳол”.	60
БУ БЎСТОН САҲНИДА	
Дилором ЭРҒАШЕВА. Санга ҳар лаҳза кўз нам бўлса ҳам оз.	64
НАСР	
Хуршид ДЎСТМУҲАММАД. Ўйин.	
<i>Давоми. Бошланиши ўтган сонда. ..</i>	
“ШАРҚ ЮЛДУЗИ” ЖУРНАЛИНИНГ	
90 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН	
НОРҚОБИЛ ЖАЛИЛ. Миллат ойнаси бу.	141
БЎЛОҚ КЎЗ ОЧДИ	
Раҳмат БОБОЖОНОВ. Қайси баҳорларга алмашдинг мени. ...	145
ВАТАНИМ МАНИМ	
ЖОНТЕМИР. Мустақиллик сўзи эмас,	
мустақиллик туйғуси муҳим .	149
Маъмура Зоҳидова. Истиқлол тарихнинг имтихонидир	152
ЭЪТИРОФ	
Юсуф ҲАМДАМОВ. Серқирра ижод соҳиб.	155
BOLALAR DUNYOSI	
Ochil TONIR. Bo'lsin sizga saboq.....	158
УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ	
Тилак ЖЎРА . Остонамда бор менинг изим.	165
ЯХШИЛАР ЁДИ.	
Муҳайё МИРСАИДОВА. Ўзбекнинг улуғ таржимони.	163
Адабий ҳаёт.	174

Шарқ юлдузи

2020

9-сон

Муассис:

**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ**

* Муаллифлар фикри таҳририят ижодий жамоаси нуктаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятта юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 «Ўзбек адабиёти» иxtисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

* Журналга обунда даврий нашрларни етказиб бериш билан шугулланувчи барча ташкилотлар орқали амалга оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзилимиз:

100066, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўча, Адиллар хиёбони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси.

Телефонлар:

231-23-65, 231-23-66, 231-23-68

www.sharqyulduzi.uz

e-mail: sharqyulduzi@mail.ru

sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди:

26.03.2021

Қоғоз бичими 70x108 1/16
Офсет босма усулида офсет қоғозда босилди. Босма табоғи 11,0.

Шартли босма табоғи 15,4.

Нашриёт ҳисоб табоғи 17,2.

Адади 1860 нусха.

Буюртма №1

Эслатма: Журнал пандемия шароитида танаффуслар билан чоп этилганини эътиборга олиб, маълумотлар аниқлигини текшириш учун журналнинг босмаҳонага топширилган санасига қаралсин.

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 05.02.2016 й. 0562-рақам билан рўйхатга олинган. “NAKIMA NASHR GROUP” МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ифтихор кўчаси, 117-уй 19-хонадон

Журнал ойда бир марта чоп этилади.

Мусахҳиҳлар:

*Дилфуза Маҳмудова
Моҳира Ҳусанова*

Саҳифаловчи-дизайнер:

Муҳаммадсодиқ Сайфуллаев

Copyright © «Шарқ юлдузи»